

Иброҳим Ҳаққулов

**ШЕЪРИЯТ  
•РУҲИЙ  
МУНОСАБАТ**

*Адабиёт-танқидий мақолалар*

Тошкент  
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти  
1990

83.3(2)1  
X 40

**Ҳаққулов, Иброҳим.**

**Шеърят — руҳий муносабат: Адабий-танқидий мақо-  
лалар. —Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990.—240 б.**

Истеъдодли олим Иброҳим Ҳаққуловнинг мазкур китобига классик адабиётимизнинг энг долзарб масалалари — бадиният, ижод-да шоир шахси, комил инсон ва руҳ эркинлиги ҳақидаги янги из-лавишлари киритилди. Муаллиф асосий эътиборини янгича тадқиқ ва талқин усули, мушоҳада юритиш назмига бўйсундирган.

**Поэзия — духовное отношение: Литературно-критиче-  
ские статьи.**

**ББК 83.3(2)1**

X  $\frac{4603010000-051}{M 352 (04) - 90}$  97-90

© Гафур Гулом номидаги Ада-  
биёт ва санъат нашриёти,  
1990 й.

ISBN 5-635-00243-9



## АҲМАД ЯССАВИЙ

*Нафс ила дунёга дил берган фосиқлар сиз бу кун,  
Яссавий хок пойидан айлаб олинг тумморлар.*

Абдулла Орипов

Аҳмад Яссавий туркий тасаввуф шеъриятининг атоқли вакили. У «Девони ҳикмат» асари билан жаҳоннинг бир неча мамлакатларида маълум ва машҳур бўлган. Бобораҳим Машраб газалларидан бирида «Руҳи жоним аршга етди мен ўзим осмониман», деган эди. Шу маънода Яссавий Машрабга ўхшаш шоирларнинг раҳнамоларидан, юсак Руҳ донишманди, унинг руҳий олами мураккаб ва зиддиятли бўлиб, булар ижодиётида бутун теранлиги билан акс этгандир. Мана шунинг учун Яссавий ҳикматлари ўқувчиларга ҳар хил таъсир кўрсатади, ҳар кимда ўзича мулоҳазалар уйғотади. Шунинг ҳам унутмайликки, ҳар қандай ижодкорнинг тажрибалари ҳам баҳс ва мунозараларга имкон очавермайди. Бу — улкан истеъодларгагина хос хусусиятдир.

Яссавийнинг туғилган йили аниқ маълум эмас. Лекин илмий адабиётларда вафоти 1166—1167 йиллар деб кўрсатилади. У Сайрамда таваллуд топган. Кейинчалик шоир туғилган жой «ул муборак Туркистондин», деб таърифланган. Отаси Шайх Иброҳимдан етти ёшида етим қолган. Илк таҳсилни Ясида машҳур турк машойихи Арслонбобдан олган. Бу ҳақида ҳикматларда маълумотлар берилган. Арслон боб вафотидан сўнг у таҳсилни Бухорода Юсуф Ҳамадовий қўлида давом эттирган.

Яссавий халқ бошига кўп қийинчилик ва мусибатлар ёғдирилган даврларда яшаб, ижод қилди. У турк ҳукмронлари — қорахонийлар билан қорахитойлар ўртасидаги урушлар ва уларнинг даҳшатли оқибатларини кўрган, шеърларида бу фожияларга муносабатларини билдирган. «Нокас, хасис, бедийнат» золимлар ҳоким бўлган жамиятдаги шафқатсизлик ва маънавий айнишлар баҳсида Яссавий ҳикматларидан бирида мана шундай деган:

На оиёда раҳм қолди, на отода,  
Ого, ики бир-бирига можарода.  
Мусузмонлар даъво қилур, ичар бода,  
Мастлиг билан қариндошдин тонди, кўрунг.

«Ўзбекистон ССР тарихи»да (I том, 1970 йил) қайд этилганидек, «Аҳмад Яссавийнинг дунёқараши унинг «Ҳикмат» асарида баён қилинган. «Ҳикмат» туркий адабиётнинг ноёб ёдгорликларидан бири бўлиб, муаллифнинг ислом дини, калом фалсафаси ва тасаввуф билан эмас, балки ўша давр ижтимоий тартиблари, деҳқонлар, чорвадорлар ва ҳунармандларнинг ҳаётини жуда яхши билганлигидан далolat беради».

Яссавийнинг дунёга назари, бизнинг давр кишилариникига нисбатан бошқача шаклланган. Шоирнинг ишқ, ҳақиқат, адолат, қаноат, диёнат сингари масалаларга ёндашиши ўзгача йўналишларда кечганлиги ҳам шубҳасиз. У ўз даври фарзанди сифатида ислом дини кўрсатмалари

ва исломий ақидаларга таянган. Буни унинг ўзи ҳам эътироф қилган. Шоир ҳикматларидан бирида бундай сатрларни ўқиймиз:

Хушламойдур олимлар бизни ойгон туркини,  
Орифлардин эшитсанг, очар кўнгул мулкини.  
Оят, ҳадис, маъноси турки бўлса мувофиқ,  
Маънисига етганлар, ерга қўяр бўркини.

Яссавий албатта «оят, ҳадис» мазмунларини арабчадан шундоққина ўзлаштира қолмаган. Ғоявий, ахлоқий, фалсафий мақсадлар юзасидан ўрни-ўрни билан уларга мурожаат этган ва улардан фойдаланган. Дин ҳоким жамият ва даврлар учун бу табиий ҳодиса деб қаралиши керак. Бундан ташқари, араб тили — ҳукмрон ва нуфузли тил деб ҳисобланган замонларда миллий тилда ижод қилишнинг ўзи ҳам прогрессив интилиш эди. Машҳур рус олими А. Н. Самойлович Яссавий ҳикматлари ва Бурҳониддин Рабғузий асарини четлаб эски ўзбек тили ҳамда унда яратилган бадиий асарларга муносабатда бўлмоғи мушкуллигини таъкидлаганди. «Девони Ҳикмат» нинг қачон ва ким томонидан тузилгани аниқ эмас. Энг қадимги қўлёзмалар ун еттинчи асрга мансуб. Муаллифлари вафотидан неча юз йил кейин шеърлари халқ оғзидан ёзиб олиниб, китоблари тикланиб, ўқиб, ўрганилган шоирлар бўлганлиги кўпчиликка аён. Жуда қадимий бўлмаса-да, Яссавий ҳикматларининг қўлёзмалари сақланган. Ҳикматлар инқилобгача Қозон ва Тошкентда бир неча маротаба нашр этилган. Йўқни бор қилиш чорасизлиги кўндаланг турганда, борни йўқ қилишга асло ён берилмагани маъқул. Аммо бу гап шунчаки мероспарастлик мазмунида англамаслиги керак. Яссавийга нисбат берилган шеърларнинг барчасини жамлаб, илмий таҳлил орқали объектив баҳолаб, янги давр ўқувчисининг мафкурасидан ўрин оладиган жиҳатларини кўрсатиб, оммага етказиш адабиётшуносликнинг бурчи. Унинг ҳикматлари,

«ўзбек тили тарихида қадимги ёзма обидалардан бири сифатида аҳамиятга» эгаллигини инкор этиб бўлмайди.

Ф. Энгельс «Феодализмга қарши инқилобий оппозиция бутун ўрта асрлар бўйлаб ўтади. Давр шароитига қараб, у гоҳ мистика, гоҳ ошкора иштибоҳ, гоҳ қуролли кўзғолон кўрянишида майдонга чиқади», деб кўрсатма берган эди. Аҳмад Яссавий ижодиётининг маъзани исён-корона мистик мазмунлар ташкил қилади. У беҳудага «Ғарқоб бўлиб исён ичра қолдим мано», демаган. Унинг исёни — Ипсон ботинидаги исён. Бертран Расселнинг «Мистицизм ва мантиқ» мақоласида ёзилишича, дунёни мистик тарзда идрок этишда донишмандликнинг шундай бир унсури мавжудки, унга бошқа восита билан эришиб бўлмайди. Мана шу «донишмандлик унсури» «Худо олий ҳақиқат. Унда ҳамма-ҳаммаси мукамал, мусаффо ва гўзал. Унинг адолати парчаланмас. Қарашлари зиддиятсиз» дегандай мантиқларни ақс эттирган. Мистик шоирларнинг ғоявий йўллари, шартли равишда, вужуди мутлақ билан «суҳбат» йўли деб аташ мумкин. Чунки уларнинг бутун диққат-этиборлари муқаддас Руҳга қаратилган. Улар фақат худо ишқини тап оладилар. Бундай муҳаббат одамдан фавқулодда кўнгли поклик ва нафс эҳтиёжларидан озод бўлишни талаб қилади. Мистик ошиқнинг битта ибратли хусусияти — ўз-ўзига муросасизлиги. Унингча, шумлик ва гуноҳларни бекитмоқ ишққа хиёнатдир. Бугина эмас, «тоғдин оғир» ёзуқлари учун уни ҳатто «тоғи тошлар» ҳам сўкмоғи эҳтимолдан йироқмас. Шунинг учун у «Ишқ йўлида жон берганни армон йўқ», деган тушунчаларни эътиқод шiori билиб, маънавий-руҳий тозаланиш ранжу жафоларини бўйинга олмоғи шарт. Бу ҳақида Яссавий шундай ўғит берди:

Жафо чекмай ошиқ бўлмас, тивгла гоғил,

Жафо чекиб сөбир бўлгон бўлмас ижодил.

Демак, жафо чекиб ошиқликка етишиш, биринчидан, гофилликни ҳайдайди. Иккинчидан, жоҳилликка йўл қўймайди. Рафлатдан қочиш — фаол тасаввурларга кенг йўл очади. Бу орқали илоҳий бўлса-да, моҳият ахтарилади. Моҳият излаётган шахс, табиийки, атроф-муҳитга, содир этилаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ қаролмайди.

Худовақдо, мени солғил ўз йўлингдо,  
Нафс илгида хароб, адо бўлдум мано.  
Фисқу фужур тўлиб-тошиб, ҳаддин ошти,  
Ғарқоб бўлиб осён ичра қондим мано.

Яссавий «худо йўли»ни — «нафс илги»дан қутулмоқ, атрофда тўлиб-тошган фисқу фужурларга барҳам бермоқнинг йўлини излайди. Агар диққат билан мушоҳада юритилса, Яссавийнинг диний-ахлоқий фалсафасида дунёдан юз бурилмайди. Ёмонлик, нодонлик, жаҳолат, мол-парастлик иллатларига ривож берган тубан дунёни юракдан қувишга даъват этилади. Шу маъноларда шоир сўзлари инсон қалбида ғалаён қўзғайди. «Ноҳақ даъво қилгон» қози, имомлар, «ҳаром егон ҳоқимлар», «дунё менинг» деб «жаҳон молин» йиққан гушна амалдорлар, «Оқни қаро қилгон», муллою мударрислар, эл устига миниб-олиб, «тотлиғ-тотлиғ» еб, «турлук-турлук кийгон» ларга қарши кўнгулда нафрат уйғотади. Бу қайдлардан «Яссавий мазлумлар томонида туриб фикран курашган шоир бўлган экан-да» деган хулосалар чиқарилмаслиги керак. У гарчи, «Етимлар бу жаҳонда хор экандур, Ғарибларни иши душвор экандур», ёки:

Ғарибларни кўргон ерда оғритманғиз,  
Ғарибларга очиглашиб сўз қотманғиз.  
Заиф кўруб ғарибларга тош отманғиз,  
Бу дунёда ғарибликтек бало бўлмас,—

сингари мисраларида «кўнгли қоттиғ халойиқ»ни шафқатга ва ғариб, етим мазлумларга озор етказмасликка

чақирган бўлса-да, феодал жамияти вакиллари қўл остида эзилган меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуқуқлари учун курашмоқни ўз олдига ғоявий мақсад қилиб қўймаган. Аҳмад Яссавий ўзи билан ўзи беомон курашадиганлар ижодкори сифатида жуда эътиборли. У одамга ўз-ўзини кечирмаслик сирларини ўргатади. Шоир ўз қалбининг энг чуқур жойларига назар ташлашни тарғиб этади. Шунинг учун ҳам унинг ахлоқий эътирозиди шахснинг маънавий, илоҳий камолотига тўсиқ бўладиган инсондаги салбий хусусиятлар таҳлили табиий равишда изчилланиб боргандир. Аҳмад Яссавийдаги самимият — ошкораликда. Баъзан ундаги ошкоралик талабларига чидаш мушкул. Буни бадбинлик деб англаш нотўғри. Яссавий ҳикматларида бадбинликмас, ғамгинлик, маърифатли руҳни суяйдиган Дард ва Фарёд борки, улар инсоннинг ҳиссиёт фожналарини эрта англашга хизмат қилади. Яссавий ҳикматларидаги марказий образ оляоҳ. У худо ишқи, яъни ишқи илоҳийни танлади. Навоий «Маҳбубул қуллуб»да ишни уч қисмга ажратиб, учинчисини «ҳақгўйлар ишқи, улар ҳақнинг жамолини очиқ кўриш умиди билан яшайдилар ва шунинг билан матлубдирлар»,— дейди. Яссавий:

Ишқ йўлида кеча-кундуз йиғлагонлар,  
Жондиш кечиб белин маҳкам боғлагонлар.  
Хизмат қилиб ҳақ сирини англагонлар  
Тун уйқунин ҳаром қилиб нолон бўлар,—

каби поэтик эътирофларида олмони таниш ва унинг ишқини идрок қилиш эътиросларида ўртанган ошиқларни назарда тутган. У шу ошиқларга «ишқ сирини баён» қилади. Бу сирнинг мушоҳадасига берилган ошиқ, аввало, «ҳақиқатни маъносига етган киши». У «кеча-кундуз ишқ» натайди. «Бир соат ҳам ҳақ ёдидан ғофил»лик йўқ унда. У имонда собит. Унингча, «Тан сўзламас, жон сўзламас, имон сўзлар». Яссавийни имонни сўзлатган,



Имон тили билан муҳаббатни улуғлаган ижодкор деб баҳоласак хато қилмаган бўламыз. Чунки Яссавий ҳикматларини Дёнат зиёси ва Имон шафқати ичидан нурлантириб туради. Оллоҳ қаҳру ғазабларидан қўрқмай одамларга ранж етказиб, бечораларнинг кўзларидан ёшлар оқизувчи бағритошларга у имонсизлар деб қараган ва ўша зулмкорларни ўзича бир фаоллик билан айблаган. Унинг нуқтаи назари бўйича на мусулмон, на кофир — ҳеч бировга озор бермаслик шартдир:

Суннат эрмиш, кофир бўлса, берма озор,  
Кўнгли қоттинг дилозордан худо безор.

Улуғ рус ёзувчиси Л. Н. Толстой кундаликларида «Ҳамма ишимни ёлғизликда худо билан ҳал қилишим шарт», — деб ёзган экан, мистик шоирларда, жумладан, Аҳмад Яссавийда ҳам мана шундай «ёлғизланиш» қарийб доимий ҳолат ва фикрий бирлик жараёни бўлган. Яссавий мистикасининг ёруғлик манбаи — руҳ ёлғизлигида у худога жуда яқин. Шу боис у «жондин кечиб, молдин кечиб ғариб бўлсам, биёбонда ёлғиз кезиб нола қилсам» деган орзуларни баён қилган.

Шунга кўра унинг кураш ҳақидаги фалсафий қарашлари ҳам бошқача. У инсон ҳаётидаги катта кураш — нафсни таслим этишга хизмат қиладиган кураш деб ҳисоблаган. Нафсга мағлуб шоҳ — қул, нафсдан устунликка эришган ғариб — шоҳдир. Мана, Яссавий дунёқарашидagi таянч нуқталардан биттаси. Ибн Сино рубойларидан бирида:

Дунё, мансаб дема, учма ишвага,  
Дўстлардан ажраб ҳам ёв бошига ет,—

дейди. Бунда шоир назарда тутган ёв — нафс. Аллома ҳар нимадан, ҳаттоки, дўстликдан ажраб бўлса ҳам шу ғанимнинг бошини янчишга ундаган. Шу ишни амалга

ошира олган кишининг ғурури ва инсоний қадр-қимматини ҳеч ким поймол қила олмайди. Навоий айтмоқчи, нафсга тобе бўлиб душманни банд этмоқ мардлик саналмайди. Уни енгиш эса чинакам шижоатдир.

Бўлуб нафснингга тобиъ, банд этарсан тушса душманни,  
Сенга йўқ нафсдек душман, қила олсанг ани қил банд.

Аҳмад Яссавий ҳикматларининг катта бир қисми айна шу масала талқинларига бағишланган. Унинг таърифига биноан, нафс «ябон қушдек, қўлга қўнмас» бир нарса. Бу «қуш» ўз хоҳишича «парвоз» этаверса, одамни кундан-кун тўғрилиқдан оздираверади. Оқибатда эса:

Нафс йўлига киргон киши расво бўлур,  
Йўлдин озиб, тойиб, тўзиб гумроҳ бўлур.  
Этса — турса шайтон била ҳамроҳ бўлур...

Шоир нафс бандаларига қарата, «Нафсни тебгил, нафсни тебгил, эй бадкирдикор», деб мурожаат этади. Ва:

Нафсим мани йўлдин уриб хор айлади,  
Термултириб халққа мани зор айлади,

дея нафс учун «итдек кезиб» юрганларини ҳам сир сақламайди. Хуллас, Яссавийнинг хулосалари шуки, нафс—ички, лекин жуда катта душман. У инсондаги бутунликни синдиради. Унинг амрларидан маънавий осойишталиклар барҳам топади. Шу боис «Нафсни тешиб меҳнат етса роҳат» англанмоғи керак. Яссавий ҳикматларидаги бу ғоявий йўналиш Алишер Навоий шеъриятида янада кенг миқёсларда янги-янги ифодалар билан ривожлантирилган. Навоийнинг қуйидаги сатрлари шу жиҳатдан характерлидир:

Нафс амрида ҳар нечаки толпингайсен,  
Кўн гарчи бутунлик тиласанг, сингайсен.

Ком истаю печа элга ёллингайсен,  
Нафсингга хилоф айлаким, тингайсен.

Яссавийда «Оллоҳ дарди сотқу эрмас, сотиб олсанг» деган мисра бор. У «оллоҳ дарди»ни ишқ ўтларида дилни ёқмоқ, докланиш изтироблари, тама, ёлғон, макр, мансаб ва бойлик ҳирсларига қул бўлмаслик деб тушунган.

Кўзум намлик, дилим ғамлик, ман аламлик,  
Нечук илож айларимни билмом, дўстлар.  
Бу ҳасратда, надоматда ёшим оқиб,  
Қаю тараф кетаримни билмом, дўстлар.

Шоир бундай имконсизлик ҳолатларини ниҳоятда қадрлайди. Чунки у ҳасрат ва надоматда нақадар ортиқ ўртанса, ҳайратга ботса «ишқ сирини» ўшанча теравроқ гидрок этади. Унинг учун «ишқ сирини» мана бундай моҳиятни ҳам қамраб олган: Инсон Ҳақиқат қаршисида оёққа тура билиши, оллоҳ олдида юзни ёруғ этгандек, ҳар бир киши Ўзлиги қаршисида ҳам қоматини букмаслиги шарт. Аммо бу енгил вазифамас, балки шунинг учун Яссавий тақдирнинг қаронғу ва туманли осмонларига ғамгин нигоҳ солгандир. Балки шунинг учун осмонда юлдуз кўрмаганидек атрофида ҳам комил Инсон кўрмагандир. Унинг «Доно топмай, ер остига кирдим, ман», дейиши, ҳар қалай, асоссиз бўлмаган.

**Юнус Эмро:**

Мени менда дема, менда эмасман,  
Бир Мен бордир менда — ичимда,—

дейди. Бундай қараш Яссавий учун ҳам хос эди. У ана шу «Мен»нинг ҳақиқатларига инонади. Унингча, бу «Мен»да битта буюк мафкура бор. У — ишқ. Шу ишқ унинг қалбида бутун дунё ва кoinот сирларини марказ-

лантиришга қодир. Демак, у камолот ишқи, у Инсонни худо даражасига етказди. Бу «Мен»нинг фикру хулосалари тахминан қуйидагича:

Олло дедим, шайтон, мендан йироқ қочди,  
Ҳойи ҳавас моумонлик турмай кўчди.

Ушбу мантиқ IX асрда яшаб ўтган буюк сўфий Баязид Бистомий айтган «Илон пўст ташлагандай, мен ўзимдан кечдим...», фикрларига уйғун келади. Хўш, илон нега пўст ташлайди? У шундай қилмаса ўларкан. Мистик тафаккур ҳам ўзликдан кечишни ўлишмас, янгича тирлик, идеал ҳаёт юксакликларига кўтарилиш деб баҳолайди. Ҳа, «Олло» демакдан асосий мурод гуноҳ ва ёмонликларга рағбатлантирувчи «шайтон»дин қутилиш. Манманлик, калтабинлик, кибр, «ҳойи ҳавас» ҳисларини туб илдизлари билан суғуриб ташлаш. Мансур Халлож инсоннинг илоҳийлигини шарафлаб «Анал Ҳақ»— «Мен—Худоман» дегани учун мусулмон ҳукмронлари томонида шаккокликда айбланиб қатл этилгани маълум. Яссавийнинг ҳукмича, нодон ва жоҳилларгина «Анал Ҳақ»нинг маъносини билмайдилар.

«Анал Ҳақ»ни маъносини билмас нодон,  
Дово керак, бу йўларда поки мардон...

Чунки «Шоҳ Мансурни «Анал Ҳақ»и бежо эмас», «Йўлни топқон, бизга ўхшаш гумроҳ эмас», дейди шоир. Бу—Яссавий гуманизмининг умуминсоний жиҳатларидандир.

Маълумки, мистицизм ислом дунёга келиши билан аввал арабларда, кейин уларнинг қўлига ўтган бошқа ўлка халқлари, шунингдек, Ўрта Осиё халқлари адабиётидан ҳам ўрин эгаллаган эди. Академик А. Е. Кримский туркий халқларнинг сўфийлик гоёларига эътибори тўғрисида фикр юритиб, Аҳмад Яссавий ижодиётини шу қизиқишнинг эҳтиёжий маҳсули сифатида баҳолаган. Яссавий туркий адабиётдаги дастлабки мистик ижодкорлардан. Унинг мушоҳада ва ҳақиқат йўллари мистик то-

мойилга эга. Лекин у бу йўналишни ўзи кашф қилгани йўқ. Араб ва форс тилида юзага келган тасаввуф адабиёти тажрибаларига таянган. Туркий халқлар оғзаки ижодиётида яратилган диний кўшиқлардан илҳомланган. Яссавий ҳикматларининг вазни халқ шеъриятидан ўзлаштирилиб, поэтик образларининг кўпчилиги оғзаки адабиётдан олинган. Бироқ Яссавий ижодиётини мистицизм тарихи, тасаввуф фалсафаси, энг асосийси, шарқ тасаввуф шеъриятининг поэтик образлар системаси билан қизиқмасдан тўғри англаш ҳам, холис баҳолаш ҳам мумкинмас. Шу йўналишда ўзбек илмида қандай натижаларга эришилди? Бу саволга қаноатланарли жавоблар ҳозирча йўқ. Таниқли олим Озод Шарафиддинов таъкидлаганидек, «Аҳмад Яссавий масаласидаги илмий хулосалар унинг ижодига қўл урмасдан олдин» бошлангани учун у асосан «ўта реакцион шоир» деб баҳоланди. Тўғри, Яссавий ҳикматларида акс эттирилган ғояларнинг «реакцион» эмаслигини кўрсатишга бағишланган айрим мақолалар етмишинчи йилларда эълон бўлди. Марҳум олим, филология фанлари доктори Эргаш Рустамов ёзган ўша мақолалардаги умумий бир камчилик, Яссавий шеърларини образли ижод намуналари шаклида таҳлил этилмагани, улардаги ғояларни ҳозирги кун тушунчаларига мослаштиришга атайин уринилган эди. Аммо шоир ижодиётини чуқур текшириб, объектив хулосаларга келмоқ учун Э. Рустамов эришган ютуқ ва йўл қўйган хатолардан фойдали кўрсатмалар чиқариш мумкин эди. Бизнингча, илмдаги ақидапарастлик бунга эрк бермади. «Майли, юзлаб менга ўхшаганлар ҳалок бўлишсин, бироқ ҳақиқат тантана қилсин» дейди Махатма Ганди. Афсуски, Э. Рустамов Яссавий ҳикматларидан «пролетар идеологиясини» «излаган» «субъектив талқин»чи сифатида қораланганда ҳақиқат тантанаси учун холис курашиш қонун-қоидаларига риоя этилмаган эди.

«Ўзбек адабиёти тарихи»нинг (беш томлик) биринчи томида Аҳмад Яссавий шеърлари тўғрисида филология

фанлари доктори С. Эркиновнинг шундай гаплари босилган: «Аҳмад Яссавийнинг мавжуд ижод намуналаридан келиб чиқадиган хулосалар ниҳоятда реакциондир. Уларда одамларни бу дунё азоб-уқубатларига бардош қилиб яшаш, охиратдаги бахт-саодатга умид боғлаш ва бошқа диний таълимотлар поэтик қобикда ваъз, панд-насиҳатлар йўли билан тарғиб этилади». Шoir ижоди намуналаридан «келиб чиқадиган хулосалар ниҳоятда реакцион»лиги эҳтимол ростдир. Аммо улар қайси «хулосалар»? «Бошқа диний таълимотлар» дейилганда ўқувчи нималарни тасаввур қилмоғи керак? Балким у бу дунёда пок ва тўғри умр кечирсанг, «охират» қийноқлари йўқ нарсалар демоқчи бўлгандир? Илмнинг кучи шундаки, у олға сурилган даъволарини исботлайди. Исботлаш учун эса далил ва таҳлилга суянади. Яссавийга мақтовнинг кераги йўқ. Унинг ижодиётидаги зиддиятларни таҳлил қилиш биздан масъулият ва маърифатни талаб этади. Аҳмад Яссавий реакцион-феодал тоифанинг дунёқарашини ифодалаган, дин ниқобида бадбивлик, таркидунёчиликни тарғиб этган, мазлум оммани золимларга тобе бўлишга чақирган тариқатнинг асосчиси сифатида ўзбек адабиётшунослигида кескин қораланиб келинмоқда.

Академик И. Мўминовнинг ҳукму хулосасига кўра, «Яссавий мактабининг мистик таълимоти меҳнаткашларни синфий курашидан чалғитди ва шу билан уларнинг золимларга қарши курашига халақит берди... Яссавийчилик Мовароуннаҳр халқининг кучини Чингизхон ҳужумига қарши сафарбар қилишга салбий таъсир» кўрсатган.

Академик В. Зоҳидовнинг фикрича, «Аҳмад Яссавий Ғаззолийга ўхшаб ўтакетган таркидунёчи мистик сўфизм билан ислом динини бирлаштиришга, «келиштиришга» уринган «электикдир». Мавриди келганда бир ҳақиқатни эслатиб ўтайлик. Асримизнинг буюк мутафаккир санъаткори Халил Жаброн ёзади: «Ғарб шарқшунослари

ва олимлари ал-Газзолий тўғрисида тўла равишда юксак фикрдадурлар. Улар уни Шарқнинг тўнғич файласуфларидан ҳисоблаб Ибн Сино ва Ибн Рушд билан бир сафда қўядилар... Шарққа қараганда Ғарбда Газзолий тўғрисида маълумот кўп мартаба ортиқдур. Ғарбликлар уни таржима қилишади, унинг таълимотини тадқиқ этиб, буюк мақсадлари, фалсафа ва тасаввуфдаги фикру қарашларини барча тафсилотлари билан таҳлилдан ўтказишади. Биз эса — араб тилида ёзувчи ва сўзловчилар ҳозирга қадар уни баъзан хотирлаб, у ҳақида гоҳида сўз очамиз — бизнинг диққатимизни ҳамон денгиз чиганоқлари жалб этади. Ҳаёт денгизи тун ва кунлар қирғоғида гўёки бундан ўзга ҳеч нарса чиқариб ташламаётгандек». Бу — Газзолийнинг ворислари, яъни араблардаги аҳвол. Бизда Газзолий асарларини оригиналда ўқиб теран тадқиқотлар яратишга интилиш ҳам бўлмаган. Шундай экан, унинг таълимоти ва асарлари устидан қандай қилиб қатъий ҳукм чиқариш мумкин? Бу қайси ҳақиқатга тўғри келади? Демак, Яссавийни Газзолийга қиёсан айблаш ўзини оқлайдиган даъво эмас. Агар Газзолий мероси атрофлича ўрганилганда, Яссавий ижодиётига доир юзаки ва нотўғри баҳоларга аллақачонлар чек қўйилган бўлармиди? Яссавий «меҳнаткаш оммани эксплуататорларга қулларча итоатда бўлишга, ҳар қандай жабр-зулмга кўниб ва кўникиб шукур қилишга» ўргатмаган. Нодонлик ва жаҳолатдан қонлар ютган буюк бир сиймо наинки насихатларини «нодонлик ва жаҳолатни тарғиб қилишга» қаратган бўлса? Бундай кескин айбонмалар унда қандай тўқилган? Яссавий шахси ва ижодига оид танқидлардаги муштараклик далил танлашдаги ҳамжиҳатликдан бошлангандир. Мана, яссавийшунослар эътиборни қайта-қайта жалб этган ўша шеърий далилларнинг энг характерлиси:

Золим агар жафо қилса олло дегил,  
Илқинг очиб, зоре қилиб, бўйин сунғил.

Ҳақ додингга етмас бўлса гила қилгил.  
Ҳақдин эшитиб бу сўзларни айдим мано.

Дейликки, Инқилоб арафасида бирор шоир шундай сўзларни ёзганида, эътироз билдириб, «Нега одамларни зулмга чидашга чорлаётирсан? Ноҳақликка қарши курашмасликни тарғиб этмоқни наҳотки шараф сезган бўлсанг? Ҳақдин эшитган сўзларинг ҳали шуми?», дея уни айбласа бўларди. Лекин ўшанда ҳам у адолатли танқид саналмасди. Нега? Жавобга шошилмайлик.

Яссавий даври билан бизнинг асримизни саккиз юз йилдан ортиқ вақт ва тарихий масофа ажратиб турибди. Яссавий ўз жамиятининг фарзанди. Унинг дунёқарашини шакллантирган муҳит талаблари ва ахлоқий, фалсафий, диний тушунчаларини ҳисобга олмасдан уни танқид қилиш ҳуқуқи ҳеч кимга берилмаган. Бундай ҳуқуқ йўқ ўзи. Истаймизми, истамаймизми, Яссавий ислом динига содиқ яшаган. Худога сиғинган. Муҳаммад пайғамбарга эҳтиромини дариг тутмаган. Бироқ булар ўтмиш. Нимаики, ўтган бўлса, у — тарих. Тарихни эса ўзгартириб бўлмайди. Уни тушуниш керак. Яссавий ҳикматлари талқинида тарихан тушунишдан кўз юмилган.

Профессор Н. М. Маллаев ёзади: «Аҳмад Яссавий мазлумларга қарата: «Золим агар жафо қилса олло дегил»..., — дер экан, у бу билан мазлумларни золимларга қарши бош кўтармасдан худога... сиғинишга, ҳар қандай курашдан воз кечишга чақиради». Тўғри, Яссавий худога сиғинишга чақирган. Табиий савол туғилади: ўтмишда яшаб ижод қилган шарқнинг қайси улуғ шоири худога сиғинмасликка чақирган? Ҳофиз ё Саъдийми? Навоий ёки Бобурми? Яссавий шеърида золимга қарши бош кўтарма дейилмаган. Балки золимни енгишга даъват қилинган. «Ҳақдин эшитиб бу сўзларни айдим мано», — дейди у. Бу юзаки эътирофмас. «Ҳақдин эшитиб» дегани «Қуръон»га ишора. Демак, ҳикматдаги ғояни у «Қуръон»дан ўзлаштирган. Афсусланарлиси шун-



даки, «бўйин сунғил» ибораси яратганга эмас, золимга «бўйин эг!» маъносида анланган ва изоҳланган. Ҳолбуки, бириччи икки сатрдаги мантиқ бундай: «Золим агар жафо қилса олло дегил. Муножотлар айлаб ундан мадад ва қувват тила. Ёлғиз ҳаққа бўйинингни ҳам қил». Байтдаги фикр ана шундай тушунилиши ва шарҳлашилши керак.

«Худонинг қўллаши яқин ғалаба. Бу мужда ила муслмонларни қувонтир», «Худо энг ишончли халоскор». «Оллоҳнинг ёрдами етгач ғалаба муқаррардур...». Булар «Қуръон» калималари. Муҳаммад Фузулий «Матлаул-эйтиқод» асарида ёзади: «...Тангри одилдир. Бунга кўрада бурчлидурки, золимни жазоласин». Бундай ақидаларга Яссавий ишончсизлик билдирармиди? У учун «Қуръон» дунёнинг бош китоби ҳисобланган. Унинг эътиқодидда бу китоб холиқнинг «арқони»дай гап. Шу арқонга осилиб юксакка талпинмаган киши золимнинг арқонига осилмоғига шак келтирмаганлиги учун ҳам у «Золим агар жафо қилса олло дегил», дея кўрсатма берган.

Хўш, ғаддор золим мазлум бошида қиличини ростлаб турса-да, у «Олло» демоғдан нари ўтмаса? Қурашдан чекиниш эмасми бу? Золимга нисбатан пассивлик яна қандай бўлиши мумкин? Яссавий ва ундан кейинги классикларимизнинг ҳам, дунёқараш ҳамда эътиқодларидан келиб чиқилса, у чекиниш ҳам, пассивлик ҳам эмас. Ривоят қилинишича, Мусо пайғамбар Фиръавн қавмидан қочиб ёлғиз, бечора ва оч-наҳор қолганида «Парвардигор, ёлғизман, хастаман, бечораман» — дея зорланибди. Ушанда унга ғойибдан шундай овоз келган эмиш: «Эй, Мусо, мендек дўсти бўлмаган ёлғиздир, мендек табиби бўлмаган одам хастадир, мен билан алоқаси бўлмаган банда ожиз ва чорасиздир». Яссавий замондошлари ҳам худони энг содиқ дўст, барча чорасизликлардан қутқарувчи деб ишонишган. Бу учун уларни айблаш гумроҳлик бўлурди. Навоий ҳам Яссавийга издошлик қилиб махлуқ, яъни яратилганданмас, Холиқ — худодан мадад ва марҳамат сўрашни тарғиб этган.

Ҳеч иш ўлмас айру холиқ амридин,  
Илтижо махлуққа келтирма кўн.

«Золим агар жафо қилса олло» дейишнинг бошқа жиҳатини ҳам изоҳлаб ўтайлик. Золимлар жабру жафо ва ҳақсизликни зўрайтиришгани сайин хўрланган омманинг аҳволи оғирлашиб боради. Бу — табиий. Бироқ Алишер Навоий айтмоқчи, мазлум чеккан ранж ҳам зое бўлмайди. «Зулуму жафо ҳосили» нақадар кўпайса, зулмкорларнинг хотиржамлиги ўшанча емирилади. Навоий «Золимки эрур зулми жафо ҳосил анга» деб бошланувчи рубоийсида:

Бўлмақ хўш эмас қилғовидин хуш дил анга,  
Ўз зулмидин — ўқ ўлғусидур қойил анга,—

дейди. Бу фоже қисматдан золим қочиб ёки қутулиб кетмоғи душвор. Негаки, у ҳақнинг жазосига маҳкум. Мазлумларнинг нолау фиғонлари кўкка кўтарилганда яратувчи золимларни қаҳру ғазаб билан «мукофот»лайди. Навоийнинг қўйидаги тўртлиги худди шу масаладан баҳс этади:

Золимки шиор этти жафо поясини,  
Ўз воясин истаб олди эл воясини.  
Қайдин топқай ҳаёт сармоясини,  
Ҳақ айлади қисқа умрин соясини.

Шундай қилиб, ўз ғараз ва манфаатларини кўзлаб элга жафо ўтказган золим учун «ҳаёт сармояси» йўқ. Наҳотки, шундай гаплар ҳам тадқиқотчиларга ҳикматдаги фикрларнинг маъзини чақишга ёрдам бермаган? Яссавий тариқатининг асослари ундан кейин ёзилган «Фақирнома» рисоласида ва унинг издошларидан бирининг «Жавҳарул аброр...» асарида ёритилган. Бу китобда Яссавий тариқатининг суннатларидан бири «Золим ва муктадо

кишиларга штоат этмаслик»,— деб белгиланган. Шу далилнинг ўзиёқ Яссавийнинг «золимсевар»маслигини таъкидламайдими?

Ибн Арабийнинг айтишича, инсон ўзидан, ўзлик моҳиятидан юзага чиқармаса, ҳар қанча сиғингани билан худо унга ҳеч нарса ато этмас экан. Яссавий бу каби тушунчаларни истисносиз ҳисобга олган. «Қуръон»да қайта-қайта қайд қилинганидек, оламда ёлғиз худо енгилмас, ёлғиз у қудратлиларнинг қудратидир. Бас шундоқ экан, Яссавий ҳикматидаги чақириқ «худо қаҳр этса ҳар қандай золим енгиларди. Ҳақни таниганлар ҳақ қадар шижоатли ва ҳеч пайт золимларга бўйсунмайдилар»,— мазмунида эканлиги ўз-ўзидан англамайди? Тўртлик моҳият эътибори билан зулм ва зўравонликка қарши, кураш ва ғолибликка ундаш руҳида айтилган бўлса-ю, ундан бутунлай тескари хулосалар чиқарилса. Бу фикрий пассивликмасми?

Тан олайлик, бизда шеър илмининг ривожини анча суст. Шунинг учун полифоник тафаккур хусусида ҳали жиддий ўйлаб кўрилмаган. Рауф Парфи, Муҳаммад Солиҳ шеърларини айримлар ҳанузгача қабул қилишолмайди. Улар ҳақида бир-бирини инкор этадиган фикрлар илгари сурилди. Жўнлик ва софизмга кўниктирилган шўрлик ўқувчи кимга ишонишини билмай қолди. Рауф Парфи ва Муҳаммад Солиҳ полифонист шоирлар. Совет даври ўзбек шеърини учун уларнинг поэтик тажрибалари янги ҳодиса. Аммо неча асрлик адабиётимиз учун янгиликмас. Полифония — кўпоҳангли, кўпмаъноли дегани. Полифоник тасвир асар бағрига бир неча маъно ва оҳанглارни сиғдиришни заруриятга айлантиради. Бунда фикр чайналмайди. Шеър сўзбозлик ва маъно ялвангочлигидан халос бўлади. Полифоник ифодалар шеърдаги маълум бир образ ёки белги таъсирида кўплаб ҳаётий ҳодисалар ҳақида фикрлашга йўл кўрсатади. Полифоник услубда тасвир ва муносабат гўё биринчи ўринда туради, тафаккур ялқовлиги ва фикрсизликка

мурасасизлик, қандайдир аёвсиз қаршилик сезилади. Шеърхон айтилган сўздан айтилмаган сўзларда ҳақиқат кўнглигини ҳис этиб, ўша ҳақиқатлар мушоҳадасига берилади.

Ўзбек адабиётида полифоник тафаккур Аҳмад Яссавийдан бошланиб, Навоий поэзиясида юксак босқичга кўтарилган. Яссавийнинг юқоридаги ҳикмати ҳам полифоник тафаккур маҳсули. Уни тасаввуф аҳли қўйидаги мазмунда қабул этишган. Ҳадислардан бирида «Рожаъна минал жиҳодил асғори илол жиҳодил акбар», яъни «Кичик курашдан улуғ курашга қайтмоқдамиз», дейилган. Бу улуғ кураш — нафсга қарши кураш. Дунёда нафсга тенг келадиган золим йўқ. Нафснинг ботиний зулмлари чегарасиздир. Яссавий қатор ҳикматларида нафсга золим сифатини берган: «Золим нафсим ҳеч қўймайин ўтқа солди». Ҳақни танимаслик, беғамлик, такаббурлик, гийбат ва бўҳтон сўзлардан тилни тиймаслик, шайтонсифатлик, водонлик — буларнинг барчаси Яссавий талқинларида золим нафснинг қилмишларидир. Хўш, «нафс бошини» янчишнинг чораси борми? Яссавийнинг «Олло дедим, шайтон мендан йироқ қочди, ҳойи ҳавас, моумонлик турмай кўчди»,— сўзларини яна эслайлик. Ҳойи ҳавас ва барча манманликларнинг дояси нафс ҳам «олло» деганда енгилди. Бошқача қилиб айтганда, «олло сари тўлғонмоқ» — нафсдин кечмоқдир.

Эй беҳабар, ҳаққа кўнгул югуртмадинг,  
Дунё ҳаром андин кўнгул совутмадинг.  
Нафсдин кечиб олло сари тўлғонмадинг,  
Бу нафс учун зору ҳайрон бўлдим мано.

Шунинг учун ҳам Яссавий «нафс бошига юз минг бало» ёғдириш ташвишига тушганларга қарата, «Золим агар жафо қилса олло дегил, Илқинг очиб зоре айлаб бўйин сунғил», деган. Бу фикр «нафсдин кечиб оллоҳ сари» толпинмаган, яъни ишқи илоҳийдан маҳрум ким-

саларга бир насихат бўлган. Бизнинг учун муҳими, бунда шоирнинг нафсага нисбатан аёвсизлиги ва бетиний покланиш учун фикр қўзғашидир. Ахир, Навоий ҳам «То нафсу ҳаво қасри» йиқитилмагунча, «Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас», деган-ку.

Аҳмад Яссавий ҳикматлари учун кўп овозлилиқ ҳам хос хусусиятлардандир. Унинг ҳикматларида орифнинг овози ҳоким. Улардан шайхнинг овози эшитилади. Баъзан бир ҳикматда ҳам ошиқ, ҳам дарвеш, ҳам донишманднинг овози янграйди. Лекин булар орасида изчиллиги ва фаоллиги билан яна икки овоз алоҳида ажралиб туради. Улардан бири — гуноҳ «фалсафаси»ни тасдиқлайди. Бу — гуноҳкорлигини теран тушунган кишининг овози. У — шафқатсиз. Бу овоз хотирага бамисоли тир бўлиб санчилади, Юрак оромини бутунлай бузади. Мана, эшитинг:

Сочи соқол хўб оқарди кўнгулм қаро,  
Рўзи маҳшар раҳм этмасанг ҳолим табоҳ.  
Сенга аён амалсизман, кўлдири гуноҳ,  
Жумла малак ёзуқларим билди, дўстлар.

Бу овоз соҳибининг назари ўткир. У ўз гуноҳларига мардона назар ташлайди. Ва бундан тоқатсизланади, «Тоқатим йўқ агар боқсам гуноҳимга». Гуноҳни англаш — гуноҳ қилмаслик чораси. Гуноҳкорлик туйғусига тобелик — покланиш истагига эрк бериш. «Гуноҳ дарди касал қилди бемор бўлдум», деган, киши «беморлик»да Имон соғлигини кўзлаган шахсдир. Унда тан беришмас, тан бердириш қобилияти ҳам бор. Унинг «Не қилгайсан гуноҳларинг тоғдин оғир...», деган сўроқ сўзларини шунчаки эшитиш мумкинмас. Бу овоз ёлғизлиги билан диққатни чуқур жалб қилади. Ва қалбда ўз-ўзинг билан қолиш, ўзлигингни текшириш изтиробларини қўзғайди. У инсон умрининг ҳаракат тарзини жуда нозик илғайди: «Аё гофил, умринг сени ўтар елдик...». Елдек чошиб

ўтадиган умрни мазмунли қилмоқ учун эса мардоналик зарур.

Маълумки, IX асрда тасаввуфда маломатиййа мазҳаби юзага келган. Бу мазҳабнинг маркази Нишопур бўлган. Е. Э. Бертельс маломатиййа мазҳабига мансуб кишилар учун ўз-ўзини комиллаштириш, юракни поклаш бош вазифа ҳисобланганлигини ёзади. Лекин бу иш мутлақо шахсий ҳаракат тарзида атрофдагилардан яширин, кўз-кўз қилинмасдан амалга оширилиши шарт бўлган. Содда қилиб айтилганда, маломатиййа — бу инсоннинг ўз-ўзини таҳлилдан ўтказиш, таҳлил этган сайин қусру нуқсонлар учун ўзни аямаслик ва уларни маломат тилида фош қилмоқ йўлидир. Бу йўлда одам барча ёмон хислатларини сира яширмасдан ошкор қилаверган. Аммо бунинг акси ўлароқ, у яхши фазилатларини қатъият билан пинҳон сақлаган. Ўзгаларнинг ёлғону риёкорликларидан сўз очиш осон. Бироқ ўзингдаги қаллоблик ва риёнинг пардаларини йиртиш матонатли ишдир. Маломатиййачилар мана шундай матонат учун курашганлар. Аҳмад Яссавий ҳам мазкур мазҳабнинг хайрихоҳларидан эди. Шунинг учун у ҳикматларида маломатиййа қонун-қоидалари асосида фикр юритиб, одамни ўз-ўзига танқидий назар билан қарашга даъват қилгандир.

Дин гуноҳни қоралайди. Аммо гуноҳларига иқрорликни тўла ёқлайди. Чунки тавба-тазарру — тозаланиш демак. Лекин гуноҳкорлик — фақат айб ва айбдорлигинга иқрорлик деганигина эмас, асосий моҳиятни билиш, Ҳақиқатнинг муқаддас эшигига калит солиш ҳамдир. Акс ҳолда Шарл Пеге «Гуноҳкор христианликнинг қалбини тушувади... Ҳеч ким христианликни гуноҳкор қадар англай олмайди...», деб таъкидламаган бўлурди. Гуноҳ ҳиссиётлари Аҳмад Яссавий ҳикматларида диннинг дилини теран англаш истаклари билан ҳам чатишиб кетгандир.

Энди иккинчи Овоз ҳақида. У бошқа бир юксак моҳиятни очадиган илоҳий овоз. Инсон ҳаёти нечоғлик ўт-

кинчи, кулфат ва машаққатларга тўла бўлмасин, у комилликка интилишни шарт. Камолот йўлига тушган инсонни Виждон руҳий оғриқларга гирифторм этиб, аламга юзма-юз қилиб қўяди, юракни гуноҳ ва қўрқув, шубҳа ва ишонч оралаб олиб ўтади. Уйғоқ Виждон энг охирги чегараларгача одамни ёлғизлантиради. Шундан бошлаб ўлим чекинади. Абадиятга чинакам ишонч шундан бошлаб туғилади. Бу Виждоннинг ахлоқ билан алоқаси йўқ. Қонун-қоидалардан йироқ. У эркин руҳ билан яшаш сирларини очади, ақлий толиқиншларни енгиб, мутелик занжирларини синдиради. Бу Виждон энг ноилож, энг кулфатли вазиятларда ҳам йўлсизликдан халос этади. Буни Шахснинг ўз Виждонига бориш йўли деб атаса тўғри бўлади. Шу йўлни топган одамгина худо томонга талпинади. Талпинган сайин эса ўзига нисбатан муросасизликлари ортади. Аҳмад Яссавийда ана шундай. Буни у «ҳақиқатни дарёсидин» кечиш деб ҳам характерлаган:

Ҳақиқатни дарёсидин кечгон киши,  
Ўзи мунглур, кўнгли сянук, кўзда ёши.  
Хорлиқ, зорлиқ, машаққатдур доим иши,  
Дийдорини талаб қилиб топар, дўстлар.

Яссавий «Ҳақ таолмо бўйин олгон мунда турмас», «Ошиқ бўлсанг ишиқ йўлида фано бўлғил, Дийдор излаб, ҳасратида адо бўлғил», сингари сатрларида ўлим учун «ўлган» кишиларнинг плохий-фалсафий қарашларини ифодаллаган бўлиб, ўлмасликнинг сирини ўзларича кашф этган зотлар шулардир. Хорлик, зорлик ва машаққатлар гирдобига ташлайдиган бпр ғуссаларини улар юзлаб қувончга алмаштирмайдилар. Бўнинг туб сабабларини холис тушунишга уриниш керак. Гап шундаки, Яссавийнинг ғоявий-бадний анъаналари ўша замонлардаёқ қотиб ё тўхтаб қолмаган. У ёки бу шаклларда давом қилган. Навоий, Машраб, Маҳтумқули ёки бошқа шоирлар ижодиётида Яссавий анъаналарининг таъсир самаралари мавжудлигини қандай инкор этиш мумкин? Маҳтумқули

«Кўрдингми» деб номланган шеърида «Ё, иқлим эгаси Аҳмад Яссавий, Менинг соҳибжамолимни кўрмадингми?»— дейди. Бу савол — мурожаат икки буюк санъаткор дунёқарашидаги яқинлик, ғоявий анъана ва таъсир самараларини очадиган фалсафий, ахлоқий, эстетик нуқтаи назарлардаги уйғунликдан далолат беради. Чиндан ҳам Маҳтумқулининг айрим шеърлари, ўнлаб сатрларининг туғилишида Яссавий ҳикматларининг таъсири шундоқ сезилиб туради. «Нафсим мени кўп югуртти ҳаққа боқмай», дейди Яссавий. Шу моҳият Маҳтумқулида «Еронлар, йўлдош бўлдум нафси ҳаво золимга», тарзида ифодаланган. Ёхуд унинг «Бад ишларга бой бўлдим, хайр ишга гадо бўлдим», деган фикрлари Яссавийда кўп мартаба деярли айнан учрайди. Бундан ташқари, дунё шеърлятида Яссавий тажрибалари алоҳида ҳодисамас-ку. Арман шоири Григор Нарекацининг «Мусибатнома»си, Юнус Эмронинг девони умумий руҳи ва бош пафоси билан Яссавий тажрибаларидан айтарли фарқланмайди. Қолаверса, Яссавий Юнус Эмронинг улуғ салафи.

Ҳақдин манга назар бўлди,  
 Ҳақ эшигин очар бўлдим.  
 Кирдим ҳақнинг ғазнасна,  
 Дурру гавҳар сочар бўлдим,—

дейди Юнус Эбро. Ахир Яссавий ҳам айни шу эҳтиёж ва мақсад билан ҳикматлар айтмаганми? «Толибларга дурру гавҳар сочтим мано», — деган Яссавий туркий шеърлятидаги Юнус Эброга ўхшаш сўфий шоирларга:

Ҳақ йўлига кириб бўлмас пок бўлмасанг,  
 Ломақонда Ҳақдин сабоқ олдим мано,—

деган сабоқ бўларли фикрларни баён этган.

Албатта, Яссавийдаги муаллифлик масаласи мунозарали. «Девони ҳикмат»нинг кейинги асрлардаги нусхала-



рида шоир издошлари томонидан тўқилган нарсалар ҳам киритилган. Ёки ҳикматлар тили анча-мунча ўзгартирилган. Бу ҳақида кўп гапирилиб келинаётир. Лекин Яссавий ижодиятини адабиётимизнинг «хавfli майдони»га айлантirmасдан ҳақиқатни юзага чиқарадиган омилларни излаш керак. Устод Мақсуд Шайхзода мана нима масалага диққатни тортган эди: «Шубҳасизки, Хўжа Аҳмад Яссавийнинг ёзиб қолдирган «Ҳикмат» китоби кейинча тил жиҳатидан ва маъно томонидан қанчалик ўзгаришларга дучор бўлмасин, унинг асл вазни аввалги ҳолича қолган. Чунки бировлар илгариги вазни шунча илдизидан ўзгартириб, қайтадан ишлашлари амри маҳол бўлур эди. Бу асарнинг вазни эса автори аввалида ўзи ўйлаб ишлаган ҳолида сақланиб қолган». Демак, вазнга асосланиб тил ва маъно ўзгаришларини текшириш имкони бор. Нега бу ишни амалга оширмаслик керак? Ахир, шарқ поэтикасида вазн илми мустақил соҳа бўлган. У гарчи аруз вазни қонун-қондаларидан баҳс этса-да, Яссавийга ўхшаш шоирлар тажрибаларини тадқиқ этишга ҳам ёрдам кўрсатади.

Бултур «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида босилган «Замон ва маданий мерос» номли давра суҳбатида профессор Абдуқодир Ҳайитметов «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон»нинг энг олдинги нусхаси XVI асрга мансублиги, шунини деб грузин олимлари дostonни ўрганишни тўхтатмаганлигини изоҳлаб, яна дейди: «1967 йили СССР Фанлар академиясининг юбилей мажлисида Дмитрий Сергеевич Лихачёв билан суҳбатлашган эдим. Кўп шоирларимиз асарларининг ишончли нусхалари йўқ, сизлар шу масалада қандай йўл тутасизлар, деб сўрадим. Маълум бўлишича, улар ҳам нимаики қўл остида мавжуд бўлса, шунини ўрганар эканлар. Яссавий, Машраб ва яна ўнлаб шоирларнинг қадимий девонлари йўқ. Лекин борини ўрганиш керак. XI асрда Яссавий деган шоир яшаб ўтganлигини инкор қилиб бўлмайди-ку, буни Навоий ҳам, бошқалар ҳам айтиб ўтган».

Алишер Навоий «Насойимул муҳаббат»да ёзади: «Хожа Аҳмад Яссавий — Туркистон мулкнинг шайхул-машойихидур. Мақомати олий ва машҳур, қаромоти матаволлий (ҳайратланарли) ва номаҳсур (чеграсиз) эр-миш. Имом Юсуф Ҳамадонийнинг асҳобидиндур (суҳбатдоши)». Шундан сўнг Навоий Яссавийни Юсуф Ҳамадонийнинг бошқа халифалари Хожа Абдулхалиқ Гиждивоний, Хожа Абдуллоҳ Барқий, Хожа Ҳасан Андақийлар қаторида турганлигини таъкидлаб, охирида, «Ва анинг мазори Туркистонда Ясса деган ердаки. Туркистон аҳлининг қиблаи дуосидир», дейди. Баъзи олимлар Навоий Аҳмад Яссавий ҳикматларидан намуналар келтирмаганлиги ёки унинг ҳикматнавислигига муносабат билдирмаганлигига асосланиб, Яссавийнинг ўзи ҳикмат яратмаган, аёс ҳолда бунга Навоий диққатни қаратарди, дегандай фикрларни илгари суришган. Умуман олганда, бундай даъво ўринли. Бунда бошқа бир далилни инобатга олмоқ зарурга ўхшайди. «Насойимул муҳаббатда» ўқиймиз, «Ҳаким ота — оти Сулаймондур ва Хожа Аҳмад Яссавийнинг муридидур. Ҳамонки, бир кун, Хожа тобхе (овқат пишириш) буюргондурларки, матбахий (ошпаз) ўтун етмайдур деб келгандур. Алар асҳобга дегандурларки, ёзидин ўтун териб келтурунг ва ул замон ёгин ёгодур экандур. Асҳабким, ўтун терибтурлар, матбахга (ошхона) келгунча ёгин жиҳатидин ўтулар ўл бўлгандур. Ҳаким ота терган ўтуларни тўнига чирмаб, қуруқ келтургандур. Хожа Ҳазратлари дегандурларки, эй фарзанд, ҳакимона иш қилдинг ва аларга бу лақаб андин қолгандур ва Ҳаким отага ҳикмат тили гўё бўлибтур. Андоқки, анинг фавоиди атроқ аросида машҳурдур. Ул жумладин бири будурким:

Тики тургон тўбадур,  
Боргонларни ютадур.  
Боргонлар келмас бўлди,  
Магар манзил андадир.»

Агар ушбу тўртликнинг тили Яссавий даврининг тили эканлигига гумон йўқ экан, унда Аҳмад Яссавий ҳикматларининг тил ва услубининг соддалигига ҳам шубҳа қўзгайвермаслик керак. Бу — бир. Иккинчидан, Ҳоким отанинг фақат лақабга эришиши эмас, унга «ҳикмат тили»нинг «гўё» бўлиши ҳам бевосита Яссавий таъсири билан алоқадорлигини Навоий фикрларининг ички мантиги тасдиқлаб турибди. Биз жўн ва якранг тушунишга одатланганмиз. Ҳаким отанинг терган ўтинларини «тўнига чирмаб» қуруқ келтиргани, бундоқ олганда, нима деган ҳодиса. Наҳотки, шунинг учунгина у ҳаким лақабига мушарраф бўлган бўлса? Бизнингча, бунда рамз бор. Бу рамзнинг мазмуни эса, Ҳаким ота спймосида Яссавий ўзининг содиқ муриди, ҳикматлар яратувчи издошини кўрганлигини билдиради. Ҳаким ота устозига тақдидан ёзилган бир байтида:

Барча яхши, биз ямоғ,  
Барча бугдой, биз самоғ,

деган. Ўзини сомонга ўхшатган кишининг ижод намуналарини «қуруқ ўтун»га нисбат берилиши ажабланарли эмас, албатта. Чунки, бу «ўтин»лар мухлислар қалбида алангаланиб ёнмоғи ҳам тасаввурдан четда қолдирилмаган. Э. Рустамов «Насойимул муҳаббат»даги «Ҳаким отанинг болалик чоғларида, ҳали Аҳмад Яссавий қўлида тарбия олиб юрган вақтларида ҳикмат айтишда гўё бўлгани» тўғрисидаги далилни, унинг «ҳикмат ёзишини Аҳмад Яссавийдан ўрганганига ишорат» деб белгилаши тўғридир.

Яссавий туркий тилда ҳикматлар айтган файласуф шоёр сифатида кўпроқ донг таратган. Шундай бўлгач, унинг ҳикматларини «реакцион шайх»нинг поэтик қобилдаги «савъ»лари деб эмас, биринчи галда, сўфий шоирнинг поэтик асарлари ҳолида ўқиш ва тадқиқ қилиш лозим. Бунинг учун амалга оширилган илмий ишлар-

га муносабат ҳам керак, албатта. Н. М. Маллаевнинг олий ўқув юртларига ёзилган «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслигида Аҳмад Яссавий ҳаёти ва адабий фаолиятига махсус ўрин ажратилган. Унда шундай жумлалар бор: «Аҳмад Яссавийнинг ҳикматларида мистика билан аскетизм, «сирлар олами»га ғарқ бўлиш билан таркидунёчилик бир-бирига чатишиб кетади. Аҳмад Яссавий «Мавту қабла анта мавти» («ўлмасдан бурун ўлинг») деган тезисни илгари суради. Бу — киши бутун дунёдан, ўз-лигидан, ҳаётнинг неъматларидан воз кечиш, ўзни ҳар жиҳатдан қийнаб, ўлимни яқинлаштириш керак, яъни тирик мурда бўлиши керак, деган сўздир». Бу фикрларни асоссиз деб бўлмайди. Лекин уларда бирёқламалик кучли. Жалолиддин Румий бир ўринда «Ўлимга юз бургилу, пардани чок эт. Лекин лаҳатга элтгувчи ўлимни-мас, янги руҳ туғдирувчи ўлимни тахла», мазмунида сўзлайди. Алишер Навоий ҳам «Ёд этмак ўлум ёруғлук оҳанги эмиш», ёки «Қим, руҳни ўлмак сўзи равшан айлар» сатрларида Румий даъватидаги «ўлим»ни назарда тутган.

Унинг номи эса фанодир. Фано сўзининг мазмуни лугатларда «Йўқ бўлиш; тугалиш; ўлиш. Ўзликдан кечиб, худо билан бирикиш» деб изоҳланади. Чиндан ҳам, ўлмасдан бурун ўлишга даъват фаноликнинг бош шiori. Аҳмад Яссавий:

«Мен йигирма икки ёшда фано бўлдум.  
Марҳам бўлиб чин дардликка даво бўлдум,  
Ёлгон ошиқ чин ошиққа гувоҳ бўлдум,  
Ул сабабдан ҳаққа сизгиниб келдим мано».—

деган. Бу жойда «фано» поэтик образ. Ундаги мантиқни кимдир ўзликдан кечиб таркидунё этиш деб тушунар. Қимдир худо ишқига ғарқ бўлиш мазмунида қабул қилади. Бошқа бировда у фикр қўзғайди. Чунончи: фанолик бадбинлик ва тушқунлик аталадиган бўлса, унда шоир

нега «чин дардлик» иборасини тилга олган? Ҳаётдан кўнглини совитган ва ўлмасдан бурун ўлиш қасдидаги кишининг ёлғону рост билан не иши бор? «Ёлғон ошиқ чин ошиққа гувоҳ бўлдим» — кўнгли юксак қандайдир бир ҳакам сўзларига ўхшамайдими бу? Ҳаққа сиғинмоқ — идеал. Наҳотки, юксак идеалдан одам абгорлашса? Сиғиниш туйғусининг ўзи кимларга насиб бўларкин?

Дейликки, шеър — ҳақиқат. Шеър ўқиш-чи? Шеър-хонлик — ҳақиқатдан ҳақиқатлар чиқариш, бир ҳақиқат орқасидаги неча ўнлаб ҳақиқатларни ўқиш, уларни излаш. Шунинг учун шеърфаҳм ўқувчининг мушоҳадалари кенг, шеър устидаги саволлари кўпдир. Шарқ шоирлари буни ҳисобга олганлар. Хўш, Яссавий шеъри баҳонасида қўйилган саволлар ноўринми? Агар бу саволга ижобий жавоб қайтариладиган бўлса, фаноликка доир бизга ўргатилган ва тушунтирилган фикрларга шубҳа туғилмайдими? Албатта туғилиши керак. Шубҳа ҳақиқат очади.

Мирзо Фатали Охундов Жалолиддин Румий тўғрисидаги мақоласида «на ҳинд, на ислом файласуфлари фано тушунчасининг мағзини оча олмаган»ликларини айтган. Фанонинг ҳинд файласуфларига нима алоқаси бор? Чунки фано, яъни ўзликдан кечиш билан бутун борликқа қўшилиб кетишга ишонч тариқатини дастлаб Будда ташвиқ қилган экан. «Инглизлар Ҳиндистонни мустамлакага айлантириб олганларидан сўнг ғарб файласуфлари фанонинг асл мазмунини талқин этишга жиддий интилсаларда, бунинг имконсизлигини тушундилар», — дейди Мирзо Фатали Охундов. Ўзбек адабиётшунослигида фано масаласини махсус ўрганиш ёки бирор мақолада мухтасар талқинини бериш ҳанузгача ҳеч бировнинг хаёлига келгани йўқ. Лекин фанога дастак қилиб Яссавийни қоралаш мумкин, Навоийнинг фанога доир байту ғазалларининг ҳақиқий моҳиятини тадқиқ этмаслик ёзилмаган қонда. Нега? Гапириш ноқулай.

Маълумки, тасаввуф аҳли — сўфийларнинг эътиқоди-

га кўра, оламни худо яратган. Унгача вужуди мутлақдан бўлак ҳеч нима бўлмаган. Шунинг учун борлиқни Ҳақнинг ҳусну жамолини аке этирадиган ойна тимсолида билиш керак. Лекин табиатнинг яратилишидан асл мақсад эса Инсондир. Инсон худонинг севгисига сазовор. Шунини у мукаммал фаҳмламоғи зарур. Худонинг ишқи бамисоли май. Бу «май»нинг қадаҳи инсон қалби. Шу «қадаҳ»га ишқ майи қанча ортиқ қўйилса, одамдаги юксак маънавий-руҳий интилишлар ўшанча кучаяди. Навоий газалларидан бирида:

Сен гумон қилгондин ўзга жоми май мавжуд эрур,  
Билмайин нафъ этма бу майхона адли, зоҳидо,—

деганида худди ўша «жоми май»ни гапирган. Вужуди мутлақ висолига восил бўлмоқ учун, ислом таълимоти бўйича шариат, тариқат, маърифат сингари қатор босқичларни ўтиш жоиз. Маърифат манзилида инсон худо моҳиятини тўла англаб илму ахлоқда комиллашади ва ориф деган олий номга эга бўлади. Фано эса «банданинг худо тарафига сайри»нинг ниҳояси. У ўзлигидан кечиб худо билан топишади. Шундан эътиборан гўёки ҳақиқий ҳаёт бошланади-ю, фанийлик ранжу машаққатлари тугаб, боқийлик саодати юз очади. Чунки унинг нафсу ҳирслардан тозаланган мусаффо юрагида ишқий эҳтирослар жўшади. Бу ҳолатни кўпинча ўзни йўқ этиш, янада аниқроғи, ўлимга нисбат беришади. Бунақа қараш ҳам тўғри, ҳам нотўғри. Алишер Навоийда бир икрор бор:

Дединг: «Фано недурур?» Мухтасар дейин: «Ўлмак»,  
Кя шарҳин тиласанг, юз рисола бўлгусидур.

Демак, «ўлмак» фанонинг энг мухтасар шарҳи. Аммо бўлак изоҳлари «юз рисола» бўлмоғи мумкин. Атоқли олим И. С. Брагинский Жалолиддин Румий шеърлятида фано тушунчасини «фавқулодда жасорат билан тал-

қин этилган»лигини айтиб, қўйидаги хулосага ҳам келади: «фано концепциясини такаббурликка қарши хоксорлик йўсинида характерлаш мумкин, бу эса, алаалоқибатда, ҳар бир алоҳида инсон шахсининг улугланиши демак, инсон эса мураккаб камолат йўлини босиб ўтиб, худога ўхшайди:

«Аё сиз, жон чекиб, ҳар лаҳза изларсиз плоҳийни,  
Ани излашга ҳожат йўқ, плоҳий — сиз, илоҳий — спз».

Бизнингча, фанога доир энг тўғри шарҳлардан биттаси мана шудир. Яссавий ҳам фанодан асосан, «такаббурликка қарши хоксорлик» фалсафаси сифатида фойдаланган ва уни шу мазмунларда кўпроқ ёритган. Такаббурлик — адолатнинг ёни. Такаббурлик елларидан саховат чироқлари ўчади.

Аҳли дунё халқимизда саховат йўқ,  
Подшоларда, вазирларда адолат йўқ.  
Дарвишларни дуосида ижобат йўқ,  
Турлук бало халқ устига ёғди, дўстлар.

Савол туғилади: халқ кўнглидан саховат туйғулари нега бу даражада барҳам топган? Шундай бўлиши ҳам мумкинми? Нима учун «подшоларда, вазирларда адолат йўқ?» Нега дарвишларнинг «дуоси» ижобатсиз? Эл устига ёғилган «турлук бало»ларга подшоларнинг золимлигию вазирларнинг диёнатсизлигигина сабабми? Меҳр бир дарахт бўлса, саховат унинг меваси. Подшо ва амалдорларнинг адолатсизликлари шу «дарахт»нинг ҳаётига, албатта, қаттиқ зиён етказди. Бу эса ўз навбатида одамлар ўртасида ҳурматсизлик, оқибатсизлик, шафқатсизлик ҳиссиётларини кучайтиради. Бундай ижтимоий муҳитда риё ва маккорликлар қарийб қонуниятга айланади. Бу каби иллатларнинг юзага келишини Яссавий охир-оқибатда битта нарсага тақайди. Бунинг номи — ишқсизлик.

Ёки ёлгон ошиқликнинг томир ёзишидир. Аҳмад Яссавий қатор ҳикматларида айни шу ғожианинг фикрий талқинларини беради. Унингча, «Ишқсизларни ҳам жони йўқ, ҳам имони». Улар Ҳақ ва ҳақиқат сирларидан огоҳ эмаслар. Шунинг учун оллоҳ ишқидан даъво сўргувчиларнинг аксарияти «Зоҳир сўфи, ботин ичра эрмас содиқ». Шоир «муҳаббатсиз халойиқдин» қочиб, орифлар суҳбатига юз буришга чақиради. Яссавий таърифларида ориф қуллар — «жондин кечиб» ҳақни жонга қўшиб, «дарё бўлиб» тошганлар. Уларнинг «ичу тоши» «ҳақ нурига» тўла. Шунинг учун ҳам уларнинг кўнгли ёруғ, назари очиқ.

Ҳар ким ҳақни қули бўлса ҳаққа ёнсув,  
Ҳаққа ёнмас ўзи деган нари борсув,

дейди улар. Ва орифлик учун дарду аламкашлик, бедорлик зарурат, айшу ишратлардан кечини шарт қилиб қўйилади:

Ориф ошиқ бўлай десанг алам тортғил,  
Ҳақ васлига етай десанг тунлар қотғил.  
Бу дунёни ишратини ташлаб отғил,  
Ташлаб отсанг моумолик кетар, дўстлар.

Аҳмад Яссавий яна бир ўринда «Ҳақиқатни маъносига етган киши, Беҳуд бўлиб қуёб ёнар ичи тоши», дейди. Мутафаккир шоир ҳақиқат маъносига етиб, шу туфайли «ичи тоши» ёниб-ёлқишланган одамлар дийдорини қўмсайди. Уларни хаёлан кўп ахтаради. Лекин тополмайди. Кимлардир унинг назарида ишқу эътиқодга содиқ кўрингандай бўлади. Аммо бундай кишиларда ҳам негадир риё сезади:

Кўз ёшингни риё қилма ҳақни тани,  
Ҳақ таоло суйганларни гирён қилур.



Шоир ана шундай чин гирёнларга иноади. Риё қилмасдан кўз ёш тўккан ошиқларнинг фикру қарашларини ёқлаб ҳикматлар сўзлайди. Ҳикматларини фақат «дили ойнадек» мусаффо содиқ ошиқлар эшитишларини орзу қилади:

Менинг ҳикматларим ошиққа айтинг,  
Дили ойнадек содиққа айтинг.

Алишер Навоий «Маҳбубул қулуб»да ёзган: «Нодон — эшак, балки эшакдан ҳам баттар. Эшакка нимани юкласанг кўтаради; қаёққа ҳайдасанг ўша ёққа боради, унда ақл-фаросат даъвоси йўқ, бермасанг оч, берсанг тўқ. Бу бир бечорадур юк ташувчи, ўтин-чўп ташувчи, балки галла ташувчи...

Нодон — юқоридаги сифатлардан холи; зоти билим либосидан маҳрум. Нодоннинг иши такаббурлик, кеккайиш, хаёлида юз хил беҳуда ташвиш...

Қайси элда ички ҳорғинлик ва руҳий озурдалиқ голиб келса, у элда нодонлик авжга чиққан бўлади. Қайси юртда маънавий қадриятлар қиммати пасайтирилиб, адолат устунлари қулатилса, у юртда гофил бандаларнинг баланд мартаба ва мавқеларга кўтарилмоғлари учун кенг йўл очилгандир. Навоий «Нодонлиғ эрур элда малолатга далил», дея башорат сўзларини ёзиб қолдирган. Адабиётимиз тарихида нодонлик аталмиш офатдан Аҳмад Яссавийчалик ранж чеккан шоир бўлмаса керак. Нодонлик — халқнинг кулфати. Нодонлик — ўзига хос ёвузлик. Нодон — ақл жаллоди. Мана шунинг учун Яссавий «Дуо қилинг нодонларни юзин кўрмай», дея ёлворган ва ўнлаб ҳикматларини нодонликдин шикоят мазмуновида яратган.

«Дуо қилинг нодонларни юзун кўрмай,  
Ҳақ гаоло рафиқ бўлса бирдам турмай.  
Бемор бўлса нодонларни ҳолин сўрмай,  
Нодонлардин юз минг жафо кўрдум мано.

Яссавий бу қарорга бирданига келмаган, албатта. У «нодон бирла улфат» ҳам бўлиб кўрган. Лекин бундай «улфатчилик»дан бағри куйиб, жондан тўйган. Мабодо эгрилик йўл аталадиган бўлса, нодоннинг йўли эгриликдир. Шунинг учун уни тўғриликка йўллаш самарасиз. Бесамар ҳаракат эса доно учун айни ҳам захридай гап.

Аё дўстлар, нодон бирла улфат бўлиб,  
Бағрим куюб, жондан тўюб, ўлдум мано.  
Тўғри айтсам эгри йўлга бўйин тўлгар,  
Қонлар ютуб ҳам захрига тўйдум мано.

Яссавий «зоти билим либосидан маҳрум», калтабин ва худнараст кимсаларнигина нодон санамаган. Балки у «олимман деб китоб» ўқиб, «маъни уқмас»лар, фикрсизлик зулматидан руҳи сим-сиёҳ амалдорларни ҳам ашаддий нодонлар сафига қўшган. Унингча, «улуғ кичик ёронлардан адаб»нинг кетиши ҳам аввало нодонлик тазйиқидан. Шоир ҳалол, ҳаромнинг фарқига боролмайдиган нафспараст халойиқ учун «малоикдин» шарм қилади. У «Оқил эрсанг эрапларга хизмат қилғил» деганида «Муҳаббатни майдонида жавлон» қилиб, «Ҳақиқатни дарёсидан гавҳар олғон» мард кишиларни эътиборда тутди. Бироқ унинг ўзи шундай одамларни излай-излай, охири мана бундай ҳолатга етади:

Ер остига қочиб кирдим нодонлардин,  
Илким очиб дуо тилаб мардонлардин.  
Ғариб жоним юз тасадуқ донолардин,  
Дано топмай ер остига кирдим мано.

Аҳмад Яссавийнинг донолик тўғрисидаги тушунчаси— идеал тушунча. Шунинг учун доно одамлардан унинг талаби ниҳоятда катта бўлган. Масалан, у «Охир замон олимлари золим бўлди, Хушомад этгувчилар олим бўлди», деганида замоннинг охирлашганидан каромат

қилишни ўйламаган. У олимнинг хушомади — золимлик, хушомад орқали олимликка эришмоқ — илм аҳлининг ихтиёрий равишда зулмкорлар сафига қўшилувидур деб билган. Ва бу қабоҳатда охир замон нишонларини пайқаган. Дарҳақиқат, олим билан золимни бирлаштирган замоннинг истиқболи нима ҳам бўлиши мумкин? Шоирнинг бошқа тўртлигидаги ҳукмича, «Дано туфроқ, нодонларни кўкси баланд». У «ҳақтаоло»га «рафиқ»лик иштиёқидан сўзлаганда ана шу «кўкси баланд» нодонларга тавқидий муносабатини билдирган. Аҳмад Яссавийнинг фано фалсафасини хоксорлик билан баробар беозорлик, фақирликни севмак, муҳтожликдан ўзни қутқармоқ маъноларида ҳам мушоҳада этмоқ керак. У фано орқали эркак интилиш, илоҳий ҳурликка муҳаббат майлларига алоҳида урғу бергандир. У оллоҳ висолига талпинмоқни суяди. Туну кун унинг хаёлида ёнади. Тангри даргоҳига ёруғ юз билан боролмаслигидан такрор-такрор ўкинади. Лекин буларнинг замирида кундалик ташвиш, ўткинчи ҳаваслардан кўнглини озод этишдек қучли истак ётади. Бу истакни эса Рух эрки учун жонбозлик фалсафаси деб аташ мумкин бўлурди.

Дунёпараст ножинслардин бўйин товла.  
Бўйин товлаб, дарё бўлиб тоштим мано.

«Дарё бўлиб тошмоқ» — фанолик шарофати. Давлатсевар, молпараст нокасларга бўйин эгмаслиқнинг асосий шарти фаноликдир. Инсон умри қисқа ва ўткинчилиги азалдан аён. Аммо у шуни яхши билса-да, ўзини дунёда ўткинчи ҳисоблайвермайди. Нега? Негаки, ишқ ва тафаккурда у боқийлигини топади. Аҳмад Яссавий шеърларини ўқиб, «Нима учун унинг ориф юраги бу даражада беқарор, бу қадар озурда ва мискин?» — деган хаёлларга борилиши мумкин. Бунинг асл сабаби шундаки, илоҳий муҳаббатга берилган юрак осойишталигини буткул унутади. Азоб ва дард ҳукмига тобе бўлиб қолади. Аслида, бу — юракнинг

шодлик маросими. Чунки энди у бошқа ҳеч қачон, ҳеч вазиятда ғафлат тутқуни бўлмайди. У ердан, кўкдан, инсондан моҳият қидиради. Бу маъноларда Яссавий учун фано абадиятга интилишдан бўлак нарса эмасди.

К. А. Гельвеций шоирларга қарата: «Агар ҳақиқатни образли шаклларда тасвирламас экансиз, шеърятни тинч қўйинглар» — деган экан. Бу фикрни ривожлантириб, «Агар поэтик образ «дили» ва «тили»ни тушунмас экансиз, шеър ва шоир устидан ҳукм юритманг», — дейиш лозим бўлади. Поэтик образ — фавқулодда серқирра «қурулма». Унинг асосий фазилатларидан бири — мазмунда «қатлам»дорлик, туйғуда бўёқдорлик. А. Ф. Лосев «Поэтик образ ҳақида» мақоласида «Образ — бу поёнсизлик», деган. Шеърнинг руҳий ва ғоявий қудрати образда марказлаштирилади. Сўз сеҳри ва маъно қатламлари ҳам образ бағрида яширингандир. Шунинг учун Гегель «Қонунларнинг шафқатсиз кучидан, фикрнинг нохуш уйғунлигидан толиққанзимизда поэтик образлардан ором ва софлик истаймиз», — деган эди. Яссавий кўпчилик ҳикматларида поэтик образга хос миқёсийлик, теранлик имкониятларидан самарали фойдаланган.

Бешак билинг, бу дунё борча халқдин ўтаро.  
Инонмағил молинга, бир кун қўлдин кетаро.  
Ого-оно, қариндош қаён кетди — фикр қил,  
Тўрт оёғлиг чўбля от бир кун санга етаро...

Ушбу сатрлардаги моҳият дунёнинг ўткинчилиги ҳақида. Ёлғиз шу тўғридами?

Аҳмад Югнакий «Ҳиббатул ҳақойиқ» асарида очунни бир қўниб яна кетиладиган работга ўхшатади. Ва кейин унга жонли сифатлар беради: дунё кишига гоҳо бир кўлиб боқади-ю, кейин қош уйиб хўмрайиб олади. У — айёр, фирибгар. Бир қўли билан бол тутса, иккинчиси билан унга заҳар қўшади:

Бир элқин тутиб шаҳд, бири заҳар қотар.

У заҳарни четдан олмайди. Очун — илон. Унинг илондек юмшоқлиги ва ювошлигидан алданмаслик керак:

Илон юмшоқ эркан ёвуз феъл тутар.

Ироқ турҳу, юмшоқ теб инонмағу,

деб огоҳлантиради шоир. «Дунё»нинг найранг ва афсунлари шулардангина иборат эмас. У сиртдан боққанда кўримли. Шу сабабли илонга ўхшамаслиги ҳам мумкин. Аммо ичида барибир минглаб нохушлиги тўпланиб ётади. Очуннинг ташқи безакларига мафтун бўлиб, унга кўр-кўрона кўнгил бермоқ эса барча хатоликларнинг бошланишидир. «Дунё»ни ишвагар, субутсиз, алдоқчи, золим, бевафо қиёфаларида характерлаш туркий халқлар шеъриятида XII асрлардаёқ гоъвий-бадий анъана ҳолида шаклланган эди. Юсуф Хос Ҳожиб унга «иййиг дунё» — бевафо дунё сифатини беради. Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Ҳожиб ва Аҳмад Яссавий тасвирида ҳам «дунё» поэтик образга айлантирилгандир. «Бешак билинг, бу дунё борча халқдин ўтаро»даги «дунё», биринчидан, Аҳмад Югнакий айтган, одамлар бир қўниб яна кетадиган «работ» маъносига эга. Иккинчидан, у инсон умрининг кўзгусидай гап. Унга фикран назар ташлаб, умрнинг нақадар югуриклигини билса бўлади. Учинчидан, у тақдир тимсоли. Умрнинг елдай ўтиши тақдирданми ё дунёнинг ишими — билиш қийин. Шуниси аниқки, тақдирнинг аёвсизлиги олдида мол-дунёга инонмоқ подонлик ва гофилликдир. Тўртинчидан, бу олам шундай бир «майдон»ки, унда ҳамма охир-оқибатда «тўрт оёғли чўбин от» устида жонсиз ястаниб кетмоққа маҳкумдир. Одам туғилса нега ўлади? Ўлса нега туғилади? Шарқ мутафаккирлари ўлимни тирикликнинг тескари ва тоза томони деб айтишган. Нега шундай дейишган? Бу ҳақиқатни қандай қилиб англаш мумкин? Турмушнинг майда ташвишлари ўлим қаршисида нимага арзийди? Инсон тирик мурдага ўхшаб яшамаслиги учун Вақтни ўлдир-

маслиги керак эмасми? Вақт қаҳридан чўчимаслик нима оқибатларга олиб боради? Бундай саволлар хусусида тинимсиз ўйлаш лозим. Ўлимни англаш — ҳаётни маърифат билан қадрлаш, одам фарзандини ганимат билиш, манманлик ва жаҳолот «тулпор»ларига мишиб ҳовлиқмаслик деган мантиқларни ҳам ўз ичига олади. Алишер Навоий:

Эй кўнгул, келким бало базмида жоми гам тутаё,  
Ўз қатиге ҳолимга ўлмастин бурун мотама тутаё.  
Йиғлабон бошимга оҳим дудидин чирмаб қаро,  
Мотамим эл сўнгра тутқунча, ўзим бу дам тутаё,—

дер экан, буни у асло бадбинлик ва тушқунликдан айтмаган. Ўз ўлимига ўзи йиғлаётган кишининг нақадар ёш, ҳаётга муҳаббати нечоғлик чуқурлигини тасаввур этасизми? Қариликда бундай бўлмайди. Қариликда, хоҳланг, хоҳламанг, ўлимга кўникма бор. У нари борса, «Дард ёмони қариликдир, ёронлар» дейди. Лекин оҳи дудидин бошига қаро «чирмаб» йиғламайди. Навоий ёшликни севгани, ёшликка хос шижоат ва муҳаббат туғёнлари қалбини тарк этишига кўника олмаганидан ўшамунгли сўзларни ёзган. Яссавийни эса йўлсизлик, пайтида саодатга бел боғлайолмаслик ҳислари қийнаган:

Аё дўстлар, ҳеч билмадим мен йўлимни,  
Саодатқа боғламадим мен белимни.  
Ғийбат сўздин ҳеч йиғмадим мен тилимни,  
Нодовлиғим мени расво қилди, дўстлар.

Аҳмад Яссавий учун саодат ва ҳақиқат ашъвий нарса-ларга эга бўлишмас. Булар ҳатто мақсад ҳам эмас. Унингча, ҳақиқат Юракда. Ҳақиқат — Руҳ. Борлик, олам билан руҳан уйғунликка киришиш — олий саодат. Саодат — маърифат нурларидан онг ва дилни тивиклаштириш. Шоир ўз мавжудлигини Руҳ ва руҳий ҳаётдаги

ўзгаришлар, тўлғанишлар, юксалишлар орқали идрок қилмоқни хоҳлайди. У инсондаги ички бойликни муқаддас билган. Шунинг учун ташқи бойликлар, гуноҳ ва мутелик «нархи»ни оширувчи уларнинг ҳар қандай тундидан у ҳазар қилади.

Дунёдорлар молин кўриб ҳаво қилур,  
Манмавлиқда ул даъвои худо қилур.

Бундоқ қаралганда, Мансур Халлож ҳам «Анал ҳақ» деганда худодлик даъвосида бўлган. Бироқ у дунёдорлик ҳавосигамас, руҳий камолотга ишонган. У шоҳ Жамшидга ўхшаб тожу тахт «ғурури ва азим давлат такаббури димоғига фосид хаёл солиб, оламни ўз ибодатиға амр қилиб, ўз сурати била бутлар ясаб» сиғинмоқ учун шахру кентларга юборган кибр ва шуҳрат қулларидан бўлмаган. Бойлик, такаббурлик одамни ўз қавм ва элидан ҳам йироқлаштиради. Ҳаққа ёвуқлашиш сафаридаги киши эса табиат, жонли мавжудот, ҳаттоки «қурт ва қушлар»га ҳам яқиндир:

Дунёдаги қурт ва қушлар қилди салом,  
Ул сабабдин ҳаққа ёвуқ бўйдум мано.

Яссавий поэтик фалсафасидаги бундай ҳақиқатларни Навоий мукамал англаган. Англагани туфайли ҳам комилликка кўтарилиш, ҳаққа эътиқод, молу давлат учун жонсарақ бўлмасликда «Турк пири», яъни Аҳмад Яссавийдан ўрнак олишга даъват қилган.

Ҳар киши комил эрур, бас анга ҳақ бандалиғи,  
Мундин ўзга тамаи касби камол айламанғиз.  
Олами фони учун ралжу машаққат чекманғиз,  
Мол учун ғам еманғиз, фикри манол айламанғиз.  
Турк пири каби оламдин этакни силкинг,  
Дўстдин ғайри таманнои висол айламанғиз.

Агар Яссавий «ўтакетган таркидунёчи», дунёқараши гуманистик ҳақиқатлардан йироқ, фалсафий-дидактик қарашлари «реакцион» бўлганида Навоий унинг «оламдин этак» силкишини намуна қилиб кўрсатармиди? Ёки улуг шоир «Мол учун ғам емангиз, фикри манол (бойлик) айламангиз», дея Яссавийнинг «Дунё учун ғам ема, ҳақдин ўзгани дема» сўзларини деярли айнан такрорлармиди? Яссавийшунослар ушбу мисрадан шоир: «Бу дунёни севма, ҳаёт учун ташвиш чекма», демоқчи деган хулосаларга келишган. Навоий «Мол учун ғам емангиз» деб Яссавийдаги «дунё» образининг маъносини шарҳлаган дейиш мумкин. Навоий шеъриятини яхши тушуниш учун — Яссавий ҳикматларидаги ғоя ва поэтик образларнинг тарихи ва мундарижасини яхши билиш лозим. Бунга истак йўқ экан, унда Яссавий ижодиётининг ғоявий-бадиий сирларини тўғри очин учун — Навоий лирикасининг маъно ва образлар дунёсини кенг ўрганмоқ керак.

Мана, Яссавийнинг бир сатри:

Туфроқ бўлгил, олам сани босиб ўтсин.

Ушбу мисра Яссавийга кўп маломатлар ёғдирилишга боис бўлган мисралардан. Шоир худди шундай образли ифодалари билан гўёки «халқнинг қўл-оёғини золимлар олдида кишанлаб қўйишни мақсад қилиб» олган эмиш. Юзаки қаралганда, бундай таъналарда жон бордай, албатта. Дарҳақиқат, одам нечун «тоғ» бўлмасдан «туфроқ»қа айланиши керак? У «олам»нинг оёғи остида янчилиш учун турилмайди-ку. Бу — ҳозирги ўқувчининг нуқтаи назари. У сатр мазмунини тахминан ўшандай англайди ва баҳолайди. Негаки, у «туфроқ» сўзини ўша жойда ё ўз маъносида ёки ўлиб хокка қорилиш мазмунида тушунади. Шу ўринда озарбайжон олими Комил Валиевнинг «Сўзнинг сеҳри» (Боку, 1986) номли китобидаги мана бу фикрларга диққатни тортишни хоҳлардик: «Инжил» ва «Қуръон» Фузулий санъатининг ичин-



дадир. «Инжил» инсоннинг заифлиги, «Қуръон» инсоннинг қудрати устида яратилган. «Инжил»да инсон кучсиз, кўмак ва шафқатга муҳтож, ҳар қандай зулмга чидамлидир. «Қуръон» эса инсонни империя учун сафарбар қилади, инсонни кучли ва янада кучли бўлмоғини тарғиб этади... Кучсизлик ва кучнинг дини Фузулий шеърининг ботинидадир» (23-бет). Мазкур қайдларни Яссавийга ҳам тадбиқ қилиш мумкин. Яссавий санъатининг бағрида ҳам «кучсизлик ва куч дини» яширинган. Унда «Инжил» ҳам, «Қуръон» ҳам бор. Шоир ижодиётига «Қуръон»дан ўтган гоё ва образлар сезиларли мавқега эга. Лекин улар қандай формаларда ва қайси мақсадларда ўзлаштирилганини аниқлаш зарур. Мана ўшанда ҳақиқат равшанлашиб, чин моҳият юзага чиқади.

Яссавий «Туфроғ бўлгил...», деганда катта мақсадни эътиборда тутган. Келинг, аввало Одам Ато ҳақидаги афсонанинг мазмунини ёдга келтирайлик. Маълумки, диний тасаввурлар бўйича худо дастлаб тўрт унсурни бунёд этган. Булар: ўт, сув, ер, шамол. Сўнг одам яралган. Бу ҳақда Абулғозихоннинг «Шажараи тарокима»сида ўқиймиз: «...Худойи таоло фаришталарга айтадиким, туфроқдин киши ясаб жон бериб ер юзинда ўз ўрнимга халифа қилиб қўятурурман...» Бу ҳукмга фаришталар, инсонлар ўз нафсларини забт қила олмайдилар, деб эътироз қиладилар. Шунда худо айтганмиш: «Ман билгонни сизлар билмассизлар. Боринглар, туфроқдин бир кишининг сувратин ясанг... Азройил алайҳисалом худонинг амри билан бориб барча ер юзиндаги ҳар турлик туфроқдин олиб Маккаи муаззама бирла Тоифнинг орасинда туфроқни балчиқ қилиб одамнинг сувратини ясаб ётгуздилар». Одам шамол ёрдамида ҳаракатга солиниб, олов билан жасади иситилганда қалби ҳароратга тўлибди. Ва яратганнинг шафқату саховати туфайли вужуд ичида инсон ўз эркини топибди. Тасаввуф фалсафасига биноан ушбу тўрт унсурнинг ҳар биридан тўрт хусусият, тўрт ҳолат, тўрт майл ва тўрт сифат юзага келтирилганмиш.

1. Тупроқдан — сабр, умид (худонинг марҳаматиға), эзгу хулқ ва мурувват. 2. Сувдан — қувонч, саховат, назокат, бирлик. 3. Шамолдан — ёлғон, иккиюзламачилиқ, сабрсизлик, тантиқлик. 4. Оловдан — нафс, кибр тама, ҳасад. Бундан ташқари, тасаввуфда тупроқ оллоҳнинг мунаввар нури, сув — унинг ёруғ ҳаёти, ҳаво — буюклик, олов — унинг ғазоби тимсоли. Тупроқ ва сув — жаннат мулки, шамол ва олов — дўзах ичидаги нарсалар. Ушбу шарҳу маълумотларни ёдда тутиб, «Туфроғ бўлғил, олам сени босиб ўтсин», сатрига яна назар ташланг. Тасаввурда нимадир ўзгардимиз? Албатта, ўзгарди. Чунки, «туфроқ» биринчидан, оддий сўзмас, поэтик образ экан. Иккинчидан, шоир диний ишончларга асосланиб инсонни эзгу хулқ соҳиби, мурувватли ва илоҳий зот шарафига эришишга чақирган. Яссавийдаги «туфроғ» образи худди шу маъно ва мантиқларда Навоий шеърларида ҳам тадбиқ қилинган.

Бу қадар манзилату қурби буюк поя била,  
Ўзини тутқувчи туфроғ ила ҳамвор қани?—

Туфроғ ила ўзни тенг тутиш нима экан? Буюклик замини. Хоксорлик пояси. Кибр, манманликдан покланиш. Инсонийлик мартабаси олдида бўлак мартабаларни назарга илмаслик. Навоийнинг бошқа бир ғазалидаги эътирофича, «Бевафолар ўт, вафо аҳли эрур туфроғ»... «Мисрадаги «ўт» ва «туфроғ» сўзларининг иккаласи ҳам поэтик образ. Шунинг учун — ўт образи орқали бевафоликни туғдирадиган шайтоний ва нафсоний ҳирслар тўғрисида ўйлаш керак. Вафо аҳли нега «туфроғ» эканлиги энди аён, албатта. Кўраяписизки, Яссавийнинг «Туфроғ бўлғил» дейишининг бир сабаби Навоийда изоҳланган. Яъни бундай:

Эй Навоий, ўзни мақбул истасанг, туфроқ бўл,  
Ким эрур мардуд, улким бошида пиндори бор.

Мардуд — рад этилган. Бунга сабаб — шайтоний кек-кайиш. Демак, Ўзликни англаш «ўзни мақбул» исташи-нинг зўр чораси тупроқ сифатлиқдир.

Биз Яссавийдаги «туфроғ» образининг мундарижаси-ни ҳали тўлиқ талқин этганимизча йўқ. Унда диний ту-шунчалар билан боғлиқ бўлмаган бошқа маъно «қатлам-лари» ҳам бор. Масалага кенгроқ қараб савол қўййлик: Тупроқ нима? Тупроқ — Ватан. Тупроқ неча юз йиллар-дан буён не-не улуғ фарзандларини қучоғига босиб кела-ётган мушфиқ Замин. Шунинг учун биз уни эъозлаб она тупроқ деймиз. У олис аждодларга оналик қилган. У ота-боболаримизнинг онаси бўлган. У бизнинг онамиз. Ва келажак наслларнинг онаси бўлажак. Оташнафас турк шоири Ошиқ Вайсал дейди:

Ҳавога боқсам мен ҳаво оларман,  
Тупроққа боқсам мен дуо оларман.  
Тупроқдан айрилсам қайда қоларман,  
Менинг содиқ ёрим қаро тупроқдир.

Ҳа, ҳақнинг «ниҳон хазинаси» тупроқда. Тупроқ «дуо»си — Ватан дуоси. Чингиз Айтматов яратган Тўл-ғаной момонинг она замин билан ҳасратлашганларини хотирланг. У бир жойда «Умр ўтиб бораётир, она ерим, орадан тагин бир йил ўтди. Бугун менинг сиғинадиган куним», дейди. Ерга сиғинмоқ одамийлик матлаби. Она заминга сиғинган кишининг «Менинг содиқ ёрим қаро тупроқдир» дейиши, ишқ нурларини Ватан тупроғига бағишлаши шубҳасиздир.

Ўзбек адабиётида Ватан ҳақидаги фалсафий фикрлар Аҳмад Яссавий ҳикматларидан бошланади.

Бошим туфроғ, ўзим туфроғ, жисмим туфроғ.  
Ҳақ васлига етарман деб руҳим муштоқ.

Яссавий байтининг иккинчи қаторидаги гапни хоҳ-ланг «Ҳақ» васлига етишишга орзуманд кишининг сўзи,

хоҳланг Ватан дийдори соғинчидаги комил Қалбнинг руҳ муштоқлиги деб қабул этинг. Моҳият бундан ўзгармайди. Чунки Ошиқ Вайсал башорат қилгандай, Ватанига ёр одамгина илоҳий тилакларига етади:

Тилагинг бор эса иста оллоҳдан,  
Олмоқ учун узоқ кетма тупроқдан,  
Жўмардлик тупроққа берилмиш ҳақдан,  
Менинг содиқ ёрим қаро тупроқдир.

Истеъдодли шоир Муҳаммад Солиҳ ёзади:

Сўзлагим келади — сўзларим тупроқ,  
Тупроқ сўзланмайди. У — тушунилар.

Яссавийга ҳамоҳанг фикрлар. Тўғримасми? Ахир, чиндан ҳам тупроқ тушунилади. Яъни, ватанпарварлик ҳавойи сўзларда оғиз кўпиртиришмас. Ватанни англаш. Тупроқ тилини билишдир. Бунда сўз ҳам, севги ҳам гўё тупроқдир. Абдулла Орипов эса:

Нечун бошинг эгик, нечун қадинг ҳам,  
Нечун нигоҳингни тортади тупроқ?  
Менинг ер устида танишларим кам,  
Менинг ер остида дўстларим кўпроқ,—

дейди. Нигоҳини тупроқ тортмайдиган кимсалар ёвуз ва жоҳилдир. Дунёдаги барча подон, хотирасиз барча гумроҳларнинг нигоҳлари тупроқдан узилгандир. Чунки ҳеч қачон ер остида уларнинг дўстлари бўлмайди. Улар ҳеч вақт тупроққа қоришиб ётган улуғлар учун қадни ҳам тутишни идрок этолмайдиган. Бу ҳам ашаддий хотирасизлик. Бу ҳам ўзига хос манқуртлик.

«Туфроқ бўлғил, олам сени босиб ўтсин». Яссавий буни кимларга қарата айтган? Доно, янада тўғрироғи, ориф зотларга. Оломонга-чи? Ҳар нечук, онги паст, руҳи

қоронғу кимсаларга шоир унча инонмаган бўлса керак. Ниҳоят «олам сени босиб ўтсин» тушунчасига етиб келдик. Шеър жўн гапнинг жўнгина баёни эмас. Шеър теран фикру туйғуларнинг образли ифодаси. Аҳмад Яссавий шу имкониятдан фойдаланиб, Инсонни улуғликка чорлаган. Чунончи: Одам Ватан билан бирликка эришса, у нафақат ўз элининг, балки оламнинг эҳтиромига сазовор. Бундай кишини эл тушунади, дунё танийди. Бундай қудратли зотларни олам ҳам енгиб, босиб ўтолмайди. Мана, Яссавий сатридаги поэтик образнинг асосий мундарижаси ва ундан келиб чиқадиган оламшумул маъно, Яссавий ҳикматларидаги кўнгина поэтик образларнинг маъно таркиблари теран ва мураккаб. Шунинг учун уларни талқин этиш ҳам жўн ишмас, Яссавийдан фақат бугунга мос гапни ахтармаслик керак. Балки ундаги шеърый образларнинг мундарижасини қандай бўлса, ўша миқёсларда таҳлил қилиниши лозим. Таҳлилда эса «қулоғидан тортиб» фикр чиқариш эмас, эркин мушоҳада усули зарурдир.

Академик Д. С. Лихачев сўзлари билан айтиладиган бўлса, «Ўтмиш ва ҳозирги замон маданияти ўртасида тескари алоқа мавжуддир. Вақт ҳамиша янги нуқтаи назарларни яратади ва эскига янгича қараш, аввал пайқалмаганни кашф этишни талаб қилади». Мана шу талабдан орқада қолмаслик ҳаммининг вазифасидир.

## ШЕЪРИЯТ КАРВОНИ

Рудакий, Дақиқий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий сингари қатор улур санъаткорларни етиштирган X—XI асрлардаги Шарқ воқелиги, улар анъаналарининг муносиб давомчиларини ҳам вояга етказиб берди. Форсигўй ўзбек шоири Адиб Собир Термизий ана шундай буюк устодлардан бири. Адиб Собир тахминан XI асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёнинг қадимий шаҳарларидан Термизда туғилган. Шоирнинг ҳаёт йўли ва умр тарихи ҳақида қисқача шундай маълумотлар мавжуд. У ёшлик йилларида таҳсил учун она шаҳри Термиздан Ҳиротга борган. Бир неча муддат Ҳиротдаги Низомия мадрасасида таълим олган. Талабалик даврларидаёқ у салоҳиятли шоиргина эмас, фалсафа, табиёт, тил, мантиқ, адабиёт каби илм соҳаларидан пухта хабардор дақиқ олим сифатида ҳам танилган. Орадан анча вақт ўтгач Адиб Собирни Хуросон ҳокими Абулқосим Али ибн Жаъфар ўз саройига таклиф қилади. Шундан сўнг у қарийиб ўттиз йил мобайнида Нишопурда яшаб ижод ва давлат ишлари билан машғул бўлади. Шоир ҳаётининг маълум бир қисмини Марвда, кейин эса Хоразмда ўтказган.

Адиб Собирнинг тақдири териси шилинган Насимий, дор сиртмоғида жон узган Бобораҳим Машрабга ўхшаш шоирларнинг тақдирига яқин ва гоътада фоже. Уни 1148 йилда Хоразм ҳукмдори Хоразмшоҳ Отсиз қўл-оёғини боғлаб Амударёга чўктириб юборади. Шу тариқа шоир, олим ва инсон вужуди охир-оқибатда бир уюм тупроққа кўмилиш шарафидан ҳам маҳрум қилинади.

Адиб Собир умрининг энг сўнги дақиқаларида —

ёвузлик уни Жайхунга ғарқ этаётганда қандай хаёл ва изтиробларни бошидан ўтказган — аниқ бир нарса дейиш қийин. Балки у ўшанда шоҳлар хизматига беҳуда ара-лашиб қолганлигидан афсус-надоматлар чеккандир. Балки юрагининг қаъридан жой олган она юрти, кўҳна Термизни ўзи билан бирга мангуга олиб кетаётганлигини ҳис қилиб шодлангандир. Балки оламда ҳақиқат ва эзгу-лик бир кун эмас, бир кун «заъфар отига» миниши ҳақи-даги ишончи унга фавқулудда бир куч ато этиб, ёвузлар кўзига тик боққандир. Аммо буларнинг барчаси эҳтимо-лий тахминлар. Лекин бир нарса эҳтимолдан йироқ: дунёда чин шоир шеърларини буткул оқизиб кета ола-диган дарё ҳам, денгиз ҳам йўқ, бўлмаган, бўлиши мум-кин эмас. Жайхунга ташланаётган шоир мана шуни ўйлаганлиги, мана шу ҳақиқатга ишонганлиги шубҳа-сиз кўринади.

Тарих мангу адолатларига содиқ. У ҳақиқий шоир шеърляти — бу ўтда ёнмас, сувга чўкмас, абадият соқ-чилигидаги бир хазина эканлигини мана Адиб Собир Термизий шеърлари тимсолида ҳам тасдиқлаб турибди.

Адиб Собир шеърляти — ғоя ва образлар кўркемли-гига эга, умумий пафосини гуманистик йўналиш, уйғоқ руҳ, юксак мақсад ва ёруғ туйғулар белгилаган шеърлят. У моҳир санъаткор меҳнатлари билан бунёд бўлган шеърлят. Шунинг учун ўша даврлардаёқ у ўз муалли-фига катта шухрат келтирган эди. Шу маънода қуйидаги фактларни эслатиш муҳим. Назм илмининг улкан билим-дони ва шоир Рашидиддин Ватвот Адиб Собирга бағиш-лаб ёзган қасидасида уни «Эй Собир, эй сўз арши аъло-си, эй фазл жаҳони», деб таърифлайди. Уша замоннинг энг забардаст шоирларидан Анварий эса шеърда Санойй мартабасидан юқори кўтарилган бўлсам-да, Собирдан пастда қолдим, дея эътироф этган.

Бизгача Адиб Собирнинг бир неча девони етиб кел-ган. Улар дунёнинг турли кутубхона ва қўлёзма фондла-рида сақланаётганлиги олимларимиз томонидан аниқлан-

ган. 1953 йилда Адиб Собир девони Али Қавим томонидан Техронда чоп этилди. Кейинроқ эса шоирнинг девонидан сараланган асарлари Тожикистонда, форсийдан Чустий ва Э. Пардаевлар таржимасида Тошкентда ҳам босилди.

Шоир девонининг асосий қисмини қасида жанридаги асарлар ташкил этади. Улар Абулқосим Али ибн Жаъфар, Хоразмшоҳ Отсиз, Малик Санжар ва бошқа нуфузли шахсларга бағишланган. Мадҳ этиш — қасиданинг асосий талабларидан. Албатта, шоир қасиданинг бу талабига қатъий риоя қилган. Лекин Адиб Собир ижоди тадқиқотчиларининг таъкидлашларича, унинг қасидаларида замонаси учун муҳим бўлган ахлоқий, ижтимоий ва ҳаётий мулоҳазалар ҳам у ё бу тарзда ўз аксини топган.

Адиб Собир девонидан ғазал шаклидаги шеърлар ҳам кенг ўрин олган. «Аё сўз бирла элда обрў олмоқчи бўлғувчи. Сўзингни ўткир эт, мазмунга тўлдир, маънидор айла», дейди шоир. Бу Адиб Собирнинг фақат бошқалардан эмас, ўз-ўзидан ҳам талаби эди. У ғазалларида инсон, унинг оламдаги ўрни, ҳаётини истак ва интилишлари ҳақида мазмундор гаплар айтади. Кишиларни адолат ва некбинликка чорловчи фикру туйғуларни тасвирлайди. Шоирнинг ғазаллари лирик бўёқли. Эҳтиросли кайфиятларга бой.

Бўлғай ҳаёт ширин фақат ишқу май билан,  
Топширдим ишққа дилни, олдим шаробни

Ушбу икки сатр шеърда Адиб Собир ғазалиётининг ўзак моҳияти аксини топган дейиш мумкин. Унинг ҳаёт, инсон, ишқ, май бирлиги тўғрисидаги мазкур нуқтаи назари гўё бутун ғазалларининг гоявий ўзанини белгилайди. Шоир лирик қаҳрамони характер мантиқи билан ҳаётсевар. Унинг қалбини дунёвий орзу ва ҳиссиётлар эгаллаган. У оламнинг собит ҳақиқатлари билан одамларнинг



ёлгон алдовларини яхши фарқлайди. Ва шунинг учун ҳам:

Кўлга олмасман қадах, деб аҳду сўз қилган эсанг,  
Кеч у сўздан, гул замони аҳдингга қилма вафо.  
Май ичиш айёмидир, қўлдан қадахни қўймагил,  
Сухбат айла гул билан гул мавсумида мутлақо.  
Тавба, деб қилса дуо зоҳид агар, қилма сира.  
Бизга гул фаслию май пайтида ёқмас дуо,—

деб даъват қилади у. Унингча, севги ва майга чегарасиз иштиёқ бўлмаган дилларда дунёнинг сохта, ўткинчи жилолари устиворликка эришади. Яшашдан мақсад эса — муҳаббат. Фақат севган кишигина одамийлик шарафига лойиқ. Ёлғиз «ул майи мусаффо»гина «кексаю ёшнинг роҳати жони». Унда шодлик тирилади. Унинг сеҳрли ҳароратидан киши дилида кайфият, ҳолат, шият чечаклари униб-ўсади.

Маълумки, эътиқод ва унга садоқат инсон фарзандини азал-азалдан курашга ундаб келган. Эътиқоднинг феъл-атвори ҳамма замонларда айтарли бир хил. У ҳеч пайт эҳтиёт кўрчасига бурканиб яшамаган. Доймо унинг муросаси — муросасизлик, қудрати лиқилдоқ ҳақиқатларга суянмасликдир. Унинг асосий шиори — қаршиликни қаршилиқ кучи билан енгиш. Мана шунинг учун худолар қаҳридан ғолиб Прометей тимсолида одамларни зулматдан қутқариш нияти билан у ўт ўғирлаб келган, мана шунинг учун у Спартак, Широқ, Муқанна шуурида эрк ва жасоратнинг ўчмас алангасини ёққан. Шарқнинг барча пешқадам шоирларига хос шундай умумий хусусият бор. Улар даража ва кўзлаган мақсадларидан қатъий назар, ўз лирик қаҳрамонлари халққа эътиқод ҳимоячилари сифатида ибрат кўрсатишларини истаганлар. Бу гап Адиб Собирга ҳам тегишли. У шеърларидан бирида «Боғни тарк этдилар азиз дўстлар, Қарғалар бунда боғбон бўлди», дейди. Бу билан шоир даврон ёвузлари яхшилар

устидан таътана қилганлигини айтмоқчи. Унинг лирик қаҳрамони «Фалак қасди, жаҳон жабри жафоси» ва «золимлар зулми» «ниҳоят ҳаддан» ошганлигидан кўп нолийди. Аммо характерли томони шундаки, адолатсизлик ва хорлик, жаҳолат ва таҳқирлар олдида Адиб Собир лирик қаҳрамонининг эътиқоди букилмайди. У келажакка ишонч билан қарайди. Ўзича «Бир замон бўлгайки келгай навбахор, Ғам чекувчиларга келгай ғамгусор», деб умид билдиради. Ва одамларни «қайсар фалакка бўйсунмас»ликка, турмуш, жамият ҳодисотларига ҳушёр назар билан баҳо беришга чақиради. Бу жиҳатлардан шоирнинг қитъа жанридаги шеърлари янада қимматли.

Умидим йўқ замонда яхшиликдан,  
Ҳамиша яхшилик лекин умидим.  
Разиллардан бўшалса, яхши олам,  
Сахийлардан бўшабдир энди билдим.

Шахс ва муҳит муносабатидаги зиддиятлар, эзгулик кушандаларининг чиркин қилмишлари, илм ва ҳунар эгаларининг ҳасби ҳоллари ва бошқа ахлоқий, ижтимоий, фалсафий масалалар шоир қитъаларида зўр мантиқий куч билан дарж этилган. Улардан баъзилари ҳанузгача ғоявий ва эстетик аҳамиятини сира йўқотмай сақлаб келаётганлигига қуйидаги қитъа мисол бўла олади:

Қадим душманларингдан янги-янги дўстлар қилмоқ,  
Гаров қўймоқ бўлур ақлингни дев илгига, эй инсон.  
Тирилтирмоқ ўликни мумкин-у, аммо эмас мумкин,  
Қадимий душманингдан янги бир дўст айламоқ ҳеч он.

Бадий ижодда шаклнинг ўзигина ҳеч нарсани белгиламайди. Шакл фақат восита. Шарқ адабиётида Умар Ҳайёмгача ҳам рубоий шаклида ёзган шоирлар бўлган. Кейинги даврларда ҳам унга тақлид қилган ижодкорлар оз эмас эди. Бироқ рубоий ёзишда эътиборли натижалар-

га эришган шоирлар ўзбек адабиётидагина эмас, форс-тожик шеъриятида ҳам бармоқ билан санарли. Шу нуқтаи назардан олганда, Адиб Собир рубоии жанрининг талаб ва имкониятларини англаб иш юритади. Шунинг учун унинг аксар тўртликлари катта фикрий умумлашмалар миқёсига эга. Бир рубойида у ёзади:

Ғамзангдан бало ўқлари топди пайкон,  
Номингдан жафо номаси олди унвон.  
Жафони севдан сабоқ олибдир фалак,  
Хиволи қўлининг вафоси бўлмас ҳеч он.

Бу ерда асосий мақсад нима? Жафокор ёр бевафолигини писанда қилишми, ёки фалак устидан ҳукм чиқаришми? Бундоқ қараганда, уларнинг иккаласи ҳам асосий. Аммо шоир учун маъшуқа ҳақидаги гап баҳона. У шу баҳонада ғаддор фалакка муносабат билдирмоқчи, у фалакнинг сабоқлари— зулм, жафо, унинг қўллари қонга ботган, ундан вафо кутиб бўлмайди демоқчи. Ва бу айтиш пайтда замон, ижтимоий муҳитга берилган бадиий характеристика ҳамдир. Шоир бошқа рубойида замонасининг ички қиёфасини мана бундай ифодаларда кўрсатган:

Бу замонда ақлдан фойда йўқ ҳаргиз,  
Ғар нодон бўлмасанг умринг самарсиз.  
Ақлдан озодлик бергин бизга, ёр,  
Зорайин замонга маъқул бўлсак биз.

Ақлга чоҳ қазган, донога — дор, нодонга — ёр замон устидан ўқилган айбнома бу. Бундай шеърлар ҳамиша тирик, ҳамиша фаол ҳаракатда. Худди шундай фикрларни шоирнинг май, таълимий-ахлоқий мавзулардаги рубойлари хусусида ҳам айтиш мумкин.

Адиб Собир Умар Хайёмга замондош. Илмда улар Нишопурда учрашиб, мулоқотда бўлиб туришган деган гаплар ҳам бор. Одатда бир давр ва бир адабий муҳит-

да яшаб ижод этган санъаткорнинг иккинчи ижодкорга  
ғоявий-бадий таъсир кўрсатиши ижод тажрибасида юз  
берадиган сийрак ҳодиса. Лекин катта талантлар бу иш-  
га қодир. Буни Хайём ва Адиб Собир рубойлари муно-  
сабатида ҳам пайқаса бўлади. Унинг айрим тўртликла-  
рида Умар Хайём рубойлари билан ғоявий ва тасвирий  
яқинлик, умумий бир ўхшашлик сезилиб туради.

Майга боққанда бўлур кўзлар равша,  
То май ичмасанг, ҳаргиз бўлмассан хурсанд.  
Десанг ақлу ҳушни олур дилдан май,  
Майли кетур, келган келмайди қайтадан.

Шак-шубҳасиз, бундай шеърлар беихтиёр Умар Хайём  
тўртликларини эслатади. Балки бу таъсирдан кўра прог-  
рессив маслақдошлик самараси бўлиши ҳам эҳтимол.

Ватан туйғуси — қисмат туйғуси. Ватан — қайси бир  
ижодкор учун қувонч ва фараҳ. Ким учундир ҳижрон ва  
қайғу. Ватан — қайси бир санъаткор учун бор, мавжуд  
хилқат. Бошқа бири учун жудолик рамзи, гўё бой берил-  
ган умр бўлган. Юқорида эслатилганидек, Адиб Собир  
ўспирилик чоғларидаёқ туғишган диёридан йироқлаб  
кетган эди. Бироқ у Ҳиротдами, Нишопурдами, Марв  
ёки Хоразмдами — қаерда бўлмасин, қалби жонажон юр-  
тида қолганлигини ҳис қилар, азобланар, ҳар кун, ҳар  
соат узоқдаги Ватанини эслаб, хаёлан унга қайтиб, руҳи  
қонли изтиробларга тўлар эди.

Қон тўлган дилда сени ёд этсам ҳар кун,  
Ҳар бир кнприкимдан оқарди минг Жайҳун,—

деб ёзган эди у рубойларидан бирида. Бу — она юртни  
қўмсаиш дарди. Бу—ҳижрон сарҳадларида ватанни соғин-  
ган оғриқли дил иқрори. Адиб Собирнинг Ватан мавзуи-  
даги рубойларида айрилиқ, ҳижрон ва ғариблик туйғу-  
лари тасвири асосий планда туради. Лекин шунга қара-

масдан, уларда қандайдир чегарасиз гоъвий куч яширинганга ўхшайди. Шу куч туфайли ўқувчи нигоҳида шоир кўнглида ётган Ватан намоён бўлади. Юрт меҳри, қандай шарҳ этиб бўлмас меҳр эканлиги янада чуқурроқ англашилади. Шу куч туфайли диёрдан ажралиш сўнгсиз уқубатларга олиб бориши муқаррарлигига ишонч ҳосил бўлади.

Кўзимнинг ёшига гарқ бўлди бу таним,  
Оғзимдаги тил куйди юрак ўтидан жим.  
Ватанинг ҳажрида, гариблик даврида  
Мендек ўзига душман бўлмасин ҳеч ким.

Шоир диёр ҳақидаги бошқа рубойларида ҳам юрак ўти билан куйган мана шундай тилда гапиради. Айни замонда кўз ёш тўкади. Айни шу тариқа ўз пушаймонликларини айтиб Ватанни улуғлайди.

Адиб Собирнинг шеърларидан бирида эстетик маънодаги шундай гап бор: «Равон назм равон сувдан ҳам тотли ва ҳаётбахш. Руҳи равондан сайқал топган шеъргина гўзал бўлади». У мазкур ақидасига содиқ шоир. У шеърда инсон руҳининг бениҳоя рангин ва зиддиятли манзараларини чизади. Шоир назм равонлигини биринчи даражали нарса деганда, мазмун, мазмунга мос ва мувофиқ шакл, оҳанг равонлигини назарда тутди. Адиб Собирда ташқи ялтироқликка мафтун бўлиш йўқ. Уни сўзда ҳам, мазмун ва образда ҳам моҳият қизиқтиради. У шунга қараб тасвир усуллариини белгилайди. Адиб Собир шеърларида классик поэтикадаги бадиий санъатлардан жуда кўпчилиги моҳирлик билан тадбиқ этилган.

Фараз қилдим, сенда юз Парвез давлати,  
Отхонангда юз-юз отлар савлати.  
Ҳовлиқма, агарчи давлатинг бепоён,  
Замона гардишининг чексиз кулфати.

Давлатга суяниб кибру ҳавога берилиш — кўзи очиқ кўрлик. Яъни қалб сўқирлиги. Шеърда бундай кимсалар айбланаётгани йўқ. Шоир уларга таъна-дошном гаплар ҳам айтмоқчи эмас. Фақат ҳаёт ўткинчи ҳақиқатлардан ус-тун: боймисан, султонмисан давлатинга учиб ҳовлиқма. Замон гардиши тожидаги бир дона гавҳари «мулк хирожига» тенг келадиган Хисрав Парвезни нима қилди-ю, сен гофил нима бўлардинг, демоқчи. Бу — ибрат. Бу — шеърнинг ҳикматга айланиши. Бунга эса шоир талмиҳ санъати воситасида эришган.

Адиб Собир «Агар шеърда Дақиқию Фаррухий бўлмасам ҳам», ўз шеърий қарвонига эга шоирман, деган эди. Аслида ўша шеърий қарвон уни Шарқнинг буюк санъаткорлари даврасига олиб чиққанди.

Сал кам минг йил фақат инсоният учун эмас, тарих учун ҳам олис муддат. Тўққиз аср мобайнида бу кўҳна дунё қанчадан-қанча ўзгаришларни бошидан кечирди. Башарият ҳаётида не-не қирғин-қабохатлар, кескин бурилиш ва юксалишлар бўлиб ўтди. Қанчадан-қанча шоҳу хоқонларнинг тож-тахтлари қулаб, пайҳон бўлди. Лекин ўлмас Сўз яратиб қолдирган барча шоир ва ёзувчилар сингари Адиб Собир Термизийнинг ҳам шеърий қарвони бизгача етиб келди. У ҳаракатда. Бу қарвон ҳали яна ва яна фаол йўл босади. Одамлар юрагига эзгу ва нурли Сўзнинг янгроқ, сеҳрли садолари билан таъсир кўрсатишда давом этаверади.

1982

## «ҚУЛОҚ СОЛСАНГ АТОИЙ СЎЗЛАРИГА...»

Алишер Навоийгача бўлган ўзбек шеърятининг тараққиёт йўналишлари бир неча сўз санъаткорларининг номлари билан боғлиқ. Мавлоно Атоий ана ўша шоирлардан бири. Атоий ўзбек ғазалчилигининг ҳақиқий устодларидан. У ўзининг шоирлик истеъдодини ғазал жанри такомилга бағишлади.

Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис» тазкирасида Атоийни «ўз замонида шеъри атрак орасида кўн шуҳрат» топган машҳур шоир деб баҳолайди. Ҳақиқатда ҳам Атоий шеърятига хос етакчи фазилатлар — лиризм, тил соддалиги, оҳангдорлик, туб моҳиятда эса меҳнаткаш омма завқи ва эстетик идроки билан яқинлик унинг халқ ўртасида кенг эътиборга эришишига йўл очган. Атоий шеърятини илмий нуқтаи назардан тадқиқ этиш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилган бўлиб, уларнинг ҳаммасида ҳам шоирнинг ғазалиёти, ғазалчиликдаги маҳорати ҳаққоний равишда юксак баҳоланади.

Барча шоирларда бўлгани сингари, Атоий ҳам шеърий тафаккурининг тикланиш босқичларида халқ оғзаки ижодиёти ва ёзма адабиётдаги мавжуд адабий анъаналарга қаттиқ суянган. Шоирнинг кўп ғазаллари унинг ўзбек халқ оғзаки ижоди дурдоналарига сўнмас меҳр, кучли иштиёқ пайдо қилганлиги ва уларга ижодий ёндошганлигидан далолат беради. У ғазалларида халқ қўшиқларига уйғун оҳанглар яратади. Услуб раволигига интилади. Хусусан, табиат ва инсон, инсон ва табиат муносабатларини бадий талқин қилишда Атоий халқ лирикаси ютуқларидан ғоявий озиқ олган.

Атоий форс-тожик шеърятининг Ҳофиз, Камол Хўжандий каби машҳур ғазалнавислари тажрибаларидан ҳам пухта хабардор бўлган. Атоий ижодида ўзбек шоирлари орасида Лутфий лирикасининг таъсири сезилади. Унинг девонида Лутфий шеърларига эргашиш, ўхшатмалар битиш йўлида яратилган ғазаллар бор. Масалан, Атоийнинг:

Қон бўлди кўнгул фироқи бирла,  
Куйди жоним иштиёқи бирла,

байти билан бошланадиган ғазалини олайлик. Бу ғазал Лутфийнинг «Қон бўлди кўнгул фироқингиздин, Жон куйди ҳам иштиёқингиздин» матлаъли шеъри таъсирида яратилган. Бундоқ қараганда, бу факт кишида бошқача таассурот туғдириши мумкин. Чунки байтлар мазмунан бир-бирига жуда ўхшаш. Лекин оригинал санъаткор қандай бўлмасин ўхшашлик чегараларини ёриб ўтади. Атоий ҳам шундай қила олган. Шоир ғазалнинг кейинги байтларида фироқ дарди билан ўртанган ошиқнинг дил изтиробларини ғоявий-бадий анъанани ривожлантирган шаклида ифодалаб берган.

Атоий анъанавийлик қонуниятлари ҳокимлик қилган адабиётнинг вакили сифатида юзлаб шоирларни илҳомлантирган бир мавзуга — муҳаббат мавзусига мурожаат этди. Шоир реал дунё гўзалликлари орасида ишқни гўзалликнинг бош манбаи деб қаради. Шунинг учун ўзининг талант қудратини биринчи навбатда севги ҳис-туйғуларини тасвир этиш, ёрнинг ҳусн-жамоли, характер-хусусиятларини мадҳ этишга қаратди. Атоий ғазалиётида ошиқона кайфиятлар, ошиқ қалбининг бениҳоя рангин изтироблари изчиллик билан ёритилган. Атоийнинг лирик қаҳрамови дунёдаги энг қудратли маънавий куч деб муҳаббатни билади. Муҳаббатнинг илоҳий қудратига таяниб яшайди. Шу ишолч уни инсон сифатида тенгсиз юксакларга — ҳаёт, давр, олам ва одам моҳиятининг туб



илдизларини белгилайдиган ғоявий кенгликларга олиб чиқади.

Атоий девонида соф фалсафий, ижтимоий, дидактик мазмунли алоҳида ғазаллар йўқ. Лекин шунга қарамасдан, шоир поэзиясида фаол фалсафий руҳ, ижтимоий, дидактик пафос ўткинчи характерга эга эмас. У севги темасида ёзганда ҳеч вақт мавзунинг фалсафий заминида ажралган, охир-оқибатда севги фалсафасининг маълум бир қирраларини очиш ёки таъкидлашга хизмат қилмайдиган фикру туйғуларни ғазалларига асос қилиб олмайди. Атоий лирикасида ижтимоий, дидактик маънолар ҳам фақат ишқ темаси фонида дарж этилгандир.

Ошиқ ва маъшуқа — Атоий шеърятини ҳаракатга солган, ғоявий оҳангларини муттасил янгилаб, бойитиб борган марказий қаҳрамонлар. Атоий дунёга ошиқ нуқтаи назари билан боқади. Ҳаёт ва турмуш воқеа-ҳодисаларини севиб севилмаган қалбнинг аламли тўлғанишлари, истак ва армонлари орқали қабул қилади. Шоир ёр васлини «умрим гулидур» дейди ва ўзини шу гул шавқида нола чеккан андалиб ўрнида кўради: «Қилай нола, боқиб гулдек юзунга, Чу булбулларга афғон вақти ўлди». Атоий ишқ тўғрисида шундай йўналишларда фикр юритади. Булар: муҳаббатнинг инсон тақдиридаги қудратини улуғлаш; борлиқ дунё гўзалликларини ишқий туйғуларга қиёсан идрок этиш ва баҳолаш; умид, ишонч ва садоқат сурури, ҳижрон, вафосизлик оғриқларининг инсон қалби ва руҳига етказган жароҳатларидан нолиш, уларни бадий шакллаш; ўрни-ўрни билан май ва май-хўрликни мақташ. Аммо Атоий ғазалиётида биринчи пландаги гап — бу, маъшуқа характери, унинг ҳусну жамоли, фазилатлари хусусидаги гапдир.

Жамолинг васфини қилдим чаманда,  
Қизарди гул уёттин анжуманда...

Чу жонимдин азиз жонона сенсан,  
Керакмас жон манга сенсиз баданда.

Бу сўзлар жуда теран инсоний ҳароратдан, покиза самимиятдан туғилган. Улар ишқнинг посбони — эътиқод деган олижаноб бир мантиқни ўзида акс эттиради. Атоийнинг лирик қаҳрамони — ошиқ ҳар қандай «боғи жаннат мевасидан» ёр жамолини афзал ҳисоблайди. Унингча, ёр дийдорини соғинмаслик «Ақли йўқ ҳайвон»лик. «Нодон халойиқ» зоҳиду носихларга ўхшаб қандайдир ҳавойи хаёлларга ишониб яшамайди, у балки уларни инкор этади:

Қилмагай сажда Атоий каъбанинг меҳробина,  
Бўлмагунча кўнглуда ул қоши кўзнинг нияти.

Бу энди чинакам ҳаётини фалсафа. «Охир дам агар: «Арзе қил имон!» десалар, мен, «Имоним ўшал моҳ!» дегумдур, дағи ўлгум». Атоий тасвиридаги ошиқнинг ишқий эътиқоди мана шу даражада юксак. Шоир буни ғазалларида «то абад» ўзгармас «азалғи эътиқод»га айлантиради ва шу йўл билан одамларни муҳаббатга, дунёнинг реал гўзалликларини эъзозлаб яшашга даъват қилади. Шоирнинг деярли ҳар бир ғазали у ё бу шаклда мана шу даъват, ҳаётга, нафосат ва муҳаббатга ташналик руҳи билан суғорилгандир. Мана у бир ғазалида нима дейди:

Кел, эй дилбар, бўстон вақти бўлди,  
Гул очилди, гулистон вақти бўлди.

Зотан, бу вақт, шоирнинг ўз таъбири билан айтганда, «ҳазорон навъ алҳон вақти», минг оҳангда хониш қилиш фурсати. Демак, Атоий шеърини табиатдан, табиатнинг инсон ички оламига таъсир этишга қодир гўзалликларидан узилиб қолмаган шеърини. Бу эса унинг

доимо ғоявий қимматини сақлаб қоладиган энг файзли томонларидан яна бири ҳисобланади. Атоий лирикасида бу даъвони далиллайдиган мисоллар кўп. Бизнингча, бу ҳақда аниқ тасаввур пайдо қилиш учун қуйидаги сатрларнинг ўзи ҳам етарли бўлиши мумкин. Шоир ёзади:

Соқие, келтур майи гулгунки, хуш дамдур букун,  
Олами фархундаи наврўзи оламдур букун...  
Ер юзинда гулшану боги баҳору боғча,  
Гунбази ҳазро менгизлик сабзу хуррамдур букун...  
Эй Атоий, бўлма гофил, бир нафас ҳамдам тила,  
Умрни ҳамдам кечурмаклик базе камдур букун.

Шарқнинг аллома шоирларидан бири инсон улуғлигини тан олмаслик — бу малъунлик дейди. Инсонни улуғлаш, ундаги юксак ва олийжаноб сифатларнинг қадрини билиш, уларга эътиқод боғлаш билан белгиланади. Дунё шоирлари асрлар давомида меҳр ва эъзоз билан қайта-қайта тасвир этиб келаётган инсоний бир туйғу бор. Бу — дўстлик туйғуси. Атоий ҳам дўстлик кўйчиси. У бу ҳисни шеърда самимият билан тасвир этади. Мана шоир ғазалларидан бирида бу ҳақда нима деб ёзган:

Сенсиз бу жаҳон айши, аламдур манго, э дўст,  
Шодлиғи ҳам меҳнату ғамдур манго, э дўст.  
Лутфу карамингни сен агар мендан аёсанг,  
Жавру ситаминг лутфу карамдур манго, э дўст...  
Кўнглум юзини жавр ила чун сендин ўюрман,  
Охир нега жавру ситамдур манго, э дўст...

Давр ва ҳаёт — ижодкор талант қудратини таъминлайдиган бош омил. Шунинг учун истеъдодли шоир ёки ёзувчи, у қайси замон ва қандай характердаги адабий оқимнинг вакили бўлишидан қатъий назар, биринчи навбатда, реал ҳаёт талаблари билан ҳисоблашади, халқ ҳаётининг ижтимоий, ахлоқий ва маънавий масалалари

устида мушоҳада юритиб қалам тебратади. Бу гап Атоийга ҳам тегишли. Атоий — феодал тузумнинг фарзанди. У ўз тузумининг ижтимоий ва сиёсий иллатлари қуршовида яшади. Атоий — дин, жамият ва халқ ҳаётида ҳоким идеология бўлган муҳитнинг вакили. У сиёсат олға сурган қолоқ ақидаларнинг ашаддий ҳимоячилари қилмишларини кўриб, билиб ижод этди. Шундай бўлса-да, Атоий поэзияси учун исён, курашчанлик руҳи унча характерли эмас. У ўзига замондош кўпгина шоирлар сингари давр адолатсизликларига қарши исёнкорликни — инкор этиш деб англайди. Аммо шоирнинг инкори вақти-вақти билан маънавий тубанлик, таркидунёчилик бидъатларига қарши қаратилган чинакам ғоявий курашга айланади.

Зоҳидо, ҳуру қусур кавсару тўби санго,  
Бизга дилбар васлидур дунёву уқбодин мурод.

Атоий лирикаси — характерлар, дунёқарашлар, маслақлар курашини акс эттирган шеърят. Бу жиҳатдан, айниқса, ошиқ ва рақиб ўртасидаги кескин ихтилофлар талқини диққатга молиқдир. Рақиб — пасткашлик, ёвузлик, сотқинлик, ичиқоралик тимсоли. Ошиқ — чароғон кув, рақиб — зулумот тун. Атоий ғазалларида мана шу маънавий ёруғлик ва қоронғилик орасидаги зиддиятлар, тортишувлар ифодасини беради. Ва бунинг билан даврининг тубан ҳодисаларига, жамият ва турмушнинг қули, югурдаги бўлиб қолган жирканч табиатли кишиларга ҳам салбий муносабатини билдиради. Шоирнинг «Ё ишқ балоси манга, ё жаври замона, Ё ёр жафоси манга, ё ғусайи агёр», деб зорланиши — бу шунчаки гап бўлмаган, албатта. Атоий «Шоҳи вилоят олина ҳамду саноу манқабат»дан устун турган шоир. У орифлик билан «аҳли дил остонасин» тождорлар қасридан минг карра ортиқ кўради. Атоийнинг орифлиги яна шунда кўринадики, у ўз давридаги зулм ва ҳақсизликларга бефарқ қарай

олмаган. Улар хусусида атрофлича фикр юритган. «Ки мулк боқи бўлур шоҳ, адлу доди била», дейди шоир ғазалларидан бирида. Бироқ айна пайтда у «Додни кимдан тиларсен, подшо раҳм айламас!» деган қарорни ҳам билдиради. Бу нукталар Атоий шеърятининг ижтимоий бўёқларини қабартириб кўрсата олади.

\* \* \*

Атоий — маҳоратли санъаткор. Унинг ғазалчиликдаги юксак иқтидори, бадий салоҳияти ўзбек шеърятида содир бўлган мустасно ҳодисалардан. Бадий маҳорат тушунчаси — қамрови кенг, миқёсли тушунча. Шунинг учун Атоийнинг шеърий маҳорати ҳақида гапирганда, биз масаланинг айрим муҳим қирралари хусусида тўхталмоқчимиз.

Атоий ўзига қарата дейди: «Назм баҳрина чўм, қаърина ет!» Бу жуда катта эстетик талаб. Шоир ушбу сўзлари билан ҳақиқий шеърят табиати учун шарт ва зарур ҳисобланган теравликни, маъно чуқурлигини ёқлайди. Унинг назарида фикрий теравликдан маҳрум шеърлар бамисоли дарё юзидаги «хасу хошок». Хоҳ сўзда, хоҳ фикру туйғуда бўлсин поэзияни ҳаёт юзасидаги «хасу хошок»лардан тоза сақлаш — шеърий маҳоратнинг ибтидоси. Буни сўзга нисбатан жавобгарлик ҳисси, ижодий бурч масъулияти деб ҳам аташ мумкин. Шоир:

Қулоқ солсанг Атоий сўзларига,  
Нисор эткай санга юз дурри манзум.—

деганда мутлақо ҳақ! У назм баҳридан сўз дурларини топишда масъулият туфайли ўз зиммасидаги вазифани маҳорат билан бажарган санъаткор эди. Бизнингча, масаланинг бу жиҳати шоир бадий маҳоратининг туб ғадизларига бориб тақалади.

Минг йиллар мобайнида ижод тажрибаси бир ҳақиқатни тасдиқлаб келади: ёзувчи ё шоир тасвирламоқчи бўлган мазмун характериға биноан шакл танлаши керак. Шакл ва мазмун мутаносиблиги эса жанр хусусиятлариға тобе. Поэтик жанр қоида ва талаблариға қатъий риоя қилиш бадий маҳорат учун нечоғли муҳим эканлиги Атоий ғазалларида ҳам яққол кўзға ташланади. Атоий шакл ва мазмунда ҳам, сўз билан инсоний гўзал ҳис-туйғуларға сурат беришда ҳам, хилма-хил бадий санъатларни маҳорат билан қўллашда ҳам ғазал жанри қонун-қоидалари асосида иш олиб боради.

Классик поэтикада ирсол масал деган санъат бор. Ирсол масал— шеърда халқ мақол ва ҳикматли ибораларини қўллаш, поэтик гоё хизматиға жалб қилиш демакдир. Бу санъат шоир асарлариға алоҳида руҳ бағишлайди, уларнинг халқчиллигини оширади. Мана шунинг учун ҳам Атоий ғазалларида бу санъатдан кенг фойдаланади.

Юз сори бўлди равон икки кўзумдин жўйбор,  
Сарви дилжўюм не бўлди бир буён қилсанг гузор.  
**Сен ўшал султони ҳуснесен, ки бўстонлар аро,**  
**Давлатингдин гул эшигин ел очибон, ёл ёпор.**  
Бўлди бағрим сув ғамингдин, яхшилик қил, сол суга,  
Охир эй гул, хирманни, албатта, ҳар эккан, ўрор.  
Қилди жонимға мени ширин лабинг завқи, бале  
Бу масалдурким, «киши бол тутса, бормогин ёлор».  
Давлатингдин кўнка етти барча қуларнинг боши,  
Ушбу не толийдур, ойим, бизға етсанг тонг отор?  
Оғзингизни ҳар неча сўрдум, тиладим, топмадим,  
Гўйё бу сўз ғалаттурким, «тилаганлар тонор».  
Зулфунгиздин гар Атоий бошқа кўрса не ажаб,  
Ким, кўрармен «бир синогонни яна икки синор».

Кўринадики, мазкур ғазалнинг деярли ҳар бир байтида шоир халқ мақол ва таъбирлариға мурожаат этиб, шеър-

нинг ғоявий-бадий таъсирчанлигини оширишга муваффақ бўлган.

Севса агар Атоий рақибин ажаб эмас,  
«Ким эгасин оғизлар, итига сўнгак солур».

Шоир бу байтнинг кейинги мисрасида халқимиз ўртасида ҳозир «Эгасини сийлаган итига сўнгак ташлар» шаклида қўлланилган мақолни ишлатган. Атоий шеърлари таркибига киритилган мақол ва маталлар кўпинча ўткир муносабат қуроли бўлиб ҳам хизмат қилади. Юқоридаги байтда шоир рақибнинг феъл-атвори, чиркин иш ва ҳаракатлари ҳақида ҳеч нарса демайди. Ҳатто унда «Севса агар Атоий рақибин ажаб эрмас», деган ажабланарли бир гап ҳам айтилади. Лекин охириги мисрада берилган мақол орқали, биринчидан, ҳеч қутилмаганида рақибнинг маънавий қиёфаси фош этилади. Иккинчидан, унга нисбатан ошиқнинг аниқ муносабати кўрсатилади. Бунга ўхшаш фактлар шоир ижодида оз эмас.

Рақибу зоҳид оҳимдин куярлар,  
Бале, ўт куйдурур ҳар хушку тарни.

Рақибу зоҳид — ошиқнинг мураса қилиб бўлмас ғанимлари. Ҳаётда маънавий устун куч доимо ғолиб. Маънавий забунлик эса ҳалокатга маҳкум. Атоий шеърхон эътиборини яна бир бор мана шу ҳақиқатга тортмоқчи. «Ўт тушса ҳўлу қуруқ баробар ёнар» деган мақол асл маънода ўт-олов даҳшатини таъкидлайди. Атоий вазн талаби билан мақол шаклини ўзгартириб, мазмунни ўз ғоявий ниятига мувофиқлаштирган. Ва айни пайтда у шу мақол заминидан манфий ҳамда мусбат қутбларга мансуб образ яратган. Булар: «ўт» — ошиқ, «хушку тар», яъни ҳўлу қуруқ — рақиб ва зоҳид. Демак, олов олдида ҳору хас, ҳўлу қуруқ қанчалик қимматсиз нарса бўлса,

ошиқ учун ҳам рақибу зоҳид деганлари шунчалик пуч. Мана, байтдан келиб чиқадиган умумий хулоса, Атоийнинг ирсоли масал санъатидан фойдаланишдаги маҳорати!

Атоий шеърлятида ҳар қандай бадий санъат — бу восита. Унинг ғазалларида ҳеч вақт восита мақсаддан устунлик қила олгани йўқ. Шоир шеърларида ташбиҳ, тазод, таносуб, талмеҳ, иғроқ ва яна қатор поэтик санъатларни қўллаган. Бироқ бу хилма-хил санъатлардан кўзланган натижа битта: гўзал ғояларни жозибали усулларда шакллантириш. Шунинг учун Атоий ғазалларида ишлатилган поэтик тасвир усуллари, асос эътибори билан мазмуннинг эмоционал қувватини кучайтириш, инсон субъектив ҳаётининг характерли манзараларини очишга хизмат эттирилгандир. Масалан, талмеҳ санъатини олайлик. Маълумки, талмеҳ юзаки олганда аниқ бир сабаб билан тарихий воқеа, ривоят, қисса ва машҳур қаҳрамонларни тилга олиш, эслатиб ўтишдан бошқа нарсасиз эмас. Аммо Атоий образ ҳолатини характерлаш, фикрнинг мантиқий ривожини таъминлаш ва уни далил мезонига айлантиришда бу санъатдан бағоят моҳирлик билан фойдаланган.

Сенга менсиз не ғам жоно, ки мантек ошиқнинг юз минг,  
Вале Узродин айрилмоқ балойи жони Вомиқтур.

Шоир Вомиқ ва Узро ўртасидаги машҳур севги қиссасига ишорат этиш билан ошиқнинг ёрига садоқати ўзгармас эканлигини улуғламоқда. Вомиқ ва Узро, Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун, Юсуф ва Зулайхо — булар Шарқдаги машҳур севги қаҳрамонлари. Классик шоирлар ўз лирик қаҳрамонларининг ички кечинмалари ва руҳий ҳолатларини муболағали усулда тасвирлаш учун талмеҳда ушбу образлар характер-хусусиятлари билан алоқадор маъно ва деталлардан кўп истеъфода қилган-



лар. Бу тамойил Атоий лирикаси учун ҳам хос. Аммо Атоийнинг оригинал талмеҳларга интилиши диққатни ориқроқ жалб этади.

Сен бутн Чин ишқида ҳолими гайб этган киши,  
«Мантиқут-тайр» ичра кўрсун Шайхи Санъон қиссасин.

Бу ерда шоир машҳур форс-тожик шоири Фаридиддин Атторнинг «Мантиқут-тайр» достонидаги Шайх Санъон қиссасини эслатиш билан лирик қаҳрамон ишқий ҳолининг гўё шарҳини берган. Ёки у «Кўнгул» радифли ғазалида Низомий Ганжавийнинг «Хамса»сига ишорат қилган.

Атоий ғазалларида севиб ишлатилган бадий санъатлардан яна бири ташбиҳдир. Тўғри, шоир лирикасида реал ҳаёт воқеа-ҳодисалари билан боғланмайдиган, шеърдан-шеърга бир хилда такрорланиб келувчи яқраги мафҳумлардан тўқилган ташбиҳлар ҳам анчагина. Бироқ Атоий ташбиҳларнинг асл моҳиятини унинг реалистик характердаги ташбиҳлари кўрсатади.

Лаъли серобингиз узра бу зумуррад сабзалар,  
Тўтвий гўё қунубтур қанду шаққар устина..  
Хусн ганжидур юзунг, гесуларинг соқлар ови,  
Ваҳ не афсунлаб бораи у икки аждар устина.

Шоир машуқанинг портрет белгиларини таърифлашда кўркам ташбиҳлар топган. Бунда ташбиҳ учун танланган сўзлар ҳам ҳаётий манзарани жонлантиради, ҳам афсонавий фикрни эса солади.

Алишер Навоий «Муҳокаматул-луғатайн» асарида туркий тилда бетимсол сўз ва гўзал маънолар кўп, лекин уларнинг «хуш оянда тартиб, рабоянда (жозибали) таркиб»га солишнинг душворлигини гапирди. Атоий ва унга замондош шоирларнинг халқимиз тарихи олдидаги буюк хизматларидан бири шундаки, улар Навоийгача шеъриятда миллий тил байроғини юксалтириш йўнали-

шини актив равишда тараққий эттирдилар. Атоий ғазалларининг тили ўзбек тилининг жозиба кучи, ифода сеҳри ва чексиз оҳанглари заминида тараққий этган. Шоир гўзал туйғулар ифодасини беришда кўпчиликка яхши маълум, тушунарли сўз, ибораларини қўллаб, тил соддалигига эришади. Мураккаб тасвирлардан чекинади. Шунинг учун бўлса керак, Навоий уни «туркона»роқ ёзади, дейди.

Атоий ўзбек классик поэзиясининг асосий сиймоларидан бири. Унинг шеърлари дунёвий лириканинг ўзига хос намуналари. Атоий ҳаётни тор, бир ёқлама англаш, одам ва олам масалаларини суэт эътиқодлар доирасида ҳал этишдан чекиниб, миқёси кенг муҳаббатни куйлади, табиат завқи ва эзгулик шукуҳини мадҳ этди. Бу эса инсон маънавий манфаатлари учун ҳам, адабиёт тараққийети нуқтаи назаридан ҳам юксак ижодий ҳодиса эди.

## ШЕЪР — ОҒРИҚЛИ ОҲАНГ

*Менинг танерим гўзалликдур, севгидур,*

Ҳусайн Жовид

Алишер Навоий ғазалларидан бирида, «Кўнгул ичра ғам камлиги асру ғамдур, Алам йўқлиги дағи қаттиқ аламдур», дейди. Ҳеч шубҳасиз, улуғ шоирнинг ғами қалбида етарли бўлган, ҳаттоки аламлари беҳад даражада ортиқ тўлқинланган. Унда, Навоий шоирона лутф сўзларини битганми? Йўқ, заррача ҳам лутф қилинмаган. Навоий ўз эътирофларида самимий ва жуда ростдир. Вақт ўтиб, дунёнинг пасту баланд, оқу қоралари теран очилиб, умр югурган сайин Навоийга дардларининг вазни енгил, алам ва армонлари бари бир кам, озлик қилаётгандай туюлаверган бўлиши аниқ. Чунки, буюк юракларнинг ҳаракат зарби, фикрлаш ва нафас тарзи кўпинча қониқмасликдан иборатдир. Уларни ўз шахсиятлари такомили мамнун эта олмаганидек, одам қисмати ва номукамал дунёга муносабатлари ҳам норозилик ҳиссиётига бой бўлади.

Қониқиш, хоҳлайсизми, йўқми, бу — маълум вазиятлардаги тўхташ. Шунчаки ҳаракатсизлик эмас, албатта. Руҳий меҳнатдан, фикр заҳматларидан ўзини олиб қочиш ёки бундай ишларга мутлақо яроқсизлик демакдир. Оламдаги ёмонлик, жаҳолат, мешчанлик ва лақмаликларнинг катта қисми у ёки бу йўл билан ақиданарастликнинг ибтидоси — қониқиш, мамнуниятбозликка келиб тақалади. Ибн Сино бир рубойида ёзган:

Ўзини доно билган бу уч-тўрт подон,  
Эшшак табватин қилур намоев...

Аллома назарида ўша нодонларни ҳайвонга айлан-тирган нарса, аввало, нима? Ўз фожиаларини англай билмаганликлари, яъни «эшак табиат»ларидан қониқиш-дир. Қанчадан-қанча бўм-бўш вужудлар бор жаҳонда. Қониқмаслик ҳиссиётлари ички бўшлиқни, сал бўлса-да, йўқотишини у шўрликлар ҳаёлга ҳам келтириша олмай-ди. Агар шундай кимсалар дард сўзини эшитиб қолишса борми? Лаҳзада афтлари бужмайиб, ўзларини қўярга жой тополмай қоладилар. Бундайлар сафидан сохта қувонч, ёлгон орзу ва ҳар турли диёнатсизликнинг нуфузли тарафдорлари ҳам етишиб чиқадики, улар инсонни тинимсиз покланиши мумкин бўлган бир заминдан — дард чекишдан маҳрум этмоқ истайдилар. Улар тушунчасида дард — шодлик душмани, бахтиёр умришг заво-ли. Нега Машрабга ўхшаш руҳ даҳолари, гуманист шо-ирлар «Ҳар кишини дарди гар бўлса они қурбониман», мазмунидаги фикрларни ёзиб қолдиришган? Оломон ва-кили учун бунақа саволларнинг қизиғи йўқ. У инсонда-ги ожизлик, шикасталик, майда қайғуларни дардга йў-йиб юрадиганларга эргашишни билади, холос.

Юзаки хушбахтлик, илдизсиз қувонч, сохта интилиш-ларга кўникиш, буларга бефарқ қараш ижтимоий ҳаёт, одамлар ахлоқи учунгинамас, шеъриятга ҳам кони зиёндир. Чунки улар шеърий оҳанглар бағридан оғриқ, изтироб, шодлик теравлиги, энг хавфлиси, ҳаётий дард-ни ҳайдаб чиқара бошлайдилар. Бизнинг классик санъ-аткорларимиздан бирортаси ҳам бу масалада лоқайдлик, келишувчанликка бормаганлар.

Неча ҳашматли султон бўлса бўлсун,  
Айитмон мол учун мадҳу сано мен,—

дейди «Муҳаббатнома» муаллифи. Хоразмийнинг бу сўз-ларини халқимиз етиштирган яна бошқа ўнлаб етук истеъдодларнинг ҳам виждон ва эътиқод шиорлари каби.

қабул қилинса асло хато бўлмайди. Машраб шу тоифадаги шоирларимизнинг энг мурасасиз ва исёнкорларидандир.

Қаңнусга ўхшаб ёндим тириклай.

Буни Машраб айтган. Ва у чиндан ҳам тириклай ёнган, ёнгану, бироқ сира кулга айланмаган юракнинг гапи. Машраб руҳини тушуниб, юрагининг сирли, сўзда очилмаган азобларини илғамоқ учун афсонавий Қаңнус қуш қисматини эмас, одамни тирик ёққан нарса ва тириклайин ёнмоқ сирларини билиш, билибгина қолмасдан, чуқур кечиниш ҳам керак деб ўйлайман. Машраб руҳидаги юксаклик, самовий кўтаришларнинг манзараларини тасаввур ҳам маълум чегараларгача илғайди. У ёнига кучсиз, ожизлиги сезилиб қолаверади.

Руҳи жоним аршга етти мен ўзим осмониман.

Мана, Сизга ўзини осмон фарзанди сезган шоир, ундаги Руҳ, руҳий баландлик маъволари. Машраб шеърларида ишқи илоҳийга берилиш, қаландарона майллар равшан сезиладиган ўринлар бор. Аммо шоирнинг Руҳи қандай ишқ ва майлларда ўртаниб, ҳар турли азоб ва тўлғанишларни бошидан кечирмасин, у ҳамisha эркин, шиддатнок, ёниқ ва парвозлидир. Унда тўхтаб қолган чегара йўқ. Масалан, «Агар ошиқлигим айтсам, куюб жону жаҳон ўртар» сўзларини шоир Руҳининг овози деб ҳисоблайдиган бўлсак, куюб, ўртаниб битса, битмаса унинг учун «жону жаҳон» қафаслик қилолмайди. Шундай вазиятларда Машрабнинг Руҳи икки жаҳонни ҳам бемалол бағрига олиб, бироқ ўзи икки жаҳонга ҳам сиғмаган Насимий Руҳининг кучига тенглашиб боради. Ва ўрни-ўрни билан Руҳнинг ўзигагина аён, нашъа ва файз берадиган аҳтиросларни шоир «номаълум»лик фалсафасига яқинлатиб баён қилади:

Чу билмасман ўзумни, масти беҳудлуғ менга кўндур,  
Ки тарк этган бу дунёни ўшал озодалардинман...

Ахир, кўнгилнинг ишқ занжирларига боғланиши тут-  
қинлик эмасми?

Азалдан то абад кўнглум қутулмас ишқ балосидин,  
Юраклар раҳналар бўлди бу кўнглим можаросидин,—

деган шахс қанақасига дунёнинг «ўшал озодаларидан»  
бўлиши мумкин?

Ташқи ҳақиқат ва аломатларга суяниб ҳукм юритиб  
бўлмайди. Шоир «очуқ аъзо, ёруқ тан, халқ аро вайро-  
на» кезгани билан ботинан бошқача. Эшитинг уни:

Мени зоҳир кўзида кўрган эл ўзни гумон айлар,  
Вале эл ичра ўздин, барчадин бегона Машрабман.

«Ўзидан ва барчадан бегона»лик — бу ошиқликнинг  
бош сифати. Бегоналик — ишқ йўлида ўзни унутиб, бар-  
чадин кечиб, маъшуқа хаёлларига ғарқ бўлишдир.

Биродарлар, мен ушбу кеча Мажнундин назар топдим.

Шу назарли тундан эътиборан янгича руҳий ҳурлик,  
одам қалби ва тақдирига, омма аҳволи ва дунё ҳодисот-  
ларига янгича, дақиқ ва қараш бошланган. Акс ҳолда,  
Мажнун назар қилганлиги сезилмагач, «Тонг отгунча  
риёзат бирла оламдин хабар» топиб бўлармиди? Бу —  
муҳаббатдан пайдо бўлган сирли риёзатдир. Хоразмий  
«Муҳаббатин туғар минг турли асрор», деганида зарра-  
ча ҳам янглишмаган. Ишқ туққан шу асрорларнинг акса-  
рияти Машрабнинг ғазалиёти, мурабба, мухаммас ва  
бошқа жанрдаги шеърларида манзарали ифодаларини  
топган.

Тасаввур қилинг, кечагина «Мажнундин назар топ-  
дим» дея фахрга тўлиб турган кўнгил ҳеч фурсат ўтмай

эътирофидан тонса ва «Мажнун не билур ишқ рамузи-ни»,

Ишқ бобида ул шоғирдларимки ўқитубдур,—

деса! Бу «шаккок»лик ишқ асрорлариданмасми? Қуйида-ги фахр сўзлари-чи?

То телбалиғим шуҳрати оламни тутубдур,  
Ондин бери Мажнун сўзини халқ унутубдур.

Машраб «телба» сўзини кўп қўллайди ва телбалиғидан ифтихор этишини асло яширмайди. Аммо бу телбалик қаршисида ҳеч бир донолик бўй кўрсатолмайди. Чунки унинг «зиммаси»га ошиқ, ошиқлик тушунчасига сизмаган маъно ва туйғулар юклатилган. Ошиқликда бир кечада олам сирларидан огоҳликка эришилган бўлса, телбалик хусусиятлари янада гаройиб:

То телбалиғим шуҳрати оламни тутубдур,  
Бир жилвасига икки жаҳондин ўта қолдим.

Машрабгача бўлган ўзбек классик шеъриятининг оташин вакилларида бири Атоий, агар менга охир дам— сўнгги нафасларимда имон келтиргил десалар, «Имоним ўшал моҳ!» дегумдур, дағи ўлгум», деб ёзади. Албатта, Насимий сингари шоирлар ёрни «Оллоҳу акбар, эй санам...» сўзлари билан таърифлаганда, маъшукани Имонга тенглаштириш фавқулодда ҳодиса эмас. Лекин моҳиятда улар битта — осмондаги ёру ягонага эмас, заминдаги гўзалга, яъни ердаги худога сизгиниш, имон келтириш эътиқодини тарғиб этади. Шу юксак ғоявий майдонда Машраб Шарқ ва Яқин Шарқдаги буюк истеъдодларга издош ва маслакдошдир. Атоийнинг юқоридаги фикри — юрак овози эшитилаётган зўр фикр. Бироқ унда умумнинг нуқтаи назари ифодаланмагандай: шоир

дилида туғилган ушбу мақсад ва орауға хоҳлаган диққат қилади, хоҳламаган йўқ. Атойиникига яқин, уни эслатадиган маъно Машрабда ҳам бор, у умумга қаратилган, барча учун айтилган. Шоир ҳукмига биноан Ишқ — бу Имон. Севган, кўксида «доғи муҳаббат чаман»га дўнган кишиларгина имонли.

Қайси тавни ишқи йўқ бўлса они имони йўқ.

Бу гуруҳ халойиқ бедардлиқ балосига гирифтор норасолардир. «Норасоларга сухан қилмоқ хато»лигини Машраб мукамал бир идрокда фаҳмлаган, лекин «кўзни кавлаган халқлар»дин буткул узоқлашиш, қочиб қутилиш имконларини топа олмаган. Шунда шоирнинг ёнган қалбига янги аланга — ёлғизланиш ўтлари туташган.

\* \* \*

Дард нима? Денгиз ирмоққа сиғмагани сингари, Дард ҳам ҳеч вақт ҳарф бағрига сиғмас, дейди Шарқ файласуфларидан бири. Жаҳонда таърифга сиғмас иккита тушунча бўлса, биттаси шу — Дард. Шунга қарамасдан, унинг асосий белги ва хусусиятларини таъкидлаш мумкин. Шахсан менга «дард» билан «мард» жуда ҳам руҳдош, бири иккинчисисиз яшай олмайдиган ёки азим бир дарёнинг икки қирғоғига ўхшаш сўзлар бўлиб туюлади.

Муҳаммад Фузулий дардни комилликнинг дояси ҳисоблаган: «Ким дардли бўлса, у комилдир». Қорин заҳмати, оила ташвиши учунгина ишлаб, фақат шулар учунгина яшаб бўлмаслигини англаш дамлари — маънавий камолот сари ташланган дастлабки одимлардир. Афсуски, бунини идрок этиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Эргадан-кечгача қорин қайғуси учун елиб-югуриб, ҳаттоки ўғри мушукка ўхшаб лаб ялаб яшайдиганлар ҳозир учрамайдами? Жамиятимизда қандай нафс юҳолари тугилиб қолганлиги ва жазога маҳкумликларини ҳаёт



кўрсатди. Мана шуларнинг барча-барчаси бедардлар, дардсиз кимсалар бўлган. Дард — ишқ ва масъуллик мезони. Сен жонажон юртинг, захматкаш халқингни севсанг, уларнинг хаёли ва ташвишлари ўзингникидай бўлиб қолса, бунинг устига ботинан инсоният. она Замин қисмати ҳам ўртаётганини чиндан сезсанг, демак бедардмассан. Иста-истама, оламнинг аллақайси бурчакларида гулдай соврилайтган юртлар, оғир ва қийноқли меҳнатларга маҳкум, хўрланган халқлар озодлиги учун қонлар кечаётган ватанлар азобу уқубатларини тасаввур қилмасдан яшай олмайсан. Демак, сен бедардмассан! Жалолиддин Румий «Ишқ он бошад, ки доди шодиҳо дод», деркан, шодликларнинг додини берадиган ишқни орзу этади. Шу маънода ишқ — дарднинг чўққиси. Ишқнинг олий нуқтаси эса фидойилик, садоқат ўтларида куймоқдир. Машраб «Бемухаббатлар сўзи жонимдан ўтди, вой-еой», дея беҳудадан-беҳудага нола чекмаган. Бошқа бир шоир айтгани сингари «Севгисиз ҳар бошда чаёнлар кезар». Машрабнинг руҳи, жонини одам башарасидаги айни шу чаёнлар, илонсифат кимсалар кемиришган. Севгисиз, дардсизлар қиёфасида шоир имонсизлик, диёнатсизлик, ҳайвонийлик муҳрларини кўрган. Шунда у оломон, қолоқ дин ҳомийлари хаёл этган оллоҳга эмас, гўзаллик, дард тангрисига сизинган, дин тариқатигамас, муҳаббат тариқатига юз бурган. Шунинг учун дунёда юракдан ўзга тавоф қилинадиган муқаддас жой йўқ, бир дилни бузиш юз Каъбани вайрон этишдан зиёдроқ гуноҳ деган гоёни у юксак кўтарган:

Тавофи олами дил қил жаҳонда ҳар башардин сен,  
Агар бир дилни сен бузсанг, юзар Каъба бузулмаму?

Нега айнан дилни? Чунки у ҳоким. Одамни «хору расво қиладурғон» ҳам, «айни дарё» этадиган ҳам ўша. Шарқ файласуфларининг талқин этишларича, инсон вужудидаги барча ҳислар ва аъзолар юракка тобе. Агар

юрак тубан ҳисларни ҳайдаб, нафсоний ва шайтоний хусусиятлардан покланмас экан, у малаконий, яъни софлик, руҳий юксаклик туйғуларини марказлаштириш ҳамда бошқаришга қодирмас. Ва бундай юракдан порлоқ истак, олий ҳақиқат, гўзал сезгилар кўзгуси бўлишни ҳам қутмаслик керак бўлади. Юрак ўзининг ҳамма аъзоларини бошқариши шарт. Унинг фармонлари туб моҳиятда, шахс ўзлигини ҳаракатлантириб борадиган буйруқлардир. Юракнинг энг олий мағлаби, ҳеч гап-сўзсиз, дардини топган ишқ, қувончини ахтараётган Муҳаббат. Машрабнинг юракка муносабати ва севги фалсафаси мазкур қараш ва англаш шаклларида деярли фарқ қилмайди.

Машраб шеърларини ўқиб туриб, беихтиёр ўйланиб қоласан: шу қадар севиш, юракни шу даражаларда изтироб ва қайғуга чулғаш мумкинми? Мен бундай саволларга қатъий жавобларни қаторлаштириб ташлашдан чўчийман. Негаки, буюк шоир носамимийлик сабабидан ёхуд муболага эҳтиёжидан:

Ҳеч кима маълум эмас ҳоли паришоним менинг,  
Осмонни пора қилди оҳу афғоним менинг,

демаган. Машраб ҳолатидаги паришонлик, ғуссасозлик, фиғон сасларини шарҳлаш учун «ғайрат тиғи бирла юрак»ни чопиш, «жон тоғини ғам тешаси бирлан» тинимсиз қазииш, ёрнинг биргина кўзи хаёлида «Ху-ху қушидек кечалар гўянда»лик қилиш, ишқ кўйида «бир ўлиб, икки тирилиш; фироқ даштларига чиқиб «Мажнун ила ҳамхона» йиғлаш, «Дунё ясаниб жилва қилиб» олди-га келганда ҳам «Борғил нари» деб кетига шатталаб ўта олиш сингари қанчадан-қанча ақлнинг эсини оғдирадиган захмат ва руҳий меҳнатлардан огоҳлик зарур. Улуғ санъаткорлар ички бедорликларимиз олам чароғи бўлсин, деб орзу қилишган. Машраб қалби ва руҳияти тўғрисида сўзлашнинг энг катта масъулияти ҳам мана

шунда. Машрабдаги бедорлик, юрак ёлқини тафаккур оламини нурлантирадиган чароққа айланган. Шоирнинг маънавий уйғоқлигига ҳамоҳанг равишларда фикру мулоҳаза юрутмоқ учун ғофиллик, биқикликнинг барча турларидан деярли озод Рух, кенг ва нур сочадиган қалб керак. Бу эса жуда мушкул талаб!

Машрабнинг юраги — ҳасратли юрак. Унинг қалб ҳаёти доимий ва кучли бир норозилик, қандайдир ҳасрат аралаш ғалаёв, вақти-вақти билан гуноҳкорлик туйғулари ичида кечган. Шоир дилидаги саркашлик ҳисларини енголмайди. Ички бир нохотиржамлик, ғусса уни енгади, гўё у исёнларидан мағлуб бўлади. Натижа эса яна ўз-ўзидан қониқмаслик, инсон тақдирига қайғули назарни кучайтирадики, сусайтирмайди. Шеър Машраб қалбида ўзидан ва оламдан норозилик кўзини очган. Шу жойдан у дин, жамият, унинг барча нуфузли вакиллари фаолиятига танқид, тафтиш чегараларидан юриб боқади, ўрни-ўрни билан ўз-ўзидан норозилигини ҳам сездириб боради. Бунда у, ўз ибораси билан айтганда, «ажаб айёра»ликларга ҳам ўрин беради. Лекин Машраб ўзининг бахтсизлигига келганда, жароҳатлари очиқ, оғриқли яраларини кўпчиликка ошкор этишдан тортинмаган шоир. Бизнингча, ҳаётидаги кейин содир бўлган машъум воқеалардан қатъи назар, Машраб бахт учун, шодлик ва ҳузурланиш учун туғилмаганлигини анча эрта билган, бунга у вақтли кўниккан. Кўниккан дедик! Йўқ, у «Онадин бахти қаро келдим...», «Мени бахти қаро дунё юзида не ҳам айларман», «Мени бахти қародин кўл юди қавму қариндошим» сингари сўзларни тез-тез такрорлаб, ўз бахти қаролиги, толесизлигини хотиржам эътироф қилаётгандай кўринса-да, сиёратида кўникмаслик, кўникишга қарши исён оловлари сел бўлиб оққан. «Ҳасратли юрак, дарду маломат ватани»да нафас олган шоир «халойиққа ажиб икки тилим бор» деганида ҳақ эди.

Машрабнинг қалбини оғриқ ва ҳасрат чегарасида

чеклаш камлик қилади. Бу юрак синдирилган ҳам. Уни одамлар қўли билан ёвузлик, нодонлик, адоват ва ҳасад парчалаган. Бошқа ҳеч пайт энди «синган шижани қайтиб қилиб бўлмас бутун». Лекин ҳар қанақа дарз кетган дилни суяйдиган мутлақо парчаланмас қудрат жаҳонда мавжуд. Бу — ишқ. «Кўтаҳназар халқ муни» билмайди.

Аҳли дардларга қилай зоҳир пинҳон дарди,  
Беҳабарларга ва лекин Нуҳни тўфонман...

Машрабда «жон қичқирадур» деган ибора бор. Менинг тахминимда, юрак қонга айланаёзган фурсатлардан эътиборан жон овози, бора-бора жон қичқирдиқлари эшитила бошлайди. Ошиқ юрагини классик шонрларимиз қон, қонга айланган қатра тимсолида ҳам таърифлашади. Ишқ азоби, ҳижрон заҳри, армон тиглари қалбни қон қилиб ташлаши табиий. Бироқ ўша неча қатрагина қон қандай қилиб дунёни ўзига сиғдиради, қандай тарзда олам-жаҳон маърифат, доноликни ўзида акс эттиради? Бу жиҳатдан ҳам Машраб қалби беҳад ҳайратланарли, «олам ҳама кўз» бўлиб томоша қилса арзийдиган хилқатдир.

«Мардуми гофил» атамаси кўпчилик ғазалнависларнинг шеърларида такрорланиб келади. Бу ибора ўз мазмунидан ташқари менга «сийнаси тош», «дийдаси қаттиқ», бошқа ҳеч қачон ҳайратланмайдиган, ўлик назарли деган маъноларни ҳам англатади. Нега бундай? Балким унинг баъзан поэтик образ чизиларига яқинлашиб боргани учундир. Балким бошқадир. Аммо мардуми гофилларнинг барчаси ишқ душманлари, юрак кушанда-сидирлар. Машраб кўпроқ ва асосан худди шундай тирик мурдаларни афсонавий тўфон бўлиб ер юзидан супуриб ташлашни ўйлаган.

Дард кўб, ҳамдари йўқ, душман кўб, толеъ забун,—

дейди шоир. Унга душманлик кўзи билан қараганлар, албатта, кўп бўлган. Бунга ишонмоқ керак. Лекин Машрабнинг ғанимлик кайфиятларини кўтариб юрганлигига ишонмоқ қийин. Унинг душманлигини «Ишқи йўқ бедардларни куйдиroyин дермусан?» мазмунида тушунса тўғрироқ бўлади. Бу ишқисизларнинг аксарияти ватанини, элини «лак-лак ақчага» сотиб юрган дин, хурофот вакиллари, нафспараст ва таъмапарастлар бўлган. Улар муҳитида шоир ўзини «Осмондин ерга ташлаб» юборилган, тушгунча болу паридан ажралаёзган Қуш ҳолатида сезади. Шоир сийратида атроф-муҳитдаги бефайз ва бебаҳра одамлардан қочиб истаги жуда кучли бўлиб, у ҳамиша ҳаракат шиддатини сездириб турган. Машраб ақлини таниганидан, охири соатигача ижтимоий ҳаётда бир-бирига зид, сира қовуштириб бўлмайдиган тақдирларни, еру осмон қадар ўзаро тафовутга эга турмуш манзараларини кўрган, бу қарама-қаршиликларнинг сабабларини ўзича таҳлил қилиб, хулосалар чиқарган.

Ғофил кишилар кеча-ю, кундуз тилагай мол...

Булар хирсу тамага боши билан шўнгиган хасис гумроҳлар. Уларни «Ҳорис бўлибон дунёда юрди неча гумроҳ» дейиш ҳам мумкин. Бироқ молпарастлар ғофиллиги, ҳорислар гумроҳлиги билан бир-бирларидан ажралиб турадилар. Машраб ёзади:

Солдим туну кун нафси итим бирла урушни,  
Танҳо қиличи бирла уруб ҳай-ҳайлаб ўтдим.

Бу каби фикрлар аynи пайтда юқоридаги тоифа кимсаларга қарши қилинган уруш, уларга билдирилган муносабат ҳам эди.

Хамма сурагпараст бўлди фашу дасторига мағрур  
Ки, зоҳид ичра мутлақ бериёни кўрмадим ҳаргиз.

Ушбу байтнинг биринчи сатри, қандай касб, гуруҳга мансублиги, қанақа нуфуз соҳиби бўлишидан қатъи назар, «фашу дасторига мағрур» барча «суратпараст»ларнинг устидан ўқилган айбномадир. Улар сафини амалдорлар, пулдорлар, ўзларини илм заҳматкаши кўрсатиб юрган муллолар, шайхлар тўлдирган, албатта. Шоир бошқа бир газалида муллолар ҳақида махсус тўхталиб, дейди:

Баски илму ҳолу қолнинг йўлида қилсанг амал,  
Ушбу муллолар бари бухлу ҳаводорлик билан.

Бари муллоларнинг характери — «бухлу ҳаводорлик». Зоҳидлар ичра эса бирорта ҳам бериёси йўқ — ҳаммаси риёкор, алдамчи. Агар бу ижтимоий даврага жаҳд ва худбинликдан сармаст оломон бутун таркиби: ҳасадчи, ифвогар, лақма, ёлғонгўйлари билан келиб қўшилиши назарга келтирилса, шоир қалбида:

Оҳу фиғон қилиб кетай, тоғу тоша бошим урай,  
Бошима минг бало-ю ғам — кунда турур қиёматим,

қабри фиғону қайғуларининг туғилиш сабаблари, шу сабабларнинг асосий бир илдизлари равшанлашади.

Буларнинг барчасига зид иккинчи, бу ҳам ўзича азоб, оғриқ кўзгайдиган қисматлар, уларнинг манзаралари бўлган. Буни акс эттиришда Машраб билан беллашадиган, унинг фикрлари таъсири ва ҳаққонияти миқёсида сўз топган ўтмиш санъаткорлари саноқли бўлса керак. Мана, ҳар қанча такрор эшитилгани, ўқилгани билан дилларга ларза солаверадиган ўша сўзлар:

Дили тини сипамдин пора бўлган халқни кўрдим,  
Тани дарду аламдин ёра бўлган халқни кўрдим.

Кўзи вақти саҳар сайёра бўлган халқни кўрдим,  
Муҳаббат даштида аввора бўлган халқни кўрдим...

Машраб «кўзи вақти саҳар сайёра бўлган», яъни кўз ёшлари юлдуз бўлиб сочилган, «дили тиғи ситамдан пора» қилинган, аммо бундан «ҳар бириси беҳабар» алам-каш элнинг фарзанди ва шоири эди. Шунинг учун у ўзини эзилган, хонавайрон этилган халқнинг қондош, жондош вакили деб ҳис қилмаслиги мумкин эмас эди. Шунинг учун шоир халқ номидан гўёки фалакка бош кўтариб «Ки, мен ҳар ерға борсам дод этарман, дод дастингдан», дея додлар битди, ожиз, нотавон ва хўрланганлар ёнида туриб йиғлади:

Ўзимдек хонавайронларни кўрсам зор йиғларман...

Ёш шоирларимиздан бири яхши таърифлаганидек, «Қилич синар, зулм синар», лекин чинакам инсоний туйғулар сиймайди. Уларни қиличда чоғиб, зулм гурзисида янчиб ташлаш имконсиз. Машраб қалбидан балққан, буюк шоир ҳаётнинг бош мазмуни, юракнинг мавжудлик томирлари деб билган ҳиссиётлар қиличда кесилмас, ёлиб туйғулар эди. Чунки дардли, туғёнли бу фикру ҳислар мурасасиз, исёнкор мазлумларнинг ақл овози, қалб садоларини акс эттирганди.

\* \* \*

Шоирлик нима?— деган саволга қайтарилган жавобларнинг соғу саноғи бўлмаса керак? Лекин унга оддийгина бир жавоб шуки, шоирлик — ўзингнинг ҳақлигингни ҳис қилиш. Худди шу туйғу Машрабни дор тағигача олиб борган. Машраб ўзининг ҳақлигига ишончи зўрлиги ва бу ҳисни мангуга олиб кетишига ҳеч ким, ҳеч нарса монелик қила олмаслигини билгани учун ҳам ўлимдан чўчимаган.

Ўзингнинг ҳақлигингни ҳис қилиш — ўз мустақил фикрий дунёнгга эга бўлиш, ўзлигини англаш заҳматини

тинимсиз чуқурлаштириш, ҳар қандай оқу қорани ўз шуур ва ақлинг билан баҳолаш, ҳаётдаги турли-туман майдакашлиқлардан шахсингни муҳофаза қилиш дегани бўлади. Ҳақиқий шоир оломон савиясида юролмайди, ундан юқори кўтарилмоқ учун жиддий интилиб, қаттиқ маънавий меҳнатни зиммасига олади. У ҳаёт зиддиятлари, фикрий тўқнашувлар орасида ўз қалбининг маърифатига дахлдор, ҳар қандай шароитда ҳам ўзининг тўғрилигини холис идрок этишга ёрдам берадиган нарсаларни ахтаради. Ва доимий ички бир меҳнат билан яшайди. Бундай вазиятда шоир юраги катта руҳий қувват ва вазифаларга тўла бўлади, у дид, савия, тафаккурда бениҳоя юксак кўтариладики, худди ўша баландликда ҳақиқатни ахтариш эмас, уни эгаллаш муҳимлигини ўзи бошдан кечиради. Шунда шоирнинг шеърларида ҳақиқатлар юксакдан, сўз, туйғу ва фикрлар ўша юксак ҳақиқатлар бағридан очилиб, мавжланиб келаётганлиги дарров сезилади. Бу даъвонинг ёрқин исботи Машрабнинг ижодий характери ва такрорланмас ғоявий-эмоционал қувватга эга шеърлятидир.

Бошқа классик шоирларимиз ҳам дунё ҳақида кўп ёзишган, хилма-хил поэтик образ, ташбиҳ ва қиёсларда улар даҳрга нисбатан танқид сўзларини айтиб ўтганлар. Бироқ Машрабнинг дунё тўғрисидаги фикр ва характеристикалари бир қадар бошқача. Биринчидан, шоир фалак, унинг қилмиш ва кирдикорлари хусусида ўйларкан, ичида интиқом, уни тубдан яксон қилиш майллари юзага келаверади. У бир жойда, «Хаймаи афлокни вайрон қилай» деса, бошқа бир жойда фалак уйига ўт қўймоқни тилайди:

Агарчи додима етса чақибон ишқ чақмоқин,  
Фалакни уйига ўтлар қўюб барбодлар қилсам.

Бу истаклар, бир жиҳати, ишончдан пайдо бўлганлиги ҳам аҳтимол. Шоирнинг «ғам тарозусига тушган бори»—



юки шу қадар вазмин, залварлики, унинг зарраси ҳам  
фалакни чидагмайди:

Дардимдин агар зарра асар қилса фалакка,  
Ўтлар чақилур, чархи мудаваар чидаёлмас.

Дунё — жаҳон образи талқинига келсак, у мавжуд  
бари ранжу балоларнинг ўчоғи. У вафосиз, жафожў, гад-  
дор. Шоир гувоҳлик беради:

Дунёга келиб ранжу балони кўриб ўттум.

Шу боисдан «Дунёга кўнгул берса киши бўлгуси рас-  
во». Бу даҳр — дунё ўткинчи булутни ҳам эслатади.  
Одамларни бундан огоҳ этмоқ ниятида дейилади:

Бу айни бесабот даҳра кўнгул берманг, аё дўстлар  
Ки, мен фоний жаҳонни мисли абри даргузар топдим.

Гап шундаки, дунё Машрабнинг руҳий ўзлиги, маънавий  
кучлари қаршисида ниҳоятда кичраяди. У шоир учун  
шунчаки қўл силтаб, тепиб кетаверадиган нарсага айла-  
ниб қолади:

Дунёни тепиб, ишқингда девона келибман...

Лирик қаҳрамон — ошиқ ёрининг бир жилвасига ўй-  
лаб-нетиб ўтирмай дин баробарида дунёни ҳам сота  
қолади: «Қилди менга бир жилва ногоҳ боқа қолдим, Ул  
жилвага дин била дунё сота қолдим». Ушбу мулоҳаза-  
ларнинг таркидунёчилик фалсафасига алоқаси йўқ, ал-  
батта. Машраб маломатлар ёғдирган, лаънатлаган, «яса-  
ниб, жилва қилиб» келганда ҳам тепкилаган, умуман  
буткул кечган дунёнинг таркиби ва моҳиятини мана бу  
байтдан тасаввур этса бўлади:

Ул жоми муҳаббат майидин кимки ичбдур,  
Жоҳу ҳашаму иззату роҳат чидаёлмас.

Демак, «муҳаббат майидин» — ишқ, гўзаллик, эзгулик, фидойилик, садоқат, поклик шаробидан ичганлар, ундан ичмоқ бўлганлар бир олам дейдиган бўлсак, иккинчиси, жоҳ — мансаб қуллари, ташқи ҳапамларга муккасидан шўнғиган киборлар, роҳату фароғатдан ўзга ғаму ташвиши йўқ мешчанлар олами, яъни бир сўз билан ифодалаганда ҳама суратнарастлар дунёси. Машраб ясанчоқ мана шундай жаҳонга ва унга мансуб кимсаларга қарши. Шулардан қочмоқни тарғиб этади. Аслида одамларни икки қутбга ажратиб, табиатан бир-биридан йироқ дунё кишилари сифатида фикр юритиш адабиётда анча олисдан келаётган ғоявий анъана бўлиб, Машраб унга ижодий ёндашган. Масалан, Алишер Навоий «аҳли сурат» салтанатига шоҳ бўлмоғдан, доно, билимдонлар гуруҳида гадоликни ортиқ билиб, шеърхонга қарата айтади:

Аҳли маъни гуриҳида зинҳор  
Ҳеч ор айлама гадолигин.  
Буким албатта ортуқдур,  
Аҳли суратга подшоҳлигин.

«Ўқсимни дардин тоша битирман», дейди Машраб. Лекин бу битиклардан тошлар эрийди. Ҳар қандай сўқир тош бағрида ҳам шоирнинг дард тўла «тоза сухан»лари хаёлий тоза чечаклар, гуллар бўлиб унади.

На қаттиғ кун экан, жоно, висолингдин жудо бўлмоқ,  
Мени оҳим тутуниға замину осмон ўртар.  
Бу дард ила хароб ўлдум, келиб ҳолимни сўрмассан,  
Ғаминг бошқа, алам бошқа, юракимни фиғон ўртар.

Мирзо Бедил «Санг ҳам дил дорад», «Тошда ҳам қалб бор», деган. Шундай экан, Машрабнинг ушбу фиғон сўзларига тош ҳам чидаёлмаслиги, ўз-ўзидан ўртанишга

тушиши шаксиздир. Ўзининг ҳақлигини идрок эта олмаган шахснинг эҳтироси эса юксаклигини топиб, «замину осмон»ни ўртай олмайди.

\* \* \*

«Энг қайғули қувонч — шоир бўлмоқ. Қолгани ҳисобмас, ҳатто ўлим ҳам...». Федерико Гарсиа Лорканинг бу фикрлари худди Машраб учун, бевосита Машраб ижодиётини эътиборда тутиб айтилгандай. Аслда ҳар бир буюк ватанпарвар шоирнинг инсоний қисмати ва адабий фаолияти — энг қайғули Қувонч тантанасидир. Насимий ва Навоийда шундай бўлган. Байрон ва Пушкинда шундай. Лорка ва Нозим Ҳикмат шоирлиги шундай кечган.

Машраб учун ҳаёт ва севги жондош, аниқроғи, бир онанинг фарзандлари эди. Машрабни кўп ижодкорлардан ажратиб турадиган хусусиятлардан бири шундаки, у севги тушунчалари, ишқ фалсафасини тириклик муаммолари доирасида чегараламасдан инсон умрининг ўткинчилиги, ўлим ва боқийлик масалалари билан уйғун, бир-бирига чуқур алоқадор поэтик оҳангларда тадқиқ ва таҳлил қилиб берди. Самад Вурғун «Ўлим э воҳ бу неъматдур, бу бир шонли саодатдир...» деб иштиёқ билдиргани каби Машраб ҳам шеърларида ўлим тўғрисида шавқларга тўлиб, буюк бир саодатга етишишдан кечикаётгандай сўз юритади.

Ҳаётнинг ҳам, инсон умрининг ҳам икки муҳим нуқтаси, ҳал қилувчи икки чегараси бор. Булардан бири — тириклик, иккинчиси — ўлим. Шеърят учун шу икки жиҳат — иккита гоявий қанот. Инсоният қалби ва келажакка ўзини масъул сезган шоирлар тириклик ва ҳаёт муаммоларига қандай ёндашган бўлсалар, фониийлик, ўлим гояларига ҳам жиддий қараганлар.

Қадим китоблардаги баъзи афсонавий қаҳрамонлар даври давраюлар суриб уч юз, беш юз йил, ҳатто ундан ҳам зиёд даврлар умр кўришган. Лекин охири бир кун шулар

ҳам ҳаётдан кўз юмганлар. Ҳлим худди тириклик сингари доимий ҳақиқат. Ҳаммавақт ва ҳамма шароитларда ёвуз ва жаллодтабиат кишилар ўлим ҳақида ўйлаш, фикр алмашинишларга қаттиқ монелик қилганлар. Чунки уларнинг ўзлари, қилмиш ва фаолиятлари ўлим тимсоли, ажал нишонлари бўлган. Ахир одам фарзанди бирдан ўлмайди, худди ўша туғилган кунидан бошлаб зарра-зарра кун ва соат сайин ўлади. Бундан нега чўчиш керак? Нега йўқ қўрқувларни борга айлантириб таҳликада, жон ҳовучлаб нафас олиш лозим? Инсон умри чегарасиз куч манбаи. Бу умрнинг кунларинигинамас, соатлари-ю, дақиқаларини ҳам ўлим чангалига топширмай, ўзиники қилиб сақлаб қолмоқ учун одамга Ақл, енгилмас Руҳ, ёнмоққа қодир Юрак, тафаккур ва меҳнат қобилияти ато этилган. Шунинг учун ҳам Инсон яратувчи. Шунинг учун ҳам ишқ — Ватанга, халққа, ёрга, ҳаётга муҳаббат, кураш ва исён, неқбинлик ва бунёдкорлик дарди — мана ўлимдан голиб келишнинг асрлар мобайнида синалган йўллари ҳамда воситалари. Маънавий-ахлоқий савияси теран, виждони уйғоқ илғор шахсларнинг деярли ҳаммаси тириклик баробарида ўлим ҳақиқатини ҳам кенг, тўғри англаб улгурган кишилардир. Афсуски, ўлимни эслаш — тушкунликка томон бориш, ҳаёт ва меҳнатдан кўнгилни совитиб, бадбинлик кайфиятига тутқун бўла бошлаш деб фаҳмлайдиган жоҳил ва ҳавойи кимсалар ҳам кўплаб учрайди. Ҳолбуки, ўлимни дастак қилиб ҳар турли иблисона ва йиғлоқи, ғараз, тубан ва зарарли мақсадларни илгари сурган, шуларнинг ҳимоячилари бўлганларнинг ҳамма-ҳаммаси фикран ожиз, шахси яроқсиз ва руҳи чиркинлардир. Мана шундайлар одамларни лақиллатиб, ёш авлод психологиясига ёмон таъсир кўрсатмасликлари учун ҳам ушбу масалани кенг миқёслари билан ёритилишига эътибор қилиш ва бундан ўзни олиб қочмаслик керак.

Фузулий рубойларидан бирида шундай сўзларни ёзади:

Хуш улки даме ажал чекиб бодаи ноб,  
Сармаст ётам, қабрда то рўзи ҳисоб.  
Ғавғойи қиёматдан дурам, масту хароб,  
На фикру ҳисоб ўла, на ғавғойи азоб.

Қаранг, инсонга ажалнинг «бодаи ноб» тутиш дами, шундан кейинги ҳолат — қабрда сармаст ётилиши таъсирли, бемалол айтиш мумкинки, гўзал тасвирланган. Навбатдаги сатрлардаги гаплар ҳам ўлимга ҳақиқий ҳурлик, эрк тимсолига ўхшатиб урғу беради. Лекин нодонлик ва хурофотга бутун борлиғи билан қарши турган шоир бу тўртликни ўлимни тарғиб қилиш, фаноликни севиб, дунёдан кўз юмишни ўқувчи қалбида орзуга олиб чиқиш ниятида ёзмаган-ку! Ислоҳ ақидапарастлари ўлимдан сўнг у дунёдаги ҳисобу сўроқлар, қиёмат ғавғоси, дўзахдаги қийноқларга доир тўқилган сохта, ёлгон фикрлар билан одамларни қўрқитиб юрганликларини изоҳлаб ўтирмаса ҳам бўлар. Фузулий шу тўрт қатор шеърда дин ва шариат вакиллари­нинг бундай даъволари пуч, бе­маъни эканлигини бутунлай инкор этиб ташлаган. Шоир шунинг учун ўлимни улуғлаган. Шунинг учун унда бу тўғрида ёзиш эҳтиёжи зарурат бўлган. Навоий яратган рубойларидан бири эса «Ўлмак сўзи чун руҳни равшан айлар» деб тугалланган. Хўш, улуғ шоир нима демоқчи? Бундай саволларга мавриди билан жавоб бериб борилмаскан, оддий шеърхонлар даврасида англашилмовчилик ва чалкаш хулосалар юзага келавериши табиийдир.

Ўзбек адабиётшунослигида эса юқоридаги сингари айрим масалаларни атайин чеклаб олиш ёки четлаб ўтиш қарийб қойда тусига келиб қолган. Дейликки, ўтмиш шоирларимиз ўлим ғоясига тегишли сатрлар битган бўлишсин. Бу ҳаминша ҳам уларнинг давр ва жамият зулму истибодларига дош беролмай тушқунликка тушишлари ёки пассив норозилик туфайли у дунёга кетиш майлларини англа­таверадими? Тўғри, золим зулмидан кўра

ўлимни афзал кўрган, нариги дунё ишқига дилини тўлдирган шоирлар ҳам бўлган. Бироқ ўшаларнинг ижодларида ҳам масаланинг моҳият йўллари биз ўйлагандан миқёслироқдир.

Тарихдан аёнки, Машраб яшаб, ижод этган давр ижтимоий ҳаёт, дин ва сиёсатда реакция кучайган, шафқатсизлик, адолатсизликлар авжга минган вақтлар эди. Шоир ҳаёти ва ижодига оид қилинган ишларда қайд қилинганидек, унинг дунёқарашидан сўфиёна майлларнинг жой топиши, шеърларидаги баъзи поэтик образларнинг тасаввуфий бўёқларда тасвирланишида у мансуб замон ва салбий ҳодисотларга бой шароитнинг ҳам бевоқифа роли, кўрсатган таъсирни бўлган. Машраб бераҳм, ғаддор замонасининг машъум жазоларига маҳкум этилган шахс. Шунга қармасдан, мусибатгоҳ жамияти ва замонидан у ўлимнимас, тирикликни армон билан севган. Унинг биргина сатри бу ҳақида қанча кўп нарса аёнлаштиришини ўзингиз бир кўнгилдан ўтказиб кўринг:

Халойиқ дунн ҳам бўлсам жаҳон ичра ғаниматман...

Бу — инсонни тушунишга, умр ғаниматлигини ҳис этиш, ким бўлмоғидан қатъи назар, одам фарзандига ўлимни раво кўрмасликка даъват бўлмасдан, нима? «Ғаниматман» сўзи қанчалик илтижоли, дилни тижимлайдиган маҳзун оҳангда эшитилади.

Мен шаҳиди ишқман, ўлсам қафанга чулгаманг...

Машраб, бу маънода, «шаҳиди ишқ» бахтига албатта ноил бўлмоғини олий мақсад белгилагани сабабли ҳам ўлимни эслаб, эслатиб боради. Иккинчидан, буниси жуда муҳим, Машраб идрок, дунёқараш ва олам сирларини билишда ўзича пешқадам, ўзича юксак ҳаёлотли санъаткордир. Унинг изланувчан беором Руҳи ўтмиш ва воқеликни бир-бирига қийслаш, мозеи сабоқларини ўзи

яшаётган замонни баҳолаш мезони сифатида ўзлаштириш маърифати билан беҳад тез бойган. Унинг ёлғизланиши мавжуд воқелик ва муҳит одамларидан йироқлашиш ҳисларининг кун сайин кучая боришининг бир сабаби ҳам шунда. Ёлғизлик ёки ёлғизланиш нима беради ижодкорга? Замондошларига ёт бўлган ундаги уйғоқ руҳининг истиқболи учун собитликини беради. У ёлғизлигида нечоғлик мустаҳкам турса, ўз «Мен»ини шунча чуқур тушуниб, маънавий қудрати, юксаклиги ўшанча ошиб боради. Машраб ўз «Мен»ининг таҳлили билан шунча қаттиқ машғул бўлганки, одамлар неча йиллар бош қотириб, тажриба тўплаб, китоб ўқиб англаган ҳақиқатларини у қандайдир фурсатларда эгаллаган.

Олими нуқтадон машам, шри ҳидояхон манам,  
Шуҳрати шеър бабида Машраби мўътабар ўзум,

сингари сўзларнинг туғилиши бежиз эмас эди, албатта. Машрабнинг фалсафасида нурсизлик, қуруқ ёғочдай файсизлик йўқ. Унинг «Мен»идан гўё оламга, унинг эътиборидаги барча нарса ва тушунчаларга руҳ, аҳтирос, ниқий донолик зиёси оқади. Аббосгулу ога Бакихонов: «Сенга ўзлигинг аён бўлган дам, Ўлим, ҳаёт кўринурми ҳеч мубҳам?» дейди. Машраб ҳам ўзлигини, ўз «Мен»ини ойдин тасаввур этиш орқали ҳаёт ва ўлим муаммоларини ёрқин билишгача бориб етган. Ўлим нималигини ҳис қилган дамлариданоқ, ҳаёт унга энди қутилмаганда қисқа, баҳор булутлари янглиғ чопағоч бўлиб кўрина бошлаган. Ва ўлим олдида ўзини сира ожиз сезмай қўйган. Бу ҳолат шоирнинг қатор шеърларида алоҳида, қандайдир самовий пафос шаклларида ифодасини топган. Ўша шеърлардан бири мана нима деб бошланади:

Чун қўлим бирла аёғим боғламоқ ҳожат эмас,  
Мен ўлимга розимаң,— чун тургали тоқат эмас.

Байт мазмунида мураккаблик, англашилмовчилик йўқ. «Қўлим билан аёғимни боғлаб овора бўлиб ўтирманглар. Мен ўлимга рози кишиман». Лирик қаҳрамон демоқчи ният шу. Тўғрими? Демак, гап яшайдан тўйган шахснинг ўлимига ҳам шижоатли боқини ҳақида. Навбатдаги байтни ўқиймиз:

Мунча шиддат бирла бошим кесгани зўр айлама,  
Баски, одам қони тўкмак сенга ҳам тоат эмас.

Бу сўзлар матлаъдаги маънога муносабат, ундан олинган таассуротни анча ўзгартиради. Уқувчи бундай хаёлларга бориши мумкин: Ошиқ нималар деб ёнмайди. Уни даҳр зулми, одамлар жабри, ҳажр, бераҳм ёр истигнолари жонидан тўйдирган. Мусибатқаш ошиқ ишқ йўлида қурбон бўлиш, осилишгача, қони билан оламни бўяшга ҳам рози:

Қоним билан, эй жонан, оламни бўяй дерман.

Бас, шундоқ экан, у маъшуқасига арз қилиб, энди сен ҳам «Мунча шиддат бирла бошим кесгани зўр айлама», дея илтижо этса, бунинг таажжубланарли томони йўқ.

Ҳазални ўқиган шеършунос нима ўйлайди? Бизнингча, улардан аксариятининг мушоҳада ва ҳукмлари хаёллардан кескин фарқланмаса керак.

Нақл борки, шеърларидан бирининг мазмуни устида тортишаётганлар даврасига қўшилиб юзинчи маънони Бедилнинг ўзи айтган экан. Шарқ классик шеърляти учун камалак каби рангдорлик, олмос қирраларига ўхшаш маънодорлик бош фазилатлардан саналади. Шунинг учун бу шеърлят тўғрисида гапириш, ёзишдан кўра, ундаги шеърларнинг руҳий мундарижасини хатосиз белгилаш, сўз ранги ва оҳангларини илғаш, мазмун ортидаги жозиба сирларини ҳис қилиш минг мартаба қийинроқдир.



Ҳар бир ўзбекнинг, ҳар бир ўқувчининг ўз Навоийси, Бобур, Машраб, Огаҳий ёки ўз Нодираси бўлмас экан, улар ижодиётининг кўпчилигига номаълум, ўзинг учун фақат ўзинг кашф этиш шарт ҳисобланган хусусият, фазилат қирралари сенинг диққат марказингдан четда, яширин қолаверади.

Ғазалнинг дастлабки мисраларига қайтайлик. Шоирнинг ўзи «Ман ўлимга розиман...», деб турса-ю, қайсидир шеърхон «Шоир айтган бирорта сўзнинг ҳам ўлимга, тоқатсизлик «фалсафа»сига заррача алоқаси йўқ, маъшуқага мурожаат ҳам эҳтиросни очиб воситасидир», даъвосини илгари сурса, ажабланарли эмасми? Бундан ажабланмаслик лозим. Чунки, ўша ғазалхон шеърнинг гоёвий мазмуни баробарида руҳий мазмунини ҳам уқитган, оҳанг урғуларини ҳис қилган.

Чиндан ҳам бу ғазал Машраб лирикасидаги энг оптимистик, ифодаси гўзал, умуминсоний маънодаги ижод намуналаридандир. Эрк, озодлик дегани нима? Ақлий ва жисмоний ҳурлик. Лекин вужуд эрки, маънавий эрк олдида айтарли ҳеч нарса эмас. Шунинг учун ҳурлик шукуҳини сезиш инсоннинг ички озодликка эришган ёки эришмаганлигига боғлиқ. Ички озодлик —бу, ахлоқий голибият, ботинан тантана қилган маънавий инқилобдир. Мана шу маънода вужуд эркинлиги ортида ғафлат, нодонлик, ошкора қулликдан баттар кўрлик тушунча ва майллари босилиб ётган бўлиши ҳаёт тажрибасида ҳаминша синалган.

Машраб ғазалларидан бирида «ҳар таги деворларга зору саргардон», юртма-юрт, элма-эл, «мусофир шаҳар»ларида «жумладиң бегона» кезганларидан сўзлаб, охирида, бир хулосага келади:

Энди, Машраб, қул экансан, қисматиң булдур сени,  
Шукрилиллоҳ, ҳар ерда мен толиби дурдоваман.

Машраб кезган, кўрган, қузатган: бировлар мансабу бойлик қафасида, бировлар ўзининг мавжудлигини уну-

тиш даражасида ёлгон даъволар кетидан қувиш билан банд, кимлардир ҳирсу ҳавас қули, омма оғир меҳнатдан азилиб ётибди. Нега шоир «ҳар ера» «толиби дурдона» бўлганлигидан шукроналар қилаётир? Негаки, атроф-муҳитга қараб, одамлар сийратини тасаввур этиб, ўзининг фикран ҳур, юракда асло тутқинлиги йўқлигидан у фохрланмоқда. Байтдаги «Дурдона» сўзи ўз мазмун чегарасидан чиққан сўз — поэтик образдир. Машрабнинг «қул экансан»ида «қул эмассан» деган маъно, шу қисмати, яъни «ўшай озодалардин»лигидан мамнунлик кайфиятлари ёлқинланиб турибди.

«Чун қўлим бирла аёғим боғламоқ ҳожат эмас», мисраси билан бошланадиган газалнинг ҳам бош нафоси — ботиний озодлик, ички эркинлик суруридир. Руҳий уйғоқлиги йўқ, ғафлатдан ичлари димиққан бечоралар, умр нима, яшаш ва кураш нима — булардан беҳабар нафс қулларига қарата шоир дейди:

Умр чун борки, ҳаводис, гоғил одам билмади,  
Ой кун оромига бир лаҳзае фурсат эмас.

Инсон кўнгилда фавқулодда юксалиш, ўзгариш содир бўлган вақт ва ҳолатлар учун шарқ шоирлари шукрона сўз, ўз-ўзини қутлаб айтилган муборак оҳангидаги гаплар битишган. Навоийнинг бир сатрида ошиқлигу девоналикка етишган юрак шукронаси берилган:

Шукрилилаҳким, яна ошиқмену девона ҳам..

Фурс-тожик шоири Соҳиб Табризий «Дарё шуди, эй дил, дарёйяд муборак» — «Дарё бўлибсан, эй дил, дарёлигинг муборак», деган ғоятда ҳаяжонли, юракка олқиш ёғдирувчи сўзларни ёзган.

Севгисиз кун кечириш — саҳрога ўхшаш тап-тақир, ҳувиллаган кўнгилда судралиш. Бу — даҳшатли андуҳ. Бундай андуҳнинг ишқ учун ҳеч даҳшати йўқ. У дашт,

сахро бўлиб ётган қалбларни дарҳол яшнатиб юборади. Инсон дилидаги шу икки ҳолат, манзарани бир ўринда Машраб қуйидагича гавдалантирган:

Аввал эдим дашт, гулхона бўлдим.

Бунақа толе ва иқбол шарафига ҳар қанча шукроналар айтса, қутлов сўзлари топса арзийди. Аммо, Машраб ушбу жойда ишлатмаган «муборак»ни, қаранг, қандай ҳақиқат учун қўллаётир:

Чун муборак бўлсун, эй Машраб, қизил қонинг сени,  
Хўб иш бўлди сенга, жон берганинг — офат эмас.

Очиғини айтиш керак, романтик кайфият, самовий хаёл, жўшқин ва кўтаринки эҳтирослардан табиати йироқ кишилар учун мазкур байтдаги маъно ва ифода завқ қўзғамайди. Одатда бундай романтик бўёқли сўзлар кўнгли «дашт» кимсаларнингмас, дили «гулхона» бўлганларнинг тушунча ва туйғуларини акс эттиради. Ва у ички эркини ахтараётган, маънавий ҳурликка чанқоқ ҳамма давр ва ҳамма замон одамларининг қалбини ҳаммаша тўлқинлантиришга қодирдир. Машраб ишқ баҳонасида, баъзан қонлар тўкиб ҳам эришиб бўлмайдиган, жон беришни ҳам «офат эмас», «хўб иш»га айлантирадиган, «ғофил одам»ларга nasib этмас сийрат эркинлигини улуғлаган.

\* \* \*

Машраб — ҳақиқий шоир, санъаткор. Унинг дунё ва инсон ҳаётига назари — образли қараш. У ўзини тўлқинлантирган гоё ва мақсадларни ўқувчи юрагига поэтик образ, қиёс, ташбиҳ, рамз, ҳар турли муболагалар тилида сўзлайди.

Шарқ классик шеърлятида ҳар бир поэтик жанрнинг асосий темаси бўлганлиги маълум. Масалан, газал учун асосий мавзу — ишқ, муҳаббат дардлари, севги можаролари, улардан туғилган ахлоқий-фалсафий фикру ҳислар бўлган. Қитъа — реал ҳаёт таассуротлари, ахлоқий-дидактик қарашлар, танқидий мушоҳада ва муносабатлар ифодаланган шеърлий шакл. Рубоий тематикасидаги ҳал қилувчи йўналиш — фалсафийлик, исталган бир маънони фалсафий бўёқларда акс эттиришдир. Теманинг бошқарувчилик роли оддий ҳодиса бўлмаган, албатта. У орқали ҳар бир жанрнинг ўзига хос эмоционал оҳангдорлиги, фикр ҳаракатлари, тил садолари юзага чиққан. Теманинг худди шундай етакчилик фазилати адабий жанрларнинг образлари учун ҳам хосдир. Газал тематикасидаги анъанавийлик ундаги поэтик образларнинг ҳам ишқий ғоя талаб ва эҳтиёжи заминида дунёга келиши ҳамда традиционлик касб этишини шарт қилиб қўйган. Анъанавийлик — ижод қонун-қоидаларига тегишли, улар билан алоқадор талаб. Истеъдоднинг оламга келиши учун эса на талаб, на қонда ёрдам беролмайди. Истеъдод — йўқни бор, бори тубдан янгилай оладиган қудрат. Унинг нафаси теккан жойдан янгича завқ, такрорланмас руҳий чечаклар унади. Шунинг учун талантили шоирлар анъанавий тема, образ ва тасвир воситалари атрофида қалам тебратиб ҳам зўр ижодий ютуқларга эриша олганлар. Шундай шоирлардан бири Бобораҳим Машрабдир.

Ой, Қуёш, гул, булбул, шамъ, нарвона — булар классик лирикада кенг татбиқ этилган, беҳад кўп такрорланган, Машраб шеърларида ҳам улар асосий поэтик образлардан. Бироқ, ҳеч бир ўринда улардаги маъно ва туйғу ранглирида, оҳанг садоларида хиралик, такрор, таъсирсизлик сезилмайди. Мана нарвона образи мундарижасига назар ташлаб кўрайлик.

Кўрсат жамолнинг мастоналарга,  
Ишқингда куйган нарвоналарга

Бунда «парвона» ишқ ўтида куйган ошиқлар маъноси-ни аяглади. «Парвоналарга» дейилган заҳотиёқ ҳаёти беихтиёрлик ҳукмидаги, юрагига ўт кетган ошиқлар кўз ўнгимиздан ўтади.

Қилиб зоре шу дилбарни тиларман кечаю кундуз,  
Они ёдини айларман юруб парвона-парвона.

Олдинги сатрлар илтижо, маъшуқага тавалло қилиш оҳангига эга эди. Бу байтда ҳам зорланиш ҳисси бор, фақат мурожаат шаклидамас. Ошиқ кечаю кундуз ёр висолини тилайди. Унинг ёди билан ўрғанади, беқарор кезинади. Ва буни изҳор этганда, гўё билмаганга олиб (кейинги мисрада ихом санъати ишлатилган), ўзининг икки ҳолатини «парвона-парвона»да шарҳлаб ўтади. Биринчи ҳолат: худди ёрнинг ўзи ўтирганига инонгандай, унинг ёди атрофида айланиб-ўргилиш, ўргилиб айланавериш. Иккинчи ҳолат: маъшуқа гўё шам — ёруғлик манбаю ошиқ унинг ёди шавқида чарх ураётган парвона.

Ишқ водисидин бир кеча мен ҳай-ҳалаб ўтгим,  
Зухҳод элини мамлакатини талаб ўтгим.  
Олдим фашу мисвокни девоналиғ айлаб,  
Парвона сифат жоними ўтқа қалаб ўтгим.

Бу энди оддий, ёр ёдида айланаверадиган «парвона сифат» жон эмас, «ишқ водисини бир кеча» «ҳай-ҳалаб», «захҳод эли»нинг «мамлакатини талаб» ўтиб, «фашу мисвокни» бошидан ирғитган мўъжизавий бир қудратга эга шахснинг айнан ўзидир. Одатда парвона ўт-ёруғлик атрофидан айланади, ўзини ўтга-чўгга уради. Машраб талқинидаги «парвона» эса «ошиқ элини кўнглига бир ўт» қалагандай, ўз жонини ўтга қалаб ўтади. Образ — ташбиҳнинг бу шаклдаги тадбиқи ва талқини классик шеърятимиздаги деярли ҳеч қайси санъаткор тажрибаларида учрамайди.

Кўрдим тушумда шамъи жамолинг,  
Чарх уриб сидин парвона бўлдим.

Юқоридаги байт мазмунидан кейин, бу сўзлар таассуротни янги юксакликка кўтаролмаслиги мумкин. Аммо бу мисралардаги вазият, ҳолат ва манзара мутлақо бўлак. Аввало, туш кўриш моҳияти гўзал. Ошиқ беҳудадан-беҳудадан парвона бўла қолмаган. Тушида ёр талъати теграсида чарх уриб айланаверганидан «парвона» бўлган.

Машрабнинг воқеабанд ғазалларидан бирида тасвирланишича, ошиқ «йўл уза» «зебо санам»ини кўрган-у, қотган. Аммо ёрнинг қарашига чидаб, рост туришнинг сира имкони йўқ. «Назорасидин маҳв бўлибон ўлтура қолдим», дейди бечора ошиқ. Шубҳасиз, талабгорнинг тинка-мадорини қуришиб, маъшуқа йўлида давом этиб кетаверади-да! Шундан сўнг, ошиқнинг ўзи икром бўлиб: «Сайёра сифат кеча тонг отгунча югурдум», дейди. Нима бўлади-ю, у санамнинг, «ойдек юзини бир кўра» қолади. Кейин Фарҳодга ўхшаб ҳам тонга чирмаидади. Бошига «қазо тешаси» тегиб ётади. Шу аҳволда ҳам ёрнинг «базми висоли»дин шум рақиблар тарқагунча «болу парини» юлиб, термулганича тураверади. Воқеанинг давомини унинг ўзидан эшитинг:

Мажлисидаги шамъини кўрибон олдиға бориб,  
Парвона масал ўт ичига ҳам куя қолдим.

«Мажлисидаги шамъ» — рақиблар базминни ёритган маъшуқа. «Парвона» — ошиқ ўзини тўғри шу шамга уради. Бу ёнига парвонадай чарх ўришга ҳожат ҳам, имкон ҳам қолмаган. Негаки, ағёрлар ёр ёнида экан, у ўз «болу парини» юлган. Ягона йўл, қанотсиз «парвона масал» ўт ичига ўзни ташлаб, куйиб битиш. Машраб байтда ошиқнинг ўт ўртасида эканлигига бизни инонтира олади.

Ёрни васлига етгайманму деб шому саҳар  
Ўртаниб ҳажр ўтига парвона бўлдим оқибат.

Тилак — кўнгил таянчи. Одам қалби унингсиз устунсиз хонага ўхшаб қолади. Ёр васлига етишиш ҳам Машраб лирик қаҳрамонининг таянч орзуси бўлган. Шу умид унинг қаро шомларини саҳарларга элтган. У куну тун, шому саҳар ўртанган, хаёлан висол эшикларига тирмашган. Бироқ «ҳажр ўти» буларнинг барча-барчасини ёндириб, кулга айлантириб ташлаган. У шўрлик энди фақат ҳажр ўтининг «парвона»си. Мана Сизга, шахс қисмати ва орзули юрак фожияси ёки тақдир драмаси. Яна бир мисол:

Парвона сифат ўргулайян ҳар қадамингдин,  
Гар бўлса муяссар,  
Бир лаҳза тараҳхум юзидин айламадинг шод,  
Ғамзанг била, эй жон.

Бу оҳанг — чинакам опшиқона, садоқатли юракнинг садоқатдай тоза, ипакдай майин ва малоҳатли ҳисларини бағрига олган шеърий оҳангдир. Опшиқнинг ўзини «парвона сифат» кўрсатиши унинг характер сифатини ёрқин очган. Кўраянсизки, юқорида таҳлил қилинган мисолларнинг ҳеч бировида, иккинчисининг на мантиқий, на ҳиссий, на манзаравий такрорлари йўқ, учрамайди. Бу ҳам маҳоратнинг зўрлигидан.

Машрабшунос олимлар шоир лирикасида халқ оғзаки ижоди намуналари — мақол, матал, ҳикматли ва жонли халқ тилидаги иборалардан унумли фойдаланганлигини бир овоздан қайд қилганлар. Аммо бу муҳим масала ўзининг жиддий ва муфассал тадқиқини ҳали топиб улгурмаган. Масалан, Машрабнинг образ яратиш усуллари ва йўллари олиб кўрайлик. Шоир асосан жонли халқ тили хазинасига мансуб, шу бебаҳо хазинадан олинган «материал»лар устида ишлайди, улар асосида образли ифодалар яратади.

Эй нозаним, менга раҳм қил,  
Қолдим сени деб юз минг балаға.

Ногаҳон ғам, ғусса, ғурбат ёки қайғули ҳодисотларга мубтало бўлган кишиларга нисбатан халқ «Балога қолди», «Балога учради», «Боши балодан чиқмади» каби ибораларни қўллайди. Аслида «бало» ўзи нима, одам унга ёки у одамга қандай йўлиқади, балога гирифтор бўлгандан, сўнгги рухий ё жисмоний қийноқлар қандоқ кечади — буларни ҳеч ким, ҳеч қачон аниқ кўрмаган, билмайди. Шунга қарамасдан, бу ибора кўрган ёки билгандан кўп парса англатади ва таъсир ўтказади. «Эй нозаним, менга раҳм қил» мисраси раҳм, шафқат истаги айтилган оддий фикр. «Қолдим сени деб юз минг балога» эса образли гап ва ифода. Агар «қолдим балога» ибораси бунга асос бўлмаганида эди, у ҳам олдинги қатордаги маънога ўхшаб поэтик «либос»сиз мисра ҳисобланарди. Машраб, «минг балога» қолган ошиқ тилидан гапни яна давом эттиради:

Торттинм жафони роҳат кўрай деб,  
 Қилсанг жафолар йиғлай худога.  
 Бемори ишқинг бўлдум истарман,  
 Собир балога, рози қазога.  
 Мижғонинг ўқи ўтти бу жондин,  
 Ногаҳ совуқ сўз тушди ароға.

Халқ тушунчасида, ортиқ жавру ситам тортмоқда бўлган одам худога йиғлаши, таваллолар қилиб ундан нажот исташи керак, дейилган. Бундан ташқари чорасиз қотган кишиларга қарата, «Яратганга ёлвор, додингни худо эшитар!» деб маслаҳатлар беришган. Абдулла Қаҳҳорнинг «Бемор» ҳикоясидаги норасида гўдакнинг аҳволи ва илтижоли сўзларини эсланг. Агар худо шафқат қилса беморлар тузалиб, зулм этувчиларнинг тош қалбларида раҳм уйғотармиш ва мазлум кўнгуллар азобу уқубатлардан халос бўлишаркан. «Роҳат кўрай деб» кулфатлар чеккан ошиқ-машуқанинг зулмкор табиати, кўрсатган қийноқли қилмишлари тўғрисида битта ҳам сўз айтмайди. Аммо



униги «ийглай худога» деганига қараганда, ёрини берахмлиги, яна шафқатсизликларга бориши аниқ. Айни пайтда, «ийглай худога» иборасини тилга олаётган шахс «юз минг бало» исканжасида қийналавериб, кўнгли мушфиқлашган, элтибор ва мурувватга жуда ҳам муҳтож кишидир. Унинг ўзича донишмандлиги шундаки, ҳар қанақа ҳолат ва шароитда инсон сабр-тоқатли бўлиши зарурлигини, балони сабр, қазо қайғусини ризолик билан енгишдан ўзга яроғли чора йўқлигини у пухта идрок этган. Охирги байтдаги манзара нисбатан бошқача, «Мижгонинг ўқи» — истпоравий ибора. «Мижгон ўқи»нинг жондан ўтиши рамзий гап бўлса-да, лирик қаҳрамоннинг «Собир балога, рози қазога», дея ўзини аввалдан қазога чоғлаб туриши бежизмаслигини поэтик шарҳлайди.

Ногоҳ совуқ сўз туши арога.

Икки ўртадаги ногоҳоний совуқлик — кутилмагандаги ўлимдан ҳам оғирроқ нарса. У дунёдаги ҳеч қандай оташ-аланганинг тафтида илимайдиган, инсон борлигини бир умрга музлатиб юраверадиган совуқлик. Шундай воқеа, ҳодисотлар юз берганида, тафсилоти, изоҳларга сўз ва вақт сарфлаб ўтирилмасдан, халқ тилида «Совуқлик туши», «Ўртада совуқ сўз оралади», «Совуқчилик солишди», деб қўя қолинган ва у тилгловчига моҳият нимадалигини конкрет билиш, ҳис этишга имкон яратган. Машраб сатридаги «совуқ сўз» ҳам шу нуқтаи назардан характерли.

Гап поэтик образлар ҳақида эди. Хўш, шарҳ ва талқини берилган мисоллардаги поэтик образлар қани? деган савол туғилиши ҳам мумкин. Ўринли ва тўғри савол.

Образли фикрлаш билан поэтик образ айни бир нарса, ҳодиса эмас. Образли тафаккур қонуниятларини ҳар томонлама чуқур ўзлаштириб, дунёни образли назарда кўриш, ўзлаштириш, шу асосда умумлашмалар яратиб салоҳиятини кучайтира бормаган ижодкорнинг ишлатган поэтик образлари, жуда ошиб кетса, «увада камзулда

биллур тугма»га яқин унсур бўлади. Агар Машраб образли мушоҳадаси ўткир шоир юксаклигига қўтарилмаганида, биз унинг юқоридаги фикрларини конкрет-эмоционал кечинма шаклида қабул этмасдак, уларга лоқайд, бепарво қолаверардик. Ҳолбуки, уч-тўрт қатор гап бизда қанча мулоҳаза, таассурот, муқоясалар хайёлларни уйғотди. Чунки, шоир она тилининг жонли имконларига суяниб образли мисралар яратган эди.

Халқда «Оғзи куйди», «Оғзим куйди» шаклидаги фразеологик ибора бор. Бирор ноҳўя ишни қилиб қўйиб ёки нимадир, кимдир тўғрисидаги аллақандай фикрни айтиб қўйиб сўнг пушаймон бўлган киши «Оғзим куйди» деса, демак, у ўз қилмиши, сўзларига иқдор-у, уларни бошқа такрорламоқчи эмас. Машраб бу иборани бир байтнинг образлигини таъминлаш учун асос қилиб олади. Ошиқ халқ аро ҳоли дилидан ҳеч ким огоҳ бўлишини истамайди. Негаки, сирни фож этиб «оғиз куйган».

Бўлмасун огоҳ киши ҳоли дилимдин халқ аро,  
Гарчи куйди оғзимиз, аммо дилу жон йиғсайди.

Шоир бир ўринда «Ўзга юзга боқмасун, деб кўзга миҳ қоққанмусан?» деб ёзади. «Миҳ қоққанмусан?» қулоққа дағалроқ эшитилар, лекин маъшуқа қудрати, ошиқ ҳолатини бўлиғ гавдалантиради. Бундай ибора ва фикрлар Машрабнинг деярли ҳар бир шеърида учрайди.

\* \* \*

Император Франц Иосифга Бетховенни суяш лозим, — у — гений, деганларида, бепарволик билан: «Менга гений эмас, содиқ фуқаро керак», деган экап. Буюк истеъдод эгалари жаҳоннинг ҳамма жойида шоҳлар, давлат арбобларига ёқавермаган. Нега? Чунки истеъдоднинг ўзи мустақил Давлат. Чунки талант халқ қалбини ишғол қилиш

ва оммани эргаштиришда ҳар қандай ҳукмдордан қудратлароқдир.

Нацистлар энди-энди ҳокимиятга эришяётганида уларнинг фалсафасини жуда аниқ қилиб Геринг шундай ифодаланган экан: «Менга фикр эркинлиги ҳақида қачонки гапиринса, беихтиёр тўплончага қўлим чўзилади...»

Қанча ҳур фикр тарафдорлари отилган, осилган, қийноқларга маҳкум этилган. Машраб ана шулардан бири эди. У эркинликда руҳан Насимийга яқин эди. Унинг қисмати ҳам териси тириклайин шиллинган Насимийникига яқин фожиа билан тугалланди. Бироқ Машрабнинг вужуди осилган дорга, шоирнинг озод Рухи, кишиан киймас қалби ва тафаккурини осин имконсиз эканлигини мустабидлар тушуншини петамадилар. Улар нимани кўзлаб, нимани ўйлаган бўлсалар, ҳаммасининг акси бўлди. Машрабнинг «номи халқимиз ҳаёти ва тарихида мутаассибликка, ислом ақидаларига қарши кураш байроғи бўлиб келди» (Ғафур Ғулом). Чунки Машраб чегарасиз маънавий куч шоири эди ва абадий шундай бўлиб қолади.

Улуғ исёнкор шоир ҳаёти ва шеърини меросини ўрганиш, оммага етказиш юзасидан Ғ. Ғулом, И. Султон, П. Шамсиев, А. Ҳайитметов, А. Абдуғафуров, М. Зокиров, В. Раҳмонов сингари ёзувчи ва олимлар жуда муҳим, гоётда хайрли ишларни амалга оширдилар. Машраб шундай санъаткорки, ҳар бир авлод унинг поэзиясини ўзича идрок этиб, севиб ўқимоғи, ўз замонаси, аҳтиёжлари билан уйғун нуқтаи назарларда тадқиқ этмоғи лозим. Бу эса машрабшуносликнинг ҳам тинимсиз тараққий этмоғидан бир шаҳодатдир.

1986

## ЭНГ УЛУҒ ШЕЪР — ДАРД ВА АРМОН

*Қақнусга ўзшаб ёндим тириклай*  
Машраб.

Туркий халқларнинг барчаси учун у ёки бу даражада умумий бўлган фикру туйғулар бир буюк ижодкор Қалб орқали аксини топиш ҳодисаси тарихда кўп бўлган. Буни Алишер Навоий таъбири билан халқларни «яққалам» этиш, бадиий ижоддаги яққаламлиқ санъати деб характерлаш мумкин. Улуғ туркман классиги Маҳтумқули дили ўз эли ва юрти чегараларидан бениҳоя кенг мана шундай шоир, шеърияти такрорланмас ижодий Қалбдир. Маҳтумқули ошғ даражаси, маънавий маърифати билан туркий тафаккур ва руҳиятнинг марказида турган санъаткор. Маҳтумқули туркман, ўзбек, қозоқ, қирғиз — бизнинг ҳаммамизнинг шоиримиз. Унинг асарлари туркий шеърият қонида жўшган ўзинга хос Дард тўлқини, туркий шеърият кўзларида аксини тошган бир Армон сувратидир. Бу шеърият Маҳтумқули сиймосида ўзининг энг қадимий ғоявий-бадний аъъаналарини давом эттириб, ривожлантириб, оламга донолиқ яна донишмандлик нурларини сочди. «Ҳиббатул ҳақойиқ», «Қутадғу билик», Аҳмад Яссавий ва Алишер Навоий пандномаларидаги оҳанглар Маҳтумқули тажрибаларида янгиланиб, ҳаёт ва реал воқелик билан чуқур муносабатини топган йўналишларда умр кечирмоққа бошлаган эди. Маҳтумқулининг ғоявий суянч, руҳий таянган жойларидан бири Аҳмад Яссавий ижодиёти ҳисобланади. Уни Яссавийдан ажратиш улкан чинорнинг ўқ илдизини заминидан суғириб ташлаш билан теппа-тенгдир. Маҳтумқули Яссавий ҳикматларидан кўп ғоявий озиқ олган, хусусан Яссавий тўртликларида қўлланилган ва доимий қайтарилган поэтик образлардан ижодий фойдаланган. Бу табиий, албатта. Чунки Яссавий

шеърнати — қуёшли, ҳар қандай ижодкор руҳни пок-лантирувчи, дардга тўлиг шеърнат. «Аслим туфроқ, ўзим туфроқ, ҳақ васлига етолмасдан кўнглим муштоқ», дейди Яссавий. Бу образли фикр Маҳтумқулида «Гавдам — хароб, тан — тупроқ, кўнглимнинг шаҳри вайрон» шаклида келади. Гуноҳ ва гуноҳкорликларни тан олмаслик, манманлик, кибр иллатлари танқид этилган мисралар Яссавий ҳикматларининг анчагина қисмини ташкил этади. Маҳтумқулининг манманликни қоралаб айтилган ёки «Осий бўлма гуноҳингдан тинавер», «Яхши вақтдир товба қилиб дўнавер» каби мисраларининг туғилишида Яссавий шеърнатиинг роли бўлганлиги аниқ сезилиб туради.

Маҳтумқули шеърнати ўзбек маданиятининг қонуний бир бўлаги, эҳтиёж қисмига аллақачонлар айланиб улгурган. Бу шеърнат ҳар бир ўзбек учун бир таълим Академияси. Ундан инсонийлик, ахлоқ ва одоб, ватан ва ватанпарварлик мазмунларида, тубанлик ва жаҳолатга, унинг барча кўринишларига муносабатда сабоқ ўрганиш имтиёзлари чегарасиздир. Маълумки, шоир ижодиётида дидактик нафос устунлик қилган. Лекин Маҳтумқули дидактикасида шижоат, жасурлик, қаҳрамонликка ундаш биринчи ўринда туради.

Қўрқа-қўрқа қийин аҳволга тушдик,  
Тақдир нима бўлса кўрилсин энди,  
Фикр қозонида қайнадик, пишдик,  
Тегма, қон жўш уриб тўкилсин энди...

Шоир лирикасида босқинчи зулмига кўникиш ва барча ахлоқсизликларининг дояси сифатида икки хусусият, икки иллат изчил қораланган. Булардан бири — қўрқоқлик, иккинчиси — водонлик. Мутеликларининг ҳамма кўринишлари у ёки бу зайлда шу икки иллатнинг ҳосиласи, самараларидир.

Маҳтумқули дидактик шеърятни Шарқ ва Яқин Шарқ адабиётидаги анъанавий қоидалардан анча четга чиқиб, сўз, фикр ва ифода оҳангларини озгаки бутққа фавқулодда яқинлаштирадики, бунда ҳам у ҳаммадан ортиқроқ Яссавийга издошдир. Шоир бирор ўринда ҳам қуруқ насиҳатгўйликка берилмайди, шеърларида Юрак сўзлайди, қалб ёнади, кўнгул овозлари баралла эшитилиб туради.

Маҳтумқулининг отаси вафотига бағишланган шеъри бўлиб, унда, жумладан, шундай сўзлар битилган:

Молу мулкка сира кўнгила қўймади,  
Бу жаҳоннинг ишратини севмади.  
Эски шолдан ортиқ кийим киймади,  
Охирад уйи бўлди қасди отамнинг.

Бундай байтларнинг шаҳодат беришига кўра, шоир дунёнинг пасту баланд, оқу қорасини ўзича чуқур идрок қилган, онгли равишда жаҳоннинг айшу ишратларидан анча юз бурган, ахлоқий қарашлари покланган, хоксор отанинг фарзанди бўлган ва тарбиясини олган. Маҳтумқули ижодида автобиографик маънолардаги фикр, қайдлар тез-тез учрайди. Улар асосида шоир ҳаёти ва ижодиётига дахлдор айрим нарсаларни ёритиш, баъзи жиҳатларни тасаввур қилиш имконлари ҳам мавжуддир. Бироқ энг муҳими шоирнинг маънавий-руҳий биографияси. Маҳтумқулида бу таржимаи ҳол ёруғ, унинг нурли ибтидоси—Ишқ. У «Ишқ асар этмаса чирроғлар ёнмас», дегандек, сийратида ишқ чироқ ёққан дамлардан бошлаб шоир ўз кечинма ҳолат, изтироб туйғуларини шеър тилида оташли сўзлар орқали акс эттиришга, ички дунёсини ёлқинли манзараларда очишга эриша борган.

Севги ўтига тушдим, нарвона бўлдим энди,  
Шавқнинг чўғида кўйдим, бирёна бўлдим энди.

Жисмим кабобга дўнди, гирёна бўлдим энди,  
Гажж истаганлар келсин, вайрона бўлдим энди.

Истеъдод — ҳамиша улкан самимият. Маҳтумқулининг ишқий шеърларини ўқиганда дилидаги дард зарби, аламли тўлғанишларининг ҳаракатларини аниқ сезиб турасиз. Бироқ «Жисмим кабобга дўнди, гирёна бўлдим энди» дейилган сингари ҳолатлардан кўра ифода самимияти қалбни ортиқроқ тебратади.

Маҳтумқули лирик қаҳрамонининг севги ўти атрофида парвона бўлишлари у қадар узоқ чўзилмайди. Қисматига айрилиқ чанг солади. У қутилмаганда юрак мулкининг шоҳидан ажралиб, дунёвий эркини йўқотади. Ва ўзини худди гулидан ажралган булбулдай ҳис қилиб қолади:

Сармаст бўлган булбулдай гулимдан жудо бўлдим,  
Баргимни хазон урган бир сўхта садо бўлдим...

«Сўхта садо» ниҳоятда яхши топилган поэтик образ. Бу образ гулидан ажралган булбул тапбиҳига нисбатан ҳам ошиқ ҳақида кўп нарса англатади. Ҳижрон, жудолик селларидан дил барглари қовжираган ошиқ учун энди олам зиндон: «Етти иқлим менга кўринур зиндон». Дилбар хаёли, ҳижрон азоблари унинг жонини ҳалқумга етказди:

Жон ҳалқумга келди, ёндим, ёрийдим,  
Бағишласанг нетар ёрим, ё жаббор.  
Нечоғлик севиндим, беваж айрийдим,  
Бағишласанг нетар ёрим, ё жаббор...

Ошиқ ҳақдан нажот кутади. Додлари тангри даргоҳигача бориб етмайди. Элу юртдан мадад кутади. Халқу халойиқнинг мадад ва муруввати шу бўладиги, у ўз бечоралиги, гариб ва бекаслигини аввалгидан кўра неча ҳисса зиёдрок идрокдан ўтказди:

Эду юрт раҳм айламас, бир мен каби бечора йўқ,  
Юрагим юз поради, аммо танимда яра йўқ.  
Сен ғарибсан, мен фақирман, сену менда чора йўқ.  
Севганим, тақдир ҳақдир айирган биздан сени.

Маҳтумқули лирик қаҳрамонининг ёлғизлигини, яхши-ёмон, қалбли-қалбсиз кишилардан ўзини бегона тута бошлашига сабаб унинг ишқий драмаси, ёлғиз ҳижрон азобларимас, албатта. Бунинг бошқа асосий жиҳатлари ҳам бор. Аммо айрилиқ ошиқ дилидаги танҳоликни, ёлғизликка иштиёқ майлларини гоётада кучайтиради. Шундай қилиб, унда «халқдан қолиб» тоғу тошларга кетиш, дашту саҳроларда кезиш асосий ният бўлиб қолади. Ва эрк, таскин, суянч — ҳамма-ҳаммасини ҳудудсиз борлиқ, она табиат бағридан топмоқлигига инонади. Унга бедард, шуурсиз кимсалар муҳотида қийналиб юришдан, тоғлар орасида оғочлар билан ўтириш яхши ва ўнғай туюлади:

Кимни кўрсам бир пешада,  
Менинг кўнглим андишада.  
Тоғлар ичра, бир гўшада,  
Ўлтирсам оғочлар билан...

Бундоқ қаралса, ушбу орзуга эришиш у қадар қийинмасдай. Даҳрнинг абадий бир адолатсизлиги шунда бўлса керакки, барча замонларда ҳам «Тақдир деган подшоҳ бўлса ошиқларнинг ҳоли танг», азоблашмаверишган. Қисмат тазонида қочиб Маҳтумқули тасвиридаги ошиққа ҳам nasib бўлмаган:

Қисмат қўймас, кетсам узоқ йўлларга,  
Насиб қўймас, кетар йўлим боғлар, ҳей.  
Мажнун каби ҳайрон чиқай йўлларга,  
Бориб маскан тугай сизни, тоғлар, ҳей!



Кетиб кетолмаслик, туриб чидолмаслик, яъни икки орадаги тортишув ҳиссиёти бора-бора «фикр дарёсига» «ақл кемаси»ни чўктиришга яқин олиб келади. Шунда ошиқ нигоҳида захру май, васлу ҳижрон, дўсту ағёр — барчаси гўё аралашиб, маъно ажратиш янада оғирлашади.

Йўл йўқотдим, тоғ қайсию туз қайси,  
Уқмас дилим: маъно қайси, сўз қайси,  
Фаҳмим етмас, йўл қайсию из қайси,  
Умид узиб, қочолмайман, найлайин!

Хуллас, «дунё — оламни кезиш» тилагида ўртанган кўнгили, «Қанотим йўқ, учолмайман, найлайин» деган маҳзун тасаллодан бўлак чора топаолмаса-да, қисматга қарши исён қилиш, дунёни лаънатлашдан сира чекинмайди.

Маҳтумқули шеърларидан бирида «Дунёда онглидан— онгсизни қондир», деган. Шоир хулосасида оламнинг асосини ташкил этган бу онгсизлар «билмас балолар». Жоҳил, бу сўз уқмасларга тирикчилик ва нафсга алоқаси бўлмаган юксак фикру туйғуларни сингдириб бўлмайди. Чунки улар «одам тилли ҳайвондир». Забонли «ҳайвонлар»ни Маҳтумқули кўп ўринларда «халойиқ» деб атайти. Гоҳ тоифаларга ажратиб шоирона ҳукмлар чиқаради. Ижодда халойиқ табиати, характер хусусиятлари, тубанликларини фош қилиш билан шоир изчил машғул бўлган. Яъни олов бўлиб ёниб, тилидан ўтлар сочган:

Маҳтумқули, тили ўтли, ўт сочар,  
Юзсиз, нокасларнинг айбини очар.

Шоир айбини очган юзсиз, нокасларнинг асосий ва катта қисми ҳасадчи, порахўр, ғийбатчи зотлар.

Халойиқ барчаси ҳасадхўр бўлди..  
Синоҳий барчаси порахўр бўлди.

Пора қонун юритган, ҳасадхўрлик ривож топган жамият одамларидан нима фазилат кутиш мумкин. Улар порахўрликни энлолмаса, бошқа тубан йўллар билан тирикчилик юритишади. Ёки «шайтон бўлиб» элни йўлдан оздирадиган товламачи, хушомадгўй, яна аллақандай диёнатсиз кимсаларга айланишади. Маҳтумқули турфа қилмишларин «издиҳом ичида» яшириб юрган «бадкор мунофиқ», ичида «товналаб кўмири бор» ҳасадчи, дили илон заҳрига тўлган ифвогарларни ҳар кун кўрган, кузатган, уларнинг сони бунчалик кўплигини тан олиш унинг руҳини оғир тош бўлиб босган. Бироқ шоир ҳеч маҳал пассив кузатувчилик қилмаган. Ўша салбий тип вакилларини фош этадиган, айбини очадиган фикрларни айтишда фаолликдан чарчамаган.

Булутдек гуркираб, чақмоқдай гурлар,  
Гоҳо муздан тахтлар, оташдан уйлар.  
Хачирдек чаёнлар, фил каби мўйлар,  
Баданингдан сўрар қонинг, ғийбатчи...

Ғийбат, ғийбатчилик касали ҳақида кўп эшитганмиз, ўқиганмиз. Аммо ҳеч пайт ғийбаткаш — «хачирдек чаён» деган қиёс ёдимизга келмаган. Маҳтумқулининг ғийбатчига йўналтирилган сўзларидан, уларнинг қандай қулфатли жазоларга маҳкумлигинигина эмас, беихтиёр «хачирдек чаён»лигини ҳам хотирлаб қоламиз.

Жаҳонда бор ишдан ёмон —  
Бир мўминнинг озоридур.

Ғийбат эса инсон юрагига озор етказиш, уни эзгилашнинг яшини шакли, калтакесакка ўхшаб зимдан судралиш йўлидир. Ғийбатчилар ўз умрини елга бериб, сенинг «хатинг, сўзинг қўча-қуйда кездирди»ган, охир-оқибатда «гуноҳнинг зил юки» остида янчиладиган ҳазарли тоифа ҳисобланади. «Жирканч улар, бунга гумон бўларми?».

Маҳтумқули ҳасадчи, гийбаткашларга доир фикрларида уларнинг жирканчлигига ўқувчини тўла ишонтиргиси келади. Аммо аҳвол шунга бориб етганки, «Халойиқда иборат ҳам йўқ, кўрим йўқ, Мажлисида бир насиҳат қилар йўқ». Ҳамма ўзи билан ўзи овора. Дунё ишлари, одам қилмишларига ҳолис боқиб, «Ҳалол қайси, «Ҳаром қайси билар йўқ». Барчаси аралаш-қуралаш. «Фойда қайси, зиён қайси, билинмас».

Имон, инсоф, диёнат, адолат, виждон, поклик — булар улдуғ инсоний тушунчалар. Одам қачон инсоф ва диёнатли бўлади? Қачон виждон шеvasига содиқ юради? Имон деганда нимани билмоқ лозим? Покликнинг нурли ва нурсиз чегараси қандай аниқланади? Мана шунча саволга, лўнда қилиб, «Ҳалол қайси, ҳаром қайси» билинганда, деб жавоб бериш мумкин. Ҳаром билан ҳалолни фарқлаш — оламдаги бош фалсафа. «Ҳалоли — ҳисоб, ҳароми — азоб», дейилади халқ мақолида. Маҳтумқули «Мажлисида бир насиҳат қилар йўқ», деганида билимдон, оқил одамларни назарга олгани шубҳасиз. Хўш, «Бу кун шоҳсан, эрта гадо бўларсан...» ёки «Бу дунё молидан ким олди бир бот, Аввали ғам-қайғу, охири барбод» мазмунларида насиҳатлар сўзлагувчи ақл соҳиблари топилганми? Топилган. Бироқ Маҳтумқулида бўлгани сингари ўшалар ҳам халойиқ орасида ўзларини чорасиз сезганлар, оломонга гап ўтказини уқубатларини уларнинг ҳар бири ўзича ҳис қилиб қийналган, азият чеккан. Маҳтумқули айтмоқчи, «Оқил бўлган ғамда юрагин эзиб, Дардининг дармонин сўроқлаб — кезиб», «Замоннинг бузуқ бўлганин эзиб» ёки ўрни-ўрни билан гапириб юраверган.

Оломон — нодонлик, жаҳолатдан сармаст тўда. Оломоннинг маърифат даражаси — тақдид, у ҳайвондан кўра ҳам эргашувчанроқ бўлади. У кундалик турмуш эҳтиёжига ярайдиган ҳеч нарсадан қайтмайди. Оломонни бошқарувчи пички куч нафс ва ҳирс. Навоийга ўхшаган даҳоларнинг «Нафсингга хилоф иш қилгилки тинғайсан», дегандай ўғит-насиҳатлари ҳам оломонга таъсир ўтказа

олмаган. Лекин оломон нега шундай? Унинг ҳомийси, раҳнамо қудрати бўлиши керак-ку? Шу маънода барча шарқ шоирлари сингари Маҳтумқули ҳам дунё ва замонни айблайди. Шоир учун одамларнинг йўлдан озгани билан замон бузуқлиги тепша-тенг тушунча:

Энди билдим замонинг озганин,  
Ёмонлар яхшидан қоча бошлади.  
Қайта, бадасиллар асилзодадан —  
Писанд этмай, тўрга кўча бошлади.

Замоннинг озгани ҳақиқат. Шоирнинг бунга заррача шубҳаси йўқ. Буни у фақат бадасилларнинг «аслзодадан» тўрга чиқиши-ю, ёмонларнинг яхшидан қочиш ҳодисаларидагина кўрмайди. Шоир ҳаётга теран назарда боқадди, Ғожианинг манзараларини миқёслари билан акс эттиради. Ахлоқий айниш, сиёсий тутриқсизликлар шоҳлар остонасидан бошланган: «Шоҳларда қолмади ҳукми адолат». Шоҳ адолатсиз, ўғри бўлгач, унинг атрофидаги амалдорлари қароқчи бўлиши тайин: «Бир пул учун муфти берар ривоят...», «Бил, бу ишлар нишонини қиёмат», дейди донишманд шоир. Бироқ қиёматнинг асосий манзараси меҳнаткаш элнинг хўрланиши, Ғақир кулбалардаги ҳодисотлардир. Мирзо Бедил «Ғар субҳки, сар мебардорам, Ошуби қиёмати дигар мебинам», яъни ҳар субҳ бош кўтарсам, яна бир бошқа қиёматни кўраман, деганида тупроққа қоришиб кетган, хўрланган халқнинг кундалик турмуши, азоби, уқубатли тақдир сувратларини эътиборда тутган эди. Маҳтумқулини ҳам шундай манзараларларга солган:

Ғақирлар хўрланиб, юзин сарғайтиб,  
Ким теграсин топиб, рангин қизартиб,  
Зодимлар мазлумнинг белни қабортиб,  
Қамчисиндин қонлар соча бошлади...

«Мазлумнинг белин қабар»тиш ғуссаси қанча элпарвар, жону жаҳонини халқи, Ватани иқболига қурбон қилишга тайёр не-не қалбларни кемирмаган, тилмаган? Шундайлардан бири Маҳтумқули эди. Бир ёндан юртни «Фоҳишадан бўлган ҳаромхўр» амалдорларнинг «йиқа бошла»шлари, иккинчи томондан, ариқлар фуқаро ва етимлар кўз ёшларидан дарёларга дўниб, эзгулик дарёларининг кўмилаёзгани улуғ шоирни йиғлатарди. Маҳтумқулининг бир кўп шеърларида сатрлар аро шоир дийдасидан тўкилган алам ёшлари ҳам оқади. Булар йиғи сўзларимас, йиглаб ёзилган, виждон ва қалбни ҳамийша йиғлатадиган шеърлардир.

Кетган қайтмас йўлидан,  
Тушмас ёмон феълидан.  
Диёнат халқ қўлидан —  
Кетди деб йиғларман.

Бу — йўқотиш марсияси. Оламда шундай йўқотишлар бўладики, улар хусусида бутун элу юртга фақат шоир гапириб, фақат угина мудроқ кўнгулларга ўт қалаб йиғлай олади. Маҳтумқулининг улуғлиги ҳам шунда. У бой берилган, бой берилаётган бокира туйғулар ҳасратида, яхши фазилатларнинг бадарға қилинаётганлигидан афғон чеккан эди.

Ҳозир бизнинг замонда  
Ёмон сўзлар забонда,  
Зулм ишлари жаҳонда  
Жўшди деб йиғларман...

«Дунё турар, умр қолмас», «Элдин-кундин, тилдин жудо бўларсан». Ахир, «Сувга, елга сўзи ўтган Сулаймон» ҳам ўзи билан ҳеч нарса олиб кетгани йўқ. «Қани ул Искандар, Рустам паҳлавон?», дейди шоир. Ва дунёдаги ибратли ҳақиқатлардан беҳабар, молнараст мансабу

шуҳратнараст ғофилларга яна савол ташлайди: «Сен дунёни тутажаксан ким бўлиб?» Инсонийлик матлаби зўру зулм билан танилишмас, ўзидан яхши ном қолдириш, Бобур ўғит бергандай, «Бори элга яхшилиг қилгилки, мундин яхши йўқ, Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиг». Бобурнинг «Бори элга яхшилиг қилгилки, мундин яхши йўқ» фикрини Маҳтумқули «Мард чекар гамини тугилган юртнинг» тарзида ифодалайди.

Маҳтумқули — келажак шоири. Унинг дили истиқбол оғриқларига тўла бўлган. У охириги нафасларигача халқ ва жонажон Ватанининг эртаси билан куну тунларини ўтказган, «Фақирга жабр этган золимнинг иши» жазосиз қолмас, «Маҳтумқули, ғарибларнинг кўз ёши — Тоғларни ёндирар, эритар тошни», деб ўйлаган. Шоир «Ўз эрким билан Сўз дейман, Келажак ризққа ғам ейман», деганида масалага миқёсли қараган. У ўзинча ҳар бир шахс келажак гамини тортишини истаган. Афсуски, шоир атроф-муҳитда эл-юрт истиқболлини ўйлаганлардан, «тирноқ билан тоғлар»ни тирнаб бўлса-да, мол-давлат тўплаётган баднафсларни, ўзини бедовдан паст санамаган «эшак»ларни кўпроқ кўрган. Бевосита ҳаётий таассуротлар асосида, «Бу жаҳонда тўймас кўзинг сер бўлмас, Ҳар тулкидан йўлбарс бўлмас, шер бўлмас», дегандай доно хулосаларга келган.

Маҳтумқули — руҳшунос санъаткор. У инсон табиати тебранишлари, психологиясидаги ижобий ва салбий қатламларни баъзан биргина шеър доирасида ҳам очиб, таҳлилдан ўтказа олган. Шундай шеърлардан бири «Тан ёпмоққа кўйлак истар ялонғоч», сўзлари билан бошланади.

Дарҳақиқат, уст-бош кийими — бирламчи инсоний эҳтиёж. Одам иссиқ-совуқдан сақланиши учун ҳам қандайдир кийимга эга бўлиши шарт. Бу — боланинг ҳам ақли етадиган оддий мантиқ. Шунинг учун «Ялонғоч»нинг аҳволи ва нималар исташи англашиларили. Айтайлик, уст-боши бутлар нима тилакда бўлишади? Шоир инсон пси-

хологиясининг бу қиррасини ҳам эсдан чиқармайди: «Кўйлакли дер: «Воҳ, устидан тўн бўлса!» Худди шу жойдан тама, гушналик, дунё бойликларига ҳирс жўша бошлайди. Энди одам фарзанди ўзи топган, елиб-югуриб юлган-йиққанларига қаноат қилмасдан, худодан ҳам мадад истаб қолади. Қорни оч ҳақдан «Соғлиқ бер!» деб сўрагани сингари, «бешга етган» тангридан «Ўн бўлса» деб тилак билдиради.

Йигитки торта-торта ҳасратни,  
Сафарга чиқмоққа бўлса давлати,  
Кучи бирла топса яроғу отни,  
Яна дерки текип-текин нон бўлса.

Борингки, йигитга «текин-текин нон» ҳам топилди. Тортилган ҳасратларини ҳам унутиб, «гўзал қиздан маҳбуб» оғушда у шоду ҳуррам яшайверса бўлади. Шундан сўнг бу йигит «Давлат учун кўнгулни зор», «Иززат учун ўз»ни хор этмасликка қудрат касб эта олармикан? Йўқ, бундай бўлмайди. Чунки, у аввало «текин-текин» нонга ўрганган. «Ҳаром луқма еганлар» эса ҳамиша «дунё маним» бўлсин дейдиганлардир. Маҳтумқули бу психологик хусусиятни «Кўнгли истар, зўр шаҳарга хон бўлса» сатрида аниқ гавдалантирган. Шу ерда фикрга нуқта қўйиш ҳам мумкин эди. Қолгани хаёлан аёнлашадиган нарса: шаҳарга хон бўлган, мамлакат тахтига кўнгли боғлайди, ундан ошса Искандарга ўхшаб жаҳонгирлик даввосида от суради ва ҳ. к. Аммо Маҳтумқули шеърни давом эттиради. Салтанат, беҳисоб молу мулкка эришганларнинг барчаси ҳам нуқул ўз манфаатларини кўзлайвермайдилар-ку. Улар орасида адолатли бўлишга, Ҳотам изидан юриб элда саховат, ҳиммат билан ном қозонишга интилганлари ҳам чиққан.

Даладаги сувсиз ариққа ўхшар —  
Ҳар кимнинг саховат — хайри бўлмаса.

Бундай ақида ва насихатларни қўллаб-қувватлайдиган давлатмандлар ҳам бўлган. Маҳтумқули уларни «Яхши оти ҳам дунёга шон» бўлишини истовчилар, деб таништиради. Лекин инсон қавмини ҳайвондан ҳам тубан, онгсиз жонзотлардан ҳам аянч қилиб кўрсатадиган бир салбий хислати бор. Минг йилларки, ундан одам боласи қочиб қутила олгани йўқ. Бу — тама, одам наслидаги гушналикнинг чегарасизлиги. Маҳтумқули шеърни шу масалага бағишлаган. Шунинг учун ҳукм-хулоса чиқарилиши зарур бўлган. Шоир бунгача яна бир неча сатрда мулоҳаза юритиб, охирда дейди:

Ер юзи тўлдирмас кўзинг хонасин,  
Қорун каби печа хазнанг кон бўлса.

Демак, кўз тўймаслик — инсондаги бедаво касаллик, меросий офатлардан. Наҳотки бу иллатдан қутулиш чорасиз бўлса? Маҳтумқули инсон толеига бир томонлама қараб, одамлардаги манфий хусусиятларни сўзлаш билан кифояланиб, уларни нажотсиз қолдириб кетадиган ижодкорлардан эмас. Шоир вужуддаги нафсоний, ҳайвоний, шайтоний майлларга қарши курашиш, кишиларни ботиний покланишларга етишишларига эътиборни қаратади. Унингча, қуйидагилар бунинг шартлари бўлиши мумкин. Биринчи, «Ўзни тани, ман-манликдан инавер...». Навбатдагиси, «Қардош бўлма терс — ҳароми, фитна — расволик билан, Бошингни гавгога солма моли дунёлик билан». Яна бири, дунёга муносабат, уни танишда гафлатда қолмаслик.

Гофил одам, гам тагида ётибсан,  
Ўтди умринг майда-чуйда кор билан.

Умрни «майда-чуйда кор билан» ўтказмоқдан зиёдроқ гафлат, подонлик бўлмаслиги ҳақиқат. Ҳаётини «майда-чуйда» ишларга сарфлаш — майдалашиш, майдакашликни



ихтиёрий бўйинга олиш демак. Шунинг учун майда шахслар ҳеч маҳал «ғам тагида» ётганликларини ўзлари идрок этиша олмайдилар. Чунки улар парчаланиб бўлишган. Уларга қараганда судралиб юргувчи ҳар қанақа ҳашарот эркин ва табиатга яқинроқ, Майда ташвиш кишилари эса табиатдан ажралган, ички ҳурликдан бутунлай маҳрум ногиронлардир. Маҳтумқули дунёни илонга қиёслаб, майда ғалвачи бечораларни шу афсунгор илон қўйида ёстаниб, ётиб юрганлар дейди:

Дунё — илон, ёстанибсан, ётибсан;  
Тинч бўларми ётган ўша мор билан?..

Маҳтумқулининг эътирофига бивоан, «Одам ўгли — ёлғончининг ёлғони». У ёлғон билан ростни фарқ этаолмагани ҳолда, эгрини тўғри, оқни қора деб тураверди. Шу боисдан, омонат мулкига таяниб, бебақо бойлигидан қувониб дунё — илоннинг аврашларига учаётганлигини сезмайди. Балки ўқувчи қалбига чуқурроқ таъсир кўрсатишни кўзлаб, шунинг учун дунё — илоннинг қилмишларини шоир шеърларида кенгроқ талқин этгандир. Балки ёлғон, алдамчи дунёнинг ҳийла-найрангларини фош қилиш унинг доимий қалб истаги бўлгандир. Балки бошқадир. Аммо Маҳтумқули дунё образининг талқинлари, маккор оламнинг инсон қисматини пздан чиқариш, бузиш ҳаракатларини ўзига хос изчилликда ёритиб борган.

Фойда тилаб келган дунё шахридан —  
Жонин бериб, қуриб қолар қаҳридан.  
Дунё — илон, бу илоннинг заҳридан  
Тук тўкилар, қанот синар, нар кетар..

Бу образли ифодалардаги маъноларга юзаки қараш ёки беварқ қолиш мумкин эмас. Маҳтумқули дидактикаси образли дидактика бўлгани учун ҳам юракни тамсилий ҳақиқатлар, мантиқ эҳтирослари билан тўлқинлантиради.

Иқболинг уйғонса, давлат ёр бўлса,  
Тоққа кесак отсанг, тошни синдирар,  
Толенинг терс келса, бахтинг шўр бўлса,  
Паловнинг гуручи тишинг синдирар.

Бугунги шоир «Омад дегани дунёда бор гап. Бу ерда ҳар қандай хурофот бекор», дейди. Маҳтумқули шу ҳақиқатни «иқбол», «толе» мафҳумларида дарж қилган. Лекин моҳиятни қиёс ва образда очган. «Тоққа кесак отсанг, тошни синдирар» сатри образ даражасига кўтарилган бўлиб, унинг мундарижаси бойдир. Иқбол тушунчасига бундан ортиқ таъриф топиш осон бўлмаса керак.

Жаҳондаги ҳар бир босқинчи қайси эл ва Ватан тушроғига қадам босаркан, энг олдин, у чинакам шоир юрагига оёқ босади, жирканч пошнасида халқнинг ижодкор фарзандлари руҳини эзгилайди. Тарихдан маълумки, Маҳтумқули яшаб, ижод этган даврларда туркман халқи эронийларнинг босқинига йўлиққан эди. Шоирнинг она тушроғига босқинчилар худди «қаро бало» бўлиб ёприлишган:

Келди қаро бало, элни талади,  
Оғзин очиб, тили билан ялади...

Маҳтумқули қаҳри, бутун қалб нафрати билан Сўзни шу талончи офатларга қарши курашга бағишлайди. Улуғ шоир босқиндаги Ватани қисматини ўйлаб, интиқом, номусу ор учун қасос ўтларида ёнади, эрки кишанланаётган халқни душманга қарши жангга отлантирадиган маънолардан сатрлар тизади. Маҳтумқули «нечалар адашиб» ётган, «нечалар фидо» бўлмоққа тайёр ватандошларига чақириқ, «Ёдга олинг, омонатдир жонимиз», агар Ватан истиқболи, эл эртаси йўлида шу жон «Тангрига зарур бўлса, берилсин энди», деган ўчмас хитобномалар битган: «Маҳтумқули айтар то танда жон бор, Биз қолмайлик қизилбошга бўлиб хор...». Шоир онгида келгиндилар қўлида хор бўлиб, қўтир филдай уларнинг меҳнатларини бўйинга олиб, зулмларига чидашдан, шуларни ҳаёт би-

лишдан, жанг майдонларида ўзни ўлимга топшириб, озод кетиш афзалдир.

Ҳақиқий шоир — номус сарвари. Чин шоир — гурур даргаси. У эл номуси ва гурурининг поймол қилинишига ҳеч бир муддат тоқат қилолмайди. Ахир унинг қалбида Ватан бор, Ватан яшайди. Шоир мурасага борса, юзсиизликка кўнгандай бўлса, ахир унинг дилида Ватан йиғлайди. Шоир тимсолида минг-минглаб кишилар Ватан қарғишидан омон қолишлари мумкин. Негаки у ҳақиқатни хаспўншамасдан, баралла ҳайқариши керак. «Сен куйла қиличнинг тигида! Ушанда эл-юртнинг чидамас». Шоирга қарата айтилган бундай гаплар. Маҳтумқули худди шу «қиличнинг тигида» куйлаганлардан. Унда шоир жасорати туғён қилган. У оддий меҳнаткаш омма тушунча ва дунёқарашларини ҳисобга олиб, шеърларида халқни «Эй ёронлар, қувват берур худодир», яъни курашда тангри қўллайди, деган ақидаларга инонтирмоқ бўлади, айрим ўринларда, ҳатто худо номидан ҳам сўз юритаётгандай кўринади:

Азал бонда жаббор бор этди йўқдан,  
Қанчани нуридан, кўпни тупроқдан.  
Хабар келди, дўстлар, яқин-йироқдан,  
Евга бўри уйин қурилсин энди...

Маҳтумқули халқ эрки, Ватан озодлиги учун Сўзни қурол қилган, босқинчилик, қуллик, булардан пайдо бўладиган маънум асоратларга қарши сўз жаангчисига айланган жаҳондаги жасур, энг фидойи ватанпарвар шоирлар сафидаги санъаткорлардан.

Буюк шоир шахси ва шеърляти — эл-юрт, қолаверса башариятнинг тирик Соғинчи. Улуғ шоирга замонлар интилади, авлодлар қучоқ очиб боришади, шунда маънавий юксаклик, руҳий яқинлик, бирлик саҳналари очилади. Маҳтумқули шеърляти ҳам тирик Соғинчимиз бизнинг. Бу эса шоир ва келажак аждодлар орасида содир бўлаверадиган туганмас жараёндир!

1986

## УВАЙСИЙ ШЕЪРИЯТИ

Жаҳон отин Увайсий шеъриятининг ғоявий-бадий қудрати ва кўлами билан қадим юнон шоираси Сапфо, француз шоираси Маргарита Наварли, Шарқ шеъриятининг маликаси Зебуннисолар қаторидаги санъаткор. Унинг поэзияси дунё бадий тафаккурида содир бўлган ўзига хос ва характерли ижодий ҳодисалардан. Увайсий—XIX аср Қўқон адабий муҳитининг йирик вакили. Она табиат Шарқнинг бу оқила ва бениҳоя дардкаш қизидан камдан-кам ижодкорларга насиб қиладиган буюк саховатини дариг тутмаган — унга ёрқин шеърий истеъдод ато этган эди. Шижоат иқлимида камол топган бир талант адабиётда нечоғлик содиқлик билан хизмат қилса, у таҳминан ўша даражаларда фаол иш бажарди. Унинг аёл қалбида нафосат туйғулари эрта кўз очди. Ёшлик ҳислари шеър завқи таъсирида вояга ета борди. Лекин у пайтлар ҳали ҳаётни англашга киришиш, атроф-муҳит, жамият воқеа-ҳодисаларига чиммат ёпинмаган шод идрок билан назар ташлаш фурсатлари эди. Ушанда унинг бокира, шавқли эҳтиросларга ошно руҳи қайғу-алам муҳитининг олов селларига, маҳшар қийноқларига тенг зилзилали кўчинларига дуч келмаган, аммо у табиий бир шуур билан чинакам шеърият, инсон тақдири, инсоннинг энг муқаддас, энг олижаноб ҳаётий фикру ҳислари учун жавобгар шеърият ҳамиша дард ва изтиробларга тўлиғ бўлганлигини англаган. Кейин у бутун ижоди давомида шу ақидасига содиқ қолган. «Увайсий лирикаси учун хос оҳанг,— деб ёзади Азиз Ҳаюмов,—ундаги майин ва беҳисоб қайғудир. Шоиранинг қайси бир ғаза-

лини олиб кўрмайлик, унда чуқур қайғу сезилиб туради. Бу шоиранинг ўта таъсирчан ва нозик қалбидан, энг чуқур ва мураккаб инсоний туйғуларни ниҳоят нафислик билан тараннум этадиган нозик юрак торларидан чиққан овозлар эди»<sup>1</sup>.

Бу овозлар — қалбдан қуюлиб чиққан ишқ овозлари. Ошиқона кечинмалар, некбин қайфиятлар, ҳижрон диёридаги инсоний аламлар садоси. Бу овозлар — оғриқ, муҳаббат дарди пайдо қилган руҳий оғриқлар шарҳи. Шоиранинг айтарли ҳар бир шеъри — инсон қалбида кечган, ундан муқим жой эгаллаган нурли, даъваткор ҳақиқатларга таклиф, гўзаллик, нафосат базми — ёлқинли сўзлар, шукуҳли фикрлар, кўркем образлар даврасига таклифдир.

Илмда Увайсий шеърятини билан қизиқиш, уни тадқиқ ва ташвиқ этиш ишлари анча вақтлардан буён давом этиб келади<sup>2</sup>.

\* \* \*

Увайсий XVIII асрнинг 80-йилларида Марғилон шаҳрида туғилган. Шоиранинг ёшлик ва балоғат даврлари она юрти Марғилонда ўтган. «Адабиётга яқин бўлган ота-оналари Увайсий тарбиясида унинг қалбига шеърятга муҳаббат сола олганлар, шоира кичиклигидан шеърни севган ва жуда ёш вақтидан бошлаб ижод этишга киришган. Шеърлари тоза муҳаббат, нафис ҳислар, туйғуларга тўла, самимий ва юракдан ёзилган»<sup>3</sup>. Ҳаҳон

<sup>1</sup> Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити. Тошкент. 1961, 246-бет.

<sup>2</sup> Увайсийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида қуйидаги адабиётлар мавжуд: Чўлпон. Увайсий. «Ерқин турмуш» журнали, 1933, 3-сон; Жалолов Т. Ўзбек шоирлари. Тошкент. 1970; Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити. Тошкент, 1961; Раззоқов Ҳ. «Шоира Увайсий ҳақида янги маълумотлар», «Ўзбекистон маданияти» газетаси, 1959 йил 23 декабрь; Иброҳимова Э. Увайсий. Тошкент, 1963; Шу автор. Увайсий. Ўзбек адабиёти тарихи, IV том, Тошкент, 1978.

<sup>3</sup> Ойбек. Мукамал асарлар тўплами, 3-том, Тошкент, 1979, 401-бет.

отин шу шаҳарда Ҳожихон исмли касибга узатилган, икки фарзанд кўрган, ҳаётининг эндигина гул ёзаётган чоғларида бева қолган. У бир ғазалида кейинчалик шундай ёзган эди:

Бева, маълуми сияҳбах, ғарибингдурман,  
Ярашур кимга мурувват менг бемор туриб.  
Вайсий фарзандлари чўнг бўлди, тилар тўй кимдин?  
Сан кибби шоҳи жаҳонгиру жаҳондор туриб!<sup>1</sup>

Ҳар қандай шоир тақдири, биринчи навбатда, шахс тақдири. Шоир киши умри давомида ўз шахсини ёзади, ўз қисмати, маънавий-руҳий олами ҳақида гапиради. Бунга амал қилмасдан чинакам шеъриятга эришиш мумкин эмас. Увайсий ушбу ижодий ҳақиқатни чуқур бир идрок билан тушунган. У шеър билан кўнглини бўшатган, шеър билан муносабатини билдирган, шеър билан ўзлигини ахтарган шоира. Шунинг учун унинг шахси, субъектив кечинмалари, руҳиятидаги оғир ва қайғули изтироблар лирикасида қонуний шаклларда ак-

---

<sup>1</sup> Увайсий девонининг бир қўлёзма нусхаси 1837 рақами билан ЎзССР ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланади. Унда шоиранинг «Шаҳзода Ҳасан» ва тугалланмаган «Воқеоти Муҳаммадалихон» достонлари ҳам жой олган. 1959 йилда ЎзФА нашриёти Увайсий шеърларини девон шаклида (тузувчилар: А. Қайюмов, Э. Иброҳимова) чоп этди. Унда Увайсий ҳаёти ва ижоди ҳақида мухтасар маълумот берувчи сўзбоши ҳам бор. 60-йилларга келиб шоира девонининг учта қўлёзма нусхаси топилди. Улардаги шеърларнинг катта бир қисми кўп муддат ўтмай китобхонлар ҳукмига ҳавола этилди. (Увайсий. Девон, нашрига тайёрловчилар: Х. Раззоқов, Улфат, Ғ. Абдуллаев, Н. Маматов, Тошкент, 1963). Биз ишда ушбу нашрларнинг ҳар иккаласидан ҳам фойдаландик.

Бу ерда кўпгина адабиёт хрестоматияси ва тўпламларида Увайсий ижодидан намуналар киритилганлигини ҳам эслатиб ўтиш керакка ўхшайди, чунки кенг жамоатчиликнинг шоира адабий фаолияти ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилишида уларнинг актив роли бўлган.

сини топган. Увайсийнинг кўнгли — сўз гулшани. Унинг изтиробли руҳига сўз — тилимиздаги кўпдан-кўп сўзлар сирдош, ундош яшаган. Шоира «мусанниф шаҳлари тож этса тошг йўқ гавҳари назминг» деганда мутлақо ҳақ эди. Унинг аксар шеърлари сўз ва фикр гавҳарларидан таркиб топган. Бунда шоира таянган асосий куч унинг тақрорланмас истеъдоди бўлган эди.

Талант шахсий чегараларни ёриб ўтиб ижтимоий омилларга эришгандагина ижодий кучга айланади. Увайсийда бундай куч эрта уйғонган эди. У авор донасидек «юзларига парда тортиғлиқ» бағри қон ўзбек аёлининг ижтимоий аҳволи ва маънавий қисматини ўз даврига нисбатан анча кенг миқёсда англаб олган эди. Унинг «меҳнату аламларга мубтало»лиги ҳам, «қайда дард ила бўлса» ўшаларга ўзини ошно ҳис қилиши ҳам энг аввало мана шунда. Увайсий ўзбек шеърлятидаги ўз характери ва маъмунига кўра муҳим бўлган ғоявий йўналишни — ниҳоятда эътиборли бир пафосни янги ривож нуқталарига олиб чиқди. Бу — феодал тузум томонидан бўғилган, эрк ва маърифати шафқатсиз чекланган ўзбек хотин-қизларининг даврга, жамият ва инсонга ижтимоий-эстетик муносабати эди. Унинг истеъдоди ҳам Шарқ аёли учун у қадар хос бўлмаган шижоат бағрида тарбия топди. Унинг шижоати хусусан замон, зулм, даҳр маъносидаги шижоат сўзларида яққол кўзга ташланади.

Замона кулфатидин бу кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди,  
Бу чархи бемуруватдин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.  
Жароҳат бўлди бағрим тиги бедоди рақиблардин,  
Бу кўтаҳ мардуми нофаҳмдин доғ ўлди, доғ ўлди.  
Бу гулзори фано ичра маҳалли беҳалал йўқтур,  
Хамиша хорадин заҳму, кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди..

Шоира мазкур сўзларни «ажаб густоҳлик бирла», яъни андишасизлик қилиб барпо айладим, дейди. Албатта, «замона кулфат»ларидан кўнгулда доғ узра доғ пай-

до қилган, «чархи бемурувват» азоб-уқубатларига кўни-кишга доимо тайёр бўлган аёл тилидан айтилган юқоридаги сингари исёнкор фикрларни кимлар қайси шаклларда қабул қилишини Увайсий яхши пайқаган. Аммо билиб туриб ажиб густоҳликка бориши унинг санъаткор сифатида жасоратга эриша олганлигини тасдиқлайди. «Бошима сочди бу гардун ғаму алам тахмин, Дил ичра хирмани ғам, анга мисли деҳқонман», деб ёзади шоира. Ғам деҳқони — Увайсий лирик қаҳрамонининг характери моҳиятини очадиган бундан аниқ ифода топилмади. У ҳақиқатда ҳам киши назарида дунёвий ғам-қайғуларнинг, биринчи галда, ишқ дард-изтиробларининг жафокаш деҳқони бўлиб кўринади. Унинг қалби аёлларга хос садоқат, шафқат, эзгуликка ишонч, самимий эътиқод тўйғулари билан бедор тўлғанади:

Гул ишқидин эмас булбулга шеван қилмоғи тун-кун  
Келиб раҳми, кўруб аҳволимни доим этар фарёд...  
Хаёлин боғладим ихромдек ҳар рўз, ҳар соат,  
Тағофил дилбарим мен хастан қулни ҳеч қилмас ёд.

Увайсий шеърляти — шакл, мазмун, образ ва тасвир йўллари билан унғача яратилган Шарқ адабиёти илғор анъаналарига қаттиқ таянган, ривожланиш йўллари шу адабий заминдан келиб чиққан шеърлят. Унға форс-тожик поэзиясининг Ҳофиз Шерозий, Мирзо Бедил сингари буюк шоирлари ижодининг таъсири ўтган. Шоиранинги ўзи шеърларидан бирида Бедилга пайравлик қилиш орзуси ҳақида гапиради. Бедил — нисбати камдан-кам топиладиган файласуф санъаткор. Унинг ижоди олам, одам, ҳаёт, замин ва замон тўғрисидаги фалсафий мушоҳадаларга тўла. У поэтик образларда инсон, табиат, жамият билан боғлиқ муаммоларни фавқулодда зўр маҳорат билан тасвирлай олган. Бедил ва Увайсий шеърлари орасида гоҳ-гоҳ бўлса-да, пайқаш мумкин бўлган даражалардаги фикрий алоқадорлик йўллари мавжуд.



Увайсий лирикасида Муҳаммад Фузулийи ғазалиётининг ҳам ўтли оҳанг ва тил садолари яшайди:

Езма туморингни, умр, эй гул керакмазми сенго,  
Берма кўн хоршинга йўл булбул керакмазми сенго.  
Берма ҳар машшота илқига сочинг андишасин,  
Ожиз ўлгай шонаси кокул керакмазми сенго.  
Гўта ур баҳри таваккул ичра, эй ғаввоси дил,  
Ишқ бахти ичра ақли қулли керакмазми сенго.  
Қовломоқлик ихтиёр этти, дедим мен ялбариб:  
Дарғаҳнинг жоруб этарга қул керакмазми сенго.  
Соқиб, қилдур маноди етти жон лабга яқин,  
Ташна ўлсанг, келки соғар мул керакмазми сенго...  
Вайсий, гул қон бағрин ёдиқо узди боғбон,  
Езма туморингни умр, эй гул керакмазми сенго.

Шоиранинг ушбу ғазали беихтиёр Фузулийнинг «Ғамзасин севдинг, кўнгул, жонинг керакмазми сенго» мисраси билан бошланадиган бағоят ғусункор шеърини ёдга солади. Фузулийнинг соҳир нафаси сўзга жон солади. У яратган ҳар бир шеърда сўзлар тирик илоҳага ўхшаб ҳаракат қилади. Уларда ранг, оҳанг, мантиқ, манзара шунчалик уйғунлашиб келадики, буни илм тили билан талқин этиб бўлмайди:

Ендириб жоним, жаҳонсўз этма барқи оҳими,  
Осмон, хуршинди рахшонинг керакмазми сенго?

Муболағами бу? Йўқ. Ҳарорат — юракдаги аланга ҳарорати. Шоир уни сўз бағрига сингдирган. Ҳароратли сўз илҳомбахш. Унинг таъсир самаралари ҳам бўладики, Увайсийнинг юқоридаги ғазали бунинг мисолидир. Фузулий шеърининг иккинчи байтидаги фикр бундай:

Оташин оҳим-ла айларсан манга таклифи боғ,  
Боғбон, гулбарги хандонинг керакмазми сенго?

Вайсий, гул қон бағрин ёздиho узди боғбоп,  
Ёзма туморингни умр, эй гул керакмазми сенго?

Ушбу байтларда тугал маънодаги ўхшашлик йўқ. Бироқ биридан иккинчисига кўчган асосий сўз ва образлар бор.

Увайсийнинг ижодий изланишлари ва натижаларида Алишер Навоий даҳосининг иштироки бағоят фаол бўлган. Навоий—Увайсийнинг асосий устози. У улуг шоир лирик меросини қунт ва муҳаббат билан ўрганган, ўзича унинг бадиий маҳорат йўлларини тадқиқ этган. Шеърятда бош мавқеда мазмун бўлиши керак деган эстетик ақидани Навоий қайта-қайта илгари сурганлиги маълум. Увайсий ижодий муваффақиятларининг ўзаги ҳам худди шу назарий-эстетик принципларни қабул қилиб, унга қатъий амал қилиш ҳаракатидан бошланади. Ҳатто у бир ўринда «Увайсий, қофия танг ўлса ҳам мазмуни маҳвашга содиқ бўл, деб шеърда маъно ва фикрнинг устун бўлишини ёқлайди. Шоиранинг «чашмаи ашъорда» «маъни суви оби ҳаёт», дил тириклиги «ул сувдин» деган сўзлари ҳам эътиборга лойиқдир.

«Сўзким дард чошнисидин ҳарорати бўлмағай ва назмким ишқ ҳароратидин ҳирқати бўлмағай, нурсиз шамъ бил ва сарварсиз жамъ гумон қил. Ҳосиликим, сўзга бу таронадур ва мундин ўзга барча афсонадур ва сўз ишқ сўзидур ва кўнгулда ҳаёт нашъаси ишқ ўзидур», деб ёзган эди Навоий. Увайсий устозининг бунга ўхшаш фикрларини дахлсиз ижодий ҳақиқат билган. Ўз тажрибаларида уларни четлаб иш юритмаган.

Увайсий девонида Навоийнинг ғазалларига боғланган мухаммаслар бор. Уларда шоира устозига тўғридан-тўғри ғоявий издошлик қилган, унинг фикр-қарашларини янги образ ва поэтик воситалар билан бойитиб, бадиий таҳлилни кенгайтирган:

Доимо майхонада пири мугон бирла кўнгул,  
Йингагай бош йўлидин юз қатла гар қилсанг қатул,  
То кўриб маҳрум ул майдин мани бўлма малул,  
Ишиқнинг таркини, эй поссиҳ, не навъ этгай қабул,  
Ким кўнгулга орзу ул зарфу соқидур ҳануз.

Навоийнинг «ўзга бўлди ёр, меҳри менда боқидур ҳануз, Нотавон кўнгулмга ул ой иштиёқидур ҳануз» матлаи билан бошланадиган ғазалидаги фикрларни юксак савия, ўткир дид асосида тараққий эттирган:

Мани дарду гамим билмакка бўлгайму киши ҳамдам,  
Надимдур ситам бирла алам, ваҳким, ишимдур гам...  
Аё э позим аҳли, Вайсийдин назминг дариг этма,  
Нечунким бул жароҳатлиғ кўнгулга бўлгуси малҳам.

Агар таъбир жоиз бўлса, иши ҳам, надими ситам бирла алам бўлган шоира «жароҳатлиғ кўнгулга» малҳам шеърларни кўпроқ Навоий назмидан топган. Бунинг учун қайта-қайта буюк Навоий шеърлятига мурожаат этган. Навоийнинг:

Ўзгалар ҳуснин тамошо айласам, чиқсун кўзум,  
Ўзга бир кўз ҳамки, ҳуснунгни тамошо айласа,—

сатрларига Увайсийнинг:

Шона урсам гайр зулфиға чоқилсун қўлларим,  
Қайси бир машшота ҳам зулфинг паринион айласа,—

сатрлари ҳамоҳангдир.

«Топмадим нэлаб бу олам аҳлидин бир дарманд». Шоиранинг ушбу ҳасратли сўзлари Навоийнинг «Топмадим» радифли ғазалида ифодаланган етакчи маънога ниҳоятда уйғун.

Хуллас, Увайсийнинг етук санъаткор сифатида камол топишида Шарқ адабиётиндаги илғор адабий анъаналар,

биринчи навбатда, буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий серқирра ижодиётининг роли ҳамда таъсири ҳал қилувчи аҳамият касб этган.

\* \* \*

Увайсий ижодиётида лирик йўналиш устун. Шоира яратган асарларнинг асосий қатга қисми ғазал жанрига мансуб. Буюк адибимиз Ойбек Увайсий ғазалларини шундай характерлайди: «Увайсий ғазаллари ҳаёлни шўх ўйчанлиги, нафислик, ҳисларнинг бевоситалиги билан ярқирайди... шоиранинг лирикасида классик поэзиянинг шаблонлардан, қотиб қолган шартли приёмлардан, сунъий, мураккаб, абстракт образлардан қочиб, эркин ифодага, ҳаётийликка интилиш равшандир»<sup>1</sup>. Ҳақиқатда ҳам, Увайсий ғазалларининг гоъвий-бадий таркиби тоза, бироқ бир қадар мураккаб ва ёлқинлидир. Унинг ғазалиёти марказида даҳр боғидан асосан «ҳасрат гулларини» терган, «бу олам аҳлидин бир дардманд» топмаган, бағри қон, руҳи хазон ошиқ қисмати, унинг маънавий таржимаи ҳоли туради. Бу шахс ишқ, вафо, яхшилик куйчиси. Унинг дунёда таянадиган ягона ҳақиқати — муҳаббат. У чин одамийлик шарафини ҳаётӣ ва инсоний севгида кўради. Лекин унинг зиддиятли қалби вақти-вақти билан бошқа ҳисларга ҳам ўрин беради. Шунда у «Йўқотиб ўзни фано мартабасига» етмоқчи орзу қилади. Гоҳо ёлғизлик гўшаларига чекиниб оллоҳ ишқига берилади:

Фанога гар қадам қўйсанг, таваккул пўтаси бирла,  
Бўлур ўзлик билан жанг, Вайсий, белни боғлағил бозуд.

Шоиранинг «ўзлик билан жанг»ги айрим бир ҳолларда ишқи илоҳийни забт этиш ёки «тариқи хўжаи Аҳро-

<sup>1</sup> Ойбек. Мукамал асарлар тўплами, 13-том, Тошкент, 1979. 402-бет.

ра ошиқ»лик шаклларида кечадики, булар унинг дунё-қарашидаги чекланган моментларни белгилайди. Аммо Увайсий лирикасида бундай ғоявий мотивларнинг юзага келиши бежиз эмас эди. Унинг таркидунё этишига мойиллигига, тариқи тақвога иштиёқи ва умидсизлик йўлига киришига чиркин муҳит, адолатсиз замон сабаб эди.

Увайсий шеъриятида асл фикрий гавҳарлардан юзада бўлган, ўз замонида бирор-бир қиммат касб этган бўлса-да, ҳозирда юза моҳиятини берадиган маъно ва туйғулар борлигини эътироф қилишга тўғри келади. Бироқ булардан қатъи назар, у ҳаётий кайфиятлар, инсон юрагини мангуга тарк этмайдиган юксак фикрлар шоираси сифатида адабиётимизда ўзининг катта мавқеига эриша олган эди. Увайсай ғазалларининг тематикаси тармоқли. Шоира у ёки бу тарзда май ва майхўрлик ҳақида сўзлайди, одамларни юксак нафос билан табиат гўзалликлари сари бошлайди:

Дунёни букун давр ила даврони ғанимат,  
Келтурди халойиқники, меҳмон ғанимат,  
То булбули мастона сухарезни бул дам,  
Айвони жаҳон боғи гулистони ғанимат.

«Ромузи ишқдин воқиф эмасдур нуқтаи зоҳид. Бу сурат аҳлини кўтоҳ турфа норасо кўрдим». Бу тушунча, яъни зоҳид ва дин вакиллари таниқид ҳам Увайсий шеъриятининг тематик бир қиррасини акс эттиради. Бироқ Увайсий учун барча прогрессив Шарқ шоирлари сингари бош мавзу ишқ, дунёвий севги. Шоиранинг лирик қаҳрамони — ошиқ ўзини «ушбу дунё ичра» «мисли меҳмон» билади. Лекин, унингча, энг олий ҳақиқат дунёнинг меҳмоний ҳис-туйғуларига алданмаслик. Унинг маърифати — ишқ. Таълим маскани — «ишқ мактабхонаси»:

Эй, ки ишқ атфолисап, қадди ниҳолидин ўқу,  
Тонибон қаддини, ондин сўнг хаёлидин ўқу,

То Зулайҳодек сазовор ўлмай урма лофу қоф,  
Мажмари ишқ ила сан Юсуф жамолидин ўқу,  
Қозмағил беҳуда гам тоғини, меҳнаткаш кўнгул,  
Касби Фарҳод ила Ширин лаъли болидин ўқу...  
Гул руҳинг васли муяссар бўлса, эй булбул мисол,  
Гоҳ қон ют, гоҳ юзин авроқи олинди ўқу.

Бу ошиқ — мударрис сабоқлари. Унда шоира «ишқ атфол»лари учун гўё севги низомномаларини тақдим этаётир:

Куйиб кул қилди жисмим ишқ ўти, мен кимга айлай дод,  
Кулим кўкка совурди ҳажр боди, дод ила бедод.

Увайсий ғазалларида кўпроқ ана шундай ҳолатдаги— «ишқ ўти» шиддатидан юрак-бағри қовжираган ошиқнинг дард, хаёл, туйғу ва кечинмалари тасвирланган. Бу қаҳрамоннинг «мазҳаби» — хомушлиқ, мастуралик, бедорлик. «Тани — сабр тоғи, дили — ақл боғи», мақсади — «гулзори таъб ичра наво саз эт»моқ.

Бериб допини баҳорига сўзунг оройини тазйин,  
Фаросот дафтари мисраларингдин топди жамъият.

Мана у амалга оширган энг шарафли вазифа. Увайсий ўз ички оламида содир бўлган ҳолат, кайфият, драматик манзараларни шеърга кўчиришда ўзига хос самимий йўллар излайди. Ҳаётини реал образларга мурожаат қилади:

Танбур қўлга олдим, жон ринтасин қилиб тор,  
Найлай бу анжуманни, соҳиби дутор келмас.

Ушбу байт аввал кишида хушнуд кайфият пайдо қилади. Танбурнинг қўлга олинishi — баҳорий ҳолат, юракнинг орзу кўйлари билан тўлиш ҳолати. «Жон

риштаси»нинг танбурга тор қилиб боғланиши эса меҳру садоқатнинг гўзал тимсоли. Лирик қаҳрамон бошқа томонларда «турфа шодонлиғ»да юрган ёрининг келиши умидида. Лекин у келмайди. «Соҳиби дотор» — интизорлик билан қутилган севикли киши образи. Унинг келмаслиги — ҳижрон. Энди «танбур» ғавқулдда маъно касб этади ва умид қанотлари қайрилган ошиқнинг дил изтиробларини жуда ёрқин шарҳлайди:

Муҳаббат сабзаси пажмурда ўлди дил аро, ваҳким,  
Биҳамдиллаҳ, барни белға уриб деҳқон ёвуқлашди.

«Муҳаббат сабзаси» — чиройли образ. Унинг пажмур далиги севги ҳислари яраланган одам фожиясини аке эттиради. Бунда биринчи сатрда қайғунинг машъум шарпаси бор, кейинги мисрада қутилмаган таассурот — умид. Пажмурда бўлган сабзага ҳаёт бахш этиш учун «барни белға уриб» деҳқон — суюкли ёр яқинлашаётир. Агар шоиранинг «Билсанг мени жонимни деҳқони муҳаббат» сатрлари эсга олинадиган бўлса, ошиқнинг орзулари бизга янада табиий туюлади:

Мени рашик ила боқмай, эй париваш, веча инжитмак,  
Ғуноҳимдур, ғуноҳимдур, ғуноҳимдур, ғуноҳимдур.

Булар сўзнинг оддий такрорлари эмас, севган кўнгулнинг тўлқинли тугёнлари. Шоира сўз билан ишқий эҳтирослардан анвойи гуллар яратади. Инсон руҳининг рангдор сувратларини чизади. Унинг учун сўз — тақдир, сўз — муносабат, сўз — кўнгул калити:

Дарғаҳингдин, ман йироқу гарчи бу нолам яқин,  
Ҳар саҳар, эй гул, фироқингдин ғиғон келтирмишам,—

дейди Увайсий. Бу ғиғон унинг сўзларида. Сўзларнинг беором тўлғанишларида яшайди. У сўзда «шикаста дил»,

«бағри хуноб» ошиқларнинг бахтсиз қисматини ёзади, ёр, диёр, олам ва одамга эстетик муносабатини айтади. Увайсийнинг сўзларидан инсоний азоб ва қайғунинг ҳиди анқиб туради. «Қайда борсам, бағрим қони манга гулзор эрур», деб ёзади у. «Кўнгул қони» дийдасидан бир лаҳза бўлсин тинмаган, кеча-кундуз вафосиз ёр йўлида «термулуб, қон йиғлаб» «ошиқона кўз тут»ган жигархун шоиранинг сўзларидан бошқа ниманинг ҳам бўйи келиши мумкин? Шоира дард чекишдан сира чўчимаydi. Аксинча, «Азалдин — то абад ишқ ичра дарду ғам» ошиқнинг насибаси деб қарайди. Шу маъноларда у ўз орзуларида ҳам ғоятда собит:

Раҳм этмағил, эй зулмгар, роҳат анга манзур деб,  
Юз захм ила урён таним озоринг айлар орзу.  
Тангри мени хақ айлади, бўлдим харидоринг санинг.  
Бошим манинг қон тўккали бозоринг айлар орзу.

Увайсий талант йўналиши билан зиддиятли санъаткор. Унинг ғазалиёти ҳаётий ва инсоний қарама-қаршиликларга бой. У кўпроқ инсон психологиясининг мураккаб қутбларига назар ташлайди. Уларни ўша мураккабликларда ғазалларига кўчиради. Увайсий девонида «Дил дийдаси бирла кўрамен ёр юзингни» сатри бор. Дил дийдаси очиқлик — шоирликнинг ҳақиқий белгиларидан. Ўшагина ҳаёт, тириклик, ўлим ҳақида юракларни зир титратувчи фикрларни топиб айтиши мумкин. Ўшагина инсон руҳида гоҳ олов, гоҳ сел, гоҳ тўфон шаклида бири-бирини инкор қилиб кечадиган муқаддас ва ёруғ ҳис-туйғуларни тасвирлашга қодир. Увайсий ўзбек шеърлятидаги ана шундай ижодкорлардан. Шоира ғазалиётида изтироб билан роҳат, умидсизлик билан умид, инкор билан тасдиқ, қайғу билан қувонч, осойишталик билан туғён бир-бирини тўлдириб, уйғун оҳангларда акс-садо беради. Унда қуйидаги:



Жон тасаддуқ бошинг узра чирмаған дасторинга,  
Бош тасаддуқ сўзлаган шаҳду шакар гуфторинга.  
Кўз тасаддуқдир сени хуршид талъат хусунга.  
Қадди долим ҳам тасаддуқ чуи алиф рафторинга.  
Оиқадар сўрдум табиблардан бу дардимга даво,  
Васлидин ўзга даво йўқ деди ул беморнига,—

сингари, майин, роҳатбахш оҳанглар ўз-ўзидан «Ишқ  
ўти ҳар кимда бўлса нолаю фарёд этар, Булбули боно-  
лаям, оҳу фйғона тушди ўт» каби аламли ҳайқириқлар  
билан алмашинади.

Келди васлингдин нетайким, бул кеча ҳижрон исп,  
Ул сабаб эрди табассумдин келур гирён исп.

Бу нима: висол шавқими, ҳижрон аламими? Шодлик-  
ми ёки кўз ёшими? Нега табассумидан гирён исп келади?  
Ўз испни йўқотган табассум—инсон қисматидаги қанақа  
фалокат? Увайсий «Сўзнинг таъсири» шунга қодирки, у  
кишини ё бедор қилади ёки уйқуга солади, дейди. Шои-  
ранинг сўзлари асосан юқоридаги каби уйғоқ, одамларни  
маънавий бедорликка, ишқ, садоқат ва инсонийликка  
чорловчи сўзлардир.

Ҳаёт абадий, муҳаббат боқий, инсон севги билан  
қудратли экан, демак, Увайсийнинг мана бундай жўш-  
қин, ғоявий-бадий баркамол ишқий тароналари ҳам  
ўлмасдир:

Забонингни кетуртил, эй шакарлаб, тўти гуфтора,  
Нечукким, марҳамат ўлеун неча мендек дилафгора.  
Нигоҳинг ташлагил, лутф айлабон, эй шўхи бепарво,  
Йўлыгда интизор ўлгон мани бу ошиқи зора..  
Муиссар бўлмаса гар тоқи абрў саягдагоҳингдин,  
Не ҳосил санга зоҳид, ташлагил бўйинингни зунвора.  
Увайсий, юз жафо кўрсанг ҳақиқат ёрдин доим,  
Ўтурма юзин андин, солма кўзин ўзга дилдора.

Увайсий ошиқона ғазалнинг кўркам намуналарини яратган ижодкор. Унинг ғазалларида муҳаббатга чақирқиқ, муҳаббатга сизиниш, уни улуғлаш, улуғлигини шеърий образларда талқин этиш тамойили етакчилик қилди:

Ки булбул нола, афгон айламакни мапдин ўрганди,  
Вужудин шамъи сўзон айламакни мапдин ўрганди.  
Бориб саҳрога қон бағримдин изҳор айладим бир кун,  
Фалак бағрин қизил қон айламакни мапдин ўрганди.

Унинг ғазалларидаги оҳанглар чиндан ҳам булбулни сеҳрлайдиган даражада ҳароратли ва таъсирчандир.

\* \* \*

Шеърият — бутун моҳияти билан бедорликка даъват. Шоирлик — руҳан ва қалбан бедорлик, жамият, давр, халқ ва муҳитга нисбатан маънавий бедорлик. Шоир мудроқ ҳиссиётларга таяниб яшаши, маълум бир тоифа кишиларга ўхшаб олам воқеа-ҳодисаларининг шарҳларинингина кўриб-кўрмасдан қаноат этиши мумкин эмас. Унинг мангу беором, ҳаловат билмас юраги, қайси бир даражада бўлмасин, аниқлик маркази. Унда ҳаёт, инсон, эзгулик, ёвузлик, адолат ҳақидаги аниқ ҳақиқатлар акс этади. Унда ёлгон ва алдовлар пардасидан озод буюк гоя ва мақсадлар нафас олади. Мана шунинг учун биз чин шоир қалбининг илқилобий ғалаёнларини муқаддас биламиз. Мана шунинг учун уни олам ичидаги нурли ва таянч бир олам — ростлик олами ўрнида қабул қиламиз. Бу фикрлар бевосита Увайсий ва унинг ғазалиётига ҳам тегшли.

Адабиётимизда ғазалнинг орифона деган тури бор. Алишер Навоий орифона ғазалларининг талқинидан келиб чиқиб, адабиётшунос олим А. Ҳайитметов ёзади: «Навоийнинг ўз уқтиришларидан, «орифона» термини-

нинг характерида ва, ниҳоят, шоир шеърларини бири-бирига тематик қиёслашдан келиб чиқиб, унинг девонларидаги фалсафий, пжтимоий-сиёсий ва насихатомуз ғазал ва байтларини шу характерда дейиш мумкин. Бу ғазал ва байтлар традицион мавзу ва образлар билан кам боғланган ёки боғланмаган бўлиб, шоир яшаб ижод қилган давр ҳақида, ўша даврнинг актуал ҳаётий масалалари ҳақида бизда тўғри тасаввур пайдо қилади»<sup>1</sup>. Бу фикрларни айрим истиснолар билан Увайсий ғазалларига ҳам татбиқ этиш мумкин. Увайсийда тўлиқ шакллардаги орифона ғазаллар йўқ ҳисоби. Лекин шоира девонида орифлик билан айтилган байтлар жуда кўп. Ориф киши билиб ҳукм қилади. Билиш, чуқур англаш— орифлик. Увайсий орифа шоира сифатида мавжуд дунё, атроф-муҳитдаги одамлар аҳволи ва маънавий савияси тўғрисида дадил гаплар айтади, ўқувчини чуқур мулоҳазаларга ундайди. Унинг «Дарёи илм жўш урубон мавжи назмидин, Вайсийни таъли чашмасидин чиқти бу зулол», деган сўзлари орифона байтларига нисбатан берилса, хато бўлмайди. «Ғафлатда эрур халқу халойиқ барн, билдим», дейди шоира. Ва биргина сатрда халқу халойиқнинг даҳшатли ҳолатини миқёсли оҳангда характерлаб беради. У бўғиқ турмушдан нола қилиб, «Буэди нобунъедлар озор ила дил масканин, Ул сабабдин олами обод вайрондир манго», дея «қабиҳ гуфтор мардум»лар ёвузлигидан сўзлайди:

Чайқама огзинг маломат шахдида подпйда халқ,  
Юз туман тўфон суйи бу чашми гирёнимдадур.

«Нодийда»— кўрмас, кўриш бахтидан маҳрум дегани. Ушбу байтдаги гап кўзи очик кўрлик хусусида. Шоира «нодийда» сўзини азоб, ниҳоятда огриқли дил билан ай-

---

<sup>1</sup> Ҳайитметов А. Алишер Навоий лирикасининг баъзи масалалари. «Навоий ва ижод сабоқлари», Тошкент, 1981. 20-бет.

таётир. Унга «халқ», яъни жамоа сўзини боғлаш қанчалик уқубатли иш. Аммо ҳақиқат шахсий истаклардап устун. Санъаткор эса буни инобатга олмасдан иложи йўқ. Увайсий ўткинчи аламлар учун кўзёш тўкаётган эмас. Унинг «чашмаи гирёни»даги «юз туман тўфоц суйи» ҳақиқатни теран англаш изтироблари. Оқил ҳислар туғёни. Увайсий шеърларида шахс, муҳит, жамият, халқ маънавиятини қуршаб олган иллатлар ҳақида такрор-такрор гапиради. У шахс ва муҳит, инсон ва жамият муносабатидаги фоже ҳодисаларни анча кенг тадқиқ этади. Шунинг учун у «Сен, эй халқ қаҳқаҳа бирла кулганинг менга кулфат, Ё раб, кўрсанг ичимни, табъи мавзунимда минг иллат», деб азобланади.

Ки ман ҳайратда, ҳар зору зағон бошимга хас йиғди,  
Маломат бозига бошимдаги бу ошён бонс.

Бу сатрлар ғамнинг ҳайрати. Ғам ҳайратга чўмганда шеърнинг нигоҳи нечоғлиқ ўткир, хаёлда нечоғлиқ кўркем образлар пайдо бўлишини Увайсий яхши исботлаган.

Инсонийликнинг муҳим фазилатларидан бири дўстлик. Лекин «кажравли даврон» дўстлик, кишилараро иттифоқнинг ғаними. Буни Увайсий лирик қаҳрамони тусунади:

Эй фалак, кажравли давронинг менга бўлди насиб,  
Не учун ким дўст аҳли кўрармен кулфатин.

«Ҳеч йўқ олам аро ҳаргиз рафиқ аҳли дил», деган ақида уни беомон азоблайди. У меҳру оқибатли дўст ахтаради. Дўстидан садоқат истайди. Аммо «Қимни айладим мунис бошими асир айлаб, Бўлди то алардин минг жонима зиён ўтру», дейишдан ўзга натижа тоинмайди.

Қаноат одамни тарбиялайди. Қаноат — руҳнинг фароғати. Қаноат одамни ҳар кун, ҳар соат тозалаб, мол-

дунё, мансаб, шаҳвату ҳире каби балолардан халос этиб боради. Классик шеърятда қаноат ғояси кенг ўрин иш-ғол этиб келган.

Алишер Навоий «Маҳбубул-қулуб» асарида қаноат зикрида: «...Қаноат чашмасидурким, суви олмоқ билан қурумас ва маҳзаедурким, нақди сенмоқ била ўжумас ва мазраедурким, тухми иззат ва шавкат бар берур ва шажаредурким, шоҳи истиғно ва ҳурмат самар келтирур.

Кўнгулга андин очуғлиқ фойдаси етар ва кўз андиқ ёруғлуг натижасида касб этар»,— деган эди. Увайсий ҳам қаноат куйчларига издош бўлган, шунга итилган. У қаноатни «дард аҳлининг дармони» деб билган:

Нафе пилвини, эй Вайсий, яқудо айла ёқангин,  
Тутқул сен ўзулг ўлгунча домони қаноат.

Шоиранинг ушбу сўзлари ибрат мазмуни билан суғорилган. Унинг ўз-ўзига мурожаати одамларга ўнгит беришдан туғилган эҳтиёждир. У бошқа бир ғазалида ёзди:

Мунаррар дунёни лаъли жавоҳири гавҳари покни,  
Эмидим бу кўзумга сангу хоро айлағил, ё раб.

Дунёпарастлик, очкўзлик авжига чиққан бир жамиятда бундай хулосаларни ўртага ташлаш орифлик эмасми? Ё унинг «Увайсий, нола қияма, шодлиғ ўрнига ғамдур деб, Бу дунё мўъминига қулли зиндондур, нечук айлай!, деган сўзлари-чи?

Хуллас, шоира орифона мазмунларидаги байт ва сатрларида одамларни дунё ва замонага танқидий қарашга, ўзига замондош кишилар характеридаги ожиз ҳамда салбий жиҳатларни конкрет идрок қилишга даъват этган.

Автобиографик шеърлар деганда, одатда, шоирнинг ҳаёти, шахсий кечинмаларидан баҳс этувчи асарлар тушунилади. Автобиографик шеър — санъаткорнинг ўзи тўғрисидаги сўз. Сўзда ўзини акс эттириш, сўз орқали «Мен»лигини тасдиқлаш санъати. Бундай шеърлар ўзбек адабиётида Алишер Навоийгача деярли ёзилмаган. Навоий эса уларнинг кўплаб классик намуналарини яратган эди. Бобурга келиб шеърятимиздаги бу йўналиш янада юксакликка кўтарилди. Навоий ва Бобур анъаналарини давом эттириб, эътиборли натижаларга эришган шоирлар сафи кенг. Улар орасида Увайсий ҳам бор.

Бу кун, э дўстлар, фарзанди жононимни соғиндим,  
Гадо бўлсам не айб, ул шоҳи давронимни соғиндим.

Маълумки, Увайсий Қўқонга кўчиб келганидан кейин Маъдалихон ҳокимлиги даврида ҳаётнинг янада аламли қийноқларига дучор бўлган. Аввал шоиранинг қизи Қуёш вафот этган. Кейин унинг ягона ўғли хон томонидан сарбоз этиб Қашқарга жўнатилган. Юқоридаги байт фарзандларидан ажралган она соғинчлини ифодалайди. Аслида у соғинч эмас, гиря. Мотам йиғиси. У давом қилади:

Мусофирман, ғарибман, бекасу ҳам бежаводурман,  
Вужудим дарда тўлди, эмди дармонимни соғиндим.

Бу — бутун борлиғи қаро кийган мушфиқ онанинг ҳолати. У — мусофир, ғариб, бекас, бежаво. Унинг вужуди дардга — айтиб адо қилиб бўлмас дардга айланган. У шу дард исканжасида таянч дармонин сўроғлайди. Лекин қаттол табиат уни бир йўла ҳамма-ҳамма нарсадан мосуво қилган. Она эса фиғон этади:

Тилимнинг зикрию кўнглимнинг фикри, яхши фарзандим,  
Азизим, ёлғизим, давлатли султонимни соғиндим.

Бундай вазиятда одамни сабр билан юпатмоқчи бўладилар. Лекин фарзандларидан ажралган муштипар она юраги бунга кўника олармикан? Йўқ! Унинг қалбидан тангри ҳақиқатларидан ҳам устун, шарҳлаш мумкин бўлмаган тобланмас ҳақиқатлар яшайди. Увайсий юқоридаги газал-марсиясининг бир сатрида «қизил қонимни соғиндим», дейди. «Қизил қон» — ажралган фарзанд тинмай, Ва айни пайтда «тирик мурда» — «қизил қон»ни йўқотган муштипар она аҳволи руҳиясининг шарҳи.

Қоронгу бўлди олам кўзима ушбу жудалиқдин,  
Кўзу кўнглим зиёси моҳи тобонимни соғиндим.  
Мани бекас Увайсий, йиғлагайман рўзи-шаб тинмай,  
Уйимнинг зийнати, кўз равшани хонимни соғиндим.

Шеър тугади. Зим-зиё олам қўйнида дийдасидан нур юлқиб олинган бекас она ҳамон кўз ёш тўкаётир. У рўзи-шаб тинмай йиғлайди. Бу адоқсиз қайғу кўзгусида гўё шопранинг тирик сиймоси акс этиб туради.

Ё плоҳо, бергасен ул шоҳи султонимга раҳм,  
Айлагай шояд кўруб бул чашми гирёнимга раҳм.  
Қилди тақдири азал Юсуф жамолидин йироқ.  
Тонг эмас гар айласа Яъқуб Канъонимга раҳм.  
Бағри хунобимга гарқ ўлгой халойиқ бу замон,  
На бўлургим айласанг оққан қизил қонимга раҳм...  
Телбаллиқдин гар манга раҳм этмагинг бўлса маҳол,  
Гўдаги, бечораи фарзанди ҳайронимга раҳм.  
Дасти кўтоҳман, қўлум етмакчилиги душвордур,  
Етгуси илқинг сенинг кори осонимга раҳм.  
Етса шаҳаншоҳлар арзингга гар, Вайсий, не топг,  
Кўрса аҳволимни, қилса ашқи бөрөнимга раҳм.

Ушбу сатрлар шопранинг ўглини Қашқарга сарбозликка жўнатган Маъдалихонга мурожаатномаси эди. «Чашмаи гирён», «бағри хуноб», «дасти кўтоҳ», «ашқи

борон» — фарзанди тортиб олинган муштипар онанинг ноласи. У шоҳга раҳм беришни илоҳдан ёлборади. Бу шеър — худо адолати, бераҳм султон шафқати, «Яъқуб Канъон» — сарбоз ўғил соғинчи, бекасликда қолган она аҳволи ҳақидаги шеър. Бу шеър — тирик етим, «гўдаги, бечораи фарзанди ҳайрон»лар тўғрисидаги шеър. Бу шеър — қаттол замоннинг қаттол қилмишлари, инсон ҳуқуқини зулм ва зўрлик олдида иложсиз кишанга солиниши хусусидаги шеър. Увайсий буларнинг ҳамма-ҳаммасини етти байтли ғазалида тасвир эта олган.

Хўқанд шаҳридин келганлар, кафшим йўқолди, сандаму?  
Ҳоли дилимни билганлар, кафшим йўқолди, сандаму?

Бу сатрлар йўқотиш изтироблари ҳақида. «Кафш» — бадний деталь. Шоира ҳозирча йўқолган кафшини сўроглаётир. Бироқ у ҳали «ҳоли дилини» очганича йўқ. У энди кутилмаганда ўқувчини саёҳатга бошлайди:

Ул кун келдик шаҳри Хўжанд, кўнгул бўлди онча хурсанд,  
Ўратепа «Муғи баланд», кафшим йўқолди, сандаму?  
Бағридадир лола доғи, баҳосидур юз минг боғи,  
Тамошо жо Кўҳанг тоғи, кафшим йўқолди, сандаму?

У Хўжандга келганда кўнгилда хурсандлик сезади. Боғу роғ «Муғи баланд», «Тамошо жо Кўҳанг» тоғлари файзидан қувонади. Аммо уни бир нафас бўлсин йўқотилган кафш хаёли тарк этмайди. Аксинча, у қайғуга чўма боради:

Бу ғамда йўқ манда ҳамдам, йўқ, йўқотдим, дийдамда нам,  
Кўкабиби жонга марҳам, кафшим йўқолди, сандаму?

Нозик шох, Улфат бегим, Шодмонбубун, Тўқайжон, Давлатбегим, ғарибпарвар Қозоқойим, жисмга жон Кўзихоним — булар Увайсийга яқин ва қадрдон шахслар. Шоира улардан ҳам кафшини бир-бир сўроглайди. «Мап-



зур эмас бўлак кафш, илкимда йўқтур бир кумуш», деб полайди у. Гап фақат «бир кумуш»дами? Нега унга бўлак кафш манзур бўлмайди? Бу овунмас, овутиб бўлмас хотиранинг аччиқ-аччиқ унлари билан боғлиқ. Йўқолган кафш ўғлидан ёдгорлик. Уни «ўғлим ўтигин эскиси»дан бир киши «чармлаган эрди», дейди Увайсий. Шундай қилиб, «кафш» детали Ғожианинг калитига айланади. Тоғу тошларда, боғу роғларда, хешу ақраболар дилида акс-садо берган фарзандидан ажралган она — шоира оҳлари «тўққиз фалакдан ўтиб» шоҳ ўрдасига томон боради:

Шоҳд хабардор ўлса шоҳ, тўққиз фалакдан ўтти оҳ,  
Дуо қилгил, Вайсий гумроҳ, кафшим йўқолди, сандаму?

Мазкур ғазал тўла маънода реалистик йўналишдаги фироқнома. Унда фарзанд дийдорини қўмсаган шоиранинг оналик ҳис-туйғулари тасвирланган.

\* \* \*

Увайсий лирикаси классик адабиётдаги бир қанча шеърӣ жанрлар бирлигидан иборат. Улар орасида ғазалдан ташқари, илҳом билан битилган мухаммаслар, ишқӣ сурур зўридан туғилган мусаддаслар, ошиқона мактуб мазмунидаги маснавийлар, бўлиғ фикрли фардлар, қатрада дарё аксини кўрсатадиган чистонлар бор:

Ул на гумбаздур, эшиги туйнугидан йўқ нишон,  
Печа гулгунгўш қизлар манзил айлабдур макон,  
Свидириб гумбазин қизлар ҳолидин олсам хабар,  
Юзларига парда тортиғлиқ турурлар бағри қон.

Шоира бу чистонда анор таърифини назарда тутган. Эл ўртасида машҳур ушбу чистон тўғрисида кўп тадқиқотчилар фикр билдиришган. Бу бежиз эмас, албатта.

Чунки, у Увайсий яшаб ижод этган ижтимоий муҳит, ундаги хотин-қизларнинг яшаш тарзи ва эрки ҳақида яхлит тасаввур берувчи асар. Эшик, туйнути нишонсиз гумбаз — бу даҳр, тоза ҳаволари сўриб олинган жамият. Инсон фарзандини қулликка маҳкум этган, муте яшашга мажбуран кўниктирувчи феодал тузум қафаслари. Шоирани шулар ичидаги «гулгунпўш қизлар» — аёл ҳуқуқсизлиги азобга солади. Шеърдаги «синдириб» сўзи — белгили сўз. Увайсий нега айнан шу сўзни қўллаган. Ҳар жиҳатдан бунинг сабабларини изоҳлаш қийин. Лекин бир нарса аниқ: у «синдириб» да қай зайлда бўлмасин, парчаланишга маҳкум жамият тартиб ва қоидаларига ўзининг кескин муносабатини сингдирган. «Юзларига нарда тортиғлиқ турурлар бағри қон» ўтмишдаги ўзбек хотин-қизларининг ҳам ташқи, ҳам ички ҳолатини бундан аниқ, бундан чуқур ифода этган сатр ўзбек шеърини тарихида камдан-кам топилса керак.

Туюқ туркий шеърининг қадимий жанрларидан ҳисобланади. Бу жанрда ижод қилишнинг ўзига хос завқли томонлари бор. У шоирга шаклош сўзлар, яъни тажнис воситасида жозибадор мазмунлар кашф этиш имкониятларини очади. Увайсийнинг туюқлари унинг бу соҳада ҳам эътиборли натижаларга эриша олганлигидан далолат беради. У туюқларидан бирида ёзади:

Мажнуни девоналарга туз керак,  
 Лайлиси бўлса мусаффо туз керак.  
 Сўзлагил, эй ёр, васф айлай сўзунг,  
 Жўшшин назмимга бўлди туз керак.

Бу туюқ ишқ ва шеър тўғрисида. «Туз» сўзи унинг уч сатрида уч маънода қўлланган. 1) Туз — дашт, саҳро. У «Мажнуни девоналар»нинг маконини тайин қилади, 2) туз — тўғрилиқ. Иккинчи мисрада гап ошиқликнинг бош мезони — тўғрилиқ хусусида, 3) туз — мантиқ, маъно. Лирик қаҳрамон айтмоқчики: — Эй ёр, сўзлагил,

мен сўзларингни васф этай. Чунки наъимнинг жўш урушига мазмун керак. Бунда ҳам Увайсий ўзининг мазмунга доир эстетик принципларига содиқ:

Ишқин билсанг, кўнгулда сақланур,  
Мард эсанг албатта дилда сақла, нур.  
Мажнуни девонадин қилма дариғ,  
Бир сўзинг бирла нечалар сақланур.

Мазкур тўртликдаги умумий маъно осон англашилади: 1) Ишқнинг сақланиш жойи кўнгул, 2) мард бўлсанг албатта дилда нур сақла; 3) мажнуни девонага шафқат қил; 4) Негаки бир сўзинг билан нечалар омон қолур.

Мардлик мезони нима? Асрлар давомида одамларни ўйлатиб келган бу жумбоққа Увайсий мазкур шеърда ҳаққоний жавоб тонган. Мардлик — дилдан нурни бой бермаслик. Ахир, сийрати зим-зиё кимсада мардлик нима қилади? Мардлик асли юракдаги аланга эмасми?

Увайсийнинг мурабба, мухаммас, айниқса мусаддаслари ўқилганда, беихтиёр унинг «Ҳайрат чамани ичра қолдинг» деган сўзлари жонланади. Ҳақиқатда ҳам, улар ҳайрат чаманига, шу чаман саҳнидаги яшноқ ва хилма-хил анвои гулларга ўхшайди. Ким билади, балки шоира уларни ўқувчига фикр ва эҳтироснинг бағир қонидан унган гуллари сифатида тақдим қилгандир. Балки мана бу каби фарёдли сўзлар шиддати одамни ҳайратга солишини ўйлагандир:

Ё раб, ўз ҳоли паршонима тоқай йиғлай,  
Тўкуб олдимга бағир қошима тоқай йиғлай,  
Тинмайин тундаги афғонима тоқай йиғлай,  
Сўрмағон ҳолими султонима тоқай йиғлай,  
Токи ишқ ўти аро қил каби сўзон ўлай,  
Ё ажал жомини тутгил, букун осон ўлай.

Буюк форс-тожик шоири Абдурахмон Жомий «Шеър нима?» саволига «Ақл қушининг ноласи, бу қуш ё гулшанда, ёинки гулханда устивор бўлсагина қадр топади», дейди. Бу ерда гап тафаккур гулшани ва гулхани устида кетаётир, албатта. Жомий айтган қуш — шеър илоҳаси. Бу илоҳа Увайсийнинг кўнглида. Бу борада унинг ўзи шуларни айтган эди:

Истасанг кўнглум қушин кошонаи гулзан аро,  
Сўрсанг ақлим гуҳарин, вайронаи маҳзан аро,  
Шамъ жонимдур мани билсанг чу маҳфил тан аро,  
Оҳи-фиғоним дегил булбул каби гулшан аро,  
Бир сиҳи қад сарвнинг ишқида полонман буқун.

\* \* \*

Увайсий Шарқ шеърятини мактабидан пухта таълим олиб поэтик маҳоратини такомиллаштирган. Унинг тажрибаларида, аксарият ўринларда, гоя ва образ, сўз ва тасвир, жанр талаби ва ижро мукаммал шаклларда бирлашади. Увайсий нуқтаи назарича, жозибали шеър — «мухтасар ва мутаассир» шеър. У мухтасар ёзади. Сўзни таъсир қуролига кўтаради. Бунга эса хилма-хил бадийий усул ва воситалар излаш, уларни моҳирлик билан қўллаш орқали эришилади. Шоира ғазал, мустазод, мухаммас ва мусаддасларида классик поэтикада белгиланган ташбиҳ, талмеҳ, тазод, таносуб, преролю масал, такрор ҳамда бошқа бадийий санъатларни суюб қўллайди:

Келди муҳаббатинг қуйи, туштум юзум тубан,  
Ҳар ким йиқилса, тўймади ҳаргиз курошқа.  
Васлингда мен ўзумни йўқотсам ажаб эмас,  
Маҳ ёндашарда йўқ асари ул қубшқа.

Халқимизда «Йиқилган курашга тўймас» мақоли бор. Шоира мазкур шеърини парчанинг биринчи байтида ўша

мақол мазмунига асосланиб, преролу масал санъати ёрдамида ошиқнинг бир-бирига қовушмас, яъни зиддиятли ҳолатини очади. Бу ерда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, Увайсий шеърларининг бадиийлигини таъминлаш учун халқнинг матал, ибора ва фразеологик бирикмаларидан ҳам самарали фойдаланган.

Талмеҳ шоира шеъриятида энг актив роль бажарган бадиий санъатлардан. У Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун, Юсуф ва Зулайҳо, Вомиқ ва Узро, Масиҳ, Искандар, Жамшид, Ҳотами Той, Доро, Сулаймонга ўхшаш кўпдан-кўп тарихий шахслар ва афсонавий қаҳрамонларга оид ривоят ва маълумотларга ишорат қилиб, лирик қаҳрамон характер хусусиятларига хос хилма-хил сифат ва фазилатларни акс эттиради. Увайсийда классик шоирлар ижодида деярли ишлатилмаган ёки кам кўринган талмеҳлар ҳам бор. У бир мустазоидида ёзади:

Гулзори уқул ичра чу сап гунчан раъно,  
Бу полаи зора.  
Солғил қулоғинг ман каби бир булбули шайдо,  
Ношигуфта узора.  
Мансур дил ўлди сенинг бу табъ шиоринг,  
Эй субҳ чу козиб.  
Таъбингга етолмаски Фалотун, Али Сино,  
Бора-бора-бора...

Увайсий ёрнинг «гулзори ақл» ичра ягоналигини таъкидлаб кўрсатмоқчи. Шунинг учун у илм ва доноликда дунёга донг таратган алломалар — Афлотун ва Абу Али ибн Сино номларини тилга олади. Бироқ бу шунчаки тилга олиш эмас. Балки асосий муддаони мантиқан далиллаш йўлидир.

Чарх кажрафторлигидур йўқса бахти вожгун  
Гўйё булбул қафас боғ ичра сайрон зоғлар.

Миқёси кенг, умумлашма фикр бу. «Булбул» — ҳақ-ҳуқуқи кишанланган оқил ва одил одамлар рамзи. «Сайрон зоғлар» — жамиятнинг ёвуз кучлари. Шоира айтмоқчики, чархнинг кажрафторлиги туфайли яхшилар ўрнида ёмонлар ҳоким. Жамият боғларини донолар эмас, разил подонлар эгаллашган. Эҳтимол, ташбиҳ санъатига мурожаат қилинмаганда байтнинг гоъвий-бадий қиммати ҳозирги даражада бўлмасмиди?

Увайсий лирикасидаги етакчи усуллардан яна бири — тазод. У ҳаётӣй, ижтимоӣй қарама-қаршиликларни талқин этишда асосан мана шу усулга таянган.

Мурасса салтанат тахти узра, эй шоҳ, раҳм эткил  
Тазарру зор ила қилгон ғариблар узрхоҳига.

«Мурасса салтанат тахти» устидаги шоҳ ва хору зорликдаги ғариблар аҳволи — булар бир-бирига тубдан зид ижтимоӣй манзара. Ҳаётдаги ана шу нотекислик шоирани изтиробга солади. «Шоҳ» ва «ғариб» сўзларида ўртадаги зиддият аниқ аксини топган. Увайсийнинг «гаҳ рост, гаҳе каж» радифли бир ғазали бор. У тазод талаби бўйича ишлатилган бўлиб, бутун ғазал давомида маъшуқа ички ва ташқи қиёфасининг зиддиятли турланишларини кўрсатади:

Кўринур боғ аро бир дилбари гаҳ рост, гаҳе каж,  
Юзи узра татвил ҳайдари гаҳ рост, гаҳе каж.  
Борибон ул париваш заъфи ҳолин сўргил, эй қосид,  
На воқеъдур ёнида бистари гаҳ рост, гаҳе каж.  
Такаллум қилмайив кулди табассум бирла ул гулруҳ,  
Кўрииди лаб аро гавҳари гаҳ рост, гаҳе каж...

Такрор ҳам шоира санъатхонасида ҳаракатда бўлган бадий санъат.

Иўқ бошда бу савдойи сапамдни ғайри,  
Иўқ кўзда бу қошию қаламдин ғайри.  
Иўқ хоб ҳаёлимда онинг қоматида ҳам,

Ҳам илкими кори бу рақамдин ғайри.  
Йўқ бу манга ғамхор жафо — бахшдин ҳар дам,  
Васлин кўйида зулм ситамдин ғайри.  
Йўқ жон аспри тани урёнима гўё,  
Бирга ситаму, бирга аламдин ғайри.  
Йўқ қосид, агар берсанг ўшал кўйи санамга,  
То охи саҳар кўнгулда ғамдин ғайри...

Бу ғазалда такрор санъати мисра бошидаги «Йўқ» сўзи орқали амалга оширилган. Хўш, бу сўзни қайта-қайта такрор этиш нимага хизмат қилган? Биринчидан, шакл кўркемлигига. Иккинчидан, фикрга поэтик урғу беришга. Учинчидан, лирик қаҳрамон ҳасби-ҳолини миқёс билан кўрсатишда. Увайсий мисра бошидаги такрорни бир қанча ғазалларида татбиқ қилган. Шу нуқтаи назардан унинг мана бу байтлари ҳам характерли:

Кимдурур шиқини, жоно, ошкор этмаз сенго,  
Кимдурур кўздин жигар қопин нисор этмаз сенго.  
Кимдурур шавқинг аро тарки насихат этмаган,  
Кимдурур носеҳға душман ўзни ёр этмаз сенго.  
Кимдурур фаҳму фаросатда Аёз ўлмак тилар,  
Кимдурур доим умиди эътибор этмаз сенго.  
Кўрса ногаҳ бир хиром этмакда алвон ишвани,  
Кимдурур эшикингда қуллинг ихтиёр этмаз сенго...

Гап Увайсий фойдаланган бадий усуллар хусусида кетаётган экан, улардан яна бирини, албатта, эслатиб ўтиш керак бўлади. Бу — параллелизм усули. Параллелизм туркий халқлар адабиётида жуда қадимдан татбиқ этиб келинган. У халқ оғзаки ижодида ҳам актив роль бажарганлиги маълум. Параллелизмнинг лугавий маъноси ёнма-ёнлик, ёнма-ён туриш. Бадий усул сифатидаги моҳияти эса, бирор бир нарса ёхуд ҳодисани иккинчи бир нарса ёки ҳодиса билан бақамти келтириб, аксинча қаршилантириб мазмуни ифодалашдан иборат.

Параллелизм Алишер Навоий лирикасида кўнг ва катта маҳорат билан қўлланилган эди. Бу ҳақда Мақсуд Шайхзода шундай хулосани билдириб ўтган: «Навоий параллелларига хос бўлган сифат шоирдаги улур реалистик қудратни кўрсатади. Ҳаётни, одатларни, кишиларни, табиатни ва ижтимоий турмушни мукамал билган шоиргина маънавий, руҳий ҳолатларни беришда ташқи дунёнинг объектив воқеликнинг тазоҳиротидан шундай журъат ва маҳорат билан фойдаланиши мумкин»<sup>1</sup>. Увайсий параллеллари ҳам ундаги реалистик қудратни намойиш этади. Шоиранинг ҳаёт, табиат, жамият воқеа-ҳодисаларидан чуқур хабардорлигини кўрсатади:

Зарралиғ касбиши тавқи бандалиқ олмай нетай,  
Офтобким ажаб, сарви ниҳол устидадур.  
Нутқи ширинингга сан хомушлиғ сарнўшин эт,  
Ваҳки гавғойи мағас билсангки бол устидадур.

Биринчи ва учинчи мисралардаги фикрда иккинчи ва тўртинчи сатрлардаги маъно билан сабабият жиҳатдан боғланиш йўқ. Аммо мантиқан алоқадорлик бор. Буни шоира топган. Лирик қаҳрамон ўзини маъшуқа олдида бир зарра ҳисоблайди. Нега? Буни асослаш учун унда сўз ҳам, йўл ҳам йўқ. Лекин у муддаони объектив борлиқ ҳодисаларига қиёсан конкретлаштироқчи. Шунда унинг хаёлида сарв ниҳоли ва устида ловиллаб олов пурқаётган офтоб жонланади. Маъшуқа — офтоб, сарви ниҳол — ошиқ зарралигига ўқувчи тўла ишонади... Иккинчи байтда ҳам бир-бирига параллел лавҳалар яхлит маънога хизмат қилади. «Нутқи ширинингни сен хомушлик пардаси билан яшир», — дейди ошиқ ёрга. Ва мақсадини исботлаш учун тамсилый характердаги ҳодисани

---

<sup>1</sup> Шайхзода М. Алишер Навоий лирикасининг баъзи бир поэтик усуллари ҳақида. «Ўзбек адабиёти масалалари», Тошкент, 1959. 252-бет.



эслатади. Бу — бол устида гавғойи магас ҳодисаси. Шоира «магас» орқали айни пайтда рақибга муносабатини билдириб, унинг маънавий қиёфасини ҳам асослаб ўтади. Увайсийнинг қуйидаги ошиқона байтлари ҳам параллелизм усулида сайқал тошган:

Ҳақ меҳри собит ўлмас, кирмайки жона жонон  
То қибла мафҳум ўлмас, то меҳроб кўрмай.  
Ул ёра гойибона дилни юборма, кўнгул,  
Мўза ешарми кимса, олдида об кўрмай.  
Халқақа ҳижобдур хоб маъшуқ ўтурсиға  
Бўлмас насиб меъроқ чапминда хоб кўрмай..  
Нечанд қатла кўрдум агёр сўзидини пеш,  
Гул васлиға етарму булбул азоб кўрмай.

\* \* \*

Увайсий шеърятининг бир қисмини шоиранинг дostonлари ташкил этади. Бу dostonлардан иккитаси Халифа Алининг ўғиллари — Ҳасан ва Ҳусайннинг ҳаёт йўли, тақдири, ижтимоий, сиёсий ҳамда инсоний ҳаракатлари билан боғлиқ. Тугал бўлмаган учинчи doston — «Воқеоти Муҳаммадалихон»дир. У Қўқон хони Умархон ва машҳур ўзбек шоираси Нодирабегимнинг ўғли Муҳаммадалихоннинг Қашқарга ҳарбий юриши муносабати билан ёзилган.

Увайсийнинг dostonлари тўғрисида адабиётшуносларнинг баҳо ва қарашлари ҳар хил. «Ўзбек шоирлари» китобининг муаллифи Т. Жалолов шоиранинг «Қарбаломо»си бу мавзуда ёзилган ўттизталаб асарнинг энг заифидир<sup>1</sup>, — дейди ва Увайсийнинг эпик асарларидаги муваффақиятсизликларини икки нарса билан изоҳлайди. Булардан бири — «пайғамбарзодаларнинг дашти Қарбалодаги жанглари Увайсий табиатидан жуда йироқ мав-

<sup>1</sup> Жалолов Т. Ўзбек шоирлари. Тошкент, 1970. 53—54-бетлар.

зулар» эканлиги; иккинчиси — «жаҳонгирлик ва диний тарғибот мавзудида шоиранинг қалби ақлига ҳамкорлик қилмаган»лиги. Тўғри, ҳар иккала дostonида диний эътиқод ва илоҳий кайфиятларнинг роли бор. Буни инокор этиб бўлмаганидек, унинг дostonлари фақат «Жаҳонгирлик ва диний тарғибот» учун ёзилмаганигини тан олмаслик ҳам ҳақиқатга хилофдир.

«Шоиранинг Ҳасан ва Ҳусан дostonлари, — деб таъкидлайди Ойбек, — гоё моҳирлик билан ёзилган бадий юксак дostonлардир. Диний кайфият кўп, лекин шоира самимий ҳислар, нозик туйғулар, чуқур кечинмалар эгаси бўлганлигидан, бу асарларни юрак билан яратган»<sup>1</sup>. Бу фикрларни ҳам тўла маънода қабул қилиш қийин. Негаки, Увайсий дostonлари, айниқса, Ҳусайн ҳақидагиси худди ўша бадийлик нуқтаи назарида анча заиф. Ҳар икки дostonда ҳам асосий гоё билан унча боғланмайдиган тавсифий характердаги эпизодлар тез-тез учрайди. Ҳасан характерида кураш руҳи айтарли акс этмаган. Асар конфликтда схематик куч ҳоқим ва ҳ. к.

Бизнингча, мазкур дostonларни характерлашда Увайсий ижодиёти билан махсус шуғулланган филология фахлари кандидати Э. Иброҳимова объектив позицияда туриб мулоҳаза билдирган<sup>2</sup>. У дostonларга хос гоёвий-бадий фазилатларни тўғри илтайди, заиф томонларини ҳам четлаб ўтмайди.

Мана, шаҳзода Ҳасан ҳақидаги дostonнинг мазмуни: беш ёшли Ҳасан-Ҳусанлар бир кун кўчага чиқиб кетганларича уйга қайтишмайди. Эгизакларнинг онаси бундан хавотирга тушиб, болаларнинг отаси Али уйда йўқлиги сабабли ўз падари — Муҳаммадга воқеани арз этади. Пайғамбар худога мурожаат қилади. Худо гўдакларнинг соғ-саломатлиги, улардан икки фаришта хабардор экан-

<sup>1</sup> Ойбек. Ўша асар, 402-бет.

<sup>2</sup> Иброҳимова Э. Увайсийнинг дostonлари. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 1960, 6-сон.

лигини Жаброил орқали билдиради. Қайси бир жойда ухлаб ётган набираларини Муҳаммад олиб қайтади.

Агар дoston воқеалари шу тақдирда давом эттирилганда эди, у шунчаки диний моҳиятларни тасдиқловчи пайғамбарзодалар ҳаётига доир саргузашт асардан нари ўтмаган бўлурди. Лекин Увайсий бу йўлдан бормаган. У Алининг вафотидан сўнг Ҳасаннинг тахтга чиқиши, Шом ҳокимининг унга қарши юриши, бош қаҳрамоннинг бунга муносабати, игво, фитна, суиқасд, сулҳ ва охири хотини Жуьда томонидан Ҳасаннинг заҳар бериб ўлдирилишигача бўлган воқеалар тимсолида ўша давр учун зарур бўлган талай гоёларни олға суради. Масалан, Ҳасан эл-юрт осойишталигини тожу тахт меҳридан устун қўяди. У Жом подшоҳи лашкар тортиб келганда, «Сулҳ айламасам, неча мусулмон», «Бўлғайки ҳалок, тўкилур қон» деб орадаги низони тинчлик йўли билан бартараф этишга киришади. Ёки мана бу эпизодни олайлик. Мавсул шаҳрида Ҳасанга уч марта заҳар ичиришади. Бироқ заҳар унга таъсир қилмайди. Буни эшитган шоҳ Муъовия Шомдан бир киши орқали махсус тайёрланган ўткир заҳар жўнатади. Ҳалиги одам йўлда овқатланиб олгандан кейин иттифоқо юрак оғриққа йўлиқади. Ҳушдан кетади. Хуллас, кимсасиз саҳрода «қоп-қаро» бўрига ем бўлади. Увайсий бундан маъно чиқариб, дейди:

Эй аҳли хирад қилнинг, фаросат,  
Бу сўз батамоми элга ибрат.  
Беҳуда кишига қасд қилмоқ,  
Беҳуда ўзини ҳалока солмоқ...  
Гар қилса ситам киши кишига,  
Гўё ситам айламиш ўзига.

Бу ҳаётини фалсафа — ибратли маъно. Достонда бунга ўхшаш ўринлар анча. Уларда шоира салтанат учун шоҳлар ўртасидаги қирғин-қабоҳатларни қоралайди. Моддий бойлик маънавий бойликлар олдида арзимас нарса-

лар эканлигини тасдиқлайди. Яхшилик ёмонлик устидан доимо тантана қилишини кўрсатади. Одамларни хоинлик, ғараз-вафосизликнинг кўринишларига қарши туришга рағбатлантиради.

\* \* \*

Увайсий устоз санъаткор. Унинг шеърляти ўз даври ва ундан кейинги замон шоирлари ижодига ғоявий ва бадиий жиҳатлардан таъсирини ўтказа олди. Нодира, Маҳзуна, Анбар отин сингари шоираларнинг тажрибаларида у ёки бу даражада Увайсий лирикасининг таъсир самаралари бор. Биз юқорида шоиранинг автобиографик шеърлари ҳақида фикр юритиб:

Букуц, э дўстлар, фарзанди жононимни соғиндим,  
Гадо бўлсам на айб, ул шоҳи давронимни соғиндим,—

матлали ғазали устида ҳам тўхталган эдик. Нодирада ҳам «Соғиндим» радифли ғазал бор. У ҳам автобиографик мазмунга эга бўлиб, шундай бошланади:

Қолиб фўрқат диёри ичра жононимни соғиндим,  
Чароғи рўзгорим муниси жонимни соғиндим.

Албатта бу шаклдаги ўхшашлик тасодифдан пайдо бўлмаган. Унинг асосида Увайсий ва Нодира ижодиётидаги бир-бирини тўлдирадиган қонуний издошлик натижалари ётади. Буни бошқа ғазалларда ҳам пайқаш мумкин.

Ногоҳ назар солса гариблар сари ёрим  
Шахло кўзининг даврида мужғони муҳаббат.  
Бўлса киши ул ҳусни биҳишти аро дохий  
Кавсар лабида сабзан райҳони муҳаббат.  
Кўнғлум қуши парвоз қилур бўлса ажаб йўқ,  
Нечунки ўшал чоҳи занакдони муҳаббат.

Бу парча Увайсий ғазалидан. Энди Нодира ёзади:

Ҳар кимда агар бор эса осори муҳаббат,  
Айлар анга маҳбублар изҳори муҳаббат.  
Майхона ишқ ичра хуш ул ринди, туллар  
Бир журъа учун бор эса бедори муҳаббат.  
Хушдур киши дунё гамини қилса фаромуш,  
Соғуръа чекиб соғари саршори муҳаббат...

Увайсийнинг «Бир пари пайкар суманбар ёра ошиқ бўлмишам» сатрларига Маҳзунавинг қуйидаги мисралари мазмунан уйғун жаранглайдикки, бу ҳам ўша таъсир меваларидир:

Дўстлар, бир ҳусни бе ҳимоя ошиқ бўлмишам,  
Ҳур пайкар бир малак сиймоя ошиқ бўлмишам.

Увайсий издошлари ҳақида гап кетганда яна бир шоира ижодиётига алоҳида диққат қилиш керак бўлади. Бу XIX асрнинг иккинчи ярми—XX аср бошларида яшаб, ижод қилган Анбар отиндир. Анбар отиннинг отаси Увайсийнинг жияни бўлган. Шундай экан, у ёшлик йилларидан бошлабоқ Увайсий лирик мероси намуналари билан танишиб, улар таъсирида кўнгүлда шеър завқини ўстира борганлиги шубҳасиз, албатта. Анбар отин шеърларидан бирида Увайсий тўғрисида шуларни ёзган эди:

Момом — Вайсий ўзини қайди бандда кўрди ҳар ҳангом,  
Қилиб Хўқондға риҳлат, рўзғорин айлади барбод.  
Ажойиб Марғилонда аммасин кўрмади отам,  
Бобом низ хоҳарини ёд этиб, айларди юз фарёд.

Анбар отин ижодиёти жуда муҳим ва бадий ижоднинг ҳал қилувчи нуқталарида Увайсий шеърлятига бориб боғланади. Анбар отин ижодида ҳам дард, қолоқлик

ва ёвузликка қарши кескин муносабат руҳи асосий план-да туради. У баъзи шеърларида маъно ва тасвир эътибори билан Увайсий тажрибаларига қаттиқ таянган. Шоира ўз имкониятлари доирасида Увайсий қалб оҳангларига ўхшаш, уларни бойитадиган оҳангларда куйлашга ҳаракат қилган.

Меҳнату аламларга мубтало Увайсиймен,  
Қайда дард эли бўлса, ошино Увайсиймен.

Бу оҳанг бағрида адоқсиз инсоний ғусса садолари эшитилади. Унинг акс-садоларини Анбар отиннинг мана бу сўзларида аниқ пайқаш мумкин:

Жаҳон — оғуға келган Анбар отинман,  
Ғаму қайғуга келган Анбар отинман.  
Ямон соатда келдим мен жаҳонга,  
Ини жодуға келган Анбар отинман.

Анбар отин Увайсийга издош шоира сифатида унинг фикр-қарашларини турли шаклларда ижодига сингдирган ва ривожлантирган. Шулардан бири мухаммас боғлаш.

Эл аро жонбахш ҳам хуршиди тобондур адаб,  
Шаҳраро элга фароғатлик гулистондур адаб,  
Одамини юзида бир нури имондур адаб,  
Э дил, бугун илқинга ол, шоҳ эткан эҳсондур адаб,  
Тухфа бўлур кўрсанг онн бир лойиқи жондур адаб.

Анбар отиннинг Увайсийнинг «адаб» радифли ғазалга мухаммаси ушбу шеърни нарча билан бошланади. Давоми эса яна шунга ўхшаш бешта бешликдан иборат. Лекин гап ҳажмда эмас, мухаммас қонуниятлари бўйича эътиборни қаратган ғазалдаги ғоя, образ ва тасвирни кенгайтириш, янги кенгликларга олиб чиқишда. Бу ва-зифани Анбар отин яхши савияда бажара олган.

Шеърят — эзгуликка ёр, некбин кишиларнинг юрак таянчи, яхшиликнинг тили, эътиқод байроғи, руҳий исён қуроли. Ҳақсизлик, разолат, зулм, хуллас, инсон шанини таҳқирлайдиган дунёдаги жамикки ёвузликларга қарши боришга қодир енгилмас қудрат. Шеърят борки, инсон фарзанди ёлғонлардан ҳоли, нури ҳис-туйғулар, озод фикрлар, собит орзу-армонлар муҳтида яшайди. Шу муҳитда Ватан ва халқ ҳаётига назар ташлайди, бугун муқаддас бўлган гоёлар кейин ҳам шундай бўлиб қолишига қатъий ишонади. Жаҳон отин Увайсий классик шеърятга ана шундай ишонч билан кириб келган ва бутун ҳаёти, адабий фаолияти давомида унга содиқ қолган шоира эди. Ҳар бир улкан санъаткор ўз ижодиётида замондошларининггина эмас, келажак насларнинг ҳам маънавий эҳтиёжларини қай даражада бўлмасин қондира оладиган гоёвий-бадний асарларни яратган бўлади. Бундай намуналар Увайсий шеърятда ҳам бор. Ижодиётининг ўша жойларида у бизга ҳамнафас, фикрдош. Бу эса энг муҳими.

Шарқ — тўла маънода шеърят диёри. У — шеър ва шоирнинг ҳаётдаги ўрни ҳамда мавқеини юксак даражада қадрлаган. Шоир ва шоира сўзлари аслида битта моҳиятни англатади. Аммо шоир сўзини севган Шарқ шоира мафҳумини унча хуш кўрмаган. Тўғрироғи, ёқтирмаган. Нега? Бу саволга ўтминш шоирларимиздан бири: «Негаки мандек аёлларга куйлаш ҳаром. Эри хотиндан афзал қилиб яратган дейдилар», — деб жавоб ёзган эди. Аёл даҳосини камситиш, уни тап олмаслик, биринчи навбатда, жаҳолатдан бўлган, албатта. Бироқ дунёвий ҳақиқатни шеърятда билган, чин шеърят руҳи ва овозини кўнглида марказлаштира олган шахс ҳар қандай қаршиликлардан ғолиб қудратдир. Жаҳон отин Увайсийнинг инсоний қисмати кўп жиҳатлардан ўша замонлардаги минг-минглаб хотин-қизларникидан фарқ-

ланмайди. Шоира сифатида эса у халқ, айниқса, ўзбек аёлининг қайғу-ҳасратларини чуқур ҳис қилган, буюк бир дардқашлик билан уларни шеърга кўчиришга интилган шижоатли шахсдир. Увайсийнинг шижоати дард чекиш қобилиятининг ниҳоятда юксаклигида. Унинг дарди — ишқ, инсоний муҳаббат. У ўзининг истеъдод ва маҳоратини ишқ азобларидан қалби қонга тўлган ошиқ кечималарининг тасвириши беришга бағишлади ва бу соҳада ғоявий томондан ҳам, бадий жиҳатдан ҳам эътиборга лойиқ ижодий натижаларга эришди.

Жаҳон отин Увайсий XVIII аср охири — XIX аср биринчи ярмида яшаган талантли шоира. Унинг шеърятисиз ўзбек адабиётининг муҳим бир жойи бўли қолган бўлур эди. У шеърга ўтган кўнгул ҳарорати, шеър ҳаракати билан ўша бўшлиқни тўлдирди. Увайсий—дард фарзанди. У аламдийда ўзбек аёлининг гам-ҳасратларидан туғилди. Уларнинг завқ ва ҳиссиётларини фавқулодда гамқашлик билан анъанавий мавзу, образ ҳамда ифода йўлларинида тасвирилаб берди. Жаҳон отин Увайсийнинг ҳассос лирикаси — унинг мангу ҳайкали. Шоира ижодияти бугун унинг авлодлари хизматида.

1982



## «ЭЛ НЕТИБ ТОПКАЙ МЕНИКИМ...»

*Ўзликдан юксак ҳеч нима йўқ!*  
«Унанинад»

Истеъдод билан яратилган ҳар қандай бадний асар инсон тўғрисидаги ёруғ ижтимоий, ахлоқий, фалсафий ҳақиқатларда неқбни ғоялар ғалабасини тасдиқлайди. Бу — кўпчиликка аён ва тушунарли. Лекин айни бир пайтда санъат асари ўқувчини азобли ва теран ақлий меҳнатга рағбатлантириши, унинг қалбига ниҳоятда кучли таъсир ўтказиши шарт. «Адабиёт учун доимо инқилоб ва зилзила зарур», деганга ўхшаш талабларнинг бир исботи ҳам шу бўлади. Адабиёт одамлар ичида эҳтирос бўронлари кўзгайди, умрини яшаб тугатган ёлгон ақида, алдов «фалсафа»ларини ўз ўтларида ёқади ва ҳаётдаги барча покиза, мағзи тўқ гўзалликларни идрок мулкига айланттириш жараёнида ўзлигини кўрсата боради. Чунки адабиёт инсон қалбида абадий тирик яшашга яроғли нарсаларинигина «ўзиники» қилиши билан умидбахидир. Биз бугун ҳам Алишер Навоий ижодиётини нега бу қадар меҳр билан севамиз? Нега Навоийнинг сўз ёлқинлари руҳни поклашда бу даражада тенгсиз? Чунки улуғ шоир даҳосининг зийси чегара билмас ва мангу сўнмасдир.

Маълумки, етук ижод намуналари таҳлил қилинганда, ҳеч истисносиз, икки муҳим омил, икки устивор ҳолатга дуч келинади. Биринчиси — ёзувчининг маънавий дунёси ташқи оламни ва ўша оламнинг маркази деб таволиланган Инсон қисматиши нечоғлик кенг, ҳаққоний акс эттириши. Иккинчиси — унинг нақадар бадний мукамал ва мангуликка даҳлдор бўлиши. Шунга қараб, мана шулардан келиб чиқиб ғоявийликнинг юксак шакли ни-

малигини қатъий белгилаш мумкин. Бу шакл эса — Шахс, ўз мавжудлиги қонида Муҳаббат ва Дард бўлиб айланаётган фидойи шахсият ҳисобланади. Бугунги кўпчилик сохта даҳочаларнинг фожиаси битта — уларда етук шахсият йўқ. Шунинг учун дилида Дард нурланмайди уларнинг. Шунинг учун уларнинг бугунги сўзлари эртага ёки индингаёқ ўлади. Ривоятларга кўра, Сулаймон найғамбар «кибрити аҳмар» деган қимматли тошдан ясалган узук шарофатидан барча жонли мавжудотга ҳоким бўлиб, қушлар, ҳашаротлар тилини тушуниб, улар билан сўзлаша олган эмиш. Шу ривоятларга таяниб Ибн-Аллолиддин Румий бир шеър ёзган. Унда тасвирланишича, феъли, яшаш тарзи ўзаро яқин қушлар гуруҳи тўпалон ва қий-чув кўтариб Сулаймон ҳузурига келишади. Мақсад — булбулдан шикоят. Уни бадном этиш. Қушларнинг бири жавраб йиғлайди. Бошқаси уйқусизликка чалинганидан зорланади. Яна ўзгалар «Нега булбулга эрк бериб қўйгансан? У тинимсиз фарёд чеккани-чеккан. Хотиржамлигимиз барбод бўлди-ку! Наҳотки, унинг ёқимсиз нолишлари сенга ёқса?»—дея ўшқиринишади. Сулаймон булбулни чақиртирибди. «Қаёнларда юрибсан? Нега қушлар билан бундоқ қўшилиб-қорилиб яшамайсан? Мана булар сендан шикоят қилиб келишибди... Ўзингни оқлайдиган сўзинг бўлса, гапир»,—дебди шоҳ. Шунда булбул, «Эҳ, Сулаймон, бу бадбахтлар ўзини билишмайди-ю, менинг ҳасратларимни қаёндан фаҳмлашсин. Чунки уларда ишқ йўқ. Гумроҳликлари шундан. Ахир, мен уч ой нола этиш учун тўққиз ой хомуш юраман. Азбаройи юрагим қонга тўлганидан бўзлайман», деган экан. Менинг тасаввуримда ўзлигини топган ёки топаётган санъаткор билан Румий тасвиридаги мана шу булбул орасида қанақадир яқинлик, табиатан ўхшашлик бор. Буни қандай пайқаш мумкин? Истеъдод нафаси ва дард самиятидан.

Ишон нега туғилади? Яшашдан мақсад нима? Қалб ва тафаккур қачон эркин бўлади? Умуман Руҳ ҳурлиги

нима? Одам қисматининг мураккаблигини очиш жасорати қандоқ? Санъаткор ўз қалбининг қасрига кира олгандагина бу саволларга юксак ва янгича жавоблар қайтара олади. Негаки, у юрак қасридан ҳеч пайт қуп-қуруқ қўл билан қайтмайди. Бизга кутилмаган катта фикр, ғаройиб оҳанг, сира учратмаганимиз ташбиҳ ва поэтик образлар ҳадя олиб келади. Алишер Навоийда шундай. Мана у қитъаларидан бирида нима деб ёзган эди:

Не назмки ўтлуғ кўнгулдин чиқардим,  
Дедимки, менинг хотирига ёралғой.  
Манга онча ўт солди ҳар байтким, таъб  
Ҳар оби ҳаёт ўлса, андин ўсонғой.  
Тилармен оми мен доғи ўтқа солсам,  
Ки қайдишки келди ҳам ул сори ёнғой.

Инсонга фикрлаш бахти ато этилган. Шу қобилияти билан у кониотдаги энг шарафли жонзот. Аммо унинг тафаккури, биринчи галда, ўзига қаратилиши, бoshқалардан истайдиганини аввал ўзидан талаб қилмоғи керак. Бу тўғрида Навоийда ўқиймиз:

Ўз вужудингга тафаккур айлагил,  
Ҳар не истарсен, ўзингдин истагил.

Бунинг акси бўлганда-чи: Буюк Насимий айтмоқчи: «Кимки билмас ўз вужуди зорини, Сўрмагил андин анинг исботини». Халқимизда «Ўзни билмаган, ўзгани қаердан билсин», деган ҳикматли гап бор. Навоийнинг «Эл нетиб топгай менким, Мен ўзимни топмасам», сўзлари халқимизнинг ана ўшандай тушунчалари бағридан ўсиб чиққанга ўхшайди. Хўш, халқда ўзни билиш фалсафаси нима маъноларни ифодалайди. Ҳаётда бош ҳақиқатлар мавжуд: Ватан, Тарих, Тил, Халқ, Эрк, Ишқ ва ҳ. к. Буларнинг ҳар бири қисматни ҳал этадиган сўзлар. Шундай

сўзларга умрини тиккандагина инсон кураш фарзандига айланади. Шундагина ҳаётда муҳим нима, номуҳимлари нима — хатосиз фарқланади. Кимларгадир бу оддий иш, жўн гап туюлар. Лекин у энг мураккаби ва эътиқодни тозалайдиган «маҳак тоши»дир. Онадан ҳеч ким худбин, бағри тош, молпараст ва ёвуз бўлиб туғилмайди. Ўзидан бошқани ўйламайдиган, манфаат ва фойда деса томдан сакраш «таланти»ни эгаллаган корчалонлар турмушдаги номуҳим, иккинчи даражали нарсаларга ўзини бағишлаганлар эмасми? Бундайларни халқ, албатта «ўзгани билмас»лар сифатида лаънатлаб келган.

Бир аллома шоғирдлари билан ҳар гал учрашганда «Қандай эзгу иш қилдинглар? Кимларга яхшиликларингиз тегди?» деб сўрар экан. Навбатдаги учрашувда шоғирдларидан бири «Кечаги тунда эшигим олдига нотаниш киши келиб қолди. Қарасам, бир фақир. Ёрдамга нарса тилади. Уни ичкарига олиб кирдим. Иззат-ҳурмат билан хонанинг тўрига ўтқазиб, эғнимдаги чопонимни унга кийдирдим. Сўнг арзини эшитиб, бор мол-мулкимни ҳада этдим. Устимдаги кийимларимдан бўлак ҳеч вақом қолмади. Шундан хурсанд бўлиб, ҳузурингизда тиз чўкиб ўтирибман»,— дебди. Аллома шоғирди сўзларини тинглабди-ю, бироқ ҳеч нима муносабатини сездирмабди. Гал бошқа шоғирдига келганда у дебди: «Қайси куни шоҳ ўрдаси ёвндан ўтиб кетаётсам, бир одамни жазоламоқчи бўлиб туришган экан. Ҳукм бўйича унинг бир қўли чопилиши керак экан. Уни бу оғир қийноқдан қутқармоқ учун ўз қўлимдан кечдим. Кўриб турибсизки, энди якдастман». Устоддан яна садо чиқмабди. Шунда ёвндагилари ундан «Буларнинг қайси бири фидойи ва комилроқдур?» деб сўрашибди. Мана, ўша жавоб сўзларига эътибор қилинг: «Буларнинг яхшиликлари фақат икки киши учунгина қилинган яхшилик. Одам қилган яхшиликлардан барча эл баҳра топмоғи керак. Халқ манфаатига ярайдиган эзгулик ва ҳимматгина таҳсинга лойиқдир. Ахир, бир-икки ночорга ҳам манфати тегмаса, одам нега туғилади?»

Нароийнинг қўидаги сатрларини мен ушбу фикрларнинг шетрий тасвири дегим келади:

Халқ аро яхшироқ дединг, кимдур?  
Эшитиб, айла шубҳа рафъ андин.  
Яхшироқ бил ани улус ароким,  
Етса қўпрак улусқа нафъ андин.

Ўзликни топишнинг шартларидан бири мана шу: халққа, Ватанга фойда тегадиган миқёсда фикрлаш ва заҳмат чекини ҳисобланади. Лекин бунинг учун одам мустақил ақл, идрок ва нуқтаи назарлар эгаси бўлмоғи ҳам қарз, ҳам фарз. Агар мушоҳада юритиб кўрсангиз, ер юзидаги барча лақма, хоин, қўрқоқ ва сотқинлар мустақил фикри йўқ, демакки, инсоний ўзлигига бориб етмаган кимсалар ёки уларнинг вакиллари бўлиб чиқади.

Хўш, мустақил фикрлаш қандай белгиланади? Шу ўринда Чингиз Айтматовнинг гаплари ёдга келади: «Мустақил фикрлаш, энг аввало, миёдаги яхши-ёмонни англаб олиш, тўғрилиқ, софлик (ҳеч нарсага «учмаслик», ҳар қандай қийинчилик ва тўсиқларга бардош бериш), ўзининг ҳақлигини ҳимоя қилиш демакдир. Шахс, шубҳасиз, фақат ростлик, инсоф, жасурлик, мардлик билан характерланибгина қолмасдан, балки виждон ва олижанобликни ҳам ифодалайди». Бу эса айни пайтда Шахсингда Ватан ва халқ ўзлигини хатосиз тасаввур этишининг ўзидир. Мава шундагина қадим хитой файласуфлари «Само, яъни табиат ва Юрак битта, шунинг учун Юракни англаш оламни билишдир», деган ҳақиқат рўёбга чиқади, одам калтабин бўлиб қолмайди. Шундагина руҳи қашшоқ, қалби саёз, ақли совуқ, нодон ва ёвузлар сони заминда анча камаяди. Оинг мустақиллигининг битта нодир томони шундаки, инсон бунда ўзини ҳеч қандай ҳаётий зиддиятлардан олиб қочмайди. У ички фикрий олишувлар, ўзига нисбатан катта ва шафқатсиз талаблар билан яшайди. Чунки у эзгулик ва поклик соғинчида

хато қилиш ёки мағлуб бўлишлардан чўчимаydi. Навоий худди шундай қалб ва қиёфада умр кечирши ва курашшини ёқлайди. Навоий учун ўзни таниш мавҳум истак эмас. Балки фикрлаш, тинимсиз ақлий тафтишлар орқали Ҳақиқат излаш ва яна Шубҳа йўлидир. Қаранг, руҳий тафаккурининг тенгсиз заҳматкаши сифатида у форсий рубоийлардан бирида қанчалик кескин сўроқларга жавоблар излаган:

Огоҳ пагаштам, ки дар ши дайр киям,  
Ёхуд чиям в-аз чияму баҳри чиям?  
Маълумам не, ки одам ё зимиям,  
Бо хоки замин зи маи чи сои одамиям?

Мазмуни: Огоҳ бўлмадим, бу дунёда кимман? Ёхуд нимаману, нимадамману, нима учун мен? Одам авлоди менми ёки қовшовчи ҳайвонми, билолмаяшман. Бу тупроқда қай хилдаги одамман?

Навоий «Бу жаҳонда қай хилдаги одамман?», «Инсон авлодими ёки ҳайвонми мен?» деган гумонли ақлий жойларда доний туриб қолмаган, албатта. У инсоннинг инсонлигини тўла тасдиқлайдиган, унинг умрига нур, қисматига улуғлик ато этадиган ҳақиқатга қайтган.

Ҳинд мифологиясида ўзини анлаган биринчи одамнинг аҳволи шундай нақл этилган: одам дунёда пайдо бўлгач, у бир ўзи — сўққабош умр кечираверган. Вақт ўтиб, замон кечиб унда иттифоқо қандайдир қўрқув пайдо бўлган. У ёлғизлигидан ғоятда азобланиш туйғусини сезган. Шунда унинг қалбида ким биландир муомала-муносабат истаги енгилмас дардга айланган. Ва руҳида соғинч ҳислари ёлқинланган. Натижа нима бўлган? Унинг вужуди иккига бўлиниб яна бир одам яралган. Бу одам — Аёл ҳисобланган. Улар бир-бирларини севишган. Муҳаббат — бу, сенинг ярмингни ташкил этадиган аёлни топиш ва унга кўнгли боғлаш деган ақнда ўшандан бошлаб жаҳонга кенг тарқалган эмиш. Навоий ижодида ишқ ва вафо ҳақида сўзланиб тоқ кишининг тақдирини офтоб-

ёиз борлиққа ўхшатилиши, ёрсиз одам — дили мажруҳ,  
тиғи балолардан унинг кўнгли ҳаминча чок, «дард они  
бир дамда ҳалок» айлаяжаги хусусидаги фикрлардан  
сўнг мана бундай ҳукмга келиниши ҳам тасодиф эмас:

Бас, кишига умр хуши ёр эмиш,  
Умр деган ёри вафодор эмиш.

Навоий ишқ қудратига оламшумул маъно беради. Шо-  
ир эътирофида:

Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасин,  
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасин.

Лекин шуни ҳам ёдда сақлаш лозимки, Навоийнинг  
ишқ баҳсидаги бундай сўзларини фақат ёрга тегишли  
деб билмаслик керак. Бу — бир томонлама англаш ёки  
тор муносабатни юзага чиқаради. Навоийдаги ишқ ғояси  
инсонни тарбиялаб вояга етказган она тупроқдан, сўнг-  
сиз хаёллар, сирли нистакларгача чорловчи осмон салтана-  
тигача, биз ўзимиз биладиган ва ардоқлайдиган инсондан,  
табиат бағридаги ҳур қуш, яшноқ майсагача бўлган иш-  
қий эҳтирос ва майлларни қамраб олади. Шоир булар-  
нинг барчасини мажнунга ўхшаб севиш лозим дейди. Ва  
Ўзлик фалсафасининг ўқ илдизини «ишқ ичра мажнун-  
лик»да кўради:

Навоий, истасанг ўзлукни, рафъ мажнун бўл,  
Ки ақл пирин кўрдум — баче жаҳолати бор.

Навоий ақлгамас, ақл жаҳолатига қарши. Негаки, у  
«Рух кўзидин» маржон-маржон оқадиган ёшларнинг са-  
бабларини теран фаҳмлаб билмайди. Бундан ташқари,  
«Ишқ ул бир муаллимки, анинг мактабида» ақл «тифл  
каби», яъни болага ўхшаб «абжад»гина ўқийди, холос.

Навоий ижодиётида Ўзликни ахтариш шоир дунёқара-

нинг фалсафий пойдевори, маънавий-ахлоқий нуқтаи назарларининг бош манбаи бўлиб хизмат қилган. Шунга қарамасдан бу масала билан илмда кам қизиқилган. Шоир қачон ва қаердаки, Имон, Виждон, Тўғрилиқ, Қаноат, Инсоф, Мардлик, Қамтарликдан сўз юритса, қай бир шаклда бўлмасин, ўзлик муаммоларига гоҳ махсус тўхталлади ёки ишоратлар қилади. Агар Навоий шеъриятидаги шу йўналишдаги фикру туйғулар махсус тадқиқ этилса, яна бир ҳақиқатнинг манзаралари равшанлашади. Бу — Хотира, изтиробли хотира армонлари. Шоирни нима кўпроқ бошқаради: мақсадми ё хотирами? У буларнинг қай бирига ортиқроқ тобе: хотирагами ёки мақсадгами? Албатта шоирлик фаолиятида буларнинг ҳар иккаласининг ҳам иштироки ва дахлсиз мавқеи бор. Лекин шу нарса аёнки, хотираси бўш шоир, ҳеч шубҳасиз, кечмиш ҳаётга, халқининг ўтмиш тақдирига юзаки муносабатда бўлади. Демак, унинг тасаввур ва таассурот олами ўз-ўзидан камбағаллашган ҳисобланади.

Шоир зоти шунчаки дард чекмайди. Уни уйғоқ хотира инсоний мукамаллик ва тозалик учун қайғуришга мажбур қилади. Хотира — инсон наслининг қайғуси, унча содир бўлган ёки ўз иштирокида кечган барча нурли ва нурсиз воқеа-ҳодисотларнинг тасдиғи. У Шахсга, тўғрироғи, унинг ички дунёсига энди сира қайтмас, мутлақо такрорлаб бўлмас Вақтни қайтариши билан қимматли ва илоҳий тухфадир. Ёлғиз хотирагина эслаш, асрларни бўйлайдиган армонлар зўридан тугилиши муқаррар «Нега?», «Нима учун?», «Қачон?», «Қандай чора керак?» Наҳотки кеч?...» каби ахлоқ муаммоларидан бошлаб, Ватаи толеигача бориб уланадиган ҳаётнинг бош саволларига ўтмиш ва бугун тажрибалари қиёсидан аниқ хулосалар чиқаришга кенг имкон очади. Мана шунинг учун ҳам бугунги шоиримиз:

Хотира — ҳукм... Хотира — пур. Хотира — гувоҳ.  
Эзгуликка, пок ишларга хизмат қилса у,



Фош айласа барча сохта ватанпарварларни,  
Одам учун тангри мисол обрўси бўлгай.—

деганида мутлақо ҳақ! Бунда бевосита моҳиятга оид гаплар ифодаланган. Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтайликки, хотираси чала, эслаш ва қўмсан малакаси беҳад тор кимсалар унутиб яшаш «завқи»га кўниктирилган югурдаклар галасига мансубдирлар. Булар Ватанда яшаб, беватан юрганлар. Чунки хотираси соғ, хотираси уйғоқ шахсларнинггина ичида Ватани бўлади. Ушаларгина ҳар бир ҳаракати, сўз ва фаолиятида жавобгарлик, чинакам ватанпарварлик туйғуларини кўрсата оладилар. Аслида бу хусусият фалсафий фикрлашнинг, одам ва олам, тирлик ва ўлим, тарих ва келажак, руҳ ва эрк масалаларида фалсафий мушоҳадаларга берилишнинг қатъий шартларидан саналади. Навоийда шундай. «Бир нафас эврулмади даврон менинг комим била» демоқ учун орзу ва истак тугўнларининг ўзигина камлик қилади. Бунда улуг Хотира ҳаракати ҳам аралашуви шарт. Хотира тинимсиз эслатади, тўхтовсиз чорлайди. Булар бесамар кечмайди, албатта. Руҳ кундан-кун дардга тўлади. Дунёга азобли назар теранлашади. Бу — комилликнинг ибтидоси. Лекин унинг интиҳоси — охириги чегараси йўқ:

Ким ўзин комил кўрар — поқисдур ул,  
Нуқс бермайдур камоли сори йўл.

Ҳайдар Хоразмий «Банду бало дуняда эрга тушар», дейди. «Банду балолар» зарбидан Ўзлигига шикаст етказмаган шахс руҳи бора-бора шундай бир баландликка эришадикки, қутилмаганда, яқингинада оғир туюлган ғам беҳад кичрайиб, алам аламга ўхшамай қолади. Навоий шу руҳий кўтарилишни қуйидагича акс эттирган:

Кўнгул ичра ғам камлиги асру ғамдур,  
Алам йўқлиги дағи қаттиқ аламдур.

Ҳа, ўзни топиш — ғаму аламлар салмоғини аниқ ҳис қилиш ҳамдир. Жаҳонда ғам кўп. Қулфат исталгандан зиёда. Армон сўнгсиз. Аммо уларни бағрига сиғдиришга қодир юрак кам. Оқиллик беғамликданмас, дарду армонларнинг озлигидан ҳам азият тортмоқдир. Навоий шеърини ўқувчини шу ҳақиқатга тўла инонтиради.

Маълумки, Алишер Навоий олам ва одам ҳақидаги фалсафий, ахлоқий ва ижтимоий қарашларини кенг кўламларда илк мартаба «Ҳайратул-аброр» достонда акс эттирган. Инсон ва худо, жамият ва одам, шахс ва унинг ўзлиги — хулқи, виждони, ғурури, жасорати, ҳақпарастлиги — булар достондаги асосий масалалар. Буларни шоир даврнинг «жонли сезгиларини» тавдалантирган ҳолда маҳорат билан ифодалайди. Шунинг учун ҳам достондаги деярли қайси мисра ёки байтни олманг, унда албатта ўзига хос образли тасвирларга дуч келасиз. Ростлик таъриф этилган мақолатдаги икки байтни олайлик:

Шамъки, тузлук била масрур эрур,  
Гарчи куяр боштин-аёқ нур эрур.  
Барқки, эгрилик ўлубтур хўйи,  
Гарчи ёрур, лек борур қўйи...

Ушбу фикрлар асосий мақсадни далиллаш учунгина келтирилган қиёслар эмас, ўз-ўзинг тўғринда ўйлатадиган образлар ҳамдир. Ахир, тўғрилиқ билан масрур «Шамъ» наҳотки тўғри киши ўзлигини характерламаган бўлса? «Ҳайратул-аброр»нинг учинчи мақолоти устида навоий-шунослар кўп тўхталганлар. Чунки унда золим, айш-ишратга ғарқ бўлиб, юрт тақдирини унутган шоҳ ва унинг атрофидаги мансабдорлар жасорат билан фош этилган. Унда султонга қарата, жумладан, шундай сўзлар айтилган:

Қасрки, базм анда муҳайё бўлуб,  
Зийнати фирдавс муалло бўлуб.

Пардалари риштаси эл жонидин,  
 Лаълию шингарфи улус қонидин.  
 Шамсаси эл моли била зарнигор.  
 Эл дуру лаъли била гавҳар нигор.  
 Хиштиш масжид бузубон келтуруб,  
 Тошин эл марқадидин еткуруб  
 Анда тузуб маснади шаҳаншоҳи,  
 Айши тараб жоми учун муштаҳи...

Бу шеърӣй парчани таҳлил қилиб кўрайлик. Ундаги асосий поэтик образ — қаср. Бу — зулм қасри, золимлик маскани. Жаннатмонанд қилиб зийнатланган бу қасрда шоҳ айшу ишрат базмларини ўтказди. Моҳиятга кўра подшоҳларнинг сарой ва қасрлари шундай ролни ўтаганлиги рост. Аммо санъаткорнинг вазифаси англатишдангина иборат эмас. Ундан ғоянинг эмоционал тасвирини бериш ҳам талаб этилади. Ким билади, бошқа бир шоир Навоӣй таърифлаган шоҳона қасрлардан сўзлаганда уларнинг «пардалари риштаси», «лаълию шингарфлари» тўғрисида ўйлаб ўтирмасдан, балки умумий ҳукм билан қаноатланарди. Бироқ Навоӣйнинг айни ҳолатдаги қаҳри чексиз. У золим шоҳнинг қилмиши ва разолатларини охиригача фош этмоқчи. Шоир шу аҳтиёж сабабли таносуб санъати қонуниятларига суянади. Чунончи: Мана, базм қасри. У безатилган. Безакларидан бири—парда. Демак, мантиқан парда қаср тушунчасига мувофиқ. Ўз-ўзидан равшанки, парда учун иш зарур. Бу ерда «иш» табиӣй кириб келаётган сўз. Аммо парда риштасининг «эл жонидан» эканлигини таъкидлаш билан Навоӣй гўёки намойиш этилажак ғожианинг бир босқичига яқин ясайди. Энди янги манзара: нечун қасрнинг тош ва бўёқлари қизил? Чунки «Лаълию шингарфи улус қонидин».

Қон тўкишдан ҳазар қилмаганлар эл молини таландан чўчирмиди. Асло! Шоир бу даъвога четдан далил ахтариб ўтирмайди. Бунга ҳақиқий далил қасрнинг шамсаси — шипи. У «эл моли била зарнигор», халқнинг бой-

ликлари билан нақшланган. Ушбу талқинларнинг ўзлик масаласига нима алоқаси бор дерсиз? Гап шундаки, Навоий мазкур сатрларда ўзликни англамасликдан турилган иллатларни шоҳ ва давлат вакиллари тақдири чегарасига етказиб танқид қилган. А. С. Пушкин ёзган эди: «Тарихга ҳурмат — мана, ваҳшийликдан маърифатни ажратадиган чегара. Ваҳшийлик, тубанлик, жаҳолат ўтмишни ҳурмат қилмай, фақат бугуннинг олдида бош эгади». Бундай шароит ва муҳитларда ахлоқсизлик, жаҳолат, янада очиги, инсон шахси заволининг аянч кўринишлари кенг тус олади. Бу эса, хоҳланг, хоҳламанг, одам ўзлигининг парчаланиши, имон сустиги, виждон мажруҳликларига олиб боради. Навоий кечмишга беписандлик, тарихдан ёвузларча юз буриш фожиаларини Пушкиндан кам ҳис қилмаган. Бунинг аниқ исботини ўша шеърий парчадаги «Хиштин масжид бузубон келтуруб, Тошин эл марқадидан еткуруб» мисраларидан ҳам англаш мумкин. Тасаввур этинг, масжид бузиб хишт ташиган, мақбараларни вайрон этиб тош келтирган кимсаларда ўтмишга нисбатан қанақа ҳурмат бўлсин, Навоий бу телбаликка гуноҳ — оғир гуноҳкорлик майлларини ҳам уйғунлаштирган. Шунинг учун шоир шоҳга:

Бил буниким, сен даги бир бақдасен,  
Кўпрагидиш ожизу афгақдасен,

деган экан, бу — на ҳунар, «на камол ичра» ўз-ўзини топмаган, зулмдан ўзга машғулотга яроқсиз бир бандасен дегани бўлади!

Шарқ мутафаккирларининг таърифларига кўра, ҳаёт дунёси, жонли нарсалар уч турли сифатга эга. Булардан бири — ҳайвоний. Иккинчиси — шайтоний. Кейингиси — малаконий, яъни софлик, покизалик сифати. Инсон шу уч сифат ва қувватнинг бирлигидан яралган эмиш. Кимнинг вужудида агар ҳайвоний ҳислар фолиблик қилса, у албатта одамдан кўра тилсиз махлуқларга яқин, шайто-

ний хислатларга эрк берса, шайтонга ўртоқ, малаконийлик учун қайғурса фариштасифат зот бўларкан. Шунинг учун инсон ҳире домига тушиб поклик, одамийлик эътиқодидан чалғимаслиги керак. Ҳире ва у юзага чиқарадиган офатлар эса бевосита нафс ҳосилаларидир. Навоий бунга эътиборни тортиб, «Ҳире офатини нафс ҳавоси билгил», дейди. Ўзликни топишнинг иккинчи бир номи инсоний яхлитлик, руҳий, ақлий бир бутунликка эришини. Нафс ҳамиша шу бутунликнинг заволи. Мана Навоий буни қандай сўзларда талқин этган:

Нафс амрида ҳар нечаки толпингайсен,  
Кўп гарчи бутунлук тиласанг, сингайсен,  
Ком истаю неча элга ёлингайсен,  
Нафсизга хилоф айлаким, тингайсен.

Навоийнинг образли ҳукмларига таянилганда, тўқайдаги шерни енгил шижоат эмас, «Нафс итин қилсанг забун, оламда йўқ сендек шужо». Яъни дунёдаги энг зўр жасорат ўз сийратингдаги «нафс итини» мағлуб этиб яшамокдир. Шоир газалларидан бирда шоҳга нисбатан айтилган яна шундай фикрга дуч келамиз:

Эйки шоҳсен, лек қилмайсен раво эл ҳожатли,  
Ўзин ҳам ўздин улугроқ шоҳга ҳожатманг бил.

Байтдаги «Ўзин ҳам ўздин улугроқ шоҳга ҳожатманг бил» сатрини меп шоҳу фуқаро, авому доно — барчага теппа-тепг тегишли насихат деб биламан. Насимийнинг фалсафий ақидаси бўйича:

Ҳар не ерда, кўкда бор — оламда бор,  
Ҳар не ойда, йилда бор — одамда бор.

Демак, кишининг «ўзидан улугроқ шоҳи» ҳам ташқаридамас, унинг ўзида, қалбида. Бас шундоқ экан, инсон

сийратида ўзидан кескироқ, ҳалоллик ва шижоатда беҳад баландроқ суд қиёфасидаги аёвсиз бир тафаккур соҳиби яшаши керак. Акс ҳолда ҳар қандай шахс, эртами, кечми маънавий таназулга маҳкумдир. Асосий диққат-эътибор Ўзликни айни шу кулфатдан ҳимоя этишга қаратилмоғи лозим. Алишер Навоийдан қарийб беш ярим аср кейин Абдулла Орипов:

О, буюк мавжудот, ҳазрати инсон,  
Сенинг аслинг гаҳи гафлати инсон.  
Гаҳи сен баркамол бўлиб кўриндинг,  
Гаҳи бечораҳол бўлиб кўриндинг.  
Юлдузин бошингдан сочса ҳам само,  
Тоҳо ўз қадрингни билмадинг, аммо,—

деб куйинган экан, демак, Навоийнинг ўзлик фалсафасига доир доно сўзларига биз ҳали қаттиқ ҳожатмандмиз. Шу маънода ҳам Навоий башарият истиқболи учун фаол хизматда давом этаверади.

1985

## «ЕШУНҒОН ЭМИШ ҚАРО БУЛУТҚА МОҲИМ...»

Итальян шоири Данте Алигъери ўспирнилик чоғларида ҳаётида оғир бир йўқотиш бўлишини олдиндан ҳис қилган экан. У «Янги ҳаёт» номли асарида ҳали висолига эришмагани Беатриченинг ўлими тўғрисида қайғули хаёлларга берилади, эндигина вояга етиб келаётган гўзал ёрнинг вафотини ўйлаб кўзёш тўкканларини ёзади. Бу мусибат туйғуси Дантени алдамаган эди. Беатриче 25 ёшда вафот қилади. Беатриченинг ўлими Дантега самовий ҳалокат сифатида таъсир ўтказади ва у бу машъум ҳодиса хабари бутун ер юзига тарқалиши керак деган қарорга келади. Маҳбубининг ёруғ оламдан кетини флоренциялик ёш шоир юрагида улғу мусибат, чегарасиз дард кайфиятларини пайдо қилганки, бу унинг Беатриче хотирасига бағишланган шеърларида ўз аксини топган. Алишер Навоийнинг айрим шеърлари негадир Данте фиrhoқномаларига ўхшаш пардаларда оҳанг беради.

Ешунғон эмиш қаро булутқа моҳим,  
Гардупан соғурмоғлиқ эрур дилхоҳим.  
Кирмиш қаро туфроққа қуёшдек моҳим,  
Невчун қаро қизмасун қуёшни оҳим<sup>1</sup>.

Бу шеър — рубоий. У фавқулудда бир жудолик пэтиробини акс эттиради. «Қаро булут» — ўлим рамзи. Ёр — «моҳ»нинг «қаро булутқа» ёшунғони лирик қаҳрамон юрагини оғриқ ва аламга чулғайди. Ҳаёт унинг назарида бўм-

<sup>1</sup> Алишер Навоий, Ҳазойинул-маоий, 1-китоб. Тошкент, 1959, 764-бет.

бўш зулумот тунга айланади. «Гардунни совурмоғлиқ эрур дилхоҳим», дейди у. Бу — содир бўлган фожиага муносабат. Шоир шу муносабатга ўқувчили ишонтиради. Охирги сатр янада ғаройиб. Унда гўё иксон оҳидан қарога бурканган қуёш манзараси кўриниб турибди.

Филология фаилари доктори А. Ҳайитметов мазкур рубоийни Навоийнинг «энг севикли киши, эҳтимол севган қизининг ўлими муносабати билан яратилган»<sup>1</sup>, деган хулосага келган. Навоийшуносликда бу тўртликнинг ёзилли сабаби ҳақида бошқача қараш ҳам бор.

Навоийнинг «Муншаот» асаридаги мактублардан бири юқорида келтирилган ўша рубоий билан бошланади. Аммо унинг учинчи сатрида қофия «моҳим» эмас, «шоҳим» сўзидир. Шеърдан сўнг хатда шундай гаплар битилган: «Жигарсўз ҳодисаким, истимои кўзга мужиби хунборлиқ ва ғамандўз воқеаким, иттилои жонга боиси афғорлиғ эрди — етишти. Кўз ашк тўфонидин баҳор ёмғуридек сели андуҳ оқизиб, жон ғусса фиғонидин найсон булутидек ўкурмак оғоз қилди.

Ўртанур эл фурқатингдин нола бунёд айласам,  
Кўзгалур олам ўкурмак бирла фарёд айласам.

Аммо... сабрдин ўзга чора ва таҳаммулдин ўзга тadbир топилмас. Рубоия:

Ўул борди эса, чаман муаттар бўлеу,  
Шамъ ўчти эса, қуёш мунаввар бўлеу.  
Шаҳзодага гар равза муяссар бўлди,  
Султонга жаҳон мулки мусаххар бўлеу»<sup>2</sup>.

Филология фаилари кандидати С. Ғаниева «Алишер Навоий насрида назм ва унинг роли» номли мақоласида

<sup>1</sup> Ҳайитметов А. Навоий даҳоси. Тошкент, 1970, 52-бет.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Асарлар, 13-том. Тошкент, 106—107-бетлар.



бу мактубга алоҳида тўхталган. Унда хат адресати Ҳусайн Бойқаро деб белгиланади. Олима мактуб сўнгидаги тўртликка суяниб ёзади: «Биринчи рубойидаги «моҳим», «дилхоҳим», «оҳим»га қофия қилиб ишлатилган «шоҳим» ва иккинчи рубойидаги «шаҳзодага» сўзларига эътибор берилса, сўз шаҳзода Шоҳ Ғариб Мирзо вафоти ҳақида кетаётганини англашилади<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, бир рубой тўғрисида икки хил фикр. Икки хил баҳо. Хўш, улардан қайси бири ҳақиқатга яқин.

Бундоқ қараганда, С. Ғаниевнинг даъвоси асосли. Биринчидан, тўрт қатор шеър қофиясида «моҳим» сўзининг икки такроланиши шубҳали. Қофиядаги бундай қайтарилиш газалда мумкин. Рубой қонунияти бунга йўл бермайди. Кейин, мактубнинг насрий қисми ва сўнги рубой ҳам «Ёшунгон эмиш қаро булутқа моҳим» сатри билан бошланадиган тўртлик Шоҳ Ғариб Мирзо вафотига алоқадор деган тезисни қувватлайди.

Шаҳзодага гар равза муяссар бўлди...

Бу мисра «ўчган шамъ» — шаҳзода вафотини аниқ шарҳлайди. Лекин бунда бошқа бир сир бор.

«Ёшунгон эмиш...» сатрли рубойи ilk маротаба Навоийнинг «Бадоеъул-бидоя» девонидан ўрин олган эди. Маълумки, шоирнинг йигитлик даври шеърларидан таркиб топган ушбу девон 1465—81-йиллар мобайнида тузиб тугалланган.

Шоҳ Ғариб Мирзо Ҳусайн Бойқаронинг хотини Хадича бегимдан туғилган. Унинг таваллуд ва ўлган йиллари аниқ эмас. Филология фанлари доктори Х. Сулаймоновнинг маълумот беришича, XV асрда ишланган Ҳирот портретлари орасида Ғариб Мирзонинг ҳам расми етиб келган. Сувратда унинг ўттиз ёшлар арафасидаги сиймо-

---

<sup>1</sup> Ғаниева С. Алишер Навоий насрида назм ва унинг роли. «Ўзбек тили ва адабиёти» жур., 1979. 6-сон.

си акс этирилган экан. «Бунга кўра,— дейди олим,— Ғариб Мирзо анчагина балоғатга етган бўлиб, XV аср охирларида ўлган»<sup>1</sup>. Бизнингча, бу тўғри ҳукм. Шу фактнинг ўзиёқ рубойи шаҳзода ўлиmidан анча илгари ёзилганлигини тасдиқлай олади. Бундан ташқари, Ғариб Мирзо 1490 йилларнинг ўрталарида ҳам ҳаёт бўлган. Буни «Мажолис-ун нафоис» тазкирасидан билиш мумкин. Тазкирада унинг тўғрисида «шўх таъблиғ ва мутаасарриф зеҳнлик ва позук тахайюллуқ ва дақиқ тааққуллуқ йигитдур», дейилган. Агар у вафот этган бўлганида Навоий жумлани ўтган замон феъли «эрди» сўзи билан тугатган бўлурди. «Мажолис-ун нафоис»да Абдуллатиф Мирзо, Яъқуб Мирзо, Сайид Аҳмад Мирзо, Бойқаро Мирзо, Кичик Мирза сингари оламдан ўтган темурий шаҳзодалар ҳақида ўшандай дейилган.

Энди ўз-ўзидан «Рубойининг мактубга киритилиш сабаби нима?» деган қонуний савол туғилади. Гап шундаки, «Муншаот»даги шеърлар яратилиш йўллари, сўз ва маъно, мақсад ва образ муносабатлари жиҳатидан Навоийнинг бошқа насрий асарлари таркибидаги шеърлардан кўп ўринларда фарқ қилади. Шу маънода «Муншаот» Навоий ижод лабораториясига хос айрим хусусиятларни белгилаш, жанрлар ўртасидаги ғоявий-бадний алоқадорликни текшириш, сўз устида ишлаш, вариант ва вариантлик каби қатор масалаларнинг илмий талқини учун жуда қимматли манба ҳисобланади.

«Муншаот»да келтирилган байт, шеърини парча ва рубойларнинг кўпчилиги «Хазойинул-маоний» девонида мавжудлиги илмда изоҳлаб ўтилган. Девонда «Муншаот»дан олинган назм намуналари бор. Аммо «Хазойинул-маоний»дан «Муншаот»га ўтган шеърлар кўп. Бунда Навоий икки хил услубда иш кўрган. Биринчидан, мактубларда ифодаланмоқчи мақсаднинг умумий руҳига қараб девондаги баъзи шеърлар ҳеч ўзгаришсиз — айнан

<sup>1</sup> Сулаймон Ҳ. С. Алишер Навоийнинг Ғариб Мирзо вафотида ёзган марсияси. «Адабий мерос», № 2, Тошкент, 1971, 175-бет.

олинган. Иккинчидан, улардаги сўз, образ ёки мисралар ўзгартирилиб, мақсадга мувофиқлаштирилган шаклларда берилган.

Андин бериким, қошимда ёрим йўқтур,  
Ҳижронида жуз нолаи зорим йўқтур.  
Дашт узра қуюи каби қарорим йўқтур,  
Саргашталигимда ихтиёрим йўқтур.

Бу рубоий «Хазойинул-маоний»дан. У ҳижрон изтиробини ифодалайди. Шеърнинг лирик қаҳрамони ёридан йироқларда қолган ошиқ. «Муншаот»да темурий шаҳзодалардан бирига йўлланган мактуб (23- нома) бор. У шундай бошланади:

Токим, назаримда шаҳсуворим йўқтур,  
Ҳижронида жуз нолаи зорим йўқтур.  
Бир ерда қуюи каби қарорим йўқтур,  
Саргашталигимда ихтиёрим йўқтур.

Мактубнинг умумий контекстига нисбатан олинадиган бўлса, мазкур рубоий қайсибир шаҳзодадан жудодик кайфиятини акс эттириш ниятида битилган дейишга тўғри келади. Ҳолбуки, бундай эмас. Навоий хатида ўз ички кечинмаларини таъсирли оҳангларда бериш учун аввал ёзилган рубоийсига мурожаат қилган. Ва унинг биринчи мисрасини тўла равишда янгилаган. Шу тариқа рубоийнинг биринчи мисрасидаги «Андин бериким, қошимда ёрим йўқтур» деган гап «Токим назаримда шаҳсуворим йўқтур» деб ўзгартирилган. Дашт узра қуюи каби саргашталиқ — мажнунлик. Ошиқ тилидан «Дашт узра қуюи каби қарорим йўқтур», дейиш мумкин. Аммо дўст ёки нуфузли бир шахсга шундай дейиш камида сўзнинг ишонч кучини сусайтиради. Навоий буни ҳисобга олмаслиги мумкин эмас эди. Шунинг учун рубоийдаги учинчи сатр:

Дашт узра қуюн каби қарорим йўқтур,

бундай таҳрир қилинган:

Бир ерда қуюн каби қарорим йўқтур.

Бунга ўхшаш фактлар Навоий ижодида сийрақ учрайдиган ҳодиса эмас. Мана, мазмунан Мўмин Мирзо вафотига нисбат берилган ўша хат охиридаги рубоийни олайлик. У ҳам шоирнинг йигитлик йилларида ёзилган. Ва «Бадоеул-бидоя» девонидан ўрин эгаллаган. Девоннинг 409 рақамли Лондон нусхасидан олинган ва Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтида мавжуд фотокопиyasидан (222-б varaқ) ўқиймиз:

Гул борди эса чаман муаттар бўлсун,  
Шамъ ўчти қамар мунаввар бўлсун.  
Шаҳзодага гар равза муяссар бўлди,  
Султонга жаҳон мулки мусаххар бўлсун.

«Муншаот»да:

Гул борди эса чаман муаттар бўлсун,  
Шамъ ўчти эса, қуёш мунаввар бўлсун.  
Шаҳзодага гар равза муяссар бўлди,  
Султонга жаҳон мулки мусаххар бўлсун.

Юзаки олганда, бу шеърлар ўртасида жиддий фарқ йўқ. Чунки шоир кейинги вариантда иккинчи мисрадаги «қамар» ўрнига «қуёш» сўзини қўллаб, охириги сатр қофиясини янгилаш билан чегараланган. Буни котиблар ишига йўйса ҳам бўлади. Аммо уни Навоийнинг ўзи ўзгартирган. Шу тарзда бир муносабат билан ёзилган шеърдан анча фурсатлардан кейин яна ўша зайлдаги эҳтиёж туфайли образ ва қофия ўзгартиришлари қилиниб қайта фойдаланилган.

Базининг диққатимизни жалб этган асосий рубойга келсак, у «Эй боди сабо, айлансанг гул сари гузар», «Васлинг бўлибон жонга муяссар, ё раб», деб бошланадиган тўртликлар сингари ҳеч қандай таҳрирсиз «Муншаот»дан ўрин олган. «Бадоеул-бидоя»нинг энг муътабар ҳисобланган 746 рақамли Париж нусхасида ҳам, Лондон ва Боку нусхаларида ҳам рубойнинг учинчи сатри «шоҳим» сўзи билан қофияланган. «Хазойинул-маоний»нинг Ҳамид Сулаймонов нашрида унинг «моҳим» шаклида қайтарилиши — бу ушбу нашрда йўл қўйилган текстологик камчиликлардан бири. Рубойдаги «моҳим» ҳам, «шоҳим» ҳам кўчма маънога эга бўлиб, улар моҳият эътибори билан ёр — маъшуқа образини характерлайди. Унинг қофиясидаги сўзлар аслида бундай бўлиши керак:

Ешунгон эмиш қаро бунутқа моҳим,  
Гардуни совурмоғлиқ, эрур дилхоҳим.  
Кирмиш қаро туфроққа қуёшдек шоҳим,  
Невчун қаро қилмасув қуёшни оҳим.

Демак, бу рубойнинг тарихи ва таҳриридан бундай хулосалар чиқариш керак бўлади. Унинг ёзилиш тарихи шоҳ Ғариб Мирзонинг вафоти билан мутлақо боғлиқ эмас. У шахзода ўлиmidан анча илгари яратилган. «Кирмиш қаро туфроққа қуёшдек шоҳим». Унда қуёшдек «қаро туфроққа» кирган бу «шоҳим» ким бўлган? Шоир севган қизми? Бизнингча шундай даъво ҳақиқатга жуда мувофиқ сезилади. Ҳар қалай, бу тўртликнинг бағрида дунёдаги энг ардоқли, энг азиз, энг суюклисидан ажралган кишининг нола-фиғони ва кўз ёшлари яшириниб ётибди.

## ШЕЪРИЯТ — РУҲИЙ МУНОСАБАТ

*Нафсининг касбидур ҳавоу ҳавас,  
Руҳ алидадур булар ярамас.*

### Бобур

Шарқдаги Уйғониш даврининг машҳур вакиллари — сиёсат ва маданият арбоблари орасида Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг номи ва ижодиёти энг нуфузли ўринлардан бирини ишғол этади. Бобур серқирра истеъдод: у ёниқ сўзли шоир, улкан адиб, диди ўткир олим ва маданият намояндаси. Бобурнинг шахсияти, Жавоҳарлал Неру айтмоқчи, дилбар шахсият, такрорланмас қисмат. Лекин у ўз замонасининг ижтимоий, сиёсий қарама-қаршиликлари негизида шаклланган. Шунинг учун у ғавқулда зиддиятли. Шуниси билан ҳам кўп ўринларда пбратли. Бобурнинг адабий меросида биз учун аҳамиятли туюлмайдиган ғоявий жиҳатлар бор. Аммо ҳар бир буюк санъаткорга хос бўлганидек, Бобур ижодиётида ҳам «ўтмишга айланмас, келажакка мансуб» қолаверадиған фазилатлар мавжудки, улар узлуксиз равишда авлодлар эътиборини тортиб келаётир.

Бобур ўзбек адабиётининг шакл ва мазмун такомилли, айниқса унда реалистик йўналишларнинг юксалиши учун маҳорат билан хизмат қилди. Унинг соҳир шеърляти инсоният поэтик тафакқурининг порлоқ инжуларидандир. У ўзбек шеърлятини ўзига хос янги руҳ, содда ифода ва оғриқли, бироқ самимий оҳанглар билан бойитди. Унинг эҳтирос дарёсига инсоний эҳтироснинг ғоятда тиниқ, жуда ҳам сермавж тўлқинларини олиб кирди. Бобурнинг ғазал ва рубоийларида сўз билан куй, фикр билан суврат ўртасида айтарли тўсиқ йўқ. Бобурнинг шоир қалби бу қадар ҳазин ва таъсирбахш оҳангларга бой, дунёдаги ранг ва бўёқларга бу даражада ош-

воликка эришганлигидан ҳайратланмаслик мумкин эмас.

Бобурнинг шеърий маҳорати унгача мавжуд Шарқ адабиёти тажрибалари билан узвий алоқадорликда шаклланган. У ўзбек ва форс-тожик поэзиясидаги илғор адабий анъаналарни пухта ўрганган. Бобур талант йўналиши билан форсий шеъриятнинг буюк вакили Ҳофиз Шерозийга анча яқин шоир. Ҳофиз — чинакам лирик. Олий ҳаёлотларга руҳи фарқ даҳо. Бобур ҳам сўз орқали лирик ҳаёллар, туғёнли ҳиссиётлар тасвирини хуш кўради. Унинг ғазалларидан бирида:

Ироғу Форс гар етса сенинг бу шеъринг, эй Бобур,  
Ани ҳифз этгуси Ҳофиз, мусаллам тутқуси Салмон.—

деган фахр гапларини битиши бежиз эмасди. Бобур ўспиринлик даврлариданоқ Умар Хайём рубойларини зўр иштиёқ билан ўқиган. Анварий, Камол Хўжандийлар мероси билан яқиндан қизиққан, Хусрав Деҳлавий ва Абдураҳмон Жомий тажрибаларини қайта-қайта кўздан кечирган. «Бобурнома»да унинг Саъдийга нечоғлик ихлос боғлаганлигини тасдиқловчи далиллар анча. Ушбу санъаткорларнинг у ёки бу йўналишда Бобур ижодиётига таъсир ўтказганликларини эътироф этмаслик мумкин эмас. Лекин ҳар қандай ташқи таъсир истеъдод камолоти учун ёрдамчи омил. Аммо асосийсимас. У ҳал қилувчи ижодий кучни ўз халқи бадий тафаккури, она тили заминида топади. Бобур шеър машқини миллий тилда яратилган адабиёт илҳомида бошлади. У Алишер Навоийгача яшаб ижод этган Ҳайдар Хоразмий, Атоий, Гадий, хусусан Лутфий лирикасидан кўп нарса ўрганди. Рус ёзувчиси К. Паустовский, «Деярли ҳар бир санъаткорнинг ўз илҳомчиси яхши даҳоси бордирки, у ҳам оддий қаламкашдир. Ана шу илҳомчининг китобидан ақалли бир неча сатр ўқилса, бас, одам қўлига қалам олгиси келиб қолади...» дейди. Бобурнинг илҳомчиси бўлган ана шундай буюк даҳо Алишер Навоий эди. Шунинг учун у

бошқа барча шоиру ёзувчилардан кўра Навоийга қалбан қаттиқроқ боғланган, унга мунтазамроқ эргашган. Бобур бутун ижоди давомида Навоийнинг Ватан, халқ, инсон ва ҳаётга муҳаббатни тарғиб қилувчи асарларидан сабоқ олди. Унинг қатор ғазаллари Навоийга тўғридан-тўғри издошлик маҳсуллари яъни устоз шеърларига ҳамоҳанг татабулардир. Навоий рубоийларидан бирида ёзади:

Андин бериким қошимда ёрим йўқтур,  
Ҳижронида жуз нолаи зорим йўқтур.  
Дашт узра қуюн каби қарорим йўқтур,  
Саргашталигимда ихтиёрим йўқтур.

Энди Бобурда ўқиймиз:

Кўндан бериким ёру диёрим йўқтур,  
Бир лаҳзау бир нафас қарорим йўқтур,  
Келдим бу сори ўз ихтиёрим бирла,  
Лекин боруримда ихтиёрим йўқтур.

Кўриниб турибдики, бу рубоийлар тасвир йўли, вазн, радиф жиҳатидан бир хил. Бироқ Бобур устози акс эттирган маъно доирасида қолмайди. Уни кенгайтиради. Яъни ёр ҳажри билан, диёр фироқини уйғун оҳангда ифодалайди. Бундай қиёсий мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ва улар Мақсуд Шайхзоданинг «Албатта Навоий Бобурсиз Навоий бўлиб қолди, лекин Бобурни Навоийсиз тасаввур қилиш қийин», деган фикрлари нечоғлик донолик билан айтилганига бизни яна бир карра инонтиради.

Адабиётдаги ҳар қандай жанр, бундоқ қараганда, ижодкор учун бир йўл. У ана шу йўллардан қайбирида ўзини эркин ҳис қилиб қалам тебратса, қайбири орқали юксак натижаларга эришса — муҳими мана шу. Бобур Шарқ шеъриятининг қатор жанрларида кучини сынаб кўрди. Лекин у қайси жанрда ёзмасин, ўша жанр имкониятларидан маҳорат билан фойдаланди. Бобурнинг истеъдод қудрати билан ўзбек шеъриятида ғазал янгича



сайқал топди, инсон юрагига таъсир этиш воситаларининг жозиба ва сирларини яна бир карра намоиш этди. Бобур ғазалиёти—бу ишқ тангриси — ёрга, сафобахш ҳаётга, ҳузурбахш инсоний туйғуларга эътиқод; дунёнинг ўткинчи ақидаларидан кечигга даъват; гўзаллик ва ҳақиқатга ошуфталик. Шоир ғазалларида кишиларни «ҳар нимага ҳам» емасликка, «мувофиқ ёрлар бирлан» умрни хуш кечиригга чорлайди. Бу жиҳатдан унинг машҳур «Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг суҳбати, Шеър баҳси, ишқ дарди, боданинг кайфияти» байти билан бошланадиган ғазали қимматлидир. Бобур «ишқ дардини чекиб» ёр васлига эришиш ва дўстларнинг даврасида «ҳар кишининг таъби бирла ҳолати»ни очадиган шеър баҳсларида иштирок қилишни инсон учун «мундан ортиқ бўлмағай жаҳоннинг ишрати» деб оддий ҳаётий майл ва манзараларни кўтаринки сатрларда ифодалайди. Бу энди ҳақиқатда одам руҳини суййдиган, яшаш илми даражасига кўтарилган шукуҳли фалсафа.

Инглиз шоири Байрон «Юксак руҳ азоб ва машаққатларда туғилади», дейди. Бу фикрга тўла инонмоқ керак. Чунки Бобурда шундай бўлган. У ёзган эди:

Неча бу фалак солғуси ғурбатқа мени,  
Ҳар лаҳза тугангусиз машаққатқа мени,  
Нечора қилай, нетайки, тангри гўё,  
Меҳнатни менга ёр этти, меҳнатқа мени.

Авалло бу шеърдаги «меҳнат» сўзини Бобур назарда тутган, унинг замондошлари англаган маънода, яъни азоб, уқубат, ранж, ғуссакашлик мазмунларида қабул этмоқ керак. Шунда унинг чиндан ҳам бир умр азоб-уқубатларга ёр, ғурбату машаққатларга кўмилиб яшаганлиги аниқ англашилади. Аммо Бобур ҳар қандай вазият ва ҳолатларда ҳам Руҳга ҳамхўрликни эсдан чиқармади.

Рухимни чу тав эвигга келтурдунг пок,  
Мундин бори элитма касофат бирла.

Бу — шоир Бобурнинг олий илтижоси эди. Балки шунинг учун унинг ғазалларида руҳий ҳақиқат ва манзаралар тасвири кенг ўрин эгаллагандир. «Ғазал, унинг ғамгин оҳанги,— деган эди Е. Э. Бертельс,— Бобурнинг ички эҳтиёжларига жуда яхши жавоб берган». Бу фикрнинг асосли эканлигини Бобурнинг илк ғазаллариданоқ пайқаш мумкин.

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,  
Кўнгулдин ўзга маҳрами асрор топмадим.  
Жонимдек ўзга жони дилафгор кўрмадим,  
Кўнгулм киби кўнгулни гирифтор топмадим.  
Усрук кўзига токи кўнгул бўлди мубтало,  
Ҳаргиз бу телбани яна ҳушёр топмадим.  
Ночор фурқати била хўй этмишам нетай,  
Чун васлиға ўзумни сазовор топмадим.  
Бори борай эшигига бу навбат, эй кўнгул,  
Нечакн бориб эшигига, бор топмадим.  
Бобур, ўзунгни ўргатакўр, ёрсизки, мен  
Истаб жаҳонни мунча қилиб ёр топмадим.

Бобур ушбу ғазални яратганида ўн тўққиз ёшлардаги ўспирин шоир эди. У ўз мемуарида уни тугалланган шаклдаги биринчи ғазали деб кўрсатади. Демак, бу шеър илк машқ — дастлабки ижодий уринишлар маҳсули. Аммо у энг тажрибали шоирларнинг бўлиб шеърлари билан беллаша оладиган ғазал. Биринчидан, у содда ва ёрқин тилда битилган. Иккинчидан, лирик қаҳрамоннинг ёлғизланиш ҳолатидаги ички мунгли сўздан-сўзга, сатрдан-сатрга фақат фикрмас, оҳанг зарби ва қайғу тўлқинларида ривож топтирилган. Учинчидан, унда тасвир маънаси юқори. Ғазалда иккита бош сўз бор. Бири — Жон. Иккинчиси — Кўнгул. Булар шунчаки сўз эмас. Балки шахслантирилган мафҳумлар. Шунинг учун жон — «ёри вафодор», кўнгул — «маҳрами асрор», энг яқин сирдош. Лирик қаҳрамон шулардан яқин, шулардан ўзга уни ту-

шунадиганни топмаган. Шеърда айтилмаган, бироқ тасаввур қилиш мумкин бўлган қайғу ва алам кўп. Улар мисралар ортида яширинган бўлиб, шахс ва муҳит, меҳр ва толесизлик ҳақида ўйлашга ундайди. Учинчи байт бевосита ишқ тўғрисида:

Усрук кўзига токи кўнгул бўлди мубтало,  
Ҳаргиз бу телбани яна ҳушёр топмадим.

Шоир маъшуқа кўзига мубталоликни бошқа бирор сўз билан эмас, яна «кўнгул» орқали баён этади. Бешинчи байтда эса унга бевосита мурожаат қилинади. Кўнгул сўзидан поэтик образ сифатида фойдаланиш ҳам Бобурда худди шу ғазалдан бошлаб тараққий топган. «Сел эмасдур ер юзин тутқон кўзимнинг ёшидур, Раъд эмасдур кўкка чирмашқон кўнгул афғонидур», деб ёзган эди Бобур. Унинг аксарият ғазаллари шу фикр исботига ўхшайди. Лекин айрим ғазалларда табиат манзараларига уйғун руҳий ҳолат ва азоблар тасвирига дуч келинади.

Хазон яфроғи янглиғ гул юзунг ҳажрида сарғардим,  
Кўруб раҳм айлагил, эй лоларуҳ, бу чеҳрайи зардим.  
Сен, эй гул, қўймадинг сарғашлигингни сарвдек ҳаргиз,  
Оёгингга тушуб барги хазондек мунча ёлбордим.  
Латофат гулшанида гул киби сен сабзу хуррам қол,  
Мен арчи даҳр боғидин хазон яфроғидек бордим.  
Хазондек қон ёшим, сориг юзимдин эл танаффулда,  
Ба ҳар ранге, бихамдиллоҳ, улусдин ўзни қутқордим.  
Не толибдур манганим ахтари бахтим топилмайду,  
Фалак авроқини ҳар нечаким дафтардек ахтардим.  
Улуснинг таъну таърифни манга, Бобур, баробардур,  
Бу оламда ўзумни чун ямон, яхшиднн ўтқардим.

Бу манзаравий ғазал. Унда гўё икки яратувчи — икки сувраткаш иштирок қилади. Бири — табиат, иккинчиси — шоир. Куз — хазон фасли. Уни табиат «иختиро» этади.

Шундай фасл инсон толеида ҳам содир бўларкан. Буни шоир ранг, оҳанг ва ҳаракатлари билан шеърхошга гавдалантириб берган. Баҳордаги яшноқлик кузда бўлмайди. Баҳор — уйғониш, сурур мавсуми, куз — сўлиш, ҳазинлик даври. Ҳазалда шу зиддият, қонуний қарама-қаршилик инсон қисматига кўчирилган. Чунончи: маъшуқа — баҳор эркаси — гул. Ошиқ унинг ҳажрида саргарган — «хазон яфроғи». Демак, у ҳаёт кўлаמידан аллақачон узоқлашган. Ва аҳвол — руҳияси уни раҳму шафқатга ғоятда муҳтож этиб қўйган. У қандайдир эзувчан синиқлик билан «Кўруб раҳм айлагил, эй лоларух, бу чехрайи зардим», дейди. Лекин биз ҳозирча унинг «чехрайи зарди» — фақат саргайган юзини кўрамыз. Кейинги байтдаги тасвирда аввал маъшуқадаги ўзгариш диққатни жалб этади. У ошиғига меҳр кўрсатиш ўрнига сарвга ўхшаб саркашлик қилади. Ошиқ ҳам ҳаракатга тушади. Аммо унинг ҳоли ўзига маълум. Шунинг учун ҳаракат шарҳига ҳам четдан тимсол ахтариб ўтирмайди. Яна ўша «хазон яфроғи»ни эслатади: «Оёғингга тушуб барги хазондек мунча ёлбордим». Бу ёлбориш қанчалик умидли. У кўнгулини шикоят ҳисларидан поклайди. Балки ошиқона дуодай эшитиладиган мана бу сўзларнинг туғилиши ҳам тасодифмасдир:

Латофат гулшанида гул киби сен сабзу хуррам қол,  
Мен арчи даҳр боғидин хазон яфроғидек бордим.

Қолиш ва кетиш. Бу — айрилиқ йўли, жудолик қисмати. Мен ушбу байтда ундаги мазмундан кўра улканроқ рамзий моҳият кўраман. Ва кўз ўнгимда Ватан ҳамда она диёри билан чор-пачор хайрлашаётган Бобур сиймоси гавдаланади. Шоир ўзини гарчи «даҳр боғидин» бораётган «хазон яфроғи»га нисбат этса-да, лекин унинг Ватан ҳақидаги тушунча ва тилаклари «гул» янглиғ фойзли, гул тимсолидай табиий.

Кейинги мисраларда шоирнинг соҳир қаламидан ранг, аломат бўёқлар тўкилади. Булар — қизил, сариқ.

Аммо бу ранглар лирик қаҳрамон учун бир восита. Унинг рангларда турланиши улусдан ўзни қутқаришидир:

Ба ҳар ранге, бихамдиллоҳ, улусдин ўзни қутқордим.

Ҳаёт — яхшилик билан ёмонлик, юксаклик билан ту-  
банлик ўртасидаги тортишувлар, курашлар жараёни.  
Инсон шу жараённинг марказида яшаб келади. Киши  
нечоғлик олий фазилатларга эга, қай тарздаги некбин  
қарашларга суяниб умр кечирмасин, алал-оқибатда у ўзи-  
ни поклик ва нопоклик, эзгулик ва ёвузлик, маърифат ва  
жаҳолат синовларидан ўтқарган ҳисобланади. Ҳазал хо-  
тимасида Бобур шу ҳақиқатни сўзлайди:

Улуснинг таъну таърифи манга, Бобур, баробардур,  
Бу оламда ўзумни чун ямон, яхшидин ўтқардим.

Бу эътирофда ўзлигини топган, атрофидаги наст-ба-  
ланд сўзларга ортиқча қиммат бермаган улуг қалбларга  
хос қониқиш ҳиссиёти мужассамдир.

Бобурнинг шеърӣ номалари ғазаллари билан, баъзи  
туюқлари рубойлари билан, муаммолари фардлари би-  
лан рақобат қиладиган шаклларда сўлим ва шукӯҳли.  
Аммо академик адибимиз Ойбек ҳаққоний таъкидлагани-  
дек, «Бобур поэзиясининг чўққиси унинг рубойлари-  
дир».

Рубой — Бобурнинг Сўз бағридаги тақдири, етим хо-  
тирот муҳитларида «ғунчадек таҳ-батаҳ қонга» ботган  
кўнгул ноалари. Бобур рубойларининг мавзун хилма-  
хил. У ишқ ҳақида ёзади. Маъшуқа ва унинг дилбар  
сифатларини таърифлайди. Толесиз ошиқ дилида кечган  
ҳазин армонларини акс эттиради. Бобур ёрга қарата:  
«Шоҳмен элга, вале сенга қулдурмен», дейди. Унинг на-  
зарида ошиқлик шоҳликдан устун. У дунёвий ишқнинг  
оташин куйчиси сифатида рубойларида ана шу нуқтаи  
назарида тўла содиқ қолади. Шoir бир туркум рубой-

ларида ахлоқий-дидактик ва фалсафий маъноларни дарж этган.

Давлатқа етиб, меҳнат элин унутма,  
Бу беш кун учун ўзунгни асру тутма.  
Борғонни кел эмди ёд қилмай, эй дўст,  
Бориш-келишингни лутф этиб ўксутма.

Бобур «руҳ олдида ярамас» бўлган ҳар қандай нарса, ҳар қандай интилиш, ҳар қандай сийқа ҳақиқатлардан ўзича қўл силтайди. Унингча, «давлат ва мансаб ўтрисиға» келиш — «гафлат уйқусиға» чўмиш. Ўз еридан кетиш — «юз қаролиғ». Ишқисиз яшаш — мурда кўнгуллик. У шунга ўхшаш қатор шафқатсиз ҳодисаларни англаб азобланади. Фикр, тушунча ва мақсадларини поклайди. У маънавий тозаликни қаттиқ соғинади. Шу соғинч ҳисларидан шоир рубойларида мана бундай фикрлар юзага келади:

Беқайд мену харобу сийм эрмасмен.  
Ҳам мол йнгиштурур ланм эрмасмен.

Бу — ўз-ўзини англаш. «Зулмдап ўзга ишни» билмаган, инсон фарзандини тўғри йўлдан оздирадиган бераҳм дунёни таниш. Бобурнинг ҳасратларга кўмилган дили охир-оқибатда буюк моҳиятини тўла топади. Шунда у дунёда фақат бир нарса, фақат бир кенглик абадий барҳаёт, абадий суянч эканлигига инонади. Бу — Ватан. Унинг қалбидаги ўксик диёр. Жонажон юртга бўлган сўнгсиз муҳаббат ёлқини Бобур рубойларини ичдан нурлантириб туради. Шоир рубойларидаги чексиз самимият ва руҳий теранликнинг бош сабаблари ҳам мана шунда.

Бобур рубойларида фаол поэтик образ мавқеига эга бир сўз бор. У — ҳижрон. Хўш, ҳижрон нима? У шунчакки жудоник, айрилиқдан ғуссага ботишми? Йўқ, у қафас. Ҳижрон — «жон қуши»нинг мана шу машъум қафасда

бўғилиши. «Ҳижрон қафасида жон қуши дам қиладур, Гурбат бу азиз умрни кам қиладур», дейди Бобур. Ва юртидан олис ўлкалар, қолаверса, дунё унинг нигоҳида қафасга ўхшаб кўрилади. Шунинг учун у рубойларида қайта-қайта ҳижрон жафоларидан волийди. У бир тўрт-лигини «Ҳижрон ғамидин зашф жоним сўлди» деб бошла-са, иккинчи бирини «Ҳижрон алами била гирифтор эт-тинг» деб тугатади. Бир рубойда «Ҳижрон ғамидин неча шикоят қилайин» дея зорланса, бошқасида «Ҳижрон аро мени ёд этиб шод айла» деб илтижо қилади. Бобурнинг бошқа ўнлаб рубойлари ҳам юртдан жудо бўлган шахс-нинг алам-ҳасратлари ва ўз диёрига интиляш, уни қўм-сан, соғиниш, жондан ҳам ортиқ кўриш кайфиятларини акс эттиради.

Бобурнинг асосий қисм рубойлари Ватан ҳақида. Улар Ватан билан фарзанд, фарзанд билан она юрт ўрта-сидаги узилмас боғланишни теран изоҳлайди.

*Телеъ йўқи жонимга балолоғ бўлди,  
Ҳар ишниким айладим, хатолиғ бўлди.  
Ўз ерни қўйиб, Ҳинд сори юзладим,  
Ё раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.*

Бундай рубойларни ўқиганда киши икки улкан ҳақи-қатнинг моҳиятини янада чуқурроқ тушунади. Булардан бири она заминни, яъни «ўз ерни» тарқ этиш фожияси. Иккинчиси, Ватанни оламда энг муқаддас борлиқ билиш, унинг пойига бош қўйиш дарди билан яшаш иштиёқи. Ижодиётининг худди мана шу нуқталарида Бобур бизга замондош ва ибратли санъаткор.

*Ҳар вақтни кўргасен менинг сўзумни,  
Сўзумни ўқуб англагайсен ўзумни,—*

деган эди Бобур. Ҳақиқатда шундай. Биз унинг мунаввар шеъриятида шеърни ҳаётга, реал инсон ички эҳтиёжла-

ри ифодасига яқинлаштиришга жиддий интилган шоирнинг ёниқ кўнгли, тирик сиймосини кўрамиз. Унинг юксак фикру туйғуларини ардоқ билан қабул қиламиз.

\* \* \*

Бобурнинг «Бир кеча хотирим мушавваш эди» деб бошланадиган юз байтга яқин манзумаси эса маснавий жанрига мансуб.

«Билмак керакким,— дейди Бобур аруз рисоласида,— аксар маснавийнинг ийроди қиссасу ҳикоят ва умуру тавидид зайл баёнида воқиъ бўлурким, қасида ва ғазал амсолига гунжойиш ул йўқтур...». Бу таърифда «Хамса» типигадаги асарлар ҳам назарда тутилганлиги шубҳасиз. Гап шундаки, Бобурнинг маснавийси ҳам маълум бир жиҳатлардан ана шу таърифга мос келади.

Аввало маснавийнинг ёзилиш даври ва тарихи ҳақида. Филология фанлари доктори Ҳ. Ёқубов уни «Бобурнинг Шайбонийхондан дакки еб, енгилиш муносабати билан яратган» асари деб қарайди. Филология фанлари докторлари А. Қаюмов, Н. Маллаев ва бошқа олимларимиз маснавий тўғрисида шунга яқин фикрларни билдиришган.

Бобур Шайбонийхондан Самарқанд яқинидаги Сарипул жангида енгилганлиги тарихдан маълум. Бу 1501 йилга тўғри келади. Демак, бундан шундай хулоса келиб чиқади: Бобур маснавийни тахминан ўн саккиз ёшларида, Мовароуннаҳрда ёзган.

Маснавийнинг реалистик қудрати зўр. Мазмун кўлами кенг. Унда шоирнинг таржимаи ҳолига оид қимматли маълумотлар бор. Унда ахлоқий, сиёсий, фалсафий йўналишдаги бениҳоя ёлқинли фикрлар дарж этилган. Шоир бадий тасвирда классик поэтикадаги қатор бадий санъатларни юксак малак билан ишга солган:

Ҳар нечун тавр қил, бу жавр этма,  
Ҳар нечун жавр қил, бу тавр этма...



Фориғ эрдим, қаноатим бор эди,  
Қонез эрдим, фароғатим бор эди.

Бу байтлар тарди аке санъати асосида яратилган. Ва улар лирик қаҳрамон мақсад ҳамда кайфиятини жозиба-ли бир тарзда аке эттиради. Бугина эмас, маснавийда оддий такрордан тортиб, ихом, тазод, таносуб каби мураккаб бадий санъатларгача маҳорат билан фойдаланилган.

Бобур ўз мемуарида худди ўша 1501 йил воқеалари ҳақида гапириб «Ул фурсатларда бирор, иккирар байт айтур эдим. Вале ғазал тугатмайдур эдим», дейди. Кишида шубҳа туғилади: ҳали ғазал ёзиш санъатини унча нухта эгалламаган ўсирийн шоир қандай қилиб юз байтга яқин маснавийни ёзишда шу қадар юксак натижаларга эришди экан? Бизга эътироз билдиришлари мумкин: бунига ажабланидиган жойи йўқ. Бобур фавқулодда иқтидорни талаб қиладиган жанр — рубоий ёзиш сирларини ҳам жуда эрта ўзлаштирган. Тўғри, масалани бу томонларига шак келтириб бўлмайти. Лекин шоирнинг маснавийси билан боғлиқ бошқа ҳақиқатлар бор. Маснавий Бобур Мовароуннаҳрни тарк этгандан сўнг, орадан қарийб йигирма беш йил вақт ўтгач, Ҳиндистонда мана бундай воқеа таъсирида яратилган.

Маълумки, 1526 йил апрелда Повинатда бўлиб ўтган жангда Бобур Иброҳим Лодий устидан ғалаба қозонган эди. Аммо бу зафар ҳам Ҳиндистонда Бобур салтанатининг барқарор бўлишига ҳали тўла имкон бера олмасди. Маҳаллий халқ Бобур лашкарлари билан ҳеч қанақасига муносабат қилишни натамас, улардан очиқчасига юз ўтирган эди. «Биз аввал Ограга келганда, — деб ёзади Бобур, — бизнинг эл била бу элнинг (маҳаллий элнинг — *И. Ҳ.*) орасида ғариб муғоярат ва мунофарат эди. Сипоҳийси ва раияти бизнинг элдин қир-қир қочарлар эди. Бир Деҳли ва Оградан ўзга жамиъ қўрғонлиқ ерлар қўрғонларини беркитиб, ктоат ва инқиёд қилмадилар».

Бобурга мухалиф афғонлар, баъзи турк ҳарбий бошлиқлар ва ҳинд рожалари ҳам қарши курашиш учун кучли иттифоқ тузмоқда эдилар. Булардан ташқари, Бобур қўшинларининг Ҳиндистонга кириб келиши об-ҳавонинг энг иссиқ, ноқулай фурдатларига тўғри келган. Бу ҳақда «Бобурнома»да унинг ўзи шуларни ёзади: «Биз Ограга келганда иссиқ вақтлари эди, халойиқ таваҳҳумдин тамом қочиб эдилар. Ўзга ва отқа ошлиқ ва хас топилмас эди. Кентлар муғоярат ва мунофарат жиҳатидан ёғилиққа ва раҳзанликқа юз қўюб эдилар... Яна ул йилги хили иссиқ эди. Хили эл боди самумнинг таъсиридан ҳар замонда йиқилиб-йиқилиб, ўла киришдилар. Бу жиҳатлардин аксар беклар ва ўбдон-ўбдон йигитлар кўнгул солиб эдилар. Ҳиндистонда турмоққа рози эмас эдилар, балки кетмоққа юз қўюб эдилар». Кўнларнинг ортинқ даражада исиб кетиши, озиқ-овқат танқислиги, ногаҳоний ўлимлар Бобур одамларини жонсарак ва саросима қилиб қўйган эди. Унинг энг яқин, ишонган, «ўтқа, сувга кирсам-чиқсам, бетаҳоший булар била киргайлар ва била чипқайлар. Мен ҳар сориға борсам, алар менинг сори бўлгайлар» деган бек ва қўшинбонилари ҳам аста-секин орқага қайтиш пайида бўла бошлайдилар. Улар орасида Бобурнинг қаттиқ эътиқод бўлган дўсти ва мусихибини Хўжа Қалон каби нуфузли кишилар ҳам бўлган.

Хуллас, ўша вақтлардаги воқеа-ҳодисалар Бобурнинг шонр қалбига аёвсиз таъсир ўтказар, «кўн ранж», «беҳад ғам» тарзида унинг борлигини азарди. Унинг бир қатор шеърлари ўша таассуротлар асосида яратилган. Мана улардан бири:

Ўзни кўнгул, айш ила тутмоқ керак,  
 Бизни унутқонни унутмоқ керак.  
 Айши тараб гулбунига сув бериб,  
 Русса ниҳолни қурутмоқ керак.  
 Ҳар нимаға ғам ема, ғам кўн турур,  
 Айш била ўзни овутмоқ керак...

Шоир учун бу сўзлар ўшанда гўё юпанч маъносига эга эди. У шеър билан ўзини овулар, шеър тили билан гўё ўзига тасалли берар эди. Уша вазиятларда — у «русса ниҳолини» қандай тасаввур қилган — аниқ бир гап айтиш қийин. Лекин унинг туриш-турмушини характерлайдиган бундан ифодалироқ образ бўлмаса керак. Ҳақиқатда ҳам қисмат шоир Бобурни бамисоли русса водийсининг хазон янроғли ниҳолига айлантирган эди. Бобур ҳар томонлама мушкул аҳволда бўлишига қарамасдан, **ҳиндларнинг улкан ҳарбий қудрат тўплаган таниқли рожаси** Рано Санго билан жанг қилишга мажбур эди. Тарихчи олимamız С. Азимжонова таъкидлаганидек, Рано Санго Ҳиндистондаги ҳокимларнинг ғоятда даҳшатлиси бўлган. У кўп жанг кўрган. Кўп яраланган. Лекин жасур ва жанговарлигича қолган. Ниҳоят, Карл Маркс «Ҳиндистон тарихига доир хронологик ёзишмалар» асарида Бобурнинг Ҳиндистонда ўз ҳукмронлигини узил-кесил ўрнатилшга имкон берган катта ғалабаси деб баҳолаган Сикр жанги яқинлашади. «Рано Санго жангидан икки кун бурун, — дейди Бобурнинг қизи Гулбадан бегим «Ҳумоюннома» асарида, — подшо ҳазратлари шароб ичишдан ва бошқа номуносиб ишлардан тавба қилган эдилар... Шароб ичишга керак бўладиган ҳамма тилла ва қумуш асбобларни, олтин пиёлаларни ва бошқа қийматли идишларни синдириб, камбағал бечораларга бўлиб бердилар». Бобурнинг ўзи эса «Синдурулгон олтин-қумули суроҳий ва олтин мустаҳиқларга ва дарвешларга улашилди», деб ёзади. Бобур Рано Санго билан жанг қилишдан олдин «Оллоҳ катта ихсон эгасидир», «кимки астойдил эшик қочса» унинг марҳаматига мушарраф бўлади, деган тушунча билан «ичкиликдан қайтиш тавбасини» амалга оширади. Ўрни келганда шунини ҳам айтиб ўтайлик. Доҳий Ленин буюк рус адиби Л. Н. Толстой асарларида, қарашлари ва таълимотида учрайдиган зиддиятларни таҳлил этиб деган эди: «Бир томондан, фақат рус ҳаётининг энг гўзал манзараларининггина эмас, ҳатто жа-

хон адабиётининг биринчи даражадаги асарларини ҳам яратган гениал бир санъаткор. Иккинчи томондан — Исо тўғрисида дарвешлик қилувчи помешчик... Бир томондан, энг ҳушёр реализм, ҳамма ва ҳар қандай ниқобларни йиртиб ташлаш; иккинчи томондан, дунёда бор бўлган энг қабих нарсалардан бирини, яъни динни тарғиб қилиш...». Бобур адабий фаолияти ва дунёқарашида ҳам нур ва сояларнинг тортишувига монанд шундай манзаралар бор. Масалан, у кўп ҳолларда катта журъат билан ислом динининг асрлар давомида муқаддас кўрилган талаб ва қоидаларини шеърларида инкор этади. Гоҳо эса диннинг тор, чекланган доираларида қолиб фикр юритади. У Рано Санго билан жанг қилишдан олдин ичкиликдан қайтиш тавбасини, орадан ҳеч фурсат ўтмай пушаймонлик ўтларига ёқади. Ва дейди:

Май тарқини қилгали паришондурмен,  
Билмон қилур ишимнию ҳайрондурмен.  
Эл барча пушаймон бўлур, тавба қилур,  
Мен тавба қилибмену пушаймондурмен.

Бу энди шунчаки пушаймонлик эмас, «оллоҳ ихсон»ларидан қониқмаслик ҳисси. Қандайдир ўзига хос шаккоклик туйғуси. Эътиқод чарчоқлиги. Бундаги паришонлик — руҳнинг изтироблиг тўлганиши. Ҳайронлик — самовий хаёллардан ҳаётий ҳақиқатларга қайтиш истаги. «Пушаймондурмен» — бу шеърдаги байроқ сўз. Шоир уни диний бидъатларга кўникишни ифода этадиган «тавба»га қарши гўё байроқ қилиб тиклайди. Аммо Бобур Сикр уруши арафасида бундай кайфиятларда эмас эди. Ушанда у руҳан ғоятда таҳликага тушиб, ҳатто ўлимни ҳам бўйнига олган кўринади:

Пияти газв ила ким юрубсен,  
Ўлмакнингни ўзунга кўрубсен.  
Кимки ўлмак ўзига жазм этар,

Ушбу ҳолатга билурсенки нетар.  
Дур этар жумла маноҳидин ўзин,  
Аритур барча гуноҳидин ўзин.

**Ушбу сатрлар «Бобурнома»дан. Энди маснавийнинг бошланма мисраларига диққат қилинг:**

Бир кеча хотирим мушавваш эди,  
Кўзда сув, кўнглум нчра оташ эди.  
Даҳр ишидин ғиғон қилур, эрдим,  
Хотиримни ямон қилур эрдим.

Бизнингча, бу «бир кеча» — Гулбадан бегимнинг сўзлари билан айтганда, «Рано Санго жангидан икки кун бурун» Бобурнинг «шароб ичиш ва бошқа номуносиб ишлардан тавба қилган» кеча:— «Хотиримни ямон қилур эрдим», дейди шоир. Тўғри, Бобур ҳаётида бундай ҳолатлар кўп бўлган. Бироқ бу галгиси бўлак. Буни у «Ўлмакингни ўзунга кўрубсен» деб характерлайди. Кейин, маснавийнинг умум мазмуни ҳам «тавба дағдағаси»ни амалга ошириш муносабати билан Ҳиндистонда ёзилган асар экинлиги шундоқ тасдиқлаб турибди. Шоир назарида бу маснавий унинг ҳаёт, инсон умри, давлат ҳақидаги сўнги фалсафий-ахлоқий хулосалари эди. У гўё сўнги мартаба шеър билан қалб ҳақиқатларини очар, ўзининг қонли қисматидан, толесизлигидан, хатоларидан золим фалакнинг «Ниҳояти йўқ» жавру жафоларидан гапирар эди.

Бобур бир рубойида «кириқ»дин «қалам рост қилиб», «кўз қароси» анга сиёҳ бўлишини орзу қилган эди. Шоир энди ҳақиқатда бунга эришгандай эди. Маснавийда Бобур гўё охириги бор жонажон Ватанини эслар, соғинар, лекин у ёру диёри билан хаёлан видолашмоқда эди.

Ғар десам жисм ила жондин сен-сен,  
Ғаразим икки жаҳондин сен-сен.

У ана шундай покиза эътиқод, «еру кўк»ни «остину усту» қиладиган бир фарёд билан туғишган замин муҳаббатини мангуга олиб кетмоқ тўғусини сатрлар бағрига сиғдирмоқда эди. Бироқ масаланинг диққатга молик жиҳатлари фақат шулар эмас. Маснавийда чуқур дард, оғир қайғу руҳи акс этган бўлса-да, унинг умум нафосининсон дилини жароҳатлайдиган қандайдир хазинликлардан мутлақо холи. Унда шеърхонни ўйларга толдирадиган, ўз-ўзига шафқатсиз, ҳаётсевар санъаткорнинг тафаккури ҳоким куч. Шоирнинг тўлқинли хаёл ва кечинмалари киши шуурини уйғоқ ҳисларга бойитади. Маснавийдаги асосий гап — бу, шоирнинг ўзи, ўтган умри, Ватани, буюк армонлари тўғрисидаги гап. Дарҳақиқат, тақдир ва давр Бобурни нима савдоларга гирифтор этмади. У «олти ой ичра олти тахт» олиб, «эмди муродима еттим» деганда «яна маҳруми ховумон», «яна оворай жаҳон» бўлди. Дунёнинг ўткинчи ташвишлари шоир юрагини беомон жароҳатлади. Шунда у «кунжи узлатга рў қилиб» меҳнат, тафаккур билан «гафлат уйқусидан» фориғ бўлмоққа интилди. Лекин «вафоси йўқ зolim даҳр» «яна юз ишвау фириб» билан уни чалғитди. Бобур маснавийда шулар тўғрисида алам билан сўзларкан, «Даҳрға не вафодуру не раҳм», «Даҳр кўп бевафодурур бераҳм», «Йўқтур меҳри ҳеч кишига анинг», «Эътимод этма ҳеч ишига анинг», дея дунё устидан кескин ҳукм юритади. Унингча, даҳрнинг «ҳеч ишида» «адолат йўқ». Бу фикрлар бугунги кун нуқтаи назаридан қараганда ҳам ижобий ҳодиса, албатта. Бироқ буни деб бошқа нарсани ҳам эсдан чиқармаслик керак.

Бобур даҳрнинг «ҳеч ишида» «адолат йўқ» деганда, «Ишрату айш вақти етган чоғи», «меҳнату ғусса оти йитган чоғ», «айш ила ишрат», «давлату иззатдан» айрилишларини ҳам ғоявий яроғ қилиб олади. Ҳолбуки, шу мантқиқнинг моҳиятида ўзи синфий адолатсизлик ётибди. Буни Бобур англаб етмайди. Ва фиғонга тўлиб дейди: «Кўрсатиб давлат йитмагинг не эди, Ерга урдунг, кўтар-

магинг не эди». Бобур тожу тахт ва подшоҳлик хусусида ўз синфининг сиёсий мафқураси чегараларини бутунлай ёриб ўта олган эмас. Буни ундан талаб ҳам қилиб бўлмайди. Бироқ у бир қатор масалаларда ўз даври ва давр одамларига нисбатан чиндан ҳам юксак ҳулосаларга келган.

Арзимас ғам емакка бу дунё,  
Бал отин ҳам демакка бу дунё.  
Тамаъ узгил бу эски дунёдин,  
Хотирингдин чиқар бу дун ёдин.  
Давлат учун кўнгулви зор этма,  
Иzzат учун ўзунгни хор этма.

Маана, охир-оқибатда шоир Бобур келиб етишган фалсафа. Бунда «давлат учун кўнгулви зор», «izzат учун ўзунги хор» этган шоҳ Бобурнинг алам ва изтироблари яшириниб ётибди. Бунда шоир маслагининг подшоҳ нуқтаи назарларидан устун ва ғолиб овози бор.

Руҳнинг биринчи касофати — нафс. Нафс амридан ғолиб руҳ — покиза ва малоҳатли руҳ. Навоий айтганидек, «нафсга хилоф»лик қилмагунча инсон руҳида тишиқлик бўлмайди. Бобур — кучли характер эгаси. Кучли характерларга хос бир хусусият шундаки, улар ҳеч замон ўз аҳвол-руҳияларига тик боқиб, ўзлари тўғрисида қандай маънода бўлмасин, рост сўзларни айтишдан чўчимайдилар. Бобур «нафс буйруғи била» юриб, «нафс ёғисини мағлуб» эта олмаган пайтлари бўлганлигини мардона тан олади. Шоир нафс ҳақида маснавийсида жуда ибратли фикрларни ёзади. У «нафснинг касби»ни «ҳавоу ҳавас» деб белгилайди. Унингча, нафс одамнинг ичида яшайдиган душман. **«Дўстум, бу сўзумни чин билгил»,** дейди шоир:

Душманедур агарчи ўтру эмас,  
Лек бир лаҳза севдин айру эмас.

Гарчи зоҳирда тўғридинтур нафс,  
Жаъминг уйида ўғридинтур нафс.  
Нафс тавсанини ром қил ўзунгга,  
Қодир ул ҳарна сўз десаиғ сўзунгга.

«Нафс тавсани» нима бу? Тожу тахт, давлат, «шаҳвату нафс» ҳирси эмасми? Шоир мана шу муаммоларга ўқувчи эътиборини қаратади. Уларнинг ҳамма-ҳаммасида руҳнинг кушандаси тимсолини кўради ва маънавий бир юксакликда «Руҳ олдидадур булар ярамас» деб дунёдаги ўткинчи, моҳияти нурсиз фикру ҳисларга доҳил кўп нараса ва тушунчаларнинг устидан қора чизиқ тортади. Уларнинг «бори фаний, бори ҳеч турар»лигини кўрсатади. Бу энди том маъноси билан умуминсоният манфаатиға мос гоа.

Бадиий маҳорат — катта ҳаёт ҳақиқатини жонли шаклда ифодалаш санъати. Маснавийда Бобур мана шу санъатни намойиш эта олган.

1983



## ЛУТФИЙ ВА БОБУР

Маълумки, Мавлоно Лутфий XV аср ўзбек шеърятининг энг талантли вакилларида бири. Лутфий лирикаси халқимиз бадий тафаккури эришган гоятда ёрқин ва такрорланмас ижодий ҳодисалардан ҳисобланади. Е. Э. Бертельс ўзбек адабиётида газал жанрининг такомил топиши кўп жиҳатлардан Лутфий тажрибалари билан боғлиқлигини ҳаққоний эътироф қилган эди. Мана шунинг учун кейинги давр шоирларигина эмас, Лутфийга сафдош йирик санъаткорлар ҳам унинг ижодиётидан у ё бу шаклларда таъсир олганлар.

Алишер Навоий ўзигача яратилган адабиётнинг барча характерли ютуқларини Лутфий ижодида кўрган эди. Шунинг учун ҳам улуғ шоир миллий адабиётдаги салафлари орасида энг юксак баҳони Лутфийга берган. Шеърятимизнинг бошқа бир вакили — Заҳириддин Муҳаммад Бобур эса Навоий нуқтаи назарларини тўла маъқуллаган ҳолда Лутфийни «ўз замонининг маликул-каломи» деб тан олган. Бобур аруз рисоласида ўзбек шоирларининг шеърларидан мисоллар танлаганида Навоийдан кейинги ўринни Лутфий асарларига ажратган. Буни тасодиқий ҳодиса билмаслик керак. Бобур диди ўткир, галабчан шоир. У ўз рисоласи учун шеърини намуналарни саралаш жараёнида фақат вақтинча дастак қилиб олгани йўқ. Шоир бунда мазмун, маҳорат, бадийят ўлчовларини ҳам асло ёддан чиқармаган.

Навоий «Мажолисун-нафоис» тазкирасида ёзади: «Мавлоно Лутфий — ўз замонининг маликул-каломи эрди, форсий ва туркийда назирини йўқ эрди, аммо туркий-

да шухрати кўпрак эрди ва туркча девони ҳам машҳур-  
дур ва мутааззирул жавоб матлаълари бор, ул жумладин  
бири будурким:

Нозуклук ичра белича йўқ тори гисуйи,  
Ўз ҳаддин билиб, белидин ўлтирур қуйи.

Яна бири буким:

Сайд этти дилбарим мени ошуфта сочдин,  
Солди каманд бўйнума икки қулочдин<sup>1</sup>.

Бу байтлар маҳорат билан битилган. Шоир биринчи байт-  
да маъшуқа вужудининг нозиклигини, сочининг хаёлий  
латофатини ажиб топқирлик билан таърифлаган. Бунда  
сатрлардаги сўзлар — ранг, ҳаракат. Улар «ўз ҳаддини  
билиб» маъшуқанинг белидан қуйи тушган сим-сиёҳ соч-  
ларнинг суврат ва ҳаракатини гавдалантиради. Кейинги  
икки мисрадаги фикр эса гўё эҳтиросдан тўқилган. На-  
войий эътиборига сазовор бўлган ушбу мисралар Бобурни  
ҳам мафтун этган. Шунинг учун у уларни аруз рисола-  
сига киритган эди<sup>2</sup>. Ёки рисолада Лутфий девонидан ажра-  
гиб олинган мана бу сатрларга эътибор қилинг:

Сени жамъики гулрухсор дерлар,  
Мени ҳам андалиби зор дерлар.  
Не кўнгли содда элду, ишқ эликим,  
Сенингдек бевафоя ёр дерлар<sup>3</sup>.

Гоявий ва тасвирий соддалиқ Лутфий шеърятининг  
этакчи фазилатларидан. Шоир юқоридаги шеърий парча-  
да ҳам шунга эришган. Айниқса унинг кейинги икки  
қаторидаги фикр ҳам оддий, ҳам оригинал. Бобур диққа-  
тини тортган қуйидаги мисраларда бу сифатлар янада  
жозибадор бўлиб кўринади:

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Асарлар, 12-том, Тошкент, 1966, 61-бет.

<sup>2</sup> Заҳриддин Муҳаммад Бобур. Мухтасар. Тошкент,  
1971, 178-бет.

<sup>3</sup> Ушаасар, 184-бет.

Юзунгунг орзуси, туррийг интизори била,  
Соқол оқардию кўнглум ҳамул қарори била,  
Малоҳат аҳлидин, эй порсо, ҳазар қила кўр,  
Ки ҳусн ақли кўймас ўз ихтиёри била<sup>1</sup>.

Ушбу факт ва мулоҳазалар масаланинг ташқи жиҳатларига кўпроқ тегишли. Унинг иккинчи — ички томонлари ҳам бор. Гап Лутфий лирикасининг Бобур шеърятига ўтказган таъсири ва таъсир самаралари ҳақида кетаётир.

Машҳур фольклорист Ҳоди Зариф Лутфий талантининг хусусиятларидан бирини шундай характерлайди: «Лутфий ўз шеърларида реаллик беришга интилади, реал турмушда бор ҳодисалар ва тушунчаларга кўпроқ эътибор беради, яъни фикрний реал турмуш билан боғлаш учун уринади, ўхшатишлар, муболағалар ва образларни шу турмушдан ёки халқ ўртасида сингиб қолган тушунчалардан олади, буларни жуда катта сўз усталиги билан безайди ва шунинг билан фикрнинг жозибали равишда тез сингишини таъмин этади»<sup>2</sup>.

Санъаткор учун муҳим характер касб этган фазилатлар илдиз эътибори билан унинг ўз истеъдоди заминига, маънавий-руҳий оламига бориб тақалмас экан, у ижод жараёнида ташқи таъсирнинг қули, жуда бўлмаса, адабий анъаналарнинг пассив давомчиси бўлиб қолаверади. Бобур Лутфий лирикасига хос соддалик, самимийлик, реал ҳаётга яқинлашиш тенденцияларини қадрлаган. Бадий ижоднинг бу жабҳаларида Лутфийдан нималарнидир ўрганган, ўрнак олган. Лекин бари бир уларнинг бари Бобурнинг индивидуал ички эҳтиёжларидан ташқари нарсалар бўлмаган. Бобур ўз қарашлари, фикр ва ҳисларини содда йўлларда ифодалашга мойил шоир. Самими-

<sup>1</sup> Уша асар, 155-бет.

<sup>2</sup> Ҳоди Зариф. Фозиллар фазилати. Тошкент, 1969, 54-бет.

ят ва соддалик — Бобур шеърятининг икки гўзал соҳили. Унинг фикру туйғулари мана шу соҳиллар оралаб мавжланиб оқади. Реал ҳаётга, инсоннинг мавжуд турмуши билан алоқадор сўз ва образларга яқинлик ҳам Бобур табиатида кучли бўлган. Бироқ дунёвий адабиёт вакиллариининг поэзияни ҳаётга яқинлаштириш, уни инсон маънавий қисмати ва тушунчалари билан боғлаш йўлидаги ажойиб ютуқлари Бобур шеърятинида реалистик йўналишларнинг кучайиши, бадийй ғоя ва тасвирнинг калққа яқин содда, самимий йўллари билан тараққий қила боришида муносиб ҳисса қўшди. Шу нуқтаи назардан Лутфийнинг Бобур лирикасига ўтказган таъсирини алоҳида таъкидлаш керак бўлади. Лутфий ғазалларидан бирида ёзади:

Лутфий холингни кўриб кўнгли илинди зулф ила,  
Дона ҳирсидур балким, қуш қутулмас домдин.

Биринчи мисрада шоир ёрнинг холини кўриб кўнгли унинг зулфига илиниб қолганлигидан сўзлайди. Иккинчи мисрада эса шу мазмуннинг моҳиятини очадиган ҳаётдаги параллел воқеа келтирилган. Натижада дон ҳирси қушни тузоқдан халос этмайди, деган қиёсий фикр, бир томондан, ошиқнинг аҳвол-руҳиясидаги ноилложликни характерлайди, иккинчи томондан маънавий-ҳаётий реалик беради. Бобур устозининг мазкур байтдаги фикрларини ривожлантириб, дейди:

Бобур, ул гул зулфи остида эмасдур холлар,  
Жон қушин сайд айлар учун доналардур домиди.

Бу ерда фикр тарзи бошқача. Лекин моҳият, моҳиятга йўл очган сўз ва образлар жуда ўхшаш.

Бобур ижодига Лутфий шеърятининг таъсирини гурли шаклларда кузатиш мумкин. Лутфий — маҳорати юксак санъаткор. Унинг ғазалларида сўз гўё ҳеч кўрил-

маган табиий латофатини топади. Маъно ва оҳанг жонли бир организм ҳолида бирлашади. Шоир қўллаган вазнлар енгил, ўйвоқи. Лутфий тасвирий усул, бадиий воситалардан фойдаланишда ҳам ғоятда моҳир. Булар эса Бобур илҳомининг қалбини ҳароратга чулғайдиган таъсир омилларидан эди.

Улкан бир адиб «Кашфшёт устоздан олинган билим тугаб шогирднинг янги билими бошланган жойида дунёга келади», деган эди. Бу гапга шак келтириш мумкин эмас. Лекин кашфшётларга эришгунча бўлган оралиқ йўлдаги изланишлар-чи? Бунда устоз билим ва тажрибаларининг таъсири қанчалик шарофатли, қанчалик ҳаётбахш бўлади. Бизнинг назаримизда, Бобурнинг бир қатор шеърларида шоир ижодининг илк босқичларидаги изланишлари кўпроқ ўз аксини топган кўринади. Шоир устозларининг шеърини техникасига, ғоя ва образларига жуда қаттиқ суянади. Бу ҳолат унинг Лутфий ғазалларига эргашиб ёзилган шеърларида айниқса равшан сезилади.

Мени оғзинг учун шайдо қилибсан,  
Манга йўқ қайғуни пайдо қилибсан.  
Сенинг ёйингни ҳеч ким торта олмас,  
Мунигтекким, қошингни ё қилибсан.  
Ядо қилган киби кўз жодусиндин,  
Кўзумнинг ёмғурини дарё қилибсан.  
Кириб кўздин кўнгулга они тортиб,  
Алифтек жон ичиде жо қилибсан.  
Юзунгни ой дедим, астағфируллоҳ,  
Магар ақлимни сен яғмо қилибсан?  
Вафо қилмоққа қўймас чун сени ҳусн,  
Жафо бирла мени расво қилибсан.  
Тўқар ғамзанг дамо-дам Лутфий қонин,  
Магар кўз учидин имо қилибсан.

ёзган:

Устозининг ушбу ғазалига Бобур бундай жавоб шеър

Яна кўз уйида маъво қилибсен,  
 Кўнгул қошонасида жо қилибсен.  
 Яна савдойи зулфунгдин, нигоро,  
 Мени ошуфтау шайдо қилибсен.  
 Ғамим йўқ жон агар берсам ғамнингда,  
 Ўзунгни мунча бепарво қилибсен.  
 Қошингдин мени ўқдек ташлар учун,  
 Янги ойдек қошингни ё қилибсен.  
 Кўзумдин ёшиниб, эй баҳри алтоф,  
 Кўзумнинг ёшини дарё қилибсен.  
 Соғинмас жаннатул-маъвони, Бобур,  
 Анинг кўнглида то маъво қилибсен.

Кўринадики, иккинчи ғазалнинг ёзилишида биринчи ғазалнинг бевосита таъсири бўлган. Икки ғазал ҳам бир мавзудан баҳс этади. Улардаги фикрий оҳанг, радиф ва бир неча сатрдаги қофия ҳам айнан ўхшаш келади. Ниҳоят тил ва ифодада мувофиқлик бор. Лутфий «Мунинг-теким қошингни ё қилибсан» деса, Бобур уни янги ташбиҳ билан бойитиб, «Янги ойдек қошингни ё қилибсен» шаклида такрорлайди. Эки биринчи ғазалдаги «Кўзумнинг ёмғирин дарё қилибсан» мисраси кейингисидан «Кўзумнинг ёшини дарё қилибсен» тарзида келади. Бугина эмас. Бобур ғазалининг матлабига асос бўлган фикр— «Яна кўз уйида маъво қилибсен», «Кўнгул қошонасида жо қилибсен» — бу аслда Лутфий шеърининг тўртинчи байтида айтилган: «Қириб кўздн кўнгулга они тортиб, Алифтек жон ичинда жо қилибсен» сўзлари заминидан ҳосил бўлган.

Бобур мазкур ғазалда бир бутун ҳолда янгилик яратгани йўқ. Ўспирин шоир завқ ва эҳтиросини ҳали тақлид, эргашиш ҳаваслари тизгинлаб олган. Лекин шундай бўлишига қарамасдан, ўша шеърда бадий кешфиётнинг ажиб куртаклари бор. Булар шоир яратган кўркем ва дилбар сатрлар: «Ғамим йўқ жон агар берсам ғамнингда», «Соғинмас жаннатул-маъвони, Бобур, Анинг кўнглида то маъво қилибсен». Ушбу мисралардаги фикрлар Лутфий

газалига нисбатан олинганда чиндан ҳам поэтик кашфи-  
ёт эди.

Қади шохи гулдек нигорим қани?  
Лаби гунчадек гулғузорим қани?  
Не тонг, юз нигор ўлса қол ёш билла,  
Ки ул юзи гул, нигорим қани?  
Қаро кечаларда кўзум ёрутур  
Ўшал шамъи шабҳон торим қани?  
Ёрим кечалар келур эрди бурун,  
Бу туй келмади, оҳ, ёрим қани?  
Демамг, тарки ишқни қил ихтиёр,  
Бу ишда менинг ихтиёрим қани?  
Фироқида кўнглумни қон айласанг,  
Санга бўлмай ул беқарорим қани?

Шеърда оҳанг яратиш — санъат. Бобурнинг юқорида-  
ги газалида соринч, интизорлик оҳанги ҳоқим. Лекин ас-  
лида бу оҳанг шоир қалбига Лутфийнинг мана бу газали  
таъсирида пайдо бўлиб, шеър шаклига кўчган:

Кўкарди чамаң, гулғузорим қани?  
Сиҳи сарв бўйлуқ нигорим қани?  
Тонибдур букуи васли гул андалиб,  
Дариго, менинг навбаҳорим қани?  
Эшикингда тупроқ бўлдум, вале  
Демадингим ул хоксорим қани?  
Сенинг аҳли ҳуснунда йўқ менда сабр,  
Менинг ул бурунқи қарорим қани?  
Эришур дебон қилма Лутфийга қаҳр,  
Бу ишда, бегим, ихтиёрим қани?

Мазкур газаллар ўртасида оҳанг, қофия, радиф яқинлиги-  
дан ташқари, улардаги айрим сатрларда ҳам айнан ўх-  
шашликлар бор. Лутфий газалидаги охирги мисра: «Бу  
ишда, бегим, ихтиёрим қани?» — Бобурда — «Бу ишда  
менинг ихтиёрим қани?» шаклида қайтарилган. Тўғри,

Бобурнинг шеъри классик поэзиямизда актив қўлланилган татаббу йўлида ёзилган. Буни инкор этиб бўлмайди. Лекин шу нарса ҳам ҳақиқатки, у яратган шеър—пайравлик чегараларидан ўтиб, ўз шукҳини топган шеър. Бу нималарда кўринади? Биринчи навбатда сўзда, сўз бўёқларида.

Қади шохи гулдек нигорим қани?  
Лаби ғунчадек гулғузгорим қани?

«Гул шохи», «ғунча» — булар маъшуқа қадди ва лабини характерлайдиган ташбиҳларгина эмас, айни пайтда ғазал хонасига ранг ва муаттар бўй олиб кирган соҳир сўзлар ҳамдир. Йўқ, бу ерда гап шунчаки сўз қўллаш устида кетаётир деб билмаслик керак. «Ерим кечалар келур эрди бурун, Бу тун келмади, оҳ, ёрим қани?». Бу сатрларда ким оҳ тортаётир: сўзми, ёки шоирми? Албатта, шоир. Яъни ошиқ. Лекин ўша ҳасратни пола ва фиғон уйлари билан ўқувчига етказётган тирик илоҳа — сўз, шоирнинг юрак эҳтироси жон ато этган фаол сўздир. Тирик ва фаол сўзлар яратмоқ эса ҳазилакам маҳорат эмас. Юқоридаги ғазалнинг ҳар бир сатрида Бобур буни моҳирлик билан уддалай олган.

Лутфийнинг ошиқона ғазалларидан илҳомланиб, уларнинг ғоявий мотивлари, шакл белгилари ва ифода усуллари таъсирида ёзилган шеърлар Бобур девонидан яна топилади. Аммо масаланинг муҳим томони шундаки, шоир уларда иложи борича аъъанага ўзининг ижодий муносабатини тиклаган ҳолда салафига эргашади. Бу нарса айниқса, унинг шеър мундарижасини ҳаёт, инсон, муҳит ҳақидаги мустақил қарашлари билан бойитганлигида яққол кўзга ташланиб туради.

Лутфий ижобий маънода восиф шоир. Унинг ғазалларида ёр гўзалликларини таърифлар билан улуғлаш, таъриф характеридаги сўз, образ ва ифодалар билан тасвирлаш устун. Шоирнинг:



Нуқсони кўп ҳар ишда бечора Лутфийнинг,  
Дилбар жамоли васфида лекин камоли бор,—

дейиши ҳам бежиз эмас. Бобур ҳам васф санъатига таянган ижодкорлардан. Бу ҳақда унинг ўзи бир ғазалида шундай деган:

Ҳон ёшимни ҳажрида, шеъримни васфида кўринг,  
Ким бу янглиг дуру гавҳар қайси баҳру кон берур.

Бизнингча, Бобурнинг бу йўлдаги интилиш ва ютуқларини ҳам Лутфий тажрибаларидан ажратиб талқин этиш ҳақиқатга хилоф бир ишдир.

Лутфий ғазалларининг асосий кўп қисми рамал баҳри гармоқларида ижод қилинган. Рамал билан ўзбек халқ поэзияси вазвлари ўртасидаги яқинлик олимларимиз томонидан кўп марта қайд этилган. Лутфий ғазалларининг шакли ихчам, пухта. Шоирнинг қофия, радиф ва бадий санъатларни қўллашдаги ишлари ғоятда ибратли. Филология фанлари доктори А. Ҳайитметов Саъдий, Ҳофиз, Хусрав Деҳлавий ва бошқа йирик форсийзабон шоирлар «ғазал соҳасида жуда кўп ишларни қилган бўлсалар ҳам, бироқ ғазалнинг неча байтдан иборат бўлиши масаласида тез бир фикрга кела олмаганлар», деб ёзади. Саъдий ғазални олти байтдан бошлаб 22 байтгача чўзган. Ҳофизда ғазалнинг ҳажми тўрт байтдан 13 байтга қадар. Амир Хусрав Деҳлавий ва Ҷомий девонлари учун 7 байтли ғазаллар характерли<sup>1</sup>. Навоийгача ижод қилган ўзбек шоирлари ҳам ғазалда байтларнинг умумий миқдорини асосан 7 байт билан чегаралаганлар. Аляшер Навоийнинг бу соҳадаги ижодий позицияси аниқ. У қитъаларидан бирида ёзган эди:

Навоий шеъри тўққуз байту ўн бир байту ўн уч байт,  
Ки лавҳ узра қалам зийнат берур ул дури макнундин.

<sup>1</sup> Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. Тошкент, 1961, 77-бет.

Буким албатта, етти байтдин ўксук эмас, яъни,  
Таназул айлай олмас рутба ичра етти гардундин<sup>1</sup>.

Навойй девонларида жуфт, яъни саккиз, ўн байтли ғазаллар учраса-да, етти байтдан камлари йўқ даражада. Навойй ғазал охириги чегарада етти байт бўлишини шарт билган. Хўш, бу масалада Бобур қандай йўл тутган? У ўз мемуарида ўн етти ёшларида ёзилган ғазалининг матлаъини келтириб, айтади: «Бу ғазал олти байт турур. Мундин сўнг ҳар ғазалким туганди, ўшул тартиб била—ўқ битилди»<sup>2</sup>. Шоир девонларининг бизгача тўлиқ шаклларда етиб келмаганлиги бу ҳақда қатъий бир қарорни билдиришга имкон бермайди. Бобурнинг 1965 йил, Тошкентда нашр этилган девонидаги ғазаллардан 25 таси олти байтлидир. Демак, унинг юқоридаги фикрлари асосли. Шунингдек, девонда 3, 4, 7, 8-байтли ғазаллар мавжуд бўлгани ҳолда кўпчилиги (73 таси) беш байтдан иборат. Девонда битта тўққиз байтли ғазал бор. У ҳам Навоййга татаббу қилиб ёзилган. Саккокий, Атоий ғазалиётида беш байтли ғазаллар жуда ҳам кам. Лутфий девонида эса уларнинг умумий сони 80 дап ортиқ. Маълум бўлаёттики, Бобур бадиий ижоднинг бу жабҳасида, бир томондан, олти байтли ғазаллар ёзишни системага солиб, оригиналликка интилган, иккинчи бир ёқдан, Мавлоно Лутфий ғазалчилиги заминида туриб иш юритган.

Шундай қилиб, айтилган фикрлардан умумий хулоса чиқарилса, ўзбек дунёвий адабиётининг улкан вакили Мавлоно Лутфий лирикаси Бобур шеърятини ва поэтик маҳоратининг шаклланиш босқичларида таянч омиллардан бўлганлигини айтиш асосли бўлади.

---

<sup>1</sup> Алишер Навоий. «Ҳазойинул-маоний», 3-китоб. Тошкент, 1960. 703-бет.

<sup>2</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент, 1960, 157-бет.

## ТАНОСИБ САНЪАТИ ВА ШОИР МАҲОРАТИ

Ҳақиқий ижод ҳамиша илҳом ва туйғудан бошланади деган гап бор. Бу — шубҳасиз ҳақиқат. Илҳом ва туйғудан маҳрум асар жон ва жозибадан маҳрум нарса. Бунақа асарларни «ҳеч қандай юксак ғоя, ҳеч қандай муҳим тема, техника, малака тирилтира олмайди»<sup>1</sup>. Лекин чуқур билим, мустаҳкам назарий заминга таянмаган илҳом ва туйғу ҳам бебақодур. Шунинг учун Муҳаммад Фузулий илмсиз яратилган шеърни асоси йўқ деворга қиёслаб. «асоссиз девор ғоятда беэътибор ўлур» деб эътироф қилган эди<sup>2</sup>.

Шарқ шоирлари бадиий ижодда масаланинг ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатларига қаттиқ таянганлар. Бу нарса уларнинг илми бадеъ шартларини пухта ўзлаштириб, шеърятда шакл ва мазмун мукамаллиги учун ёрдам берадиган хилма-хил лафзий ҳамда маънавий санъатларни пзчил татбиқ эта боришларида айниқса яққол кўринади. Заҳриддин Муҳаммад Бобур тажрибалари ҳам бу жиҳатдан жуда характерлидир. Бобур, умуман, Шарқ поэтикаси кўрсатмаларига қандай муносабатда бўлган? Бизнингча, бу ҳақда тасаввур бериш нуқтаи назаридан қуйидаги факт ниҳоятда характерлидир. Бобур аруз илмига бағишланган рисоласида ёзади: «Таърих тўқуз юз ўн бирдаким Султон Хусайн Мирзо Муҳаммад Шайбонийхоннинг дафъига азми жазм қилиб, тамом ўғлонларин

<sup>1</sup> Абдулла Қаҳҳор. 6-том, Тошкент, 1971, 285-бет.

<sup>2</sup> Муҳаммад Фузулий. Девон (дебоча). Тошкент, 1968, 20-бет.

тилатти, мени доғи тилаб эрди. Кобулдин Хуросонға мутаважжиҳ бўлгонда йўл асносида Мирзонинг мавти хабари келди. Бавужуд бу хонаводанинг номусини қоралаб келиб Мурғаб ёқосида Султон Хусайн Мирзолар била мулоқот қилдим. Бу жамиятнинг истимоидин Муҳаммад Шайбонийхон туриш мароғин топмай Балхдин Мовароуннаҳрга мурожаат қилди. Ушал фурсатга Мир Атоулло Машҳадийнинг шеър санъийи итган «Бадойиъус санъийиъ» отлиқ рисоласи назарга келди. Муталаввин санъатида мундоғ дебтур: Рашид Ватвот нақл карда, ки Аҳмад Маншури мухтасаре сохта ва онро Хуршидий шарҳ карда ва номаш «Канзул ғаройиб» ниҳода ва жумлан он мухтасар аз ин абёти муталаввинист. Ва дар онжо байте оварда, ки баса донад вазни онро метавон хонд. Аммо Рашид он байтро наеварда. Агар мееовард аввале мабувад, то мардумро таваҳҳум газоф нашавад<sup>1</sup>. Анинг истибъидин мутаажжиб бўлуб бу байтни айтилди:

Қошига борғали кўнгул ўзига келмади нетай,  
Ўзига тушғали кўзум кўзига илмади ул ой<sup>2</sup>.

Бобур муталаввин санъатида ёзилган шеърларидан бошқа намуналарни ҳам рисоласида келтирган. Хуллас, шоир классик поэтикадаги мавжуд санъатларнинг аксариятини ғазал, рубоий, туюқ ва маснавийларида зўр дид ва эътибор билан ишга солган.

Ушбу мақолада Бобур рубоийларида таносиб санъатининг қўлланиши масаласини бадий маҳорат аспектида ёритишга ҳаракат қилдик.

---

<sup>1</sup> Таржима: Рашид Ватвот нақл қилиб, Аҳмад Маншури эса мухтасар тузиб ва уни Хуршидий шарҳлаб, номини «Канзул ғаройиб» деб қўйди. Абёти муталаввин ўша мухтасар жумласидандир. Ва унда байт келтирилиб, унинг вазнини билса ўқиши мумкин эди. Аммо Рашид ўша байтни келтирмаган. Агар келтирсада биринчи бўларди, одамда шубҳа туғилмасди — И. Ҳ.

<sup>2</sup> Б о б у р. Мухтасар. Тошкент, 1974, 44-бет.

Таносиб ёки мурот-ун назир Шарқ шоирлари томонидан севилиб, энг кўп қўлланилган бадеъ санъатлардандир. У арабча бўлиб, бир-бирига маънодош сўз ё нарсаларнинг бир жойга жамланиши мазмунини англатади. У «тавфиқ», «эътилоф», «талфиқ» деб ҳам юритилган. Атоулло Хусайний «эътилоф» сўзининг маъносини ўзига улфатликка олиш, пайваста этиш демакдир, дейди. Худди шу изоҳда таносибнинг истилоҳий моҳияти янада ёрқинроқ кўринади. Негаки, шоир бу санъатга мурожаат этганда поэтик гоёни мазмунан бир-бирига пайваста ва улфат бўла оладиган сўз, образ, ташбиҳ ва тафсилларнинг мустаҳкам боғланиши — қонуний мутаносиблигидан келтириб чиқариши керак<sup>1</sup>.

Таносиб шеърийатда кечинмаларнинг яхлит манзарасини бериш, фикрни маълум бир нуқтадан аниқ бир чегарагача мантиқий хулосага етказиш, ҳис-туйғулар табиатига мос мунтазам оҳанг топишда кенг имкон беради. Бугина эмас, таносиб шоирдан ихчам ва тиниқ тилда ёзишни, асосий мақсадга хизмат қилмайдиган ҳар қандай чекиншлардан сақланишни қатъий талаб қилади. Таносиб Бобур рубойларида энг кўп қўлланилган. Бироқ у доимо юқорида айтилган функцияларни бажаришга бўйсундирилганлиги билан характерлидир.

Сен гулсену мен ҳақир булбулдурмен,  
Сен шуъласену ул шуълага мен қулдурмен,  
Нисбат йўқтур деб ижтиноб айламаким,  
Шаҳмен элга, вале сенга қулдурмен.

Бу рубой ишқ ҳақида. Унда севгининг ҳаётий қудрати жуда юқори баҳоланган.

---

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Атоулло Хусайний. «Бадоеъ-ус саноеъ» Душанбе, 174, саҳ. 167—169; Шайхзода М. Устоднинг санъатхонасида. Асарлар. 4-том, Тошкент, 1972; Исҳоқов Е. Таносиб. «Ўзбек тили ва адабиёти», 1970, 6-сон.

Шоир фикрни маъшуқани гулга қиёслашдан бошлайди. Тапосиб қойдасига кўра энди шеърга маъно томонидан шу сўзга мутаносиб тушадиган сўз ё образни олиб кириш керак. Бу унча мушкул иш эмас. Адабий авъанага биноан гулга булбулни ёндош келтириш мумкин. Бобур ҳам шу таомилни бузмай мисрани «Сен гулсену мен ҳақир булбулдурмен» тарзида тузади. Демак, биринчи мисрада таносиб санъати бевосита ўз вазифасини бажарди. Иккинчи сатрда аҳвол қанақа? Шоир гул ва ҳақир булбул нисбати билан боғлиқ гапни ривожлантириб, маълум бир поэтик хулосага келиши мумкин эди. Шу йўлдан борганда ҳам Бобурнинг жозибадор бир рубоий яратишига шубҳа қилиб бўлмайди. Бироқ у ўз бадий ниятига параллел таносиблар орқали эришмоқчи. «Сен шуъласену ул шуълага мен кулдурмен» — бу фикр ана шу аҳтиёждан туғилган. Маъшуқа васфидаги шуъла ташбиҳи яхши. Ошиқнинг «кулдурмен» дейиши ҳам, умуман олганда, эътирозга сабаб бўла олмайди. Бироқ бу ерда эътирозли бошқа гап тузилаётир. Гул, ҳақир булбул, шуъла, кул — ахир булар ўртасида мантиқий боғланиш йўқ-ку! Наҳотки шоир таносиб талабларини эсдан чиқарган бўлса? Йўқ, бундоқ эмас. У гўё атайлаб хатога йўл қўйиб шундан гап чиқармоқчи:

Нисбат йўқтур деб ижтиноб айламаким,  
Шаҳмен элга, вале сенга қулдурмен.

«Нисбат йўқтур деб ижтиноб айламаким» деган гап, бизнинг назаримизда, ёлғиз ёрга эмас, шеърхон ва шеършуносга ҳам қаратилгандир. У изоҳ характериға эга. Бу билан шоир таносиб шартларини ёддан чиқармаганлигиға ишорат қилиб, усталик билан шеършунос таъналаридан ҳам ўзини халос қилади. Хўш, охириги мисрада ёндош берилган шоҳ ва қулни мазмунан бир туркумдаги сўзлар деб бўладими, деган савол туғилади. Ҳозирги ҳолатида бўлади. Чунки шоир ишқ олдида фақат инсон деган гап

бор, шоҳу гадо, ҳокиму қул — булар мутлақо нисбий тушунчалардир, деган умуминсоний бир фалсафани олға сураётир.

Рубойи шаклан кичик жанр бўлса-да, унда таносибнинг тўла татбиқ қилиниши анча сийрак учрайдиган ҳодисалардан. Бу ишнинг уддасидан чиқиш учун ижодкорда санъаткорлик малакаси юксак бўлиши керак. Бобур тажрибалари ушбу ҳақиқатни тўла-тўқис тасдиқлашга қодир. У ёзади:

Ишванг била ғамзангнию позингниму дей?

Жавринг била сўзунгу гудозингниму дей?

Сўзунг, қилингинг, павозишингму этай,

Овозу усулиггнию созингниму дей?

Мазкур рубойи ортиқча изоҳ талаб қилмаса керак. Шоир сатрларга гўё дид билан таялаб терилган сўз дурларини тизиб чиққан. Улар мазмунан бири иккинчисини қувватлайди, тўлдиради, моҳиятда бераҳм ёрнинг нозу истиғноларини таъкидлайди.

Албатта, ҳар қандай бадий санъат шоир учун бир восита. У ҳеч қачон мақсад бўлмаган, бўла олмайди ҳам. Афсуски, бу соҳада қилинган айрим илмий ишлар ўқувчида бошқача таассурот туғдиради. У ё бу шоир гўё шеърни қандайдир бадий санъатларни қўллашга, моҳирлигини кўрсатиш учунгина ёзган; гўё шоирнинг шундан бўлак мақсади бўлмаган; гўё шоирнинг маҳорати ўз моҳиятига кўра санъатбозликдан иборат. Аслида чинакам ижодкорлар бундай юзаки нуқтаи назардан мутлақо йироқ бўладилар. Улар шаклнинг ролини инobatга олган ҳолда ижодда бой мазмун учун курашадилар. Саёз маъноли асар, у қанчалик гўзал шаклга эга бўлмасин, шоир қанчалик гўзал бадий усул ва воситаларни қўлламасин, шоирларимиздан бирининг таъбири билан айтганда, нари борса, «Лой қўғирчоққа атлас уст-бош кийгизгандек гап» бўлади. Истеъдодли санъаткор эса бундай бедодликка тоқат қила олмайди. У «Санъату рангни қўй, сўзда керак

дaрд илa сўз» (Алишер Навоий) деб талаб қилади. Бобур ҳам шундай эстетик идеалга содиқ ижодкорлардан. Бобур ясама ранг, сохта санъатбозликни шеърнинг бўйнидаги сиртмоқ деб билган. Шунга кўра, бошқа бадиий санъат қатори танаосиб ҳам Бобур рубойларида чуқур ва жонли фикрлар ифодаси учун хизмат эттирилгандир.

Бобур шеърятининг характерли белгиларидан бири— унинг табиатга яқинлигидир. Маълумки, табиат бадиий ижод аҳли учун азалдан илҳом манбаи бўлиб келган, шундай бўлиб қолади ҳам. Ҳассос шоир қалби доимо табиатга меҳр-муҳаббат ҳислари билан тўла бўлади. Бугина эмас, у табиатдан шеърларига ранг ва жило ахтаради. Дил куйларини табиатнинг серхаёл ва улуғвор оҳангларига мослаб чалиш орзуси билан яшайди. Бундай фазилат Бобур таланти учун ҳам хос эди. «Бобурнома»да келтирилган фактлардан маълум бўлишича, табиат манзараларини жуда завқ билан севган Бобур ҳатто ўзининг қатор ғазал ва рубойларини тўғридан-тўғри ям-яшил дарахтзорлар, лолага бурканган қир-адирлар, хазонга кўмилган чорбоғлар бағрида туриб яратган. Бу ҳақда унинг ўзи «Бобурнома»да анча маълумотлар қолдирган. Мана шулардан бири: «Баҳорлар Борон ёзиси ва Чоштуба ва Гулбаҳор доманаси бисёр хўб бўлур. Сабзаси Кобул вилоятининг ўзга ерларига боқа, хили яхши бўлур, турлук-турлук лолалар очилур, бир қатла лола анвоини буюрдумким санадилар, ўттиз тўрт навъ лола чиқти, нечуким бу ерларни таърифида бир байте айтилиб эрди:

Сабзау гуллар билан жаннат бўлур Кобул баҳор,  
Хосса бу мавсумда Борон ёзисию Гулбаҳор.

Ушбу сайр келганда бу ғазални тугаттим:

Менинг кўнгулмки гулнинг ғунчасидек таҳ-батаҳ қондур,  
Агар юз минг баҳор ўлса очилмоғи на имқондур»<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент, 1960. 263-бет.



Мазкур фактнинг яна бир муҳим томони бор. Юқорида келтирилган икки байт шеърнинг биринчисида шоир манзара тасвирини беради ва шу орқали ўқувчи ҳис-туйғуларини жонлантиради. Кейинги байтдаги моҳият бошқача характерга эга. Унда шоир табиатга боқиб туриб, қалбига нигоҳ ташлайди. Яъни табиат таъсирида туғилган субъектив изтиробини — «гулнинг гунчасидек таҳ-батаҳ қопга» ботган кўнгил дардини тасвирлайди. Лекин Бобурнинг табиат илҳомлари билан яратилган рубойларида шодлик, ҳаётчан майилларга даъват кайфиятлари устуңлик қилади. Бир мисол:

Хотирни баҳор фаслида гашт оладур,  
Кўз нурини рангу лолау дашт оладур.  
Хуш улки толаларда юриб сайр этса,  
Бу фаслдаким латифу дилкаш толадур.

Бу ғоявий-бадий жозибаси зўр бир рубой. Унда ҳиссиётга тўла инсоний кайфият, ҳаётий маъно бор. Мусаввар шоирнинг гўё ласадан ранг олиб чизган «латифу дилкаш» манзараси бор. Ростини айтганда, рубойини ўқиган киши баҳорнинг хушбўй ва эрка нафасини сезгандай бўлади. Юрак «толаларда юриб сайр» этиш ҳавасида орқади.

Маҳорат ҳаммавақт конкретлик билан узвий боғлиқ. Юқоридаги рубой аниқ фикр билан бошланиб, шу усулда хотималанган. Бунга эришиш учун эса шоирга таношиб санъати жуда қўл келган. Рубойдаги ҳар бир сўз ўз ўрнида, фикр бир сўзнинг иккинчи сўзга мазмунан боғланиши, алоқадорлигида ривожлантирилган. Шунинг учун мисралар бир-бирининг мапткий давоми сифатида юзага келганди. Баҳор фаслидаги гашт «хотир» билан боғлиқ. «Кўз нури» иборасини ранги лолау даштдан ажратиб бўлмайди. Айни пайтда, баҳор фаслидаги гашт тезиси бўлмаганда кейинги сатрдаги фикр қанчалик ҳаё-

тий бўлмасин, бари бир муаллақ қоларди. Худди шу гап кейинги байтга ҳам тегишлидир. Бу ерда яна бир сир бор. Шоир охирги сатрда «Бу фаслдаким латифу дилкаш толадур» деган хулосани ёзади. Бундай қараганда, бу гап баҳор фаслида гулу долалар билан безанган дала энг «латифу дилкаш» жой бўлади, мазмунини англатади. Рубоийда шу мақсад ҳам кўзда тутилган.

Табиат манзараларини бетараф туриб тасвирлашдан фойда чиқмайди. Уларнинг инсон ҳис-туйғуларига боғлиқ, муносабати бор шакллари топилаётганига мазмун чиқади. Бобур буни топиб айтган ва ихом санъати воситасида шеърнинг учинчи ва тўртинчи сатрларида «Баҳорда далаларда юриб сайр этиш гаштли. Чунки бу фаслдаги саёҳатларнинг толиқиши ҳам кишига завқ беради» деган фикрни олға сурган. Шундай қилиб, сўнги мисрадаги «тола» сўзи дала ва толиқиш маъноларида ишлатилган. Акс ҳолда, Бобур бу сўзни икки марта келтирмаган бўларди. Ёки такаллуф-ул қофия деган қусурга йўл қўйган ҳисобланарди.

Атоулло Ҳусайний форс-тожик шоирларининг девонларида таносибдан холи камдан-кам шеър топилишини ёзади. Бу гап бежиз айтилмаган. Бадий ижодда бу санъатнинг классик намуналарини Ҳофиз Шерозий, Саъдий, Хусрав Деҳлавий, Абдурахмон Жомий шеърлярида кўплаб учратиш мумкин. Шундай фикрни Лутфий, Алишер Навоий, Бобур ва бошқа ўзбек шоирларининг ижоди ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Санъат ва адабиётда бўлганидек, ундаги бадий восита ва усуллар ҳам ўзгариб, яшариб, имконият доираларининг кенгайиб боришини талаб қилади.

Идрокингу таъбу ҳушунгга банда бўлай,  
Овозу усулу жўшингга банда бўлай  
Тақсим қилурда нақшларга абёт,  
Таъриб била ўқушунгга банда бўлай.

Бу тўртликда ўзига хос ошиқона кайфият — лирик қаҳрамон қалбининг ипакдай нафис ҳисларга тўлган ҳолати тасвирланган. Маъшуқанинг сочи ҳам, нози ҳам, хуллас ҳамма-ҳаммаси, ошиқ дилини ўртайди. Унинг ҳолига, истиғносига, сарв қоматига банда бўлавериш мумкин. Лекин ошиқ бу гал ёрининг «таъриб била» абёт ўқишига мафтун. Рубойидаги жинсдош сўзлар мана шу ҳақиқат талаби асосида танланган. Шоир гапни идрокдан бошлаб ёзади. Идрок, таъб, ҳуш — булар мазмунан бир-бирига алоқадор, ягона туркумдаги сўзлар. Мабодо, юқоридаги сатр «Идрокингу ҳусну нозингга банда бўлай» тарзида тузилса-чи? Бунда қайтага мисранинг эмоционал қуввати ортган бўлурди. Бироқ Бобур масаланинг ўзак-негизини шоир ва олим сифатида яхши билади. Шу боис иккинчи сатрда «Овозу усулу жўшингга банда бўлай» дер экан, яна овоз, усул, жўш сўзларини танлашда таносиб усули шартларига амал қилади. Кейинги байтдаги тақсим, нақш, абёт, таъриб сўзлари ҳам мутлақо таносиб негизида кашф этилган. Хуллас, бу рубойидаги таносиб янгилик характериға эгадир.

Бобур умрининг катта қисмини она юртидан олис ўлкаларда — Ҳинд ва Афғон тупроғида ўтказгани маълум. Шоир бегона юртларда азиз ватанини, халқини қаттиқ соғинар, хешу ақраболарининг дийдорини қўмсаб азоб чекарди. Бобур ижодида кўплаб шеърий мактубларнинг пайдо бўлиши худди шу сабаблар билан боғлиқ. Гап шундаки, у нома — рубойларида айрилиқ, соғинч туйғуларини кучайтириш, эмоционал мазмун бахш этишни аксар тапосиб зиммасига юклайди:

Помавгки тириклигим нишони эрди,  
Ҳар сатри ҳаёти жовидовий эрди,  
Ҳар лафзида ошкор юз ҳарфи вафо,  
Ҳар ҳарфида юз меҳр ниҳоний эрди.

Рубойида лирик қаҳрамон дилида мактуб олинч муносабати билан тугилган ҳасрат аралаш шодлик туйғулари

тасвир этилган. Биринчи мисрада шоир мактуб моҳиятини характерловчи умумий тезисни баён этади. Одатда, бирор масаланинг туб ўзаги очиладиган бўлса, у ё умумлаштирилади ёки деталлаштирилади. Бобур мазкур шеърда кейинги вариантни қўллаган. Шунинг учун нома ҳақидаги фикр аввал унинг «ҳар сатри»га, кейин «ҳар лафзи»га кўчирилиб, ниҳоят, «ҳар ҳарфи»га билдирилган субъектив муносабат билан яқунланади. Бу ерда ҳеч қандай тасодифийлик йўқ, албатта. Рубойидаги сўзларнинг ҳаммаси ҳам таносиб қоидалари асосида қўлланган, сатрдаги «ҳаёт», учинчи мисрадаги «вафо» ва охириги қатордаги «меҳр» сўзлари ўртасида ҳам бузилмас мантиқий мувофиқлик мавжуд. Қуйидаги рубойида эса таносибнинг янада гўзал ва мумтоз намунасига дуч келамиз.

Ул хатки, анда сени ёд этгаймён,  
Кўз оқида кошки савод этгаймён.  
Киприклардин анга қалам рост қилиб,  
Кўз қаросидин анга мидод этгаймён.

Дунёда орзу ва ниятдан кўни бўлмайди. Аммо бунақа шоирона орзу камдан-кам учрайди. Бу — ҳижрон ўтларида қалби ёнган интизор одамнинг орзуси. Шоир таассуротни моҳият даражасида кучайтириб кўрсатиш учун таносиб санъатига таянади. Бунинг ҳақиқатига етиш учун рубойидаги мисраларни бир-бир кўздан кечириш кифоя. Чунинчи: 1. Мен сени ёд этиб хат ёзаман. 2. Қани энди шу хатни кўз оқида битсам. 3. Шунда киприктан қалам ясардим. 4. Сиёҳи эса кўз қаросидин бўларди.

Энди тўртликдаги сўз ва ибораларнинг ўзаро мантиқий муносабатига диққат қилинг: хат тушунчасисиз кўз оқини тасвир доирасига киритиш мумкинми. Ехуд киприк — қалам, кўз қароси — сиёҳ — буларни рубойидаги бош тезисдан ажратиб кўринг-чи! Демак, шоир таносиб орқали шакл томондан ҳам, мазмун жиҳатидан ҳам рубойини мукамал нуқтага олиб чиққан.

Шундай қилиб, Бобур рубойларида мазмунни мух-тасар, кўркем шаклларда ифодалаш учун таносиб санъа-тидан кўп ва хўп фойдаланган. Бобур учун таносиб ру-бойда фикрий изчилликни юзага келтириш, воқеа-ҳоди-салар ўртасидаги боғланишларни яхлит бадиий лавҳалар ва манзараларда тасвирлаш мақсадларида ишлатилган санъатдир. Бу соҳада Алишер Навоийдан кейин эришил-ган энг катта ютуқлар ҳам Бобур номи билан боғлиқ.

## ОГАҲИЙ БАДИИЙ ИЖОД ҚОНУНИЯТЛАРИ ҲАҚИДА

Ҳар бир улуғ шоир тимсолида Ватан ва халқ Виждо-ни камол топа боради, замон ва келажак нафаси — у ёки бу шаклларда янгиланади. Муҳаммад Ризо Огаҳий ана шундай санъаткор. У ҳақида:

Улки огаҳларнинг огаҳидур,  
Фаҳму дониш сипеҳрининг маҳидур.  
Сўзи ориқдур гуҳардан ҳам,  
Фазлу донишда олам нчра алам,—

дейди Муҳаммад Ниёз Комил. Дунёда огоҳлардан огоҳ-роқ идрок билан яшамоқ, очингани айтганда, оғир тақдир. Лекин дард ва армон ўтида ёнган ҳақиқий шоир қалби дунёнинг пасту баландидан огоҳ бўлиши шарт. Шундагина шеърят ўз зиммасидаги вазифаларни имкон даража-сида адо этиб, эл ва юртининг эрк чегараларини Сўз билан муҳофаза қила билади. Шундагина шоир опа Шеърят-нинг содиқ ва курашчан фарзандига айланади. Бу жиҳат-лардан ҳам Огаҳий энг ибратли классикларимиздан.

Огаҳий шеъряти — ўз даври ижтимоий-сиёсий ҳаёти, маънавий талаблари билан мустаҳкам боғланган, унча яратилган Шарқ адабиётидаги илғор адабий анъаналар ҳавосида шаклланган юксак шеърят. Унинг такомиллида буюк Алишер Навоий поэзиясининг таъсири айниқса бе-қнёс бўлганлиги маълум. Буни шоирнинг ўзи шундай сўзларда эътироф қилганди:

Огаҳий, ким топқай эрди сози назмингдин наво,  
Баҳра гар йўқтур Навоийнинг навосидин санго.

Огаҳий шеърятининг ғоявий кўлами кенг. Бадий буюқлари хилма-хил. Қуюқ ва жозибатор. Эҳтирос йўллари гоҳо фавқулудда ёрқин. Унинг поэтик образлари аксарият ҳолларда, туйғуга жон, фикрга руҳ бағишлаши билан шеърхонни ҳайратга солади.

«Тоза шеър тафаккур бодасин ичиб, гоҳо ўзимга келдим, гоҳо ўзимдан кетдим», деб ёзади Огаҳий. Бу шоирона ифодада Огаҳий шеърятининг ғоявий таркибини англаш ва баҳолашга ёрдам берадиган муҳим ҳақиқат аксини топган. Гап шоирнинг эстетик ақидалари масаласи тўғрисида бораётир.

Огаҳийнинг «Таъвизул ошиқин» девонида шеър ва шоир, назмда маъно ва шакл, сўз ва сўз устида ишлаш санъати, жанр талаблари ва ижро каби қатор муаммолар бўйича эстетик йўналишдаги фикрлар айтиб ўтилган.

Шоир девони дебوحасида ёзади: «...шеър бир неъматин ўзамодурким, тангри таоло уни ҳар кишига ато қилмашидур ва шеър шоирнинг изат ва давлат неъматин ҳосил қилмоғига сабаб, балки икки дунё манзалати саодатиға восил бўлмоғига бонедур». Бу ерда икки муҳим жиҳат ҳақида сўз юритилган. Биринчиси — шеър, иккинчиси — шоирлик иши. Огаҳий шоирликни тангри таоло иноятидаги ҳодиса сифатида шарҳлаб, шеърни олий бир неъмат баҳолайди ва у орқали «икки дунё манзалати саодатиға восил» бўладиган хайрли ишларни амалга ошириш имкониятларига ишорат қилади.

Шеърят, энг аввало, одам сийратини тозалайдиган куч. У — руҳ таянчи. Унинг маърифати ақлга шафқат бахш этади. Шеърят зиммасидаги масъулиятли вазифа — одам қалбини ўткинчи ва майда туйғулардан, ёвуз ва тубан тушунчалардан омон сақлаш, поклаш, унда ҳаётдаги собит ҳақиқатларга эътиқодни ифодалайдиган фикру туйғуларни таркиб топтиришдан иборат. Бу ишга ўзини астойдил алоқадор сезган ижодкорда ўзига хос маънавий табиат, ёрқин характер бўлиши керак. Буюк санъат ижодий шахсият мусиқаси ва халқ дилининг қаъ-

ридан тараладиган оҳанг уйғунлигидан тузилади, деган фикр бежиз айтилмаган. Шахсият ижодий ишда кўп нарсани белгилайдики, мана шунинг учун Навоий ижодиётида мислсиз бир теранлик яшайди. Мана шунинг учун Бобур поэзиясида тасаввур ғоятда янгиланади. Мана шунинг учун Машраб ғазалларида шаккоклик ва саркашлик, уни ўзи айтмоқчи, руҳи жонни осмоний баландликка кўтаради.

Шеърят ва шоир шахсияти масаласи — Огаҳий эстетикадаги эстетик масалалардан бўлган. У ижодни шоир шахсиятидан ажралган бир ҳолат деб билмайди, аксинча, уни шоир характери, руҳий эҳтиёжлари ва маънавий имкониятлари билан узвий боғлайди.

Сўзига боқ агар белмак тиларсен кимса аҳволин,  
Ки асрори ниҳон суратига келди мазҳар сўз.

Бу гап барчага тегишли, жумладан қалам аҳлига ҳам. Огаҳийнинг фикрига кўра, шеър шоирга «яхши фарзанд». «Ул фарзанди дилбанд» боқий яшаш лаёқатига эга бўлмоғи керак. «Бад тийнатлик» шоир учун фоже ҳол. Огаҳий пок сўзни муассир, яъни таъсирли сўз деб белгилайди. Соф таъб шоирнинг «сўзи кўпрак кўнгулларни олур», деган ишонч билан қалам тебратади.

Огаҳий таъбири билан айтганда, «шеър — яхшилар шоири». У яхшилик, инсонийлик ғояларининг тарғиботчиси ва байроғи бўлмоғи керак. Табиийки, шоир шеър хусусида умумий тушунчалар билан қаноатланмаган, шакл ва маъно масалаларини ўзича ҳал этиш йўлидан борган. Бунда у ўзигача бўлган прогрессив шоирларга издошлик ҳам қилади. Шоир шеърда шаклнинг муҳим аҳамиятини сира инкор қилмайди. Бироқ шакли ҳар қанча гўзал бўлгани билан маъно қудрати суст асарлар яратишга мутлақо қарши туради.



Огаҳий, пазминг аро дил сўз мазмун бўлмаса,  
Сода ашъоринг била девону дафтардин на ҳаз.

Маъно ҳақида гапирганда Огаҳий бир тушунчага кўп ургу беради. Бу — Дард. Шеърхонни ларзага келтирадиган ҳассос инсоний дардлардан маҳрум мазмунда ҳарорат кўрмайди шоир. «Дард ўтидин бўлмаса махлут агар мазмунга ўт», «шеъринг ўлғай муздин совуқ», дея ҳукм қилади у. Дард нима? Бу саволга Огаҳий махсус жавоб ахтармайди. Дард ва дард ўти унинг шеърларида. У шеърда дарднинг юрагини очади, гўё дард сувратларини чизади.

Оҳким, аҳли замон олдида одам улдурур,  
Ким эса ҳайвон киби подону, хўрду хоблиғ.

Бу чинакам дард — ҳайвон каби хўрду хоблиғни яшаш мазмунига айлантирган ва шу тубанлик туфайлигина «аҳли замон» олдида қадр пайдо қилган подонликка, барча ёмонлик ва жаҳолат ҳомийси замонга қарши қўзғалган дард.

Кўкка чиқсанг ҳам қуёшдек тушқосан ер остига,  
Изу жоҳу даҳрдин кибру ҳаво қилмоқ ғалат.

Шоир дард деганда ана шундай шафқатсиз изтиробларни тушунади. Ана шу каби одамнинг ички мувозанатига қаттиқ таъсир қиладиган беомон ҳақиқатларни тасвирлайди.

Огаҳий — ҳасратли шоир. Унинг ҳар бир шеърда инсоний азоб бор. Чунки: «Аҳли маъни лозимидур ғамдин ўлмоқ сина чок». Бу гапни улуғ шоиримизнинг эстетик шиорларидан бири деб билмоқ лозим.

Маълумки, жанр хилма-хиллиги классик шеърияти-мизнинг асосий хусусиятларидан. Адабий жанр таланти

ижодкор учун ҳеч вақт шаблон тушунча бўлмаган. Албатта, ҳар қандай жанрнинг қалам аҳлини бўйсунтиришга мажбур этадиган қонуниятлари бор. Лекин уларни билиш ва ўзлаштиришнинг ўзигина юксак ижодий самара бермайди. Бир жанрда ёзиш — бу ўша жанр бадиий имкониятларини мукамал ҳис қилиб, уни ўзига буткул тобе этиш демакдир. Шундагина жанр табиати бойийди, ижодкорнинг ўзлик қиёфаси шакл соясида хиралашиб қолмайди. Огаҳийнинг мана бу мулоҳазаларида ушбу ҳақиқатларга аниқ ишоратлар бор: «...ҳар тоифанинг хонига лойиқ ва ҳар жамоанинг афъолига мувофиқ бир мазмун шоҳидининг хаёли хотирим кўзгусида хутур қилса эрди, гуногун иборалар била рангин назмлар либосин кийдириб, дилкаш суратлар била халойиқ назарда намоийиш берур эрдим ва ҳар бирининг рангин рухсори ва мушкин гисўси тамошасидин шавқ ва асирлиғ мақомига еткурур эрдим, андоқким шавқ ангиз ғазаллар ва мавиза омиз қасидалар ва муҳаббат асар рубойлар ва диққатпарвар маснавийлар ва базм аро мухаммаслар ва руҳ афзо мусаддаслар назм силкига чекиб бир неча қоғоз параларига мусаввадда қилур эрдим».

Шоир ёки ёзувчи ижод қонуниятларига доир эстетик фикрларида, ҳеч шубҳасиз, кўпроқ ўз тажрибаларига суянади. Огаҳийнинг лирик жанрлар муносабати билан айтилган қарашларида ҳам тажрибанинг роли бор.

Ғазал—шеърятдаги энг поэтик жанр. Алишер Навоий «Ғазал таври... барчадин дилосороқ ва нишот афзороқ» деган эди. Ғазал ёзмоқ шоирдан катта шавқ ва руҳий қувватни талаб этади. Ғазалнавис сифатида Огаҳий буни бошдан кечирган ва улардан умумий хулосалар чиқарган. «Ғазал айтурға,— дейди у, — хуш таъбу қави дил керак». Ахир чинакам ғазал яратишнинг бош сири шунда эмасми? Шоир қисқагина жумлада ғазал ва ғазалнавис меҳнатини характерлашга муваффақ бўлган. Мана, бир мусаммандан олинган икки мисра:

Огаҳий янглиг рубойи санъатини фан айламак,  
Фикр ила дилкаш мухаммаслар муайян айламак.

«Рубойи санъатини фан айламак», — шу тўрт сўз рубойи ёзишнинг мураккаблиги ҳақида ҳам, бу санъатни ўзлаштириш малакаси тўғрисида ҳам тасаввур беради. Огаҳий эстетик қарашларига хос бир хусусият шундаки, у ўз тажрибаларига тегишли фикрларни умумшеърийят мезонларига мувофиқ тушадиган мазмунларда баён этади. Унинг шеърларидаги маснавий, қасида, мухаммас каби жанрларга оид қайдларнинг аҳамияти ҳам мана шунда.

Адабиётшунослик илмимизда бадий маҳорат масалаларига эътибор кундан-кунга ортиб бораётир. Аммо бу соҳада амалга оширилаётган тадқиқотларнинг айтарли ҳаммасида ҳам шоир маҳоратининг энг яширин илдишларини очадиган бир жиҳат назардан четда қолмоқда. Бу — шеърда Сўз тақдири, шоир меҳнати ва сўз фаолияти. Нафосатли шоир луғати ҳамиша ҳайратланарли даражада сербўёқ, порлоқ ва оҳангдордир. Бундан ташқари, шеърийят аслида сўзни уйғотиш санъати. Айни шу маъноларда ҳам Огаҳий сабоқ бўларли гапларни битиб қолдирган.

Кўнгул бир баҳри заххору ондадур покиза гавҳар сўз,  
Вале шарт улки маъни шоҳидига бўлса зевар сўз.

Огаҳийнинг тасаввурида кўнгул — теран бир баҳр. Сўз ундаги покиза гавҳар. Аммо бу гавҳар ўз-ўзича қимматли бўлиши мушкул. У маънога хизмат қилиши, маъно зеварига айланиши шарт.

Тонг эрмас, Огаҳий, аҳли жаҳон шеърингга майл этса,  
Нединким, ҳар сўзинг назм ичра бир гавҳарга ўхшайдир.

Ушбу байт фахрия услубида айтилган. Унда, ажабмаски, шеърларим жаҳон аҳлига майл пайдо этса, негаки улар-

даги ҳар бир сўз гавҳарга ўхшайди деган мазмун акс эттирилган. Ва бу тўғридан-тўғри Огаҳийнинг ўзигагина тегишли гап. Бироқ байтдан умумий маъно ҳам келтириб чиқарса бўлади. Яъни: жаҳон аҳлига мақбул бўладиган шеър — ҳар бир сўзи гавҳарга ўхшаб терилган шеърдир. Бу ерда сўзни гавҳарга ўхшатишда янгилик йўқ. Лекин у шунчаки қайтариқ ҳам эмас. Шоир ўз қиёсида икки асосий нарсани назарда тутган. Биринчиси — шеърда маънога мос ва мувофиқ сўз топиш, саралаш малакаси, иккинчиси — унга сайқал бериш, яъни сўз устида ишлаш санъати. Буни қуйидаги байт янада тасдиқлайди:

Огаҳий назм айлаган сўздурму лаъли васфида,  
Е чекилган риштага сероб гавҳарму экан.

Огаҳийда «Сўз шарбати жондин амлаҳ дурур», деган сатр бор. Бу сатрда гап сўзни жондин устун қўйиш тўғрисидагина эмас. Ундан лаззатланиш, умуман сўз завқи тўғрисида ҳамдир. Бундай туйғудан маҳрум бўлмоқ — шоирни суханбозга, шеършуносни гўзаллик кушандасига айлантиради. Сўздан лаззатланиш — бу, сўз завқини тегран ҳис қилиш, миллий тил руҳига томон боришдирки, бунга эришмагунча шоирлик орзу бўлиб қолаверади. Огаҳий бир рубойида ёзади:

Сўздур бу жаҳон аҳли аро қулзуми жарф,  
Покиза маони ангодур дурри шигарф.  
Бу баҳр топар кўнгул аро гунжойиш,  
Лекин анго ҳар кўнгул бўла олмас зарф.

Тўртликда шоир сўзнинг қиммати (кенг маънода шеърнинг ҳам), маъно моҳияти, кўнгул билан боғлиқлиги, аммо гўзал маъноли сўзлар ҳар қандай кўнгулда ҳам жой топмаслиги ҳақидаги фикрларини образли тилда тасвирлаб берган.

Сўз қисматига масъуллиқ туйғуси дунёдаги барча халқларнинг улкан санъаткорларига хос, уларни бир жойга яқинлаштирадиган муштарак туйғулардан. Бундай ҳиссиётни биз Огаҳийда ҳам кўрамиз. «Сўздурур инсон кўнглида бир гавҳари қиммат баҳо», дейди шоир ва уни бўлар-бўлмасга «ҳар ҳуши йўқ ҳайвон» учун хор этмасликка чақиради.

Сўзни мафҳум айламак нофаҳмга мушкулдурур,  
Ким бўлиб сўз аҳли бағри қону ботгай қонга сўз.  
Раҳм этиб сўз ҳолига жоҳилга они демагил,  
Ким бўлуб безор ондин келгуси афғонга сўз.

Огаҳийнинг назарида сўз — огоҳлик ойнаси. Ҳақиқат яроғи. Унга нисбатан бегараз ва самимий бўлмоқ керак. Оддий инсон учун ҳам, ижодкор учун ҳам сўз чинлиги, сўз ва иш бирлиги энг муқаддас нарса.

Халқ аро гар огоҳ эсанг, Огаҳий,  
Бегараз ар сўзни десанг, Огаҳий.  
Улки эрур бошдин-аёқ чин сўзинг,  
Лек керакдур амал этсанг ўзинг.  
Гар амалинг бўлмаса не фойда,  
Барча сўзинг бўлгуси бефойда.

Бу сатрларда шоир мазмунда ҳақиқат бўлишини бош ўринга олиб чиқаётир. Шунинг билан бирга, Огаҳий шеъриятини тадқиқ этган олим Раҳмат Мажидий таъкидлаганидек, у «поэзиядек олижаноб соҳага кирмоқчи бўлган шоирларни юраги мусаффо, қалблари эса ҳар қандай ғарздан ҳоли бўлиши зарурлигини уқтиради, унинг ўзига бўлган хитобида бутун ижод эгалари — шоирлар назарда тутилади».

Биз юқорида Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг бадий ижод қонуниятлари билан боғлиқ эстетик ақидаларининг

айрим бирларинигина тилга олиб, уларнинг моҳиятини шарҳлаб ўтдик.

Огаҳий шеърий маҳоратини тадқиқ этиш адабиётшунослигимиз олдида турган энг муҳим вазифалардан саналади. Ана шу қимматли ишни амалга оширишда буюк шоиримизнинг эстетик кўрсатма ва ақидалари бебаҳо хазина қулфларини очадиган бир калитга ўхшаб ёрдам бериши шак-шубҳасиздир.

## ЎЛМАС ОҲАНГЛАР

Улуғ форс-тожик шоири Абдурахмон Жомийнинг «Хирадномайи Искандарий»сида шундай ҳикоят бор: дунёни эгаллашга қасд қилган Искандар, ниҳоят, бир шаҳарга етиб келади. Бу шаҳар — тенг ҳуқуқли, олижаноб фазилатли одамлар шаҳри. Жаҳонгирни у ердаги аҳолининг феълу атвори иттифоқо ҳайратга солади. Шаҳардаги барча одамлар тубан кимсаларга хос бутун иллатлардан йироқ. Уларнинг лаблари ғийбат ва бўҳтонларга юмуқ. Ҳамма фақат яхшилик ва эзгуликка сиғиниб яшашаркан. Унда «на бой бор, на гадо». Оғир меҳнатдан бели букиклар учрамайди. Давлат йўқ. Султон йўқ. Халқ озод. Қаноатли. Эркин. Искандарнинг дили маърифатга тўла, донишманд, том маънода руҳан эркин бир шахс билан бўлган баҳсу мулоқоти янада характерли. Бу собир зот инсон ғурури, қадри ва қонёлик ҳақидаги теран мулоҳазалари билан зобит шоҳни лол қолдиради. Искандар шаҳар халқига уни подшоҳ этиб тайинлашни таклиф қилганида, у: «Ман марди озодаам. Ба роҳи ҳавас пой нанҳодаам... Надорам тамаъ ганжу сйму зарат, Чу мор, аз чй халқа занам бар дарат?»— яъни: «Мен озод кишиман. Ҳою-ҳавас йўлига қадам қўймадим... Ганжу сийм, шуҳрату зар тамаъм йўқ. Нега даргоҳингда илонга ўхшаб ҳалқаланиб тўлганишим керак?»— дея рад жавобини беради.

Албатта, бу идеал ғоя, орзудан яралган қаҳрамон ҳақиқати. Лекин дунё то ҳануз турли халқлар, элатлар толеидаги қуллик, ҳали юраклардан қон силқиётган тенгсизлик, забунликларга чора аҳтараётган экан, ҳали му-

каммал инсон тушунчаси хаёлий бир тушунча бўлиб қолаётган экан, Жомий тасвиридаги бундай гоя ва қаҳрамон эътиқоди ҳаётий кучга эга ва умидбахшдир. Бугина эмас. Шарқимизнинг энг истеъдодли, инсонпарвар шоирларининг қалб ва виждонида доимий бир дард ҳокимлик қилган. Бу — шахс ички ҳаёти, маънавий эркинлигини ҳимоя қилиш, инсон ўзлигини топиш, англаш йўлидаги ҳур қарашларини кучайтириш дарди. Айни шу гоявий йўналишда гуманист санъаткорларнинг мақсад ва эътиқодлари бирлик топган, зулм, жаҳолат, ёвузликнинг ҳар қандай турига қарши шеърятнинг ягона кураш нафосини акс эттирган. Шунинг учун ҳам ўзбек демократик адабиётининг улкан вакили, маърифатпарвар, лирик шоир Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат поэзиясидаги айрим фикру туйғулар, айтайлик, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоийга ўхшаш даҳларининг нуқтаи назарларига яқин, ҳамоҳанг бўлиши мутлақо тасодифий эмас. Фурқатнинг мана бу мисраларидаги маъноларнинг Жомий талқинидаги ўша идеал қаҳрамон тушунчаларига уйғунлигини кўринг:

Биз истиғно эли қичқирмоғон маъвоға бормасмиз,  
Агар чинданки хирман айласа дунёга бормасмиз.  
Агар лаб ташна қолсак филмасал сахройи оламда,  
Малолат зоҳир этса мавж уран дарёга бормасмпз.

Ушбу сўзлар ўз қадрини ҳар нарсадан муқаддас кўрган, ғурури порлоқ, «сахройи оламда» лаб ташна қолганда ҳам, заррача бўлсин, руҳий ҳурлигига малолат чўктирмайдиган иродаси мустаҳкам халқ — зукко аждодларимиз тилидан битилган. Бу — жуда муҳим, халқнинг номуси ва миллий шуурини абадий поклаб борадиган ҳислат. Табиатан теран, нияти холис, олижаноб фазилатларига ишончи зўр миллат вакилигина, «Агарчи мис эрурмиз қиммати тиллоға бормасмиз», — дейиши ва «ҳаво лойиға ботган моумонлик», маҳдудлик, худбинликлардан



юз ўгирганлигини дадил изҳор этиши мумкин. Шеър да-  
вомида ўқиймиз:

Биз эллар — фақр элимиз, парча нонга сабр айлармиз  
Ғараз дунё учун Искандару Дорога бормасмиз.

Ҳақиқий шоир учун руҳ устуни бўладиган худди-  
шундай доно гурур зарур. Ўшандагина унинг тафаккури  
тиканли симлар чамбаридан озод, ҳақиқат маъволарига  
чиқади. Ўшандагина у ҳуқуқсиз, бироқ эрксевар омма-  
нинг истак ва дил ҳаракатларини поэтик сўзда маҳорат  
билан шакллантира олади. Фурқат шеърятининг энг  
ёрқин ва ибратли гоаявий-бадий жиҳатларидан бири ҳам  
мана шунда.

Фурқат ижодиётида «Уч хароботий эрурмиз» сўзлари  
билан бошланадиган бир мусаддас бор. Шоир унда уч  
шахс номидан сўзлайди. Ва уларни аввал «сокин майхо-  
на», «уч хароботий» кейин «уч аламкаш», «уч қаландар»,  
«уч биродар», «уч мусофир», «уч адойи», «уч навойи»,  
яъни навокаш, «уч ғарибий», «уч вафойи», «уч балокаш»,  
«уч мукаддар» ниҳоят яна уч хароботий ҳолатида шеър-  
хонга таништиради. Мусаддаснинг ҳар банди охирида:

Ер бизнинг ёримиз, жонон бизнинг жононимиз,  
Ушбу даврон бирла ўтсак йўқ эрур арвомимиз,—

сатрлари изчил такрорланади. Хўш, бу қандай жафосиз  
ёру, армонлардан фориг қанақа даврон? Жаҳон кезиб,  
«офоқни сар-басар», «вафодин аҳли оламини беасар» кўр-  
ган, сухан айлаб «ҳаманинг кўзи кўру қулоғи кар» лиги-  
га шубҳаланмаган ва:

Тамом сайр қилиб рўзгор боғини,  
Мурод нахлини топдимۇ бесамар кўрдим,—

деган шоир, нега ушбу мусаддасида гоаявий позициясидан  
бир қадар чекинди экан? Фурқатшунос олимларимиз бу

мусаддаснинг шоир поэтик меросидаги бошқа асарлардан ажралиб туришини ўринли таъкид этганлар. Масалан, Мақсуд Шайхзода ушн шоир лирикасининг «шоҳ асари саналишга лойиқ» деб баҳолаган эди.

Мусаддасда сўфиёна мазмундаги шеърларда гатбиқ қилинадиган сўз, ибора, анъанавий образлар анчагина. Лекин улар мутлақо бошқа мақсадга хизмат қилади. Шоир «уч қаландармиз, қаландархонада ҳамхонамиз» ёки «хонақоҳ кунжига бориб ёки тоат айлалук» деган ўринларда шунчаки лутф оҳангида гапиради. Ахир, тоат-ибодатга ихлоси зўр кишилар «ёки тоат айлалук», дея маъно вазини бу тарзда енгиллаштирмайди. Демоқчимизки, бундай вазиятларда сўзлагувчининг сўзига эмас, ҳолига боқ деган ҳикматга рўя қилишга тўғри келади. Мана ўшандагина руҳий моҳият очилади. Мусаддасда эса бош ҳақиқат — руҳ ҳақиқати. Унда эркинликдан «нашъа пайдо» қилган озод руҳ овози ва хаёлий манзаралари такрорланмас рангларда жонлантирган. Мана, тингланг;

Уч навиймиз, келинлар, азми гулшан айллал,  
Андалибга қўшулуб ул ерни маскан айллал.  
Куйдуруб гул шоҳу яфрогини гулхан айллал,  
Чил танни на этармиз, ўзни чор тан айллал,  
Ер бизнинг ёримиз, жонон бизнинг жонопимиз,  
Ушбу даврон бирла ўтсак йўқ эрур армонимиз.

Бу — руҳий ҳолат, самовий ҳислардан ёришган руҳнинг озод парвози. Бундай руҳий эҳтироснинг қудратини ичдан туймаган, юракка сиғдирмаган одам тобе, чекланган. Бошқанингмас, ўзининг, ўз вужудининг тобеси. Фурқат аввало ана шундай қарамликка қарши.

Умуман олганда, мусаддасда риндона ҳиссиёт ва кайфиятлар етакчидай. «Уч аламқаш» — гоҳо уч ҳақиқий ошиқ, уч исёнкор, гоҳо дин ҳомийларига ва таълимотиға ён бермас уч шаккок сиймосида ҳам кўзга ташланади. Буларнинг ҳаммасини инобатга олган ҳолда айтиш ке-

ракки, ушбу шеърнинг бош ва белгиловчи пафоси — эрк-севарлик. Шеърда гуноҳкор замин, бўғиқ замон, гумроҳликларга кўмилган жамият, бир-биридан баттар ақидапараст кимсалар, хуллас нобакор оламдан беҳад юқори эрк муҳити яратилган. Шунинг учун уни ўқиган киши қалбини, албатта, юксак сезади. Инсон руҳи дунёдаги энг озод қудрат эканлигига тўла инонади. Агар мусаддасдаги «Ҳолимиз дунё ғамидин фориғи кошонамиз», «Наҳрси домдурмиз, на асри донамиз», «Боқмалук дунё юзига, то анго ноз айлалук» шеър каби қаҳрамонлари характер мантиқларини таъкидловчи мисралар мазмуни ўша поэтик муҳитдан ажратилиб тушунилса, унда ҳурфикр бу уч биродар таркидунёчилик тарғиботчисига айланиб қолиши аҳтимол. Ҳолбуки, уларнинг қалб хоҳиши, асосий орзуси ҳижрон қафасидан қутулиб, ёр висолига эришмоқдир:

Уч вафойимиз, келинлар, азми гулзор айлали,  
Борғали ёр олдиға ўзни сабукбор айлали,  
Ёрни уйқусидин бир лаҳза бедор айлали,  
Хоҳ беҳуд бўлоли, хоҳ ўзни ҳушёр айлали...

Бизнингча, мусаддасда анъанавий ёр ва ошиқ образлари Фурқат учун кўпроқ восита бўлган. Шу воситада шоир замонасидаги ўз-ўзича голиб, эрксевар, мастликда бағоят ҳушёр, дарвешликда ниҳоятда оқил ва ориф кишиларнинг юрак оҳанглари, маънавий-руҳий интилишларини поэтиклаштирган.

Маълумки, табиатни севмаган, коинотга бағрини кенг очмаган шоир, қалбан оламнинг улур гармониясидан ажралиб қолади, борлиққа шуурсиз, сўниқ нигоҳ ташлайди. Бу ҳам ўзига хос тутқунлик. Чекланиш. Чин шоирда коинот билан сирлашадиган тил, фазовий кенгликларда чарх урадиган руҳий қавот шаклланмоғи шарт. Машрабининг «Руҳи жоним аршға етди мен ўзим осмониман», дейиши шунчаки гап бўлмаган. Фурқат ҳам ҳақиқий шо-

ирларга хос савқи табиий билан ижтимоий муҳитдан топмаган эркинликни инсон борлиқ ва табиат бағридан топиши муқаррарлигини мукаммал ҳис қила олган. Табиат нима? Бу — биринчи навбатда, ҳаёт, тириклик танта-наси. Гўзаллик, нафосат манбаи сифатида табиат сира туганмас ва чегарасиздир. Унинг ўзи — шоир, мусаввир ва тенгсиз меъмор. Шунинг учун ҳар жиҳатдан одам қалбини суяшда табиатга тенг қудрат йўқ.

Қадимги ҳинд эпоси «Маҳабҳарата» ҳикоятларидаги, бўғиқ муҳит толиқтирган, ёвузликлардан қалблари зада баъзи қаҳрамонлар табиат бағрига қочишлари, эркинлик истаб ўзларини табиатнинг она қучоқларига ташлашлари бежизмас. Қизиғи шундаки, улар ҳатто расмона кийимларини ҳам алмаштириб, тоғ, ўрмон, дашт ўтларидан тўқилган кўйлақлар кийиб юришади. Бунда рамз борлиги, шубҳасиз. Аслида инсон табиатни эмас, табиат инсонни оқ ювиб, оқ тарайди. Табиатнинг турфа ранг либосларидан «кўйлақ киймаган» Юрак яланғоч ва бағоят фэйзсиз қолаверади. Инсонни мана шу бадбахтликдан муҳофаза қиладиган, шу бахтсизликка қарши тивимсиз курашадиган Қаҳрамонлардан энг фаоли — Шеърият. Фурқат поэзиясида ҳам табиат ва инсон, инсон ва табиат муносабатлари анча кенг, жонли ва чуқур ифодаларини топган. Фурқат мусаввир шоир, сўз сувраткаши. У бир қатор шеърларида дилбар табиатли юрт манзараларини ёрқин чизади. Байтлардаги лавҳалар нафис. Ҳозибадор. Сиз уларда субҳидам шабнамларидан хуррам яшноқ сабзаларни кўрасиз. Гул уза абри найсонлардан тўкилаётган томчилар сасини тинглагандай бўласиз. Қумриларнинг хонишидан кўнгил яйрайди. Булбулнинг чаҳ-чаҳлари хаёлни нурлантиради.

Кийди кўк қилиб сувбул зулфини паришонлар,—

дейди шоир. Қандай кўркам тасвир. Хаёлни эгаллайди. Ёки мана бу чақинвор садолар-чи:

Бир саҳар эдим уйғоқ: ўт тутошди оламга,  
Тоглар чекиб ларза, титради биёбонлар.

Жонлантириш, кишини ҳодисанинг жовли иштирокчисига айлантириш санъати бундан ортиқ бўлади дейсизми? Фурқатнинг бундай ғазалларида сўз табиат унсурлари тимсолига кўчади. У — бир ҳолатда, навбаҳор шамоли — шўх, хушбўй, эрка. Бир байтда — мисоли сунбул, паршон. Сал кейинроқ сайроқи булбуллар оҳанглари аксеттиради. Фурқат ушбу овоз ва оҳанглардан таркиб топган ягона муаззам мусиқани юзага келтирадики, бу музика руҳни уйғотади, гофил инсон ақлини аллақандай тутқунлик, биқиклик губорларидан тозалайди. Фурқат «Навбаҳор айёми бўлди, келинг, эй аҳбоблар», «фасли навбаҳор ўлди кетибон зимистонлар», мисралари билан бошланадиган ғазалларида одамларни фақат табиатдан завқланиш, ҳаётий баҳра топиш ёхуд гўзалликлар салтанатигагинамас, балки эркинликка, эрк шавқларини суршишга ҳам чорлайди. Бу шеърлар умри «ранжу гуссага» ботганларга қаратилган поэтик таклиф — ҳурлик нашъасидан ҳузурланишга таклифдир. Шунини ҳам қайд қилмоқ лозимки, инсон эркинлиги ва табиат, кoinот ва шахс озодлиги Фурқат дунёқарашида айтарли битта тушунча. «Гулшан», «чаман», хусусан, «сахро» образининг шоир лирикасида фаол қўлланиш сабаби ҳам шунда. Ҳамият тараққиёти қонуниятлари, озодликнинг ижтимоий-сиёсий йўллари афроғлича билишгача бориб етмаган Фурқат шеърларида эрксеварлик мотивлари у ё бу шаклда асосан она табиатга боғланади. Шоирнинг зулм ва зўравонликка қаҳр ҳислари билан йўғрилган, эрк ва озодлик гоёси фавқулодда таъсирчан пардаларда тараннум этилган машҳур «Сайдинг қўябер, сайёд» мусаддасини эсланг. Унда оҳу — тутқунлик рамзи. Ҳуқуқсиз, хўрланган кишилар тимсоли. Шоир оҳунинг зolim ва ситамкор сайёд бандидан буткул халос бўлиб, озод яшашини тилайди. Бу эркинлик қандай зоҳир бўлиши мумкин? Муаллиф

тасаввурига кўра: тоғларга чиқиб у ёри билан пайваста кезганда, «ёмғир суви тўлганда, тоғ долани жом» қилганида; «тоғда очилиб лола, ер сабза баҳор ўлса», анга оламни тор этиш бедодлигига барҳам берилса. Ҳеч шубҳасиз, бу шеърӣй далиллар оҳу образи характер талаби ва моҳиятидан келиб чиққан. Аммо улар классик поэтикадаги ташхис усулида шундай шахслантирилганки, ўқувчида беихтиёр «ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра», «куйган жигари — бағри садпора» ғуссакаш одам эркинлиги ҳам бевосита мазкур омилларга алоқадор, деган таассурот кўзғалади.

Фурқат шеърӣяти — инсоннинг ўз-ўзини чеклайдиган ички қуллик, якранглик ва онгин бўғадиган фикрий кичанлардан халос қилишга актив ҳисса қўшадиган соҳир шеърӣят. Заминнинг қайси бурчагидаки, ҳақсизликдан мардумнинг дарди ичига сирмаётган бўлса, демак, Фурқат эрк сайёдларини лаънатлаётир. Демак, унинг шеърларидан бахтсиз кишиларнинг қайғу ва армон сўзлари эшитилмоқда. Шу маънода Фурқат ўтмишинигина эмас, бугуннинг, бир миллатнинггинамас, кўп халқларнинг ҳам шоирдир.

1985

## ДОНИШ ВА АДАБ ДАРҒАСИ

Аҳмад Дониш (1827—1897) Бухорода яшаб ижод этган Ўрта Осиё халқларининг буюк мутафаккир адиби. Аҳмад Дониш файласуф ёзувчи, маърифатпарвар олим, халқ ва Ватан тақдирига доимий қайғурган жамоат арбоби сифатида ўчмас ном қолдирган. Садриддин Айний уни Бухоро осмонидаги ёруғ юлдуз деб таърифлаган эди. Чиндан ҳам Аҳмад Дониш амирлик тузуми шароитида нодонлик, жаҳолат зулматлари устида порлаган, илмий-адабий фаолияти нурга тўла ёрқин юлдуз юксаклигига кўтарилганди.

Донишнинг отаси деҳқон насабидан, асли ҳозирги Вобкент районидаги Суғд қишлоғилик бўлган. Садриддин Айний «Эсдаликлар»да унинг шу жойга сафарлари, авлод ва ота қишлоғи кишилари билан учрашувлари ҳақида қизиқарли фикрларни ёзиб қолдирган. Дониш мадрасада таҳсил кўрган. Ижодий қобилиятининг шаклланиш босқичларида Шарқ адабиёти, айниқса, Ибн Сино, Умар Ҳайём, Алишер Навоий, Муҳаммад Фузулий, Мирзо Бедил асарларини қунт билан ўқиб-ўрганган. Мана шу санъаткорларнинг гуманистик ғоялари, адабий-эстетик анъаналари ва уларнинг таъсирларисиз Аҳмад Дониш ижодиётининг камолотини тасаввур этиш мумкин эмас.

Аҳмад Донишнинг истеъдод қирралари хилма-хил. У илмнинг бир неча соҳалари билан машғул бўлган олим, шоир, публицист, мусиқашунос ва рассомдир. Айтишларича, унинг болалиқда чизган бир сувратида Минораи Калон ва Бухоро аркининг акси кўрсатилган экан. До-

ниш яратган расмлар мазмун ва манзара эътибори билан ранг-баранг. Тасвирий санъатда ҳам уни илм тарғиботчиси, ўз муҳитига сирмаган, мутелик, нодонликларга қарши борган Шахс толеига куйинувчи, Ватан ва фарзанд бирлигини ўйлайдиган ижодкор қиёфасида кўрмоқ мумкин. «Мактаб», «Шоир ва дарвеш» деб номланган асарларда ана шундай ғоялар ифодаланган. «Мажнун саҳрода» деб аталган иккита миниатюрани кўрган одам, ҳеч шубҳасиз, чиркин воқелик, бўғиқ муҳитдан безган Дониш маънавий ҳаёти ҳақида ҳам хаёлларга берилади. Донишнинг «Лайли ва Мажнун», «Юсуф ва Зулайҳо» каби ишқий-афсонавий дostonлардаги воқеаларга доир сувратлари кўпчилиكنинг диққатини тортган. «Мен Аҳмад маҳдум кўчириб, расм ва лавҳалар билан безаган бир «Юсуф ва Зулайҳо»ни уч юз пуд буғдойга сотилганини кўрганман», — дейди Айний.

Тарих тупроғимизда камол топган кўплаб ўлмас санъаткор ва маърифат дарғаларини билади. Улар авлодлар хотирасида узоқ яшайдиган сиймолар. Аммо замон ўтиши билан Вақт уларнинг буюклик сирларини ўзича текширади, янгидан баҳолайди. Бу — ҳақиқатни собитлаштирадиган ягона тўғри мезон. Мана шунда чинакам ижодкор шахси ва фаолиятига тепадан туриб қараш ноҳақликлари ҳар жиҳатдан очилаверади. Француз олими Пьер Эжен Бертло «Фан тафаккурни озод қилади, эркин тафаккур эса халқдир», — дейди. Бу фикр кўп томонлама Аҳмад Донишнинг ижодий фаолияти ва инсоний иштилишларига мос келади. Аҳмад Дониш учун илм ва маърифат воситасида тафаккурни озод этнш бош мақсад, асосий вазифа эди. У бутун қобилияти ва меҳнатини шу машаққатли иш равнақиға бағишлади. Тафаккури ҳур бўлмаган кимсаларни донишманд олим халқ қаторига қўшмасди. Бундайлар эса озчилик эмасди. У ватандошлари онги ўсиши, жиддий илгариллаши зарурлигини қаттиқ ҳис этарди. «Ҳасадгўйлик, кўролмаслик, иттифоқсизлик, такаббурлик каби бузуқ, ярамас ишлар бошқаларга



қараганда мусулмонлар ичида кўпроқ» томир ёзганлигига Дониш тўла ишонч ҳосил этганди. Унингча, одамларни бу иллатлардан қутқариш воситаси ҳам илм эди. Шунинг учун у Шарқ маданияти бойликлари билан бир қаторда Ғарб ва рус маданияти, фани илғор ютуқлари тарғиботчиси сифатида ўз муҳитида фаол эди. Аммо олимнинг кўп ҳаракатлари зое кетди. Акс ҳолда у «Во дариг! Бизнинг замонамизда қулоқлар кар, кўзлар кўрдир. Биргина йўл қолди: нимани билсанг, ўшани ёзиш, ўзинг ўқиб, ўзинг йиғламоқ учун уни қоғозга битиш керак. Бундан ўзга чора йўқ!»— дея ҳасрат чекмаган бўларди. Аҳмад Донишнинг чорасизлик сабаблари, дарду изтиробларининг маъно ва мундарижалари «Рисола ё мухтасаре аз тарихи салтанати хонадони манғития» асарида ҳам бир қадар равшан ифодасини топган.

Аҳмад Донишнинг энг йирик асари «Наводирул вақое», яъни «Нодир воқеалар» номли китобидир. Муаллиф уни «бу китоб турли илмлардан ёндирилган бир чиродир». — деб сифатлайди. Айтиш мумкинки, бу чиродир энг аввало, Аҳмад Донишнинг руҳида чарақлаб, қалб ва тафаккурида ёлқинланган. Шунинг учун ҳам унинг улкан Шахси ва теран ички олами китоб саҳифаларидан нурланиб туради. Мана бу жумлаларга диққат қилинг: «Киши ақл тажрибасини оширса, руҳини покласа, у, шубҳасиз, илм ва ҳунарнинг қадр-қийматига етади. Шунинг учун соф руҳлик, оқил одамлар, бошқа кишилар у ёқда турсин, ҳатто подшоҳларга ҳам... бош эгмайдилар». Ушбу сўзлар ғойибдан пайдо бўлмаган. Балки руҳи пок, ақл ва тажрибаси камол топган мағрур Дониш дилидан чиққан.

«Наводирул вақое» — қомусий характердаги асар. Унда акс эттирилган маъно ва воқеалар хилма-хил, бири-иккинчисидан муҳим ҳамда таъсирли. Уни ўқиб шундай бир умумий хулосага келса бўлади: оламда битта эзгулик бор — билим, битта ёвузлик бор — нодонлик. Ҳаётда қолган қанчаки эзгулик ва олижаноблик бўлса, барча-

барчаси билим мевалари, қанчаки жаҳолат ва майдакашликлар бўлса, ҳаммаси подонлик самараларидир. Дониш талқин этган марказий ҳақиқат мана шу! Олимнинг маслақ ва эътиқодига кўра, илм нималарнидир англаш, қандайдир даъволарни исботлаш деганигина эмас, биринчи галда, руҳни поклашдир. Маънавий ҳузурланиш руҳий тозаланишдан бошланади. Бунга эришилмаса, олимлик — билимли гофиллик. Шу жойда Аҳмад Дониш устоди Мирзо Бедилга жуда яқин ва издош. Бедил илмли жоҳиллик ҳақида сўзлаб, илм лофи — ҳавойи билимдонлик юзага чиқса, маънавий ҳузурланиш ўрнини ботиллик эгаллайди дейди:

Яъни то лофи дониш орад ба миёп,  
Авқоти ҳузурӣ маънави ботил шуд.

Афеусланарлиси шундаки, Аҳмад Донишнинг тириклик чоғларида «Наводирул вақое» ниҳоятда кам кишиларга маълум бўлган. Муаллиф ўз қўли билан кўчирган ягона нусхасини Сидиқхон Ҳашмат деган кишига тақдим этган. Айниининг маълумотига қараганда, Дониш асарларининг мухлиси Шарифжон маҳдум нусха кўчириш учун китобни омонат олган. Бу ишни эса хаттот Абдулвоҳид Мунзим амалга оширган. Шундан сўнг асар яширин тарзда баъзи олиму фозиллар даврасида ўқиб турилган. Шоир Муҳаммад Сиддиқ Ҳайрат Аҳмад Дониш билан олдинроқ учрашиб, адибнинг водир бу китобини ўз пайтида ўқий олмаганлигини бир армон деб билган экан. Бугун Ҳайратнинг ўша сўзларини унга маслақдош миңглаб кишиларнинг армони ўрнида қабул қилиш керак.

«Рисолаи назми тамаддун ва таовун» — мамлакатни бошқариш ва халқни маърифатли қилиш ҳақидаги рисола «Наводирул вақое»нинг бошланмасини ташкил этади. Рисолада амрлик тартиботи, давлат арбобларининг халқ билан қандай муомала қилишлари, шоҳ ва ҳарбий кучлар, давлат мажлисларини ўтказиш қоидалари каби қа-

тор масалалар баён этилган. Муаллиф шоҳларни инсоф ва адолатга чорлайди. «Оқил бўлмаган одам ҳеч қачон одил бўлмайди», деб уларни оқилликка тарғиб этади. Аҳмад Донишнинг даъволари кўп ўринларда исботли. Адиб шу мақсадда ривоят, афсона, халқ ҳикоятларига мурожаат этади. Улардан бирида нақл этилишича, Довуд пайгамбар кечалари ўзини танитмасдан эл ичида юриб, дуч келган одамлардан «Доуд қандай одам?» деб сўрар экан. Бир кун Иброил одам қиёфасида унинг олдидап чиқибди. Доуд унга ҳам ўша саволни берибди. Шунда Иброил «Доуд яхши одам, бироқ овқатини хазинадан олиб, ўз меҳнатидан емайди», дебди. Буни эшитган Доуд оллоҳга сажда қилиб йиғлабди: «Э худоё, менга бирор ҳунар ўргатгил, ўз меҳнатимда кун кечирай!» Оллоҳ унга темирчилик ҳунарини ўргатган эмиш. Диний қобиғидаги бу ривоятнинг моҳияти муҳим ва эскирмасдир. Яъни: кимлигидан қатъи назар, инсон меҳнат ва заҳматга қодир бўлмоғи шарт. Бошқа ривоятда айтилишича, тўғри иш юритадиган бир амалдор жаҳонгир Искандар олдида сира таҳликага тушмай сўзининг чинлигини исботлабди. Искандар ундан «Сен мендан қўрқмайсанми?— деб сўрабди, айни пайтда дадиллигини синамоқ бўлиб. Ҳалиги киши эса «Тўғри одам юрагига худо қўрқув солмайди», дея жавоб қайтарган экан. Хукмдорлар ҳузурда қўрқиб, қалтираб ҳақиқатни айта олмаслиқни Аҳмад Дониш икки нарсада кўради. Биринчиси, имон бўшлиғи. Иккинчиси, чин эътиқоднинг йўқлиғи. «Қуруқ хушомадлар, бемаъни мақташлар билан давлат ишлари ривожлана олмайди, халқ аҳволи яхшиланмайди», деганида буюк Дониш нечоғлиқ ҳақ бўлган ва узоқни кўра олган.

Китобнинг кейинги қисмларида дунёнинг қадимийлиги руҳ ва унинг танга алоқаси, оқилларнинг меҳнати ва аҳмоқларнинг давлати, муҳаббат ва оила, мажозий ишқ, шунингдек, адибнинг Россияга сафарлари ҳақида ҳикоя қилинади. Дониш нима масалада фикр юритмасин, қандай инсофий фазилатларни улуғлаб, қайси тубан хусуси-

ят ва кирдикорларни қораламасин, «Ҳақиқатда... инсон улуг оламдир. Унга қараганда бу олам кичик оламдир», деган фалсафий ақидасига содиқ қолади. Инсонни у шушчаки шарафламайди. Унинг тафаккур миқёси, руҳ ва қалб мустақиллиги, ақлан жаҳон сирларини билишга интилишга таяниб баҳолайди. «...Одам алайҳиссаломдан тортиб шу кунга қадар ўтган асрларда ақлли кишилар, илм-фан эгалари доимо офат ва балоларга йўлиқиб келганлар. Оқил ва доноларнинг ўзларига яраша нуфуз ва эътиборга эга бўлганликлари ҳеч бир тарихда ёзилмаган»,— дейди Дониш. Олим жамият ва ўз муҳитидаги қарға, қузғунлар орасида ўгай, ўзини бегона сезган ақл ва маърифат эгаларини улуғлайди. Донолик — бу, азоб ва армонда яшамоқ эканлигини изчил таъкидлаб боради.

Доно сўзнинг умри узоқ. Юрак тажрибаларидан туйилган насиҳат сўзларнинг ҳаёти эса янада олис. «Ешим элликка етиб, бошимдан яхши-ёмон ишлар ўтди,— дейди Аҳмад Дониш,— тирикчиликнинг оғир ва енгилликларини кўтардим, аччиқ-чучукларни кўп тортдим». Ана шулардан орттирган фикру туйғуларини ёзувчи асарнинг «Фарзандларга васият. Касб-ҳунарнинг фойдалари ҳақида» деган бобида умумлаштирган. Донишнинг ҳукмича, инсон фарзанди эгаллаши шарт бўлган бош илм сийратни мукаммаллаштириш, яъни ички дунёни бойитиш. Сийрат аҳтиёжлари олдида ташқи нарсалар — мол-давлат, мансаб, обрў ҳеч нима эмас. Шунинг учун у фарзандларига «Сувратларингни эмас, сийратларингни тузатинглар»,— деган талабни қўйган. Сийратни тузатиш эса бевосита тама, ҳасад, ғийбат, хушомад, лаганбардорлик каби қатор-қатор ярамас иллатлардан покланишга ҳам боғлиқ.

Аҳмад Донишда камдан-кам кишиларга nasib қилдиган олий бир сифат бўлган. Бу — ёлғизлик изтиробларига чидаш, таянчликда фикрий заҳмат чекиш қобилияти. Улуғ одам ёлғизлигига дафъатан эриша қолмайди. У бе-ёмон руҳий меҳнат, тушкунлик ва некбиллик заҳматлари

ичидап ўзининг ёлғизлик марраларига кўтарилади. Ҳамма нарса пул билан ўлчанадиган, мансаблар, виждон ва эътиқодлар манфаату обрўга сотиладиган, муомала-муносабат самимияти емирилган жамият кишилари даврасида виждони уйғоқ ижодкор янада ёлғиздир. Аҳмад Донишнинг «На уламо ва на машойихларнинг суҳбатларидан, на балогатли, ғасоҳатли шоирларнинг улфатчилигидан... руҳим роҳат топмасди», деган сўзларни ёзиши бежизмасди, албатта.

Ушбу бобдаги шеър ва шоир баҳсидаги фикрлар ҳам диққатга молик. Аҳмад Дониш шеърни мисдан тиллони фарқлайдиган маҳак тошига ўхшатади. Чунки шеър шоирнинг қимлиги ва нималарга қодирлигини намойиш этади. Шоир кўрқоқ, талантсиз ёки инкиюзламачи бўлса — бунинг кўзгуси шеър. Ҳақиқатда шундай. Улуғ Дониш кўрсатмаларига таяниб бугун ҳам қанчадан-қанча шоирларни фаш этиш мумкин. Уларнинг бирлари истеъдодли. Аммо ўлгудай эҳтиёткор. Жасорати мисқолли. На сик қуйсин, на кабоб қабилида иш кўрувчидир. Яна бошқасининг маслаги — маслаксийлик. Ҳар сўзидан мутелик ва сотқинликнинг бўйи анқиб туради. Шоирда битта ҳуқуқ ва ягона имтиёз бор — ҳақгўйлик. У фақат халқ, заҳматқаш омма эркини кўзлаб, сўз дурларини тизиши керак. «Дурри гавҳар назм этиб, эшак оёғига ташлайдиган» тамагир шоирлар тавқи лаънатга маҳкумдирлар, дейди Аҳмад Дониш. Бизда бундай шоирлар ҳам исталганча топилишини ҳаёт тасдиқлаб берди.

Форс-тожик шоири Урфи Шерозий ғазалларидан бирида «Мен ўлимдан чўчимайман, ғамнинг отасиз қолишидан кўрқаман. Чунки менинг бу суюкли боламини етимлик дарбадар қилади»,— деган фикрни ёзган. Аҳмад Донишда ҳам худди шундай. У ўлимдан таҳликага тушмаган. Лекин дарду ғуссалари унингсиз бўзлаб юришини яхши ҳис этган. Унинг дардларини, ғам билан битилган асарларини биз бугун ақл ва тафаккур жасорати тарзида қабул қиламиз. Демак, Аҳмад Дониш армон ва шижо-

атни ҳам мерос қолдирган. Адиб ва олим ҳақиқатга содиқ наслларга ўзининг умидларинигинамас, азобларини ҳам ирониб кетган. Балки шунинг учун у «Авлодлар менинг ёзганларимни ўқиганларида, фақат ҳақиқатни кўрмоққа қодир бўлганларигина менга миннатдорчилик изҳор этишсин»,— деган эди. Бу васият сўзларига бепарво бўлиш гумроҳликдир.

1986

## МУНДАРИЖА

### I

Аҳмад Яссавий . . . . .	3
Шеърят карвони . . . . .	46
«Қулоқ солсанг Атош сўзларига...» . . . . .	55
Шеър — оғриқли оҳанг . . . . .	67
Энг улуг шеър — дард ва армон . . . . .	100
Увайсий шеърят . . . . .	116

### II

«Эл петиб топкай мениким...» . . . . .	153
«Ешунгон эмиш қора булутқа моҳим...» . . . . .	167
Шеърят — руҳий мупосабат . . . . .	174
Лутфий ва Бобур . . . . .	193
Таносиб санъати ва шоир маҳорати . . . . .	203
Огаҳий бадий ижод қонуниятлари ҳақида . . . . .	214
Улмас оҳанглар . . . . .	223
Дониш ва адаб даргаси . . . . .	231

Литературно-художественное издание  
Ибрагим Хаккулов  
ПОЭЗИЯ — ДУХОВНОЕ ОТНОШЕНИЕ

Литературно-критические статьи  
Художник *В. Шумилов*  
Ташкент, издательство им. Г. Гуляма

На узбекском языке  
Адабий-бадий нашр  
Иброҳим Ҳаққулов

ШЕЪРИЯТ — РУҲИЙ МУНОСАБАТ  
Адабий-танқидий мақолалар

Редактор *А. Шаронов*  
Расмлар редактори *В. Немировский*  
Техн. редактор *Н. Сейдуллова*  
Корректор *У. Сайдуллаев*

ИБ № 4259

Босмахонага берилди 07.12.88. Босилган рухсат этилиди 30.10.89. Р 02825.  
Формати 70×108/32. Босмахона қоғози № 2. Адабий гарнитур. Қўвори  
босма. Шартли босма л. 10.5 Шартли ир. оттири 10.5. Нашр л. 10,22. Ти-  
ражи 5000. Заказ № 1189/183. Баҳоси 95 т. Шартнома 117 — 88.

Рафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129. Тошкент,  
Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб сандоси ишлари Давлат ко-  
митети «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош корхо-  
насида терилди, 3-босмахонада босилди. Тошкент — 700194, Юнус-обод,  
Муродова кўчаси, 1.